ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

I-ҚИСМ

(2017 йил, 25-27 май)

Самарқанд 2017

УДК: 338.46

“**Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари”.** Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари.

Самарқанд, СамИСИ, 2017 йил 25 – 27 май 300-бет.

«Проблемы инновационного развития сферы услуг» Материалы международной научно-практической конференции. Самарканд, СамИЭС, 25-27 май 2017г., с. 300.

Ушбу илмий тупламда иқтисодчи олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистларнинг хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг назарий масалалари, иқтисодий-молиявий механизмини такомиллаштириш, АКТ, менежмент ва маркетинг хамда бу соха учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоларига бағишланган мақолалар ва маъруза тезислари киритилган.

Тупламдаги материаллардан профессор ўқитувчилар, катта илмий ходим изланувчилар, магистлар, талабалар ва амалиёт ходимлари фойдаланиши мумкин.

В научный сборник включены статьи и тезисы докладов ученных – экономистов, старших научных сотрудников, магистров, посвященные методологическим аспектам, совершенствованию финансово-экономического механизма, внедрению информационно-коммуникационных технологий, менеджменту и маркетингу инновационного развития сферы услуг, а также проблемам повышения конкурентоспособности кадров этой сферы. Сборник предназначен для преподавателей, старших научных сотрудников, магистрантов и практических работников.

Ташкилий қўмита аъзолари

Д.Х.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректор, раис
К.Б.Уразов	СамИСИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, аъзо
З.Д.Ниёзов	СамИСИ «Банк - жамғарма иши» кафедраси мудири, аъзо
О.Ж.Суюнов	СамИСИ «Касб-ҳунар таълими» кафедраси мудири, аъзо
Ж.Р.Зайналов	СамИСИ «Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси мудири, аъзо;
И.С.Тухлиев	СамИСИ «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси мудири, аъзо;
Р.Амриддинова	СамИСИ «Халқаро туризм ва туризм сервиси» ўқитувчиси, аъзо;
Л.Н.Халикова	СамИСИ «Касб-ҳунар таълими» кафедраси ўқитувчиси, аъзо
Н.Р.Зайналов	СамИСИ «Ахборот технологияси» кафедраси мудири, аъзо
Ш.А.Султонов	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси кафедраси мудири, аъзо
Э. Файзиев	СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
М.Қ.Пардаев	СамИСИ«Статистика ва менежмент» кафедраси профессори, аъзо
Р.Н.Нормахматов	СамИСИ «Маркетинг» кафедраси профессори, аъзо
С.Ў.Ҳусенов	СамИСИ Босмахона директори, аъзо
Ф.Ишанкулова	СамИСИ «Илмий бўлим»ходими
Х.Мадиллоева	СамИСИ «Илмий бўлим»ходими

Муаллиф нусхасидан чоп этилди.
Мақолаларнинг мазмуни ва орфографик хатоси учун муаллифлар ўзи жавобгар

Отпечатано с авторских оригиналов
За содержание и достоверность указанной информации несут ответственность авторы

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ, УНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Ҳ.А.Раҳимов – СамИСИ ўқитувчиси

Аннотация*: мақолада мамлакатимизривожлантиришнинг янги босқичга ўтганлиги, унинг мазмуни ва асосий йўналишлари қараб чиқилган. Унда бугунги қабул қилинаётган дастурлар, режалар ва барча чора-тадбирлар, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш эвазига уларни рози қилишга қаратилган сиёсат ёритилган. Янги босқичнинг асосий йўналишлари ҳам назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар*: янги босқич, иқтисодиёти, иқтисодий барқарорлик, хусусий тадбиркорлик, самарадорлик, модернизация, диверсификация, инновация, иқтисодиёт, рақобатбардошлик, устувор вазифа.*

Аннотация*:в статье рассмотрены переход развития страны на новый уровень, его сущность и основные направления. освещено влияние принимаемых программ, планов и действие на повышение уровня и качества жизни населения.указаны основные направления нового этапа с теоретической и практической сторон.*

Ключевые слова: *новый этап, экономика, экономическая стабильность, частное предпринимательство, эффективность, модернизация, диверсификация, Инновация, конкурентоспособность, приоритетные задачи*

Abstract: *The article considers the transition of the country's development to a new level, its essence and main directions. The influence of the adopted programs, plans and actions on raising the level and quality of life of the population. The main directions of the new stage are indicated from the theoretical and practical sides.*

Keywords: *new stage, economy, economic stability, private enterprise, efficiency, modernization, diversification, Innovation, competitiveness, priority task*s

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стротегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стротегиясини тасдиқлашга бағишланди.

Бундай ҳаракатлар стротгиясини қабул қилишга қандай зарурият туғилди, чунки мамлакат тараққиётининг ўзига хос “Ўзбек модели” мавжуд эди-ку, деган саволнинг туғилиши табиий. Агар унинг мазмун моҳиятига чуқур кириб борилса, ушбу ҳаракатлар стратегиясининг пайдо бўлишига объектив зарурият туғилди. Зеро, ушбу ҳаракатлар стротегияси дунё тан олган “Ўзбек модели”нинг, бугунги кун талабидан, тараққиёт тажрибасиданкелиб чиққан, тўлдирилган мантиқий давоми, дейиш мумкин. Чунки, ушбу ҳаракат стротегиясида ҳам ўзимизга хослик барча бандларида сезилиб турибди. Ушбу ҳолатлар қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш

учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Чунки, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб, ҳар йили мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари белгиланиб, уларни амалга ошириб келинди. Бунга сабаб янги жамиятни қуриш, унинг муаммоларини бирданига ҳал қилиш бизга мерос бўлиб қолган қолоқ иқтисодиёт билан имкони йўқ эди. Шу туфайли муаммоларимизни босқичма-босқич ҳал қилиб келишга мажбур эдик. Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, шу ўтган 25 йил давомида 60 га яқин устувор йўналишлар белгиланган ва уларнинг бажарилиши таъминланган. Бу биргина иқтисодиётни оладиган бўлсак, мулкни хусусийлаштиришдан тортиб, уни модернизация ва диверсификация қилишгача, иқтисодиётда оддий тартиб ўрнатишдан тортиб, унга инновацион омилларни тадбиқ этишгача бўлган жараёнларни бошимиздан кечирдик. Шу даврда ривожланишнинг ҳуқуқий асосияратилди, жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзимизга хос йўллари ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, дунё миқёсида глобаллашув жараёнинг кучайиши натижасида халқаро рақобатнинг кескинлашиб бориши рўй бераётган ҳозирги шароитда, бирданига бир қанча муаммоларимизни ҳал қилиш зарурати туғилди ва мос равишда унга иқтисодий, интеллектуал ва маънавий имкониятларимиз етарли даражада шаклланди. Ушбу имконият ҳам мамлакат тараққиётини янги босқичда давом эттириш мумкинлиги учун замин бўлди.

Учинчидан, ҳозирги шароитда мамлакатимизнинг ички имконияти ва ташқи дунё билан ҳамнафаслигидавлатимизни ҳар томонлама (сиёсий жиҳатдан, қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш) жадал ривожлантириш заруратини туғдирди. Энди эскича яшаб бўлмайди, чунки муаммоларнинг асосий қисми ечилиб, тараққиёт учун замин яратилган бир паллада, тараққиётни таъминлаш учун барча имкрониятларни ишга солиш вақти келди.

Тўртинчидан, юқоридаги имкониятларнинг ҳаммаси мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун тараққиётнинг янгича тамойилларини ва ёндошувларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни ҳам тақозо қилди. Пировардида тараққиёт йўлимизни кенгайтириш имконияти туғулди ва шунга мос равишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стротегияси ишлаб чиқилди.

Буларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

1. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш.

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

3.Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш.

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

5.Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш.

Хуллас, мазкур стротегияда барча соҳалар бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган ҳамма томонларини тўлиқ қамраб олган чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу кўзда тутилган тадбирлар мамлакатимизнинг бугунги, эртанги ва келажак истиқболдаги ривожланиш йўналишларини аниқ белгилаб берадиган бўлди. Шундай қилиб, 2017

йилдан бошлаб жамиятимиз тараққиётида янги кенг қамравли ривожланиш босқичи бошланди.

Ушбу кенг қамрвқли тараққиёт йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, олдинги тараққиётимизни таъминлашга қаратилган вазифаларимизда тараққиётнинг айрим устувор йўналишлари белгиланган бўлса, эндиликда ривожланиш даражаси шу ҳолатга етдики, жамият тараққиётини таъминлашга қаратилган кенг қамравли муаммоларимизни бирданига ҳал қилиш имконияти туғилди ва шу жиҳатдан 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида жамиятни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг ҳамма қирралари инобатга олинди.

Иккинчидан, эндиги ривожланиш иқтисодий тараққиётимизнинг ижтимоийлашган-лигини яққол ўзида намоён қилмоқда. Мамлакатимизда том маънода ижтимоий йўналтирилган характерга эга бўлган иқтисодиёт ва уни амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳаракатлар стратегиясининг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда. Буларни кам таъминланган ва ёш оилаларга арзон уй-жойлар билан таъминлашдан тортиб, пенсионерларга ва ногиронларга ижтимоий кўмаклашиш даражасигача аҳамият бериладиган ишларнинг амалга оширилаётганлигида кўриш мумкин.

Учинчидан, бажарилиши лозим бўлган дастурларга киритилган масалалар асосан халқ билан мулоқот орқали аниқланмоқда, уларнинг дарду-ташвишларини ҳал қилиш, уларни рози қилишга қаратилган бўлиб, ушбу вазифаларларнинг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда ва уларнинг бажарилиши қаттиқ назоратга олинган. Мамлакат тараққиётини белгиловчи чора-тадбирларнинг бажарилиши бевосита инсон манфаатларига хизмат қилиши билан характерлидир.

Тўртинчидан, ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мутаносиб ривожланишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнингбелгиланганлиги ҳам тараққиётимизнинг янги босқичини ўзида ифода этади. Бугунги кунда узоқ қишлоқларга ҳам маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналарнинг барпо қилиниши эвазига янги иш ўринларини яратадиган чораларнинг кўрилиши кўзда тутилганлиги тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам янги мазмунга эга.

Бешинчидан, давлат раҳбарлари қуйидан то юқоригача халқ билан бевосита мулоқотга киришиб, улар ўртасидаги девор олиниб ташланди, энди халқ ўз дардини бемалол раҳбарларга айтадиган ва уни жойларда ўз вақтида ҳал қиладиган бўлди. Бу ҳам тараққиётнинг янги йўналишларидан бирини ташкил қилади.

Олтинчидан, барча кўзда тутилган амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар учун маблағларнинг манбаси (давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, хусусий сектор, нодавлат ташкиортлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хорижий инвесторлар маблағлари) аниқ белгиланганлиги, кенг кўламли ишларни амалга оширишнинг ижроси тўлиқ таъминланишига кафолатдир. Инвестициясиз тараққиётни таъминлаб бўлмайди ва мос равишда, ҳар қандай тараққиёт ўзига сарфланган маблағни оқлашга қаратилган бўлишлигини ҳам тақозо қилади. Шу туфайли, бугунги кунда тараққиётимизни тегишли маблағлар билан таъминласак, эртанги истиқболда, уларнинг қайтими сарфланган харажатларни бир неча баробар қоплаши тайин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стротегияси жамият тараққиётида янги босқичда амалга оширилимоқда. Муҳими, мазкур кенг қамравли ислоҳотларда кўзда тутилган барча чора-тадбирлар аҳолининг фаровонлигини таъминлашга, уларнинг яшаш даражаси ва сифатини ошириш орқали давлатдан, давлат идоралари ходимларидан рози бўлишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мос равишда, ислоҳотлар ҳар бир фуқарор ҳаётига дахлдор экан, фуқароларимиз ҳам ушбу ислоҳотларнинг амалга оширилишида оддий тамошабин эмас, балки фаол иштирокчи, шахсан масъуллигини ҳис қилиб яшайдиган руҳиятга эга бўлишлиги керак. Ушбу ҳолат тараққиётнинг янги босқичида парвоз қиладиган қушнинг иккита қаноти, яъни иқтисодий омиллар билан бирга маънавий юксалишни бирга олиб боришни тақозо қилади.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОДЕЛИ

Курбонов Ж.М. - СамИСИ Профессор
КурбоноваМ.Ж. - СамИСИ тадкикотчи
Мусинова М- СамИСИмагистрант

Аннотация: *Илмий мақолада хизмат сифатини шакллантирувчи омиллар, сифатнинг маҳсулот ва хизмат кўрсатиш турларига бўлиниши,маҳсулот сифати ва унинг ривожланиш механизми янги модели келтирилган.*

Калит сўзлар:*хизмат сифати, комплекс хизмат кўрсатиш, сервис, физикавий кимёвий жараёнлар*

Аннотация: *В научной статье приведеныфактори образующие качество услуг и делением ее на качества продуктов и обслуживания сферы услуг приведена новая модель механизма развития ее.*

Ключевые слова: *качество услуг,комплексное обслуживание, сервис, физико химическое процесс*

Annotation: *In the scientific article the factors that form the quality of service and its division into the quality of products and services are given a new model of the mechanism of its development.*

Key words: *quality of service, complex service, service, Physicochemical process.*

Маълумки хизмат сифатини шакллантириш бир қатор омиллар таъсирида амалга оширилади. Хизмат сифатини шакллантиришдаги барча омиллар уч гуруҳга бўлиш мумкин .

Биринчи гуруҳ омили хизмат сифатини бажариш ва қанчалик хизматни комплекс бажаришга тайёргарлик (инновацион хизмат турларини ишлаб-чиқиш; конструкторлик ва технологик тайёргарликни такомиллаштирилгани; хизматни бажаришда технологик жараёнларнинг самарадорлиги, материалларни сифати қандай, у ёки бу хизматни бажаришда қўлланаётган технологиянинг инновационлиги, қўлланилаётган жихозлар замонавий техник даражага тўғри келиши ҳисобга олинади.

Иккинчи гуруҳ омили мижозларга хизмат сифатини таъминлашга таъсир қилади. Маълумки, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш асосий вазифа

бўлиб, хизмат оладиган буюртамчига минимум вақт сарфланади. Шунинг учун бу гуруҳ омиллари орасида қуйидагиларни хисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш қандай даражада таъминланганлиги (бир жойда кўрсатилаётган хизмт тури ва гуруҳ сони);

- сервис сохаси корхонаси хизматни истеъмолчига етказиб бериш услублари (хизмат кўрсатиш шакллари)ни қўллайди, ушбу шаклни истеъмолчи қандай баҳолайди, сервис соха корхонасини жойлашиши; қўлланилаётган иш режими; мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва этика даражаси.

Учинчи гуруҳ омили хизмат бажариш хамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилади. Ушбу гуруҳ омиллардан энг ахамиятлилари қуйидагилар ҳисобланади: персоналнинг касбий ёки малакавий даражаси; замонавий меҳатни ташкил этиш даражаси (меҳнатни ажратиш ва кооперация шакллари, меҳнат усуллари , ахолига, ташкилотларга хизматни ташкил этишни бажаришни ташкиллаштириш); персонални ишга йўналтириш (мотивация); рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий шакллари; персонални мансаб лавозимини ўсишларини таъминлаш; меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш.

Агар биз, хизмат сифатини махсулот ва хизмат курсатиш сифатига булсак, унда юкорида келтирилган таъсир этувчи омилларнинг биринчи гурухи махсулотлар сифатини шакллантирса, кейинги икки омиллар гурухи хизмат курсатиш сифатини ташкил этади.

Ушбу ишда, махсулотлар сифатини хосил килиш ва унинг инновацион ривожланиш механизмини комплекс илмий жихатдан тушунтириш максадида, махсулот сифати ва унинг ривожланиш механизмининг янги модели ишлаб чикилди.

Ҳар қандай махсулот тайёрлаш жиҳозлари техникавий қурилма бўлиб, технологик жараёнлар (операциялар)ни бажариш учун мўлжалланганлиги нуқтаи назаридан келиб чиқилса, унда уларнинг классификацияси ҳам жараёнларнинг классификациясидан келиб чиқишини мантиқий тасдиқлайди.

Махсулот тайёрлаш корхоналаридаги технологик жараёнлар физикавий – кимёвий жараёнларнинг бир соҳаси бўлган хизмат сохаси махсулотлари (айникса овкатланиш махсулотлари) ишлаб чиқариш технологик жараёнлар классификацияси таркибига кирган жараёнлар бўлиб, уларнинг асосини табиат ҳодисалари тўплами ташкил этади. Албатта, техникада маълум технологик мақсад учун сунъий яратилган жараёнлар ҳам бажарилади. Иккала ҳолатда ҳам, технологик жараён вақтида икки ёки бир неча жисмлар бир-бири билан таъсирда бўлишади ва албатта бу ўзаро таъсирда бир жисмдан иккинчисига ($1 \Leftrightarrow 2$) энергия узатиш (ЭУ) ва масса узатиш (МУ) хамда (ИУ) импулс узатиш ҳодисаси юз беради. Уларнинг бажарилишидан махсулотнинг энергетик, кимёвий ва физикавий хусусиятларининг хосил булиши, айнан махсулотларнинг сифатини шакллантиради. Уларнинг кайтарзда хосил булишини куйида бажариладиган жараёнлар ташкил килади. Технологик жараёнларнинг маънодошлигини билдирувчи бундай ҳодисалар тўпламини жараёнлар десак, унда уларнинг ўтишини таъминловчи юритувчи кучлари: ҳарорат (ΔT), масса (ΔM), босим (ΔP), механик кучлар ($\Delta\sigma$), кучланиш (ΔU), нотекислиги билвосита ва бевосита таъсирда бўлишади ва уларнинг ҳар бири ўз ўрнида асосий технологик жараёнлар гуруҳини аниқлаб беради. Буларга гидродинамик, механик ва реологик, иссиқлик, масса

алмашинув ва электрофизикавий технологик жараёнлар киради ва айнан, уларнинг кандай олиб борилиши махсулот сифатини бошкаради. (расм-1).



СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Сейтмуратов Р.А -СамГУ д.э.н,заведующий кафедрой Экономики
Джалилов Ф. А.- СамГУ ассистент кафедры Экономики

Аннотация:*Тақдим этиладиган мақолада 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми сифатида Олий таълим тизимини инновацион ривожлантириш масалаларга бағишланган.*

Калитли сўзлар: *самарадорлик, инновациялар, хизмат кўрсатиш, олий таълим юртлари, устувор йўналишлар*

Аннотация:*Статья посвящена проблемам определения эффективности инновационного развития системы высшего образования как важной составляющей сферы услуг*

Ключевые слова: *эффективность, инновации, сфера услуг,высшее учебное заведение, приоритетные направления*

Annotation: *The article is dedicated to the original method and approach to analyze economic and social effectiveness and fruitfulness of economic modernization. It is very important point that the approach can be used to national economy, region, branch, firm or enterprise and etc. level.*

Key words: *effectiveness, innovations, service, higher educational establishment, priority directions.*

Принятие Постановления Президента РУз Ш.М.Мирзиёева «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года является очень своевременным и представляет собой конкретное содержательное наполнение приоритетных направлений Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на период 2017-2021 годы.

Решение о поэтапном увеличении численности приёма абитуриентов по актуальным направлениям реальной экономики позволит углубить процессы модернизации и диверсификации производства и сферы услуг через подготовку молодых специалистов по современным и востребованным высокотехнологичным направлениям реальной экономики.

Заслуживает особого внимания комплекс мер, направленных на повышение уровня квалификации и подготовки специалистов в системе Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Повышение уровня жизни, усиление гарантий социальной защиты населения на основе устойчивого экономического роста определены в качестве стратегической цели реформ. Основными предпосылками экономического роста являются: природные ресурсы; накопленный физический капитал; научно-технический потенциал; уровень развития человеческого капитала; уровень развития внешнеэкономических связей.

Узбекистан располагает богатыми природными ресурсами: нефтью, природным газом, золотом, другими цветными и редкими металлами, хорошими природно-климатическими условиями для выращивания хлопчатника, плодоовощной и другой сельскохозяйственной продукции. Это создает благоприятные условия обеспечения экономической независимости страны, способствует развитию экономики и увеличению общего объёма ВВП. Но такой рост не может продолжаться бесконечно, ибо за расширением производства неизбежно следует снижение отдачи от используемых ресурсов: используемые земли становятся менее плодородными, в добываемой руде уменьшается концентрация полезных ископаемых и т.д.

Важным, источником экономического роста являются накопления, наращивание их объёмов и улучшение структуры физического капитала. Страна, имеющая норму накопления выше среднего, имеет, несомненно, высокие темпы экономического роста. Узбекистан, учитывая эту закономерность, строит свою

индустриальную политику за счет дополнительных капитальных вложений в приоритетные отрасли экономики, обеспечивающие экономический рост. Опыт развитых стран свидетельствует о том, что для обеспечения устойчивого экономического роста необходимо, чтобы доля инвестиций в валовом внутреннем продукте составляла более 20-25%. В Узбекистане этот показатель имел тенденцию к сокращению – с 31% в 1996 г. до 19% в 2005 году. В 2006 году доля инвестиций в валовом внутреннем продукте составила– 18%, в 2007 году – 19,4%, в 2008 году – 23,0%.

Постепенное снижение нормы накопления с 31% в 1996 году до 19,4% в 2007г. и до 23,0% в 2008г. связано с наращиванием объемов экспорта, чистых налогов, денежных переводов трудовых мигрантов и других элементов неинвестиционного характера, обеспечивших рост валового внутреннего продукта Республики Узбекистан.

Важным источником устойчивого развития экономики в современных условиях выступает технологический прогресс. Для Узбекистана он является одним из основных условий модернизации экономики от сырьевой направленности к высокотехнологичному и информационному производству. Модернизация и структурное обновление служит фактором увеличения среднедушевого размера ВВП и доведения его до уровня развитых стран. Благодаря модернизации увеличиваются возможности производства по созданию и расширению производства новых товаров, улучшается качество уже освоенной продукции. Модернизация обеспечивает бурное экономическое развитие. В современных условиях Узбекистана достижение высоких устойчивых темпов экономического роста связано с кардинальным совершенствованием структуры хозяйства. Страна, более широко применяющая научно-технические инновации, обладает и большими возможностями экономического роста. Модернизация на основе внедрения достижений НТП способствует переходу от экстенсивного производства к новому качеству – интенсивному типу экономического роста.

За последние годы в структуре экономики Узбекистана произошли существенные изменения. Все более отчетливо проявляются тенденции к росту доли сферы услуг.

Структурная модернизация является одним из факторов экономического роста, когда вследствие повышения доли отраслей, обладающих относительно более высоким уровнем производительности труда, возрастает и общий объем конечных хозяйственных результатов.

Рост сферы услуг связан с созданием рыночной инфраструктуры и усилением социальной ориентации экономического роста. Соответственно, произошли и изменения в распределении населения, занятого в реальном секторе экономики. Сократилась доля работников промышленности и увеличилась доля занятых в сфере услуг (с 37% до 49%). Если в дореформенные годы большая часть занятых (от 40 до 50%) приходилась на сельское хозяйство, то с 2006 года на первое место вышла сфера услуг (49%, а в сельском хозяйстве– 29,1%).

В период углубления рыночных отношений общая эффективность использования труда сократилась примерно на 10%. Из этого следует, что в Узбекистане имеются значительные резервы экономического роста, прежде всего,

за счет повышения производительности труда. Здесь наметились позитивные тенденции к росту.

Поддержание инфляции на низком уровне положительно повлияло на процентные ставки депозитов и кредитов коммерческих банков. В частности, средняя процентная ставка по кредитам, выдаваемым сроком до 1 года, снизилась на 3%, а по долгосрочным кредитам – на 4%. Снижение процентных ставок по долгосрочным кредитам относительно процентных ставок по краткосрочным кредитам свидетельствует о снижении уровня инфляции и инфляционных ожиданий. Также наблюдается тенденция снижения разницы процентных ставок между долгосрочными и краткосрочными кредитами.

При экономическом росте для расширения объема инвестиций важную роль играет монетарная политика государства, через которую выражается установление ставки рефинансирования центрального банка. Из года в год ставка рефинансирования снижается, а объем инвестиций в основной капитал увеличивается.

Важным источником экономического роста в условиях рыночной экономики является уровень развития сферы услуг и, в частности, системы высшего образования. При этом, важно развивать и внешнеэкономические связи, что также возможно на основе модернизации и структурного обновления. Учет преимуществ международного разделения труда позволит проводить структурную перестройку национальной экономики путем обеспечения импорта дефицитных потребительских и инвестиционных товаров, расширения рынков сбыта. Вместе с тем, необходимо исходить из оптимального сочетания внутренних и внешних факторов экономического роста, национального и международного разделения труда.

В настоящее время, практически, ни одна страна в мире не может обойтись без участия иностранных инвестиций в развитии тех или иных отраслей и производств. Однако, приток иностранного капитала должен лимитироваться в зависимости от состояния национального рынка, производственной и социальной инфраструктуры, возможностей выхода на внешний рынок с конкурентоспособной продукцией.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ АҲАМИЯТИ

Ж.С.Файзиев- СамИСИ доцент
З.Э.Мамарасулов- СамИСИ ассистент

Аннотация: *ишда хизмат кўрсатиш жараёнини харидор, сервис хизматчиси, етказиб бериш тизими ва физик қуршов каби асосий элементлари батафсил талқин этилган. Ҳар бир элементни самарали хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқишдаги яҳамияти ёритилган.*

Аннотация: *в работе анализированы такие элементы процесса обслуживания как покупатель, сервисный служащий, система доставки и физическое окружение. Освещены значение каждого элемента в разработке эффективной системы обслуживания.*

Annotation: *In the work such elements of the service process as a buyer, a service employee, a delivery system and a physical environment are analyzed. The importance of each element in the development of an effective service system is highlighted.*

Калит сўзлар: *хизмат,хизмат кўрсатиш**,** сервис,сервис ташкилоти, харидор, сервис фирмаси ишчиси, менеджер, хизмат кўрсатиш тизими, етказиб бериш тизими, физик қуршов, хизмат кўрсатиш жараёни, хизматни тақдим этиш,хизмат ишлаб чиқарилиши, хизматни истеъмол қилиниши*

Ключевые слова: *услуга, обслуживание, сервис, сервисная организация, покупатель, работник сервисной фирмы, менеджер, система обслуживания, система доставки, физическое окружение, процесс обслуживания, предоставление услуги,производство услуги, потребление услуги*

Key words: *Service, service organization, buyer, service company worker, manager, service system, delivery system, physical environment, service process, service provision, service production, service consumption.*

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири хисобланади. 2016 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Хизмат сохасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 55-сонли қарорини қабул қилинди. Ушбу қарорда хизмат сохаси корхоналари фаолиятини мутаносиб ривожлантириш ва диверсификациялаш мақсадида, тақдим этилаётган хизматлар рақобатбардошлиги ва сифатини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришдаги муаммо мижоз кутишлари ва олинган хизматни фактик қабул қилиниши ўртасида юзага келиши мумкин бўлган фарқ хисобланади. Ушбу муаммони ҳал этиш учун хизмат кўрсатиш элементларини ўта мувофиқлашган ўзаро таъсирини ташкил этган ҳолда асосий эътиборни истеъмолчиларни ишончсизлигига ва уларни хизматнинг харид қилиш жараёнида иштирок этишларига қаратилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш тўрта элементларни ўзаро таъсирини назарда тутади: харидор, сервис фирмаси ишчиси, етказиб бериш тизими ва физик қуршов.

Харидор ушбу ўзаро таъсирдаги энг мухим элемент хисобланади. Хизмат кўрсатиш жараёнини охирги мақсади харидор эхтиёжларини қондириш бўлиши керак. Харидор томонидан хизмат сифатини қабул қилиниши, уни хизмат билан тўлиқ қондирилиши ва қайта харидни амалга ошириш учун қарор қабул қилишларини барчаси хизмат кўрсатиш жараёнини у томонидан қабул қилинишидан боғлиқ бўлади. Шунинг учун хизмат ва уни етказиб бериш тизимини ишлаб чиқиш шундай ташкил этилиши керакки, харидор эхтиёжлари билан энг самарали шаклда танишиш имконияти мавжуд бўлсин.Харидор ўзига нисбатан бошқа мижозлар каби эътиборли бўлишларини, бошқа мижозлар каби унга хам сифатли хизмат тақдим этилишини кутади. Бу уларни табиатига боғлиқ бўлмаган хизмат кўрсатишдаги асосий минимал талаблар хисобланади.

Аммо, ютуқга эришиш учун, хусусан, агар хизмат одамни физик холати билан боғлиқ бўлган сезилмайдиган харакатлардан иборат бўладиган бўлса ташкилот бу минимумдан ўзиб кетиши лозим. Хизмат кўрсатишда харидорни, эхтимол, узоқ

вақт давомида физик иштирок этишини ва бу унга хизмат бажарилишини кузатиш ва уни сифати хақида хукм чиқариш имконияти берилишини хисобга олган холда бундай хизматларни кўрсатиш жараёнини лойихалаш ва бошқаришни қаттиқ эътибор остида амалга ошириш керак. Демак, харидорни қулайлиги, уни хавфсизлиги ва умумий кайфияти сервис хизматини асосий ташвишига айланиши керак. Агар хизмат харидорни мулки билан боғланган бўлса ва уни хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этиши шарт бўлмаса сервис ташкилотини асосий харакатлари мижозни хизматни олишга сарфланадиган харакатлари ва вақтини минималлаштиришга қаратилган самарали операцияларга йўналтирилади. Харидор ўз мехнатини сервис махсулотига сарфлай туриб бир мунча фойда олишни кутади. Бу холда сервис ташкилоти мижозни аниқ кўрсатмалар таъминлаши лозим ва у фойдаланадиган жихозни ишчан холатида эканлигига ва бошқариш учун оддий эканлигига ишонч хосил қилиши керак. Харидорларни керакли процедураларга ўргатишдаги хатоликлар самарасиз харакатларга ва қониқарсиз хизмат кўрсатишга олиб келиши мумкин. Бошқа томондан, харидорни ўзи хам ўзини тутиши билан хизмат кўрсатиш якунига сезиларли таъсир қилиши мумкин. Агар у зарурий ахборотни қабул қилишга қодир бўлмаса, кўрсатмаларга риоя қилмаса ёки ўзини назарда тутилган ролига мос келмаса ёки мижозни феъл – атвори оғир бўлса, у сервис хизматчисини ишини сезиларли даражада оғирлаштирилади. Бундай холда иккала томон қониқиш хосил қилмайдики, буни бошқа харидорлар хам сезишади.

Сервис хизматчиси хизмат кўрсатиш жараёнини иккинчи мухим иштирокчиси хисобланади. Инсон сифатида у харидорларни ва ўз рахбариятини сезгирлигига таянади ва бажарилган иш учун рахмат айтилишини кутадики, бу учун унда зарурий билим ва махсус маълумот мавжуд. Аммо, булар хам хизмат кўрсатишдаги яхши натижа учун хамма вақт хам етарли эмас.

Сервис хизматчиси фирмани юзи хисобланади. Унинг сўзи ва харакатлари харидорлар томонидан ташкилот сиёсатини амалга ошириш сифатида қабул қилинади. Бир вақтни ўзида тахмин қилинадики, у харидор номидан ва уни манфаатлари учун харакат қилиши лозим, чунки харидор ўзини ва мулкини унга ишониб топширган. Сервис хизматчиси учун бу икки томонлама холат, хусусан, у ўз ваколатларини жиддий чеклови билан боғлиқ бўлганида ёки харидорни асосий манфаати компанияни сиёсатига мос келмаган холларда муаммога айланиши мумкин. Хизматчи, шунингдек харидор стрессли холатларга тушиб қолиши мумкин. Мисол учун, хизматда харидор учун (бу хирургик операция пайтида кузатилади) ёки унинг мулки учун (кимёвий тозалашда) бир мунча хавф мавжуд бўлса, хизматчи техник алоқадорликдан бир мунча кўпроқ алоқадорликни намойиш қила олиши, яъни унда кўникмалар ва харидор безовталигини пасайтириш қобилияти мавжуд бўлиши керак. Бу унда шахслараро мулоқот кўникмалари мавжуд бўлиши демакдир.

Эслаб қолиш зарур бўлган мухим жихатлардан бири шундан иборатки, харидор учун ушбу хизмат кўрсатиш биринчи ёки унча кўп бўлмаганлардан бири бўлиши мумкин, айни пайтда хизматчи учун эса хар иш куни давомида кечадиган юзтадан бир ўзаро таъсирлардир. Бир хил топшириқларни йиллар давомида бажарилиши хизматчиларни, хизмат кўрсатишни, бунда харидор олаётган таъсуротларга эътибор қилмаган холда, фақатгина уларни малака ва самарадорлиги махсули сифатида қарашга ундайди. Мижоз эхтиёжларини қондириш учун

хизматчилар уни тажрибасизлигини, хизматга нисбатан хавфсирашини ёки безовталигини хисобга олиши ва қандайдир бир лахзада хамдардлик хам намоён этиши керак. Баъзида хизматчилар ўз хиссиётларини жиловлаши ва фақатгина ташкилот мақсадлари ва харидор манфаатларини ўйлаб харидорлар билан ўзаро таъсирда бўлиши керак. Қисқа қилиб айтганда, сервис хизматчилари хизмат кўрсатиш жараёнига харидор назари билан қарай олишлари керак. Шунинг учун, хизматчи ўзида бундай ўзини тутиш кўникмаларини ривожлантира олишлари лозим. Аёнки, бу оддийгина эмас ва мустақил равишда ўрганиш кутиладиган натижани кафолатламайди. Дўстона муносабат, чин юракдан ёндашиш, астойдил қизиқиш ва хамдардлик каби шахлараро кўникмаларни ривожлантириш анча даражада рахбариятни мажбурияти хисобланади. Харидорлар билан ўзаро таъсир этувчи хизматчиларни танлашда рахбарият алохида жиддийликни намоён этиши лозим.

Баъзи хизматларни бир вақтда ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши, шунингдек уларни сезилмаслик табиати улар сифатини назорат қилишни қийинлаштиради. Ишлаб чиқарилган товарлардан фарқли равишда хизматлар улар кўрсатилганига ёки етказилганига қадар бахоланиши мумкин эмас. Хатто етказилгандан кейин хам кўпгина хизматлар сифатини бахолаш муаммога айланади. Адвокат сизни ишингизни энг самарали усул билан олиб бораяптими? Сизни солиқ хисоботингизни тузаётган кимса сизни хуқуқингиз мавжуд бўлган барча имтиёзларни хисобга олаяптими? Врач сизни касаллигингизга тўғри диагноз қўя олдими ёки касаллик белгилари ўз-ўзидан йўқолдими? Бу ва шунга ўхшаган саволларга хамма вақт хам осон жавоб топиш қийин. Хизмат сифатини таъминлашда менеджерлар учун энг осон усул кимга хизмат килиш керак бўлган шахсни танлаш, бу ишга тўғри келадиган одамларни танлаш, улар алоқадорлигини ва тавсияларини текшириш, уларга тегишли ўқишни тақдим этиш ва уларни аниқ кўрсатмалар билан таъминлашни назарда тутувчи харажатлар назорати хисобланади.

Сервис ташкилотини асосий вазифаси мижозлар эхтиёжларини қондириш хисобланишига қарамасдан, жуда яқин ва мухим жихатлардан бири сервис хизматчилари эхтиёжларини қондириш хисобланади.

Етказиб бериш тизими жихоз, хизмат кўрсатиш воситалари, маълум қоидалар, кўрсатма ва ташкилий маданиятдан иборат. Кўпгина сервис ташкилотлари тегишли сохада ўрнатилган тамойилларга тегишли самарали ва малакали харакатлар харидорлар эхтиёжларини автоматик тарзда қондирилишини кафолатлайди деб хисоблашади. Мисол учун, сервис ташкилоти ундаги жараёнлар кўплаб бухгалтерия ёзувларини тўплаш ва сақлаш имкониятини яратиш нуқтаи назаридан лойихаланган бўлса мижозга яхши хизмат кўрсатилади деб хисоблаши мумкин. Ёки касалхона маъмурияти агар барча хизмат кшрсатиш воситалари ва процедуралар энг яхши лойихаланган бўлса, лаборатория тахлили энг малакали тарзда амалга оширилиши мумкинки, бу эса пациентлар энг яхши тиббий хизматни олишини кафолатлайди. Аммо, бундай ёндашув одатда мижозлар кайфиятини бузилиши билан ва уларни рақобатчиларга кетиб қолиши билан якун топиши мумкин.

Етказиб бериш тизимини ишлаб чиқишдаги мухим мавзу хал қилувчи хизмат хисобланади. Кўпгина хизматлар хал қилувчи хизмат ва бир неча қўшимча хизматлардан иборат бўлади. Харидор эхтиёжларини нуқсонсиз қондирилишини

зарурий шарти хал қилувчи хизматни етказиб бериш хисобланади. Агар ташкилот хал қилувчи хизматни етказиб беришда омадсизликга учраган бўлса, сифатли қўшимча хизматларни тақдим этилиши харидор учун ахамиятсиз хисобланади. Шунинг учун, етказиб бериш тизимини асосан хал қилувчи хизматга мўлжал олиб лойихалаш лозим. Хал қилувчи хизматни қўллаб қувватлаб туриш ва безатиш учун унга қўшимча хизматлар илова қилиниши мумкин.

Физик қуршов хизматни харид қилиш бўйича ўрганишни ёки сервис ташкилотини барча сезиладиган жихатларини қамраб олади. Кулиса ортидаги ёки кўриниш чизиғидан пастга жойлашган хизмат кўрсатиш воситалари физик қуршовни ахамиятли қисми хисобланмайди, чунки улар харидорлар томонидан тўғридан тўғри ўрганилмайди. Физик қуршовни қисқартирилган версияси хизмат кўрсатиш холати деб номланадики, унда хизмат етказиб берилади ва истеъмол қилинади. Мисол учун, сервис ташкилоти жойлашган бино интерьери, автомобилларни тўхташ жойлари, ландшафт, мебел ва жихозлар, кўрсаткичлар,хонадаги ёритилганлик, харорат ва шовқин даражаси, чиройлилик ва тозалик хизмат кўрсатиш холатини қисми хисобланади.

Харидор хизматни тақдим этиш жойида қанчалик кўп вақт давомида бўлса физик қуршовни ахамияти шунчалик ошади. Шунингдек у хам харидорларни ва хам хизматчиларни ўзини тутишига таъсир этиши мумкин. Истеъмол тадқиқоти шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш холати истеъмолчиларни ўзини тутишига ва харидни амалга ошириш бўйича қарорига таъсир қилиши мумкин. Сервис хизматчилари ўз иш вақтини асосий қисмини хизмат кўрсатиш амалга ошириладиган хоналарда ўтказишади, демак уларни ишдан қониққанлигига, мотивлашга ва бажарилишига физик қуршов хам таъсир қилади. Кўпгина хизматлар бирданига кўп одамлар учун ишлаб чиқарилади. Уларни бир қисми мижозларга уй шароитида бошқа харидорлар билан алоқада бўлмаган холда лаззат бағишлайди, мисол учун Интернет хизматлари, мусиқий ёзувлар, радио ва телекўрсатувлар. Аммо, сайёхатлар, спорт мусобақалари ёки ўқиш вақтида кўрсатиладиган хизматлар одамлар гурухини физик иштирокини талаб қилади. Аммо, харидорни бундай холларда ўзини тутиши бошқа мижозларга нисбатан хизмат кўрсатиш якунига таъсир қилиши мумкин. Масалан, маст йўловчи сайёхатни бошқа йўловчилар ва сервис хизматчилари учун нохуш қилиши мумкин. Бошқа томондан, ўхшаш қизиқишли ва ижтимоий мавқели одамлар ўзини гурухда қулай хис этиши мумкин.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш жараёни тўртта элементлар ўзаро таъсиридан иборат бўлади: харидор, сервис хизматчис, етказиб бериш тизими ва физик исботи. Хизмат кўрсатиш тизимида “бошқа мижозлар” бешинчи элемент сифатида қўшилиши мумкин, чунки улар баъзи холларда мижозга хизмат кўрсатиш тажрибасига таъсир қилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мижоз учун қиймат яратувчи самарали хизмат кўрсатиш тизимларини ишлаб чиқишда бу элементлар ва уларни ўзаро таъсири албатта эътиборга олиниши керак.

СФЕРА УСЛУГ КАК ОБЪЕКТ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Каримов М. – СамИЭС, доц
Каримова Ш.М. – СамИЭС, асс
Саидов Н - СамИЭСмагистр

Аннотация*. В статье рассмотрены этапы развития сферы услуг в РУз, исследовано понятие «услуга», определена специфика сферы услуг как отрасли экономики, исследованы вопросы долгосрочного инвестирования в сферу услуг и отличительные особенности инвестирования в данный сектор экономики****.***

Ключевые слова*: сфера услуг, отрасль экономики, инвестирование, долгосрочное инвестирование, услуга.*

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатишнинг ривожланиш босқичлари, "хизмат" тушунчасининг тадқиқоти, хизмат соҳасининг иқтисод тармоқлиги ҳамда бу соҳани инвестициялаштириши кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар*: хизматлар соҳаси, иқтисодиёт тармоқи, инвестициялаш, узоқ муддатли инвестиция, хизматлар*

Annotation. *The article considers the following issues: the service sector development in the Repablic Uzbekistan, the very notion of «service», particular characteristics of service sector as a branch of economy, issues of long-term investment in the service sector and peculiarities thereof in a given sector of economic activity.*

Key words: service sector, branch of economy, investment, long-term investment, service.

Ключевой составляющей постиндустриальной экономики можно считать ускоренное развитие сферы услуг; именно услуги становятся главным продуктом труда, и именно потребление услуг выступает в качестве преобладающего способа удовлетворения потребностей человека. Резкое возрастание роли сервисных отраслей в общей структуре хозяйства знаменует переход от индустриальной стадии развития общества к следующей, отличной от предыдущего этапа развития. «Постиндустриальное общество - это общество, в экономике которого приоритет перешел от преимущественно производства товаров к производству услуг, проведению исследований, организации системы образования и повышения качества жизни»[1].

Этот тезис может быть легко подкреплен фактическими данными об изменении соотношения доли «услуг» и «традиционных товаров» в ВВП в наиболее развитых странах, которые первыми вступили на путь постиндустриального развития. В настоящее время доля услуг в экономическом балансе растет во всем мире. Сфера услуг и деловых и персональных начинает развиваться ускоренными темпами, значительно опережая по доле в национальном продукте первичный и вторичный сектора экономики. В среднем доля услуг в ВВП в наиболее развитых странах (США, Великобритания, Германия, Япония и др.) колеблется от 86 до 66% .

На современном этапе развития рыночной экономики в Узбекистане не только для государства, но и для населения становится ясным, что роль сферы услуг, как наиболее перспективного сектора экономики, в дальнейшем будет только возрастать. С появившимся у граждан Узбекистана с развитием рыночной

экономики выбором ряд услуг воспринимаются как равные или даже более необходимые, чем некоторые стратегические потребительские товары. Уже имеющаяся конкуренция в сфере услуг в некоторых наиболее развитых отраслях этого сектора экономики достигла такого уровня насыщения рынка услуг, что постепенно выводит экономику крупных городов страны на новый качественный уровень предложения различных услуг.

Можно выделить следующие этапы развития сферы услуг в Республике Узбекистан:

- «командно-административный» - период до 1992 г.;
- развитие сферы услуг в количественном направлении - период 1992-2002 гг.;
- развитие сферы услуг в направлении постоянного улучшения качества и его контроля - 2002 г. и далее.

В условиях командно-административной экономики в Узбекистане качество услуги не играло решающей роли: все услуги были «хорошими» и массовыми, а, как известно, массовость оказывает значительное влияние на качество в сторону ухудшения последнего.

В период переходной экономики в Узбекистане произошли первые положительные сдвиги в области сферы услуг. В числе положительных можно отметить: появление в сфере услуг частного сектора экономики, увеличение количества предложений как новых, так и устоявшихся видов услуг, появление сферы деловых услуг.

Третий этап развития сферы услуг, который условно начинается с 2002 г., можно определить как современное развитие сферы услуг. Основные тенденции развития сферы услуг в Узбекистане позволяют говорить об интеграции ее в мировую торговлю услугами, хотя и со значительным отставанием от развитых стран.

Именно в этот период в Узбекистане появляется сектор экономики, который в настоящее время принято называть сферой услуг. Однако вследствие отсутствия опыта в данной области, а также оперирования в частном секторе экономики в целом сфера услуг развивалась в первую очередь, в количественном направлении.

Учитывая всю сложность и условность трактовки такого многогранного понятия, каким является услуга, можно рассмотреть существующие точки зрения самого понятия «услуга». В Большой советской энциклопедии услуга определяется как 1) форма непроизводительного труда и в этом смысле - социально-экономическое отношение, выражающее потребление дохода; 2) определенная целесообразная деятельность, существующая в форме полезного труда, т. е. услуга - это отношение, возникающее по поводу полезного действия труда, потребляемого как деятельность.

Что касается научной трактовки этой категории, то прежде всего имеется в виду обслуживание как общественно организационный процесс[2]. Услуга передается покупателю через действие, тогда как овеществленный товар, как правило, передается из рук в руки. Услуга - это нечто, что обладает ценностью для покупателя и может восприниматься сознанием, умственно[3].

Сфера услуг является наряду со сферой материального производства производителем определенного товара. Услуга удовлетворяет определенную потребность физических или юридических лиц, при наличия спроса услуга может

быть куплена и продана, что дает право утверждать, что услуга - это товар в его классическом понимании.

Решение целого ряда экономических, организационных, социальных, правовых проблем должно способствовать подъему сферы услуг в России, увеличению ее вклада в национальную экономику. В современных условиях происходит постепенное усиление междисциплинарного подхода к изучению сферы услуг, что предопределяет необходимость поиска универсальных дефиниций.

Специфика сферы услуг как отрасли экономики состоит, как известно, в том, что она исключает возможность объединения внутри себя всей или большей части своей материально-технической базы (транспорт, торговля, общепит, производство), что предопределяет сложность анализа протекающих в ней инвестиционных процессов.

По оценкам специалистов, основным препятствием на пути реализации крупномасштабных проектов инвестирования сферы услуг является отсутствие единой стратегии и программы развития сферы услуг, что ведет зачастую к дублированию инвестиционных проектов, распылению инвестиционных ресурсов и, как следствие, к снижению эффективности инвестиционной деятельности в этом направлении. Координирование использования преимуществ каждой конкретно взятой территории способствовало бы повышению инвестиционной активности. Создание единого реестра приоритетных инвестиционных проектов в сфере услуг РУз позволит расширить поиск и привлечение заинтересованных лиц. Целесообразна организация централизованной деятельности по подготовке и координации инвестиционных проектов, проведению технико-экономического анализа, отбору проектов, подготовке их для инвесторов, участие в продвижении проектов. Необходимо создание систем гарантий и сотрудничества по обеспечению возвратности заемных средств, страхованию инвестиционных рисков, разработке механизма заимствований под реализацию долгосрочных инвестиционных проектов.

Таким образом, при разработке инвестиционной политики на местах основное внимание необходимо уделять разработке и принятию программ развития сферы услуг в муниципальных образованиях. Главной задачей для любой из муниципальных программ целесообразно является создание в муниципальном образовании современного высокоэффективного и конкурентоспособного комплекса, обеспечивающего, с одной стороны, возможности для удовлетворения потребностей населения региона, российских и иностранных граждан в услугах, а с другой стороны, улучшение состояния экономики муниципального образования и роста бюджетных доходов за счет притока инвестиций, увеличения числа рабочих мест. Кроме того, необходимо отметить, что именно от местных властей во многом зависит сила финансовой поддержки малого и среднего бизнеса в данном секторе социальной сферы. Например, ими может предоставляться определенная скидка по арендной плате арендаторам основных фондов, используемых в производстве продукции, товаров, услуг. Этим может быть достигнута большая заинтересованность в долгосрочных инвестициях.

Другим возможным инструментом привлечения инвестиционных ресурсов могут выступать социальные займы - заимствование средств у юридических и

физических лиц местными органами власти или учрежденными ими социальными органами для целевого инвестирования в определенные объекты социальной сферы, например гостиничные хозяйства, как правило, под определенные проекты. И хотя социальные займы характеризуются низкой доходностью и относительно длительным сроком погашения задолженности, общественная значимость объектов инвестирования создает благожелательное отношение к соответствующим инвесторам как со стороны органов власти, так и со стороны общества в целом.

К проблемам долгосрочного инвестирования на современном этапе развития экономики в Узбекистане в рассматриваемом секторе экономики следует отнести следующие:

• высокая правовая нестабильность при управлении долгосрочными инвестиционными проектами;

• информационная неопределенность, т. е. отсутствие у инвестора точной и достоверной информации о финансовом положении заемщика;

• отсутствие эффективной региональной инвестиционно-заемной системы;

• неразвитость механизмов, связанных с защитой прав собственности;

• высокая степень политических и экономических рисков и т. д.

Однако, кроме вышеперечисленных, проблемы инвестирования в сферу услуг имеют свои отличительные особенности. Эти особенности связаны прежде всего с повышенным риском возврата вложенных средств. С учетом этих обстоятельств инвестиционные процессы в данной сфере нуждаются в дополнительных гарантиях со стороны региональных и федеральных властей и управленческих структур. Только объединение и взаимная заинтересованность государственных и промышленных структур, понимание общих задач приведут к развитию сферы услуг и раскрытию экономического потенциала.

РАСШИРЕНИЕ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.

Ниёзов З. Д.- СамИЭС, к.н.э

Даминов Ф. И. – СамИЭС, Магитстрант группы МБИ-115.

Аннотация. *В статье исследуется сфера услуг как важнейший фактор модернизации узбекской экономики, позволяющий выйти на новый инновационный уровень развития. Дальнейшее расширение экспортного потенциала сферы услуг в Узбекистане позволит не только снизить зависимость от внешних факторов и рисков, но и станет основой устойчивого роста национальной экономики и увеличения роли страны на мировом рынке услуг.*

Ключевые слова*. Либерализации, иностранных инвестиций, приоритезация, реализация, высокой производительности, дебиторской задолженности, информационно- коммуникационных, лизинг, факторинг, франчайзинг.*

Annotation. *The article considers the sphere of services as the most important factor in modernization of the Uzbek economy, which is allowing to enter a new innovation level of development. Further expansion of the export potential of service sphere in Uzbekistan will not only reduce dependence on external factors and risks, but will also become the basis for sustainable growth of the national economy and increase the role of the country in the global service market.*

Key words*. The liberalization, foreign investment, prioritizing, realization, high performance, accounts receivable, information-communication, leasing, factoring, franchising.*

Annotatsiya. *Ushbu maqolada uzbek iqtisodiyotini modernizatsiya qilishda muhum rol o'ynaydigan xizmatlar sohasi o'rganiladi, qaysiki rivojlanishning yangi innavatsion darajasiga chiqishga komak beruvchi. Keyinchalik O'zbekistonda xizmatlar sohasini export potensiyalini oshirish nafaqat tashqi omillar va risklarga bog'liqlikni kamaytiradi balki milliy iqtisodiyotni rivojlanishing asosi hisoblanadi va jahon xizmatlar bozorida mamlakatnig rolini yanada oshirishga ko'maklashidi.*

Kalit so'zlar. *Erkinlashtirish, xorijiy investitsiya, prioritezatsiya, realizatsiya, yuqori ishlash, debitorlik qarz, axborot va kommunikatsiya, lizing, faktoring, franchayzing.*

В настоящее время сфера услуг является значимым фактором развития страны. Она характеризуется как одна из главных составляющих постиндустриальной экономики и выступает в качестве преобладающего способа удовлетворения потребностей человека. В настоящее время на долю услуг приходится примерно 70% мирового ВВП. Процессы либерализации сферы услуг в различных странах создали возможность для расширения экспортного потенциала этой отрасли. Политика государства, направленная на развитие сферы услуг в Узбекистане, оказала комплексное воздействие на увеличение экспорта услуг, что подтверждает ряд гипотез о существовании закономерных связей между реформами в сфере услуг и вовлеченностью страны в мировую торговлю услугами. Процессы либерализации сферы услуг в различных странах сделали их национальную экономику более привлекательной для иностранных инвестиций, развития внешней торговли. Процессы либерализации экономики в Узбекистане также отразились на динамике ВВП и экспорта. Несмотря -на географическую закрытость1, экономика Узбекистана развивается стабильно, демонстрируя устойчивость к внешним потрясениям. За период 2001- 2015 гг. ежегодный прирост ВВП составил более 7% (выше, чем у других стран региона ЕЦА), что обусловило вхождение республики в число восьми наиболее быстро растущих оран мира.

Одним из основных источников роста ВВП в последние годы стало развитие отраслей сферы услуг. Толчком к этому послужило несколько факторов, а именно:

а) приоритезация сферы услуг и реализация ряда государственных программ по ее развитию;

б) инвестиции в сферу услуг и развитие транспортной, телекоммуникационной, информационной, финансовой, страховой, образовательной и других инфраструктур;

в) создание благоприятного делового климата и ускорение развития малого бизнеса в сфере услуг;

г) рост благосостояния населения с очевидной переориентацией на разнообразные виды услуг.

Политика государства, направленная на развитие сферы услуг, оказала комплексное воздействие на увеличение экспорта услуг. Анализ динамики структуры экспорта показывает, что за последние 10 лет (2005-2015 гг.) доля услуг

[1] Узбекистан - одна из двух стран в мире, которая не только сама не имеет выхода к морю, но и окружена странами, также не имеющими выхода к морю.

возросла с 12,2% до 24,5%[2]. Мировая торговля услугами в последние годы развивается более динамичными темпами в отличие от торговли товарами. Растут не только объемы экспорта услуг, но и меняется его структура, особенно в новых индустриально развитых странах Азии. В структуре экспорта услуг этих стран сократилась доля традиционных видов услуг и возросли абсолютные и относительные значения финансовых, информационно-коммуникационных, лизинг, факторинг, франчайзинг и др. В структуре экспорта услуг в Узбекистане пока еще преобладают <<традиционные>> виды услуг- транспортные и туристические, в то время как в развтых государствах все большую долю занимают услуги информационно-коммуникационного характера, страховые, финансовые, деловые услуги, строительство и др.

Необходимо отметить, что на рост экспорта услуг в мире влияют также либерализация торговли услугами (расширение иностранного участия на рынке услуг), эффективность торговых режимов стран. Существует четыре режима торговли услугами, отражающие взаимодействие между потребителем и производителем услуг:

- торговля через границу-электронные или физические трансакции через границы, такие как услуги воздушного или морского транспорта, а также торговля финансовыми услугами;
- потребление за рубежом - перемещение потребителя в другую страну для потребления таких услуг, как туризм и образование;
- коммерческое присутствие - прямые инвестиции в другую страну с целью оказания услуг на рынке той страны, (например, услуг связи или электроснабжения);
- присутствие физических лиц - временное перемещение какого-либо производителя услуг с целью оказания услуг, таких как, например, консультирование бизнеса или строительство.

В современной экономике около 50% услуг поставляется посредством «коммерческого присутствия», еще 35% через «трансграничную торговлю», около 10-15% приходится на «потребление за рубежом» и лишь 1-2% оказывается через «присутствие физических лиц»3.

Целесообразно расширять экспортный потенциал малого бизнеса. Компании, экспортирующие услуги в Узбекистане, это прежде всего крупные компании, которые развиваются в сферах, где открытие дела не требует больших постоянных затрат, и работают преимущественно с иностранным участием. То есть экспорт услуг рассматривается как следствие более высокой производительности, а не ее причина, так как лишь самые продуктивные фирмы могут позволить себе постоянные издержки, которые несет экспортер. Для малого и среднего бизнеса необходимы дополнительные стимулы и помощь со стороны государственных структур, частных фирм, внешних экспертов, проектов международных организаций. Принятые правительством меры по дальнейшему развитию гостиничного бизнеса и туризма позволили более широко использовать огромный потенциал международного туризма. Модернизация международных аэропортов, железнодорожных путей и автомагистралей позволила развивать не только

[2] http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2011222

3 Бозор,пул ва кредит 7/2016-12стр

образовательно-познавательный туризм в таких древних исторических городах, как Самарканд, Бухара, Ташкент, Хива, Шахрисабз, но и расширять масштабы экологического, научного, бизнес-туризма в других городах. Для развития сферы услуг необходимы качественные трудовые ресурсы, поскольку именно персонал является важнейшим ресурсом, находящимся в распоряжении рассматриваемой сферы. Именно качественное образование граждан в экономической области позволит обеспечить достойное качество не только создания, но и предоставления услуг.[4]

Необходима финансовая поддержка и содействие малому бизнесу, в частности:

Предоставление грантов, льготных кредитов, софинансирования на деятельность, связанную с экспортом или повышающую экспортный потенциал (например, для проведения маркетинговых исследований и разработки экспортных планов, разработки рекламных материалов и презентаций для демонстрации на зарубежных рынках, участия в зарубежных выставках, визитов за рубеж и др.).

• Предоставление банковских гарантий для разделения некоторой доли рисков с банком-агентом экспортера, что помогает экспортеру в получении в банке кредита.

• Страхование или содействие в страховании рисков, связанных с экспортной деятельностью, прежде всего, страхование дебиторской задолженности (защита от неплатежей со стороны зарубежных контрагентов) и от широкого спектра политических и коммерческих рисков.

• Предоставление иностранным партнерам гарантий того, что все условия сделки будут выполнены в соответствии с договором, что значительно повышает доверие к экспортеру иотражается на финансовых условиях сделки. Такого рода гарантии помогают малым предприятиям перейти на новый качественный уровень бизнеса и конкурировать со значительно более крупными и известными компаниями.

ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТЕМУРИЙЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.

С.И. Индиаминов- СамМИ Профессор
С.Х. Суюнов - СамИСИ доцент

Аннотация. *Мавзунинг асосий мақсади оила ва никоҳ масаласи жамиятнинг ҳаракатлантирувчи омили эканлиги. Оила ва никоҳ масалаларини такомиллаштиришда ўтмиш қадриятларнинг ўрни ҳақида, мустақилликнинг қўлга киритилгани оила институтларини такомиллаштиришда асосий омил сифатида шаклланганлиги каби мисоллар назарий жиҳатдан асослаб берилган.*

Таянч сўзлар: *мустақиллик, никоҳ, оила, мақсад, ғамҳурлик, бахтлилик, иноқлик, севги,эътибор,ғамхурлик.*

Аннотация. *Основная цель статьи: проблема семьи и бракосочетания как действующей фактор общества. В данной статье научно обосновывается институт семьи роль национальных ценностей усовершенствовании проблемы семьи и бракосочетания и основные факторы воздействующие на семью и брак.*

[4] Кудратов З. Г. Основные тенденции развития сферы услуг в Узбекистане // Молодой ученый. — 2016.

Ключевые слова: *семья, брак, фактор усовершенствование, ценности, национальность общество.*

Annotation.*The main aim of the theme is about a mater of family and marriage which are motion (movement) factor of the society and several issues such as role of ancient traditions, achievement of independence that are the basic factors to improve family institution based on theoretically.*

Халқимиз маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга оилавий турмуш ва муносабатлар оила аъзолари учун муҳим қадриятдир.

Президентимиз И.А.Каримов буюк бобоколонимиз Амир Темур маънавиятининг буюклигига тухталиб “Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тухталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз ақлу шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзудин ҳам амалий ҳам назарий мерос қолдирди, илм-фан, маданият бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди” деб қайд этди.

Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур инсон салоҳияти, комил инсон ғоясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. У ўз Тузукларида қайд этадиким, “Тажрибамда курилганким, онги қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирксиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлари бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда дастури амал бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Амир Темурнинг давлатни идора қилишда вазирлар, олимлар ва тадбиркор ишбилармонларнинг роли катта бўлган. Шунинг учун ҳам уларни танлашга алоҳида эътибор берган. Улар садоқатли,ахлоқли, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускор бўлишлари муҳим эди.

“Тузукка кўра вазифалар турт сифатга эга бўлиши шарт бўлган: тоза насиллик ва улуғворлик, ақлу-фаросатлилик, сипо ва одмий ираиат ахлининг холидан хабардор бўлиш ва уларга ғамхурлик қилиш, сабру-бардошли, хушмуомилали бўлиш”. Амир Темурнинг бундай ибратли угитлари мустақил мамлакатимизнинг бошқариш тизимида, кадрлар танлаш, уларни ўз ўрнига қуйишда алоҳида аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришган мамлакатимизда комил инсонни шакллантириш, мамлакат кишиларининг саломатлиги, жисмоний бақувватлигига, мутсақилликка инсоний муносабати каби йўналишларни шакллантиришда ҳам Темур ва темурийлар маънавиятининг ўрни каттадир. Амир Темур даврида оила ва никоҳ масалалари давлат сиёсати даражасидага кўтарилганлиги қайд этилади. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз тузикларида шундай кўрсатади. “Ўғилларим, набираларим ва қариндошларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг курдим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, етти пўштинии суриштирдим. Хос одамлар орқали сиҳат-саломатлиги, жисмоний камолатини аниқладим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан боғлиқ барча қусурлардан холи бўлсагани, эл-юртга катта туй-томоша бериб келин туширдим”.

Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур ўзи бошқарган давлат фуқароларининг сиҳат-саломатлиги, жисмоний баркамоллиги ҳақида ўша давр солномачилари бир неча бор ўз асарларида кўрсатиб ўтганлигининг гувоҳимиз. Мисол учун, Италиялик

Туржжор Белтрамус де Манжанялининг “Темурнинг ҳаёти” номли китобида (У Темурнинг Турк Султони Боязид билан урушда қатнашган, Темур урушларини кузатган шахс) “Амир Темур одамлари жуда ҳам куркам, бақувват одамлар эди. Улар насл –насабига кўра ҳам улуғвор куринарди”. Улар оддий хусусиятли, фаросатли, машҳур, ёшига қараб мансабдор бўлган. Жанг қилиш тажрибаси юқори бўлган кишилар эди” деб ёзади.

Амир Темур ўзи ташкил этган буюк давлат фуқароларининг соғлигига эътибор қаратиб, уларнинг баркамол, соғлом, бақувват, ишбилармон, жанг қилишда моҳир бўлишига, авлодлар насл-насабининг бузилишига таъсир этувчи нарсалардан сақланишига алоҳида эътибор қаратган. Демак Амир Темур бобомиз ҳозирги даврда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларнинг келажак авлод учун зарарли оқибатларни ўз вақтида тушунган ва бундай зарарли иллатларга қарши курашган.

Ҳозирги вақтда Россияда 4,5 миллион, Америкада 4 миллион, Англияда 3,5 миллион наркаман ва алкашлар мавжуд. Ушбу келажакни олдиндан кура билган Амир Темур ўз тузукларида “Ўғилларим, набираларим, ва яқин қариндошларимни бир томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишини ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай” деб покиза йўлни танладим деб қайд этди. Амир Темурнинг бу угитларидан мустақил мамлакатимизда комил инсон, соғлом авлодни шакллантиришда ибрат олиш катта аҳамиятга эга.

Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур ўз халқининг маънавиятли, эътиқодли, имонли, бақувват бўлиши бу давлатнинг, халқнинг қудратли кучга эгалигини, имонсиз, эътиқодсиз халқ ҳеч қачон бахт саодатга, маърифатга эришмаслигини қайд этиб ўз тузукларида “Дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмагай, тилимиз унтилмагай, эътиқод сусайса тил эмас ишонч ҳам унитилгай” деб ёзади. Амир Темурнинг бу ибратли ғоялари мамлакатимиз кишилари, онги шурида мустақилликка эътиқод туйғусини шакллантириш катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайлигина оила ва уни такомиллаштириш масаласига алоҳида давлат сиёсати сифатида эътибор берилмоқда.

Оила билан боғлиқ Конститутциявий қоидаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида 50 дан ошиқроқ қонун Президентимизнинг 20 яқин фармони ва қарорлари, 70 дан ортиқ ҳукумат қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси оила кодекси қабул қилинди. Шундай экан оила жамиятнинг асоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мархум И.А.Каримов оиланинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган: “Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакни уйлаб, эзгу орзу интилишлар билан яшайди”.

Шундай экан ҳар бир фуқаро давлат ва жамият ривожига хизмат қилиши одамларга нафи тегадиган эзгу ниятларни амалга ошириши учун аввало унинг оиласи тинч ва фаровон бўлиши керак. Зеро, оилалар мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гаровидир. Шу боси мамлакатимизда энг аввало ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилмоқда. Бежиз эмас, албатда.

Чунки эндигина мустақил ҳаётга қадам қуйган ёшларнинг турмуши, ҳаёти эртага қандай бўлиши атрофдагилар, маҳалла ва жамиятнинг эътиборига боғлиқ.

Қайд этишимиз жоизки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан соғлом ва баркамол авлодни тарбияланишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қуйди. Утган йилларда оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва баркамол улғайиши йўлида кўллами ва аҳамияти жиҳатдан бемисл ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани, 2016 йил 14 сентябрда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"[5]ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг куламини янада кенгайтирди. Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳоли аввало, хотин-қизлар учун ижтимоий, маданиятва тиббий шароитларни янада яхшилаш, тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида амалга оширилган, халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ш. Мирзиёев мазкур соҳага яъни халқимиз саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йил 5 январ ва 7 феврал кунлари Президентимизнинг раислигида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтгани, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борда ишларни янги босқичга кутаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Демак соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда мамлакатимиз хотин қизларининг ўрни ва хизмати жуда беқиёсдир. Хотин қизларимиз туфайли келажакда тинчлик – осийишталик ҳукум сўради.

Мустақиллик шарофати билан хотин-қизларимиз ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида тула намоён этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда хотин – қизлар давлат ва бошқарув идоралари вакиллик органларида, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қушмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нфар қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоиздан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият санъат соҳасида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи хотин қизлардандир.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаб бориш, қобилият ва салоҳиятни руёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кутаришди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-кувватлаш, аёлларнинг оғирини

енгил қилиш, уланинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда гапирганда Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг аёл зотига ҳурмат эҳтиром, доимо ғамхурлик кўрсатиб келганлигини эслаганимизда у кишининг “Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам” деган гаплари амалий ҳаракатларимизда қулланма бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг ўзида қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй жой қурилиши бошлаб юборилди. Ана шундай уй жой массивларида зарур инфратузилма тармоқлари, жумладан, 415 километрдан зиёд ичимлик сув, қарийиб 300 километр электр, 320 километр табиий газ тармоқлари барпо этилади. Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш масалаларида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сум, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 минга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кузда тутилмоқда.

Мамлакатимизда инсон омилига кўрсатилаётган бундай имкониятлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Юртимизда фуқароларимизнинг ўртача умир куриш ёши 67 ёшдан эркаклар 73, аёллар 75 ёшга кутарилгани. Кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар 14, 8 тадан 13, 9 тага, чақалоқлар улими 11 тадан 10,7 тага камайгани фикримизнинг далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, оилани яанада мустаҳкамлаш, оилада ажралишлар ва бошқа нохушлик ҳолатларининг олдини олиш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1 . Ёш йигит қизларнинг мустаҳкам оила қуришлари учун йигит ва қиз бир – бирини чуқур ўрганиши мақсадга мувофиқдир.

2. Бола тарбиясида соғлом муҳитни шакллантириш учун оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини янада такомиллаштириш ҳар бир бола психологиясини чуқур ўрганиб, боланинг дунёқарашини ватанпарварлик, меҳр оқибат руҳида камол топишига ёрдам беришни шакллантириш талаб этилади.

3. Мустаҳкам оиланинг шаклланишига ўтмиш авлодларнинг оила, ватан, она замин муқаддаслиги ҳақидаги ғояларини ёшлар онгига етказиш ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчи булмоғи лозим.

4. Ҳозирги глобаллашув даврида ёш йигит қизларимизнинг ёт ғояларга ишонмаслиги, ҳар бир ёшнинг онги шурига миллий ғоянинг муқаддаслигини, ёт ғояларга қарши ватанпарварлик ғоялари билан курашиш зарурлигини ёшлар қалбига сингдириш лозим.

5. Оилалар ва ёшлар билан ишлашда маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши ва комиссиялар ишини янада жонлантириш каби соҳаларга эътиборни қаратиш керак.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ф.Абдуллаев– И.ф.н. УрДУ Туризм кафедраси мудири

Мақолада Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган.

В статье исследованы особенности и перспективные направления развития рынка лизинговых услуг в Узбекистане.

The article explores the features and perspective directions of development of the market of leasing services in Uzbekistan.

Хизматлар бозорида лизинг иқтисодий тушунча сифатидафаолият турларидан бири сифатида эътироф этилиб, у бозор иқтисодиётининг маҳсули ва туркумларидан бири ҳисобланади. Лизингасбоб-ускуна ва технологиялар қийматини аста-секин тўлаб бориш шарти билан амалдаги қонунлар доирасида тадбиркорлик мақсадида узоқ муддатга фойдаланиш учун берилиши ҳамда шартнома муддати тугагач лизинг олувчининг мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритишини назарда тутувчи иқтисодиётни модернизация қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Лизингни фаолиятга тадбиқ этишнинг аҳамияти шундаки, лизингга олинган техника учун тўловлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда лизинг хизматининг ривожланиши учун қулай муҳит ва мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, улардан бири Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни бўлиб, бу ҳужжат саноат, қурилиш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмини тадрижий равишда янада кўпайтириб бориш учун зарур бўлган лизинг хизматларини ривожлантиришда асосий ҳуқуқий базадир.

2016 йилда республикамизда янги лизинг битимлари ҳажмининг ошиши 14% ни ташкил қилди, лизинг портфели эса 5,5% дан зиёдга ўсишни намойиш этди. Лизинг бозорининг охирги 20 йиллик фаолияти даврида илк бор технологик ускуналар сектори етакчи ўринга чиқиб олди ва унинг бозордаги улуши 36% ни ташкил этди.

Ўзбекистон лизинг берувчилар рейтингини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосланган ҳолда тайёрлаш жараёнида, 2016 йилда лизинг хизматларини кўрсатувчи 126 та ташкилот рўйхатга олингани аниқланди. Шу билан бирга лизинг амалиётлари билан 69 та ташкилот, шу жумладан 21 та тижорат банки фаол шуғулланган.



1-расм. Янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўмда)[6]

Ҳисобот даврида лизинг бозори иқтисодиёт фаоллигининг кўрсаткичларидан бири сифатида фаол ўсишни кўрсатди, хусусан лизинг берувчилар томонидан 5540 дан ортиқ янги лизинг битимлари тузилган, бунда уларнинг ҳажми 973,1 млрд.

[6] Манба: Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси “Ўзбекистон лизинг хизматларисекторининг таҳлили (2016 йил якунлари бўйича)”. Тошкент-2017, 2-б.

сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2015 йил билан солиштирганда 121,9 млрд сўмга ошган. 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида лизинг берувчилар томонидан 430,4 млрд. сўмлик лизинг битими тузилган бўлса, иккинчи ярим йилликда лизинг берувчилар фаоллашиб, ҳажмни 542,7 млрд. сўмга оширишди.

Лизинг берувчилар, шу жумладан банклар томонидан тақдим этилган таҳлилий маълумотлар лизинг амалиётларининг умумий портфели 2 трлн. 590 млрд. сўмни ташкил этиб, 2015 йил билан солиштирганда 5,5% га ўсганини кўрсатди. Тижорат банкларининг лизинг портфели эса 957,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори лизинг шартларида ҳам тақдим этилиши мумкин бўлган замонавий ва юқори технологик ликвид ускуналарда ишлашга интилаётгани бугунги кунда маҳаллий лизинг бозорининг ривожланишини белгиловчи муҳим тенденция ҳисобланади. Яъни молиявий хизматларнинг самарали тури сифатида лизингга бўлган талабнинг ошиши ҳақида гапирар эканмиз, бунда энг аввало, республикамизда иқтисодий фаолликнинг ўсиши, ҳозирги кунда нафақат маблағ, балки лизингга тақдим этиладиган ишлаб чиқариш воситаларини олишдан ҳам манфаатдор бўлган тадбиркорликнинг ўсиши кўзда тутилади.

Янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси лизинг бозори иштирокчилари ўртасида қуйидаги тарзда тақсимланган:

1-жадвал

Янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш тенденциясининг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши[7]

	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Лизинг компаниялари						
- мулк қиймати, млрд. сўм	325,1	381,0	560,2	592,6	668,2	630,8
-улуш	67,1%	64,5%	69,6%	71,7%	78,5%	64,8%
Банклар						
- мулк қиймати, млрд. сўм	159,4	209,6	244,9	233,6	183,0	342,3
-улуш	32,9%	35,5%	30,4%	28,3%	21,5%	35,2%
Жами	484,5	590,6	805,2	826,2	851,2	973,1

Олдинги йиллардаги каби 2016 йил якунларига кўра лизинг берувчилар ўртасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси сақланиб қолган бўлиб, бозорнинг 65% лизинг компанияларига тегишли. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2015 йил якунлари билан солиштирганда уларнинг бозордаги улуши 35,2% гача ўсган. Тижорат банклари томонидан намойиш этилаётган “босиқлик” амалдаги қонунчилик билан характерланиши мумкин, унга мувофиқ тижорат банкларининг лизинг амалиётлари суммаси биринчи даража капиталининг (Tier 1) - 25% дан ошмаслиги керак.

Лизинг берувчилардан олинган маълумотларга кўра, тузилган лизинг битимларининг ярмидан кўпи лизинг берувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлиб, уларнинг фақат 30% гина банклар томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган. Ушбу тенденция шу билан шартланганки, банклардан кредит сифатида жалб этилган маблағлар лизинг олувчи

[7] Манба: Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмаси “Ўзбекистон лизинг хизматларисекторининг таҳлили (2016 йил якунлари бўйича)”. Тошкент-2017, 4-б.

учун анча қимматроққа тушади, шу боис лизинг берувчилар, хусусан лизинг компаниялари лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни афзал кўрадилар.

2016 йилда лизинг битимлари ҳажмининг асосий воситалар турларига кўра тақсимланиши бўйича биринчи марта 36% кўрсаткич билан технологик ускуналар сектори етакчилик қилди. Бу бугунги кунда лизинг ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхона учун молиявий ресурсларни оптималлаштирувчи восита сифатида хизмат қилаётганидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятининг кўрсатишича, бунда унчалик қийинчиликларсиз технологик ускуналарни янгилаш ва бу билан ишлаб чиқариш салоҳиятини тиклаш ёки ҳатто уни ошириш имконияти мавжуд. Технологик ускуналар бозорида қурилиш техникаси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ускуналари (115,5 млрд. сўм), озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ускуналари (29,2 млрд. сўм) ва тўқимачилик ускуналари (26,9 млрд. сўм) алоҳида талабга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида 2016 йил учун лизинг хизматлари бозорини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги тенденцияларни аниқлаш мумкин:

Мамлакатнинг лизинг хизматлари бозори улкан ўсиш салоҳиятига эга. Лизинг берувчилар бозорида рақобат йил сайин ошмоқда, бу эса тақдим этиладиган лизинг хизматларининг даражаси ҳам ошишини англатади. Шундай қилиб, Ўзбекистон лизинг бозори ўсиши учун энг истиқболли бўлган қуйидаги йўналишларни кўрсатиш мумкин:

- маҳаллий лизинг компанияларининг халқаро бозорларга чиқиши;
-микролизинг;
- кўчмас мулк лизинги;
-оператив лизинг.

Келгусида мамлакат лизинг бозори фаол тарзда ўсиши кутилмоқда. Бунга муайяян даражада янги тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш ҳам кўмаклашади. Ушбу стратегия, энг аввало, инновацион технологияларни жорий этишни, ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётни модернизациялашни кўзда тутади. Бунда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришга қаратилган ва Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи саноат ишлаб чиқаришининг деярли барча йўналишлари ва тармоқларини ривожлантириш дастури асос сифатида хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухаммедов.М.М– СамИСИ,проф
Таирова Д.А. – СамИСИ, БҲ-116 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ва оширилиши зарур бўлган сайи-ҳаракатлар келтирилган. Мақола сўнгида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тез суръатлар билан ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланган.*

Калит сўзлар: *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ривожлантириш, кичик корхоналар, маҳсулот, ишлаб чиқариш, иқтисодий ислоҳотлар,стратегик вазифалар, тадбиркорлик фаолияти, миллий иқтисодиёт.*

Аннотация: *В данной статье даны реализация действия по деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства. В конце статьи приведены конкретные задачи для формирования деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства.*

Ключевые слова: *малый бизнес и частное предпринимательство, развитие, малые предприятия, продукт, производство, экономические реформы, стратегические задачи, предпринимательская деятельность, национальная экономика.*

Annotation: *The article demonstrates development of small business and enterpreunership and doing further achievements in this sphere. At the end of the article necessary proposals and task given to obtain high development achievements.*

Key words: *small business, private enterpreunership, development, small enterprises, product, production, economic reforms, activity, national economy.*

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2016-йил 29-декабр куни “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жихатидан яхшилашга доир фармони имзоланди.[8]

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида таърифланишича «Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) – юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулкий масъулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир»[9]. Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади. Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради. Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда ўзгаришлар саноат соҳасида талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада ривож топади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши

[8] www.Daryo.uz// ma’lumotlari asosida.

[9] O’zbekiston Respublikasi qonuni. Tadbirkorlik va tadbirkorlar faoliyatining kafolatlari to’g’risida. 20-may 2000-yil 69-II-sonli qarori.

пасайиши содир бўлади. Ҳудудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини мавжуд реал имкониятлардан унумли фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015-йилда республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улуши 61,1 фоизга етган, келажакда унинг улушини ошириш учун кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада тез суръатлар билан юксалтириш лозим. Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истиқболда ўсиб боришига эришиш зарур. Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истиқболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди.[10]

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришилади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлигини назарда тутиш лозим. Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (1-жадвал)[11]

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2015 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари,минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда,минг киши	374,3	391,8	600	740
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	74
Жами иқтисодиётдаги банд	72,7	74,2	74,3	79,8

[10] www.stat.uz// ma’lumotlaridan foydalanilgan.
[11] www.stat.uz// ma’lumotlari asosida tuzilgan.

бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоизҳисобида				

*(Манба: стат.уз, *Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди)*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 600 минги кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2015 йилда эса бир миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 74 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат бундай вазифаларни ўз механизмини қўллаш орқали амалга оширади.

Бозор шароитида миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига эришиш ва корхоналарнинг барқарор ҳолатини яхшилашда қўллаб-қувватлашнинг барча механизмлари иштироки муҳим аҳамият касб этади. Бунда маъмурий-ҳуқуқий муҳитнинг ҳам ўрни, ҳам роли катта ва ўз таъсир-еътибори бўйича иқтисодий механизмларни тўлдириб келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб қувватланишига эҳтиёжманд эканлигини замонавий ишлаб чиқаришнинг қуйидаги сабаблари доирасида кўришимиз мумкин:

- маҳсулот (хизмат) ҳаётийлик (лаёқатлилик) даврининг қисқарганлиги, товарларнинг тури ва бир марталик туркум маҳсулотлар чиқариш ҳажми кўпайганлиги сабабли товар (хизмат)лар турларини тезда ўзгартириш имконини берувчи юқори ўзгарувчан ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж;
- меҳнатни ташкил этиш ва тақсимлаш назоратининг мутлақо янги шаклларини талаб қиладиган мураккаб технологиялар;
- сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва қўшимча хизмат қиладиган, маҳсулот сифатига муносабатни тубдан ўзгартирадиган маҳсулот (хизмат кўрсатиш) бозоридаги жиддий рақобат;
- ишлаб чиқариш тўловлари таркибининг бирданига ўзгариши;
- ташқи муҳит ноаниқлигини ҳисобга олиш эҳтиёжи;
- Шу мақсадда барча мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлат томонидан ўзига хос иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий усулларда қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади ҳамда рағбатлантириб борилади. Қўллаб-қувватлашнинг бундай механизмлари кичик тадбиркорлик корхоналарининг катта корхоналарга айлангунига қадар давом этади.[12]

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

Хулоса қилиб айтганда, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг”

[12] N. Murodov – ,,Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmlari“. T.: ,,Iqtisodiyot“, 2012. – 42-b.

самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;
- ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;
- ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОДЕЛИ.

Ж.М.Қурбонов - СамИСИ, проф
Р.Ж.Курбанова – СамИСИ, кат.ўқит.
Ш.Ж.Қурбонов - ХС 313гуруҳ талабаси

Аннотация: *Илмий ишда хизматлар соҳаси хизмат кўрсатиш сифатини ташкил этувчи омиллар ва хизматлар соҳаси хизматлари таснифлагичига*

асосланган хизмат кўрсатиш сифатининг инновацион ривожланиш модели келтирилган.

Калитли сўзлар: *хизмат кўрсатиш сифати;инновацион ривожланиш;персоналнинг касбий малакаси;мотивация.*

Аннотация: *В научной работе приведены факторы образуюшие качества обслуживания и приведена модель инновационного развития качества на основе модели классификации обслуживания в сфере услуг.*

Ключевые слова: *качество обслуживания; инновационное развитие; профессиональная квалификация персонала, мотивация.*

Annotation: *In the scientific work the factors that form the quality of service are presented and the model of innovative quality development is presented on the basis of the service classification model in the service sector.*

Key words*: quality of service; innovative development; professional qualifications of personnel; motivation.*

Маълумки, хизматлар сифати уч гурух омиллари таъсирида булади. Агар, биринчи гуруҳ омилларига: хизматни комплекс бажаришга тайёргарлик (инновацион хизмат турларини ишлаб-чиқиш; конструкторлик ва технологик тайёргарликни такомиллаштирилгани; хизматни бажаришда технологик жараёнларнинг самарадорлиги, материалларни сифати қандай, у ёки бу хизматни бажаришда қўлланаётган технологиянинг инновационлиги, қўлланилаётган жихозлар замонавий техник даражага тўғри келиши кирса, иккинчи гуруҳ омилларига мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш , хизмат оладиган буюртамчига минимум вақт сарфланиши, мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш қандай даражада таъминланганлиги ,хизматни истеъмолчига етказиб бериш услублари, (хизмат кўрсатиш шакллари)ни қўллайди, ушбу шаклни истеъмолчи қандай баҳолайди, сервис соҳа корхонасини жойлашиши; қўлланилаётган иш режими; мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва этика даражаси киради. Худди шунингдек, учинчи гуруҳ омилига персоналнинг касбий ёки малакавий даражаси; замонавий меҳатни ташкил этиш даражаси, ишга йўналтириш (мотивация); рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий шакллари; персонални мансаб лавозимини ўсишларини таъминлаш; меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиш.ва бошкалар киради.

Биз, ўзимизнинг олдинги илмий ишларимизда, хизмат сифатининг инновацион ривожлантириш моделини тузиш максадида , хизмат сифатини маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатига бўлиб, юқорида қайд этилган таъсир этувчи омилларнинг биринчи гуруҳи маҳсулотлар сифатини шакллантиришини ва кейинги икки омиллар гуруҳи эса хизмат кўрсатиш сифатини ташкил этади деб, кабул килган эдик.

Худди шунингдек, илмий ишларимизда, хизмат сифатини шакллантириш шартли равишда бир қатор омиллар таъсирида амалга оширилишини, уни шакиллантирувчи барча омилларнинг уч гуруҳга бўлинишини ва унинг биринчи гуруҳи бу хизмат соҳаси маҳсулот сифати билан белгиланишини, иккинчи ва учинчи гурух омиллари эса айнан хизмат кўрсатиш сифатига тугри эканлигини куришимиз мумкин.

Хизматлар соҳасида маҳсулот сифати ва унинг ривожланиш механизми моделини яратишда, биз маҳсулотлар тайёрлаш жараёнлари таснифлагичидан

фойдаланиб маҳсулот сифатининг ривожланиш механизмини келтирдик. Хизмат соҳаси, хизмат кўрсатиш сифатини ва унинг инновацион ривожланиш механизмининг моделини яратишда эса , биз хизмат кўрсатиш таснифлагич моделидан фойдаланишни таклиф этамиз.



1 - Расм.Хизматлар соҳаси хизмат сифатини инновацион ривожлантириш модели

Хизмат кўрсатиш сифати ва унинг инновацион ривожланиш механизмининг модели расмда келтирилган..

Маълумки, хизматлар соҳси хизматлар турларининг таснифлагичининг янги моделида, барча хизматлар асосини унинг бош қатнашувчилари, хизматлар истеъмолчилари ($ХИ_{1)}$)ва уларни ишлаб чиқарувчилари ($ХИ_{2)}$орасидаги муносабат ташкил этади ва бу муносабатларни харакатлантирувчиси бўлиб асосий иқтисодий кўраткичлар фарқи ташкил этади.

Ушбу моделда биз хизмат истеъмолчиси ($ХИ_1$) ва хизматларни ишлаб чиқарувчилари ($ХИ_2$) ўртасидаги муносабатни ижтимоий ҳодиса дейилади ва бу муносабат ҳар қандай хизматларнинг асосини ташкил этишини таъкидлаймиз. Ушбу ўзаро муносабатларни ривожлантирувчи ёки ҳаракатлантирувчи омилларига: самарадорлик (ΔС), қониқарлилик даражаси (ΔҚ), давлат муносабати (ΔДМ), кўнгил ҳолати (ΔКХ) ва техник технологик ҳолат (ΔТТХ) кўрсаткичлари фарқи ташкил этади.Айнан шу омиллар асосида хизматлар соҳаси асосий жараёнларини фарқлашимизни бир тизимга киритишимиз мумкин. Буларга: ишлаб чиқариш, муомала (маҳсулотлар реализацияси), ихтисослашган, жамоавий ва оммавий, ижтимоий асосий хизматлар жараёнлари киради улар ўз ўрнида хизмат турларига, хилларига ва х.к.ларга бўлинади.

Агар биз ижтимоий ходиса - хизмат кўрсатиш (хизмат истемолчиси ва ижрочиси) ва уларнинг ривожлантирувчиси, харакат кучлари бирбутун истемолчига курсатиладиган хизмат кўрсатиш хусусиятларини (ХКХ), тавсифини шакллантирувчи курсаткичларини (ХКТ) хосил килади деб олсак, унда буларнинг хаммаси хизмат кўрсатиш сифатини ташкил этишини кўрамиз.Шундай қилиб, натижада биз хизмат кўрсатиш сифатини инновацион ривожлан иш моделига эга буламиз.Ушбу моделга асосан. Уни ташкил этувчисининг ҳарқандай ўзгартирилиши сифатни ўзгартиради,яъни янгилайди.

ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИДИР.

Суюнов С.Х. – СамИСИ, доценти
Суюнова К.Б. - СамМИ ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мавзуда мамлакатимизда муситақиллик даврида аҳолини ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қуллаб--қувватлаш айниқса аҳолига транспорт хизмати, шу билан бирга тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, янги иш уринлари ташкил қилиш соҳасида қулга киритилган ютуқлар асослаб берилган.*

Шу билан бирга мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта, унда саноатнинг улуши 14%дан -347%га ошганлиги, ушбу фактлар аҳоли турмуш тарзида катта ўзгаришлар содир этилиб, аҳолига хизмат тизимининг такомиллашиб боришига кенг имкониятлар яратилганлигининг натижаси кўрсатиб берилган.

Аннотация: *В статье указаны развитие предпринимательской деятельности, организация новых рабочих мест и обоснована социально-экономическая, духовная поддержка в годы независимости в нашей стране, в особенности транспортный услуги населению.*

Annotation*: Development of entrepreneur activity, organization of new rocking places as well as social, economic and spiritual support in the years of independence in*

our country, especially transport services to population are being discussed in this article.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамият ҳаётининг барча соҳаларида сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар қатори халқимизга хизмат кўрсатиш тизимни такомиллаштириш халқимиз турмуш тарзини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонининг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишида хусусан худдудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лоиҳаларни руёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни-сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмалари, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббиёт ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ жойларда 15 мингта орзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йуллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилганлиги ҳам аҳолига хизмат қилиш тизимини такомиллаштиришнинг асосидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятни қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устиворлигига асосланган иқтисодни ривожлантириш халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириш аҳолига барча эҳтиёжлари учун хизмат тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишга халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашга қаратилган комплекс чора тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Яқинда аҳоли билан учрашувларда ҳамюртларимиз давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарорини катта хурсандчилик билан кутиб олганлигининг гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, шаҳару қишлоқларимизда аҳолига қўлай, сифатли ва энг асосийси, хавфсиз автомабиль транспорти хизмат кўрсатишни яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мазкур қарор остида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар туфайли автотранспорт хизматлари янада кенгайди.

Қарорда автотранспорт хизматини янада такомиллаштириш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бошқача айтганда, қабул қилинган хужжат айни республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда

аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни намунали ташкил этишга, умрнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Қарор ижроси доирасида 2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши очилиши, улардан 204 тасини ёки 79,2 фоизини шаҳар атрофида ва қишлоқлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновлар ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, янги йўналишлар очиш билан бирга, автобуслар етишмаслиги оқибатида қатновлар тухтаб қолган йўналишлар қайта тикланади. Бу мақсадлар учун келгувси йилда 8,6 мингта умумий фойдаланиш учун қулай бўлган микроавтобуслар харид қилишни режалаштирмоқда.

Ушбу сохада яна бир янгилик шундан иборатки, қатнов йўналишларида автотранспортлар ҳаракатини, белгиланган жадвал асосида ҳаракатланишининг ва хизмат сифатини назорат қилиб туриш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишлаш режасида хизмати яратилади.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиишни сифат жиҳатдан юксалтиришда йўл ҳақи тўловини такомиллаштириш масалас муҳим ўрин тутади. Шу боис ушбу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Демак президентимизнинг мазкур қарори халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, манфаатларини таъминлаш ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган.

Қайт этиш жоизки Вазирлар маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар хокимиятининг жорий йил 9 мартда қабул қилинган қарорларига биноан пенсиянерларга 2017 йил 15 мартдан бошлаб соат 10:00 дан 16:00 гача Тошкент метроларида бепул хизмат қилиш йўлга қўйилди.[13]

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарииб 6 марта усди. Унда саноъатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охирги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик усиш суръати 3 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда.

Мутлоқо янги, юқори технологияларга асосланган саноъат тармоқлари, хусусан, нефт-кимё, кимё, автомобилсозлик саноъати, қишлоқ хужалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацивтика, электротехника, тўқимачилик саноъати замонавий қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисоди жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради.

Мамлакатимизда аҳолига хизмат қилишга боғлиқ бўлган барча соҳалар изчиллик билан ривожланмоқда. Республикамизда жадал суръатлар билан замонавий йўл-транспорт ва мухандислик коммуникация инфратузилмаси ташкил қилинмоқда. Жумладан Қамчиқ давонидан ўтадиган, ноёб тоғ тунелини ўз ичига олган Ангрен - Поп темирйўл тармоғи, Тошгузар-Байсун-Кумқурган темирйўли қўрилди. Тошкентдан Самарқанд, Қарши ва Бухорога йўловчи тошийдиган юқори тезликдаги темир йўл қатнови очилиб фуқароларга йўл қатнови учун хизмат тизими янгиланди. Навоий одрицинарниги негизида халқаро логистика маркази ташкил қилинда ва Ўзбекистон Миллий автомагистрали барпо этилди.

[13] Саид Рахматов. Пенсиянерлар учун имтиёз Халқ сўзи. 2017 йил 10 март.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш даражаси кўпайди: гўшт, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 1,5 баробар, сабзовот – 2,6 баробар, мева – 6,3 баробар ошди.

Мамалакатимизда хусусуий мулкчилик ва тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай хизмат шароитлар яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилмоқда ва улар мамлакатимизнинг изчиллик билан гуллаб яшнаши аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Бугунги кунда давлат буджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражасида ошди. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Олийжаноб мақсад – изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон демократик давлат, ва фуқаролик жамиятини аҳоли тинчлиги фаровонлиги соҳасида йўналтириш ҳозирги куннинг асосий вазифасидир. Хулоса қилиб айтганда мустақиллик йилларида аҳолининг барча эҳтиёжларини қондириш хизмат тизимини такомиллаштириш соҳада ўлкан ишлар амалга оширилди.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМАХ

О.Б. Буранов – СамГАСИ, доцент
Р.М. Мусурмонов - СамГАСИ и.ф.н.,
Ш.Н. Жуманов - СамГАСИ Ассисент,

Аннотация. *Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида давлатнинг инновация сиёсатини ўрни ва роли инновация жараёнларининг бошқарув объекти сифатида аниқланади. Мақолада, инновацияларни бошқаришининг кўплаб масалалари, яъни корпорацияларнинг кичик бўлимларидан, то давлат даражасида бўлган инновацияларни замонавий иқтисодий сиёсат нуқтаий назаридан амалга ошириш йуллари кўрсатилган. Шу билан биргаликда, илғор хорижий давлатларда инновацияларни амалиётга жорий қилиш ва бошқариш тажрибалари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *инновацион сиёсат, таркибий ўзгаришлар, инновацияларни бошқариш, хорижий давлатлар инновацияси, корпорация, давлат, илмий ғоялар, инновацион моделлар.*

Аннотация.*Место и роль инновационной политики в структуре государственного регулирования экономики определяются особенностями инновационного процесса, как объекта управления. В рыночных условиях существует множество форм управления инновациями на самых разных уровнях: от подразделений корпораций, до государства, в целом призванного в современных условиях осуществлять специальную экономическую политику. А также, раскрыто опыт развитых зарубежный стран применение в практику и управление инновациями.*

Ключевые слова: *инновационное политика, структурные преоброзавание, управление инновациями, иновации зарубежных стран, корпорация, государство, научные идеи, инновационные модели.*

Annotation. *Place and role of innovative politics in the structure of government control of economy are determined by the features of innovative process as a management object. In market conditions there is a great number of management forms by innovations on the most different levels: from subdivisions of corporations to the state on the whole called in modern terms to carry out the special economic politics. And also, experience is exposed developed foreign countries application in practice and management by innovations.*

Keywords: *innovative politics, structural преоброзавание, management by innovations, innovations of foreign countries, corporation, state, scientific ideas, innovative models.*

Место и роль инновационной политики в структуре государственного регулирования экономики определяются особенностями инновационного процесса как объекта управления. Это обстоятельство вполне убедительно проявляется в условиях регулируемой рыночной экономики развитых стран. Основная масса инновационных процессов реализуется здесь частными компаниями разного уровня и масштаба, и такие процессы выступает, понятно не как самостоятельная цель, а как средство лучшего решения производственных и коммерческих задач компании, добивающейся высокой прибыльности. В этих обстоятельствах инновация изначально нацелена на практический коммерческий результат.

В рыночных условиях существует множество форм управления инновациями на самых разных уровнях: от подразделений корпораций до государства, в целом призванного в современных условиях осуществлять специальную экономическую политику.

Приступая к разработке и осуществлению этой идеи, компании, должны начать с авансирования денежного капитала. Специфика такого рода в сложений состоит в том, что она связана с резко повышенной угрозой их потери: инновации носят рисковый характер. Как показывает анализы в развитых экономических странах, вероятность успеха воплощения новой идеи в новом продукте достигает только 8,7 %; из каждых 12 оригинальных идеи только одна доходит до последней стадии массового производства и массовых продаж.

Американский специалист в области инноваций Твист отмечает, что коммерческий успех достигается лишь в 10% начатых проектов, следовательно, уровень неудачи можно оценить в 90%. Иными словами, отдача от вложения капитала в инновационный процесс имеет крайне мало общего с гарантированными выплатами ссудного процента на капитал в банке или дивиденда на акции.

По этому государственная инновационная политика в промышленно развитых странах направленная на создание благоприятного экономического климата для осуществления инновационных процессов и является связующим звеном между сферой «чистой» (академической) науки и задачами производства.

Меры воздействия государства в области инноваций можно подразделить на прямые и косвенные. Соотношение их определяется экономической ситуацией в стране и избранной в связи с этим концепцией государственного регулирования с упором на рынок или на централизованное воздействие.

В настоящее время экономисты по степени активности вмешательства государства в экономику выделяют три группы стран:

-в первой возобладала концепция необходимости активного вмешательства государства в управление экономикой (Япония и Франция);

-во второй характеризуется преобладающей упором на рыночные отношения (США, Великобритания);

-в третьей придерживается «промежуточного» варианта в экономической, в том числе и инновационной политике. Государственное регулирование сочетается с низкой степенью централизации государственного аппарата, используются косвенные методы воздействия при развитой системе согласования интересов правительства и бизнеса.

Прямые методы государственного регулирования инновационных процессов осуществляется преимущественно в двух формах:

-административно –ведомственной;

-программно – целевой.

Административно – ведомственная форма проявляется в виде прямо дотационного финансирования, осуществляемого в соответствии специальными законами, принимаемыми с целью непосредственного содействия инновациям. Так, в США в 1980 г. был принят закон, Стивенсона – Вайдлера «О технологических нововведениях », предусматривающий ряд мер стимулирования промышленных инноваций.

-создания для их изучения и стимулирования специальных организация в рамках аппарата исполнительной власти;

-оказание содействия в обмене научным и техническим персоналом между университетами, промышленностью и федеральными лабораториями;

-поощрение частных лиц и корпораций, вносящих большой вклад в развитие науки и техники.

Ярким примером дотационного государственного финансирования может служить открытие в США в 1985 г института промышленной технологии при Мичиганском университете. На организацию этого института местными и федеральными властями выделено 17 млн. долл. Основная его задача разработка и опытная эксплуатация гибких интегрированных производственных систем и других средств автоматизации производства. Всего из 133 млрд. долл., расходуемых в США на НИКОР в 1988 г. на долю федерального правительства приходилось почти половина 49,3%.

Программно – целевая форма государственного регулирования инновации предполагает конкретное финансирование последних посредством государственных целевых программ поддержки нововведений, в том числе и в малых наукоемких фирмах; создается система государственных контрактов на приобретение тех или иных товаров и услуг, фирмам предоставляются кредитные льготы для осуществления нововведений и т.д. Контрактное финансирование представляет собой один из элементов распространенной в настоящие время системы контрактных отношений – договоров между заказчиками и подрядчиками. В договоре четко предусматриваются сроки завершения работ, конкретное разделение труда между исполнителями, характер материального вознаграждения. Строго оговариваются взаимные обязательства и экономические санкции. Строго

оговариваются взаимные обязательства и экономические санкции. В США таким образом финансируются 77% федеральных затрат на НИОКР.

Особое место в системе «прямых» мер воздействия государства на инновационной бизнес занимают мероприятия, стимулирующие кооперацию промышленных корпораций в области НИОКР и кооперацию университетов с промасленностью. Вторая из этих форм кооперации вызвана осознанием объективной необходимости, с одной стороны, доведения передовых научных идей до стадии их коммерческой реализации, с другой, - создания условий для заинтересованности промышленности в финансировании академических исследований. В этом направлении государственной инновационной политики отчетливо проявляется ее перспективная направленность, заинтересованность в научной новизне промышленных инновации, что нередко является вторичным при реализации интересов промышленных компаний, решающих в первую очередь производственных и коммерческие задачи.

Косвенные методы, используемые в государственной инновационной политике, нацелены, с одной стороны на стимулирование самих инновационных процессов, с другой – на создание благоприятного общехозяйственного и социально – политического климата для новаторской деятельности.

Либерализация налогового и амортизационного законодательства. Предприниматели реализуют инновационные процессы с целью получения большей прибыли. Склонность предпринимательству, инновационному в частности, регулируется уровнем налогообложения прибыли. Иллюстрируя эту мысль, венгерский экономист Б.Санто приводит следующею зависимость, учитываемую Министерством промышленности Швеции: , …если размер налога на прибыл варьирует между О и 25%, это склонность к предпринимательству быстро уменшаеться, если же налог достигает 50% от прибыли, то склонность к инновациям и связанным с ними капвложениями практически исчезают.

Важность этого инструмента государственного регулирования осознается практически во всех промышленно развитых странах, и каждая из них стремится найти свою оптимальную модель налогообложения прибыли.

Подсчитано, что в целом амортизационные и налоговые льготы покрывают в среднем в США от 10 до 20% общей суммы затрат на НИОКР.

Законодательные нормы. Они весьма разнообразны и касаются многих областей влияния на инновационную политику. Например, действующие в США уже около 200 лет патентное право законодательно закрепляет права изобретателей на их открытия – интеллектуальную собственность, которая предполагает монополию автора на научно-техническое решения. Такое положение в конечном счете положительно сказывается на активности научной работы в стране.

Таким образом, национальные ориентиры инновационной политики проявляется в конкретных моделях используемых разными странами. Здесь сказывается неравномерность экономического развития стран, проявляющаяся и в сфере инновации. Вследствие этого возникает необходимость сосредоточивать национальные усилия на ключевых областях науки и техники, в которых страна может добиться лидирующего положения на мировом рынке. В частности, выделяют американскую и японскую модели инновационной политики.

Американская модель отличается наиболее полной автономней предпринимательства. Ориентировка экономического развития осуществляется путем выделения особой области, куда государство вкладывает средства и тем самым обеспечивает ее технологический приоритет.

Японская модель также предполагает создание технологического приоритета, но при этом упор делается на конкретные технологии. Например, за последние 10 лет технология строительства больших танкеров была заменена в роли ведущей технологий изготовления роботов. Иными словами, на государственном уровне определяются технологические преимущества, которые должны быть достигнуты, и стимулируется их развития с тем, чтобы затем переводить на новые технологии все народное хозяйство.

В целом роль государства в области поддержки инноваций можно свести, никак не претендуя на полноту перечисления, к следующим моментам:

-государство способствует развитию науки, в том числе прикладной и подготовка научных и инженерных кадров (основной источник инновационных идей);

-в рамках большинства правительственных ведомств существуют разнообразные программы, направленные на повышение инновационной активности бизнеса;

-государственные заказы преимущественно в форме контрактов на проведение НИОКР обеспечивает начальный спрос на многие новшества, которые затем находят широкое применение в экономике страны;

Фискальные и прочие элементы государственного регулирование формируют стимулирующие воздействие внешней среды, которые обусловливают эффективность и необходимость инновационных решений отдельных фирм;

-государство выступает в роли посредника в деле организации эффективного взаимодействия академической и прикладной науки, стимулирует кооперацию в области НИОКР промышленных корпораций и университетов.

Таким образом, рыночные ориентиры позволяют предприятиям учитывать сегодняшнюю экономическую ситуацию и вырабатывать определенные прогнозы, но только на ближайшее будущее. В этих условиях приоритет должно отдаваться инновационным процессам, которые обеспечивают «частный эффект»-чаще всего максимум прибыли на вложенный акционерами капитал.

МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ, РАИЯТ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА

Халикова Л.Н – СамИСИ, и.ф н. доцент

Резюме: *Из исторических источников известно, что Амир Тимур для строительства могущественного государства и справедливого общества, эффективно использовал морально-материальную систему стимулирования населения. Процветание огромного государства при Амире Тимуре, возможно, было в результате продуманной экономической политики, многие положения которой актуальны и в настоящее время.*

Abstract:*From historical sources we know that Amir Timur for the construction of the powerful state and a just society effectively used moral and material stimulation system to population. Prosperity of the huge state at Amir Timur period may have been as*

a result of the sound economic policy, many provisions of which are relevant in the present time.

Амир Темур моддий ва маънавий рағбатлантиришда жамиятни, жамоани шахсни ҳаракатга келтирувчи улкан куч деб қаради ва ундан давлатни, иқтисодиётни бошқаришда дастуру амал сифатида фойдаланди.

Моддий рағбатлантириш тизимидан кенг фойдаланиш туфайли Амир Темур амирлар, саййидлар, уламолар, сипоҳларни ўз атрофига бирлаштиришга эришди, мамлакатда тинчлик, барқарорликни вужудга келтирди. Эгаллаган вазифаси ва бажарган хизматига қараб, маошни даражама-даража ошириш тизими ҳозирги замонда амал қилаётган тариф сеткасини эслатади. Амир Темур айниқса, қўшинларнинг жанговорлик руҳини кўтариш, мухолиф кучлар устидан ғалаба қилиш, кўзланган мақсадга тезроқ эришиш учун моддий манфаатдорлик тамойилидан усталик билан фойдаланган. Сипоҳийларнинг ойлик ҳақлари вақтида берилган. Рум юришида эса сипоҳийларнинг руҳини кўтариш мақсадида етти йиллик озуқаларини бирданига берган. Мамлакат ички ва ташқи сиёсатида барқарорликни таъминлашда, раиятнинг турли қатламлари орасида бирликни вужудга келтиришда, турли элат ва миллатларни марказлашган давлат атрофида бирлаштиришда моддий рағбатлантириш тамойилига амал қилиш катта натижаларга олиб келди. Дастури амал булиб хизмат қилган бу тамойилнинг турли қирраларини соҳибқироннинг қуйидаги сўз ва амалий ишларида кўриш мумкин:

-хайри -эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим;

-амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару-зеварлар билан хушнуд этдим. Дирҳам ва динорларни улардан дариғ тутмадим;

-саййидлар, уламо, шайхлар ва бошка диний арбобларга суюрғол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилдим ;

-ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб хизматларидан фойдаландим;

-аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларга ўз қўлларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар деб буюрдим.

-раъият, ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим.

Амир Темур мамлакатнинг сиёсий бирлигини мустаҳкамлащда, жаҳонгирликда янги зафарларга эришишда, ягона марказлашган давлатни вужудга келтиришда, фан ва маданиятни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда маънавий рағбатлантиришни буюк ҳаракатлантирувчи куч деб билди ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантиришдан бир-бирини тўлдирувчи омил сифатида фойдаланди.

Ғалабалар ва ютуқларга илҳомлантирувчи куч сифатида маънавий рағбатлантиришнинг Амир Темур услуби биз учун тарихий сабоқдир. Унинг энг яхши томонларидан фойдаланиш, мазмунан ва шаклан кенгайтириш ва чуқурлаштириш жамиятимизнинг тараққиёт ва ривожида беқиёс аҳамият касб этишини инобатга олиб, Амир Темурнинг маънавий рағбатлантириш услубларини мухлисларнинг ўзларига ҳавола қилишни лозим топдик:

-лашкарни, раиятни атрофимга бирлаштириш учун мурувват, меҳрибонлик қилдим.

-ширин сўз ва очиқ юз билан уларни ўзимга ром этдим;

-қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим;

Амирларим ва сипоҳларимни мартаба ва унвонлар билан хушнуд этдим;

-ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг бошлиқ оқсоқолларини қадрладим;

-фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим;

-раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим;

-ким менга дўстлик қилган бўлса, давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим;

-менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четга қолдирмадим.

-саййидлар, уламою машоих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблар, иззату ҳурматларини жойига қўйдим;

-қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича ҳурматладим, сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эдим.

Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Темур давлат тузуми тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.

Агар илгарилари ижтимоий ҳимоялаш ислом дини аҳлоқ қоида-тузукларига мувофиқ ихтиёрий ҳайри-эҳсон шаклида устуворлик қилган бўлса, Амир Темур даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизими ҳам вужудга келиб, иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Амир Темур марказлашган давлат вужудга келтириш жараёнида раиятнинг мол-мулкини талон-тарож қилишдан ҳимоя қилди. Ички ва ташқи босқинчи, талончи, қароқчиларнинг йўли тўсилди.

Ҳамма замонларда ҳам шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам аҳолини адолату-инсофдан чекинган, имону инсофни нафс балосига алмаштирган амалдорлар ҳокимлар, беклар, қозилар, ясовуллар, закотчилар ва шунга ўхшашлардан ҳимоя қилиш талаб қилинган. Сипоҳийлар томонидан ҳам қонун қоидани бузиш ва кези келганда аҳоли мулкини талон-тарожлик, зўравонлик билан тортиб олиш ҳолатлари содир бўлган.

Амир Темур ўғри, қароқчи, зўравонларни “ясо” асосида жазолагаи, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарган. “ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим” (“Темур Тузуклари”) 56 бет. Раиятга золимлар томонидан етказилган ашёвий ва жисмоний зарарлар, шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилинар, исботлангандан кейин зарарлар тўланар ва шариат қоидаларига мувофиқ жазолари белгиланарди.

Йўлларни кўриқлаш, ўткинчи савдогарлар, мусофирларнинг мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйиш учун йўлни кузатувчилар, зобитлар тайинланган эди. Агар йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи

ўлдирилса ёки бошҳа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасига юкланарди.

Агар доруғалар (шаҳар ҳокими) ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларнинг иқтисодий аҳволи хароб ҳолга келтирилса, кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг моли қайтариб эгасига топширтирилган, гуноҳкорлар эса дарра уриш ёки жарима солиш билан жазоланган, агар у сипоҳий бўлса уни тутиб мазлум қўлига топширганлар.

Аҳолининг кам таъминланган табакаларини ижтимоий ҳимояпаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил иқтисодий сиёсат олиб борилган.

Ишсизлик ўша замонларнинг қам катта ижтимоий иллати ҳисобланган. Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган замонда меҳнат бозори жуда суст ривожланган эди, шунинг учун ишсизлик гадолар сонининг кўпайишида намоён бўларди.

Амир Темур гадоликка мамлакатни хунук кўрсатувчи омил деб қаради ва бу ижтимоий иллатнинг иқтисодий заминини йуқотмасдан унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқ таҳлил қилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усулларидам фойдаланди.

Биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари-ожизлар, шол, кўр, чўлоқ, қарилик сабаби билан ишлай олмайдиганлар нафақа билан таъминланди. Баъзи маълумотларга қараганда хазинанинг ўн фоизи шу мақсадга сарфланган.

Иккинчи навбатда қилинган иш шу бўлдики, меҳнатга қобилиятли, билагида кучи бор фақиру-мискинлар, гадоларни иш ва ҳунар билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. “Яна буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинпар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин”. (“Тузуклар”, 95 бет).

Гадоликни касб қилиб олганларни, нафақа олиб кам гадолик қилувчиларни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб юборишга жазо чоралари кўрилган. Дангаса ва текинхўрларга нисбатан ижтимоий фикр - нафрат ва муросасизлик кайфияти уйғотилган.

Амир Темур давлати ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашилган. Ижтимоий ҳимоя давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган. Амир Темур замонида жамиятимизда кам учрайдиган ижтимоий ҳимоянинг камёб усулидан фойдаланилган. Агар фуқародан бирининг уй-жойи бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар етказилиб берилиб, ўй эгасига ёрдам кўрсатилган.

Ижтимоий ҳимояга табақалаштирилган ҳолда ёндашилган деганимизнинг иккинчи бир исботи шуки, қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етса, у улуфадан (маошнинг тури) маҳрум этилмаган ва мартабасидан туширилмаган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, албатта, ҳар бир мамлакат ва элатларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалла-гузарлар алоҳида рол ўйнаган.

Ҳамма замонларда, шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам маъориф, соғлиқни сақлаш, мусофирларга ёрдам кўрсатиш, сув чиқариш, кўприклар қуриш

давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлган. Амир Темур аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатида ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар (дарвишлар, қаландарлар, ғариб, мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой) қурилган, йуловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилинган, дарёлар устига кўприклар қурилган.

Соҳибқирон томонидан амалга оширилган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш сиёсати қуйидаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган:

- биринчидан, жамиятда барқарорлик ва иноқлик кайфиятини вужудга келтирган;
- иккинчидан, фан, маданият, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожланишига рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилган;
- учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Амир Темурнинг "мамлакатни обод, раъиятни рози" қилишдан иборат иқтисодий сиёсатининг узвий қисмини амалга оширишга эришилган;
- тўртинчидан, Амир Темур давлати довруғи бутун жаҳонга тарқалишига сабаб бўлган ва у халқаро аҳамият касб этган.

ХИЗМАТЛАРНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ж.С.Файзиев - СамИСИ, доцент
Файзиев Ш.Ж- СамИСИ, Мустақил тадқиқотчи
Валиева Ф.Х.- СамИСИ, Магистратура талабаси

Аннотация: *ишда хизматларни сезилмаслик, манбадан ажралмаслиги , сақланмаслиги ва сифатини доимий бўлмаслиги каби тавфсифлари талқин этилган. Шунингдек, сервис ташкилотлари менеджерлари учун ҳар бир хизмат тавфсифларини ўзига хослиги мисоллар билан келтирилган.*

Аннотация: *в работе анализированы такие характеритики услуг как неосязаемость, неотделимость от источника, несохраняемость и непостоянство качества. Наряду с этим для менеджеров сервисных предприятий приведены специфичность каждой характеристики услуг с примерами.*

Annotation: *In this case is suspected resources and the quality as defined of services.Just like that service organizations for the managers of the characteristics of the examples of the uniqueness of itself.*

Калит сўзлар: *хизмат,хизмат кўрсатиш, сервис,хизматни тақдим этиш,сезилмаслик, манбадан ажралмаслиги, сақланмаслиги, сифатини доимий бўлмаслиги, хизмат ишлаб чиқарилиши, хизматни истеъмол қилиниши*

Ключевые слова: *услуга, обслуживание, сервис, предоставление услуги,неосязаемость, неотделимость от источника, несохраняемость и непостоянство качества. производство услуги, потребление услуги*

Key words: *service, service provision, intangibility,inseparability from source,incoherence and inconstancy of quality,production services,consumption of the service.*

Сўнги йилларда республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Хизмат кўрсатиш сохасини

ривожлантиришга йўналтирилган мухим чора-тадбирлардан бири 2016 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Хизмат сохасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида” ги 55-сонли қарорини қабул қилиниши хисобланди. Қарорда хизмат сохаси корхоналари фаолиятини мутаносиб ривожлантириш ва диверсификациялаш мақсадида, тақдим этилаётган хизматлар рақобатбардошлиги ва сифатини таъминлашнинг қатор чора-тадбирлари ўз аксини топган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришда хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан хизматларни табиати ва мохиятини тушуниш, уларни ўзига хослгини эътиборга олиш муҳим хисобланади.

Хизматларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари устида йиллар давомида қатор тадқиқотчилар ва аналитиклар тадқиқот олиб боришган. Натижада кўпгина хизматлар қисми учун умумий бўлган бир неча тавфсифлар аниқланган. Хизматларни ишлаб чиқарилган товарлардан фарқлаб турувчи асосий ва энг кўп эслатиладиган тавфсифлари сезилмаслик, манбадан ажралмаслиги, сақланмаслиги ва сифатини доимий бўлмаслиги ҳисобланади.

Хизматларни катта қисми сезилмасдир. Товар моддий предмет хисобланади; унга тегиниш мумкин, сезиш, баъзи холларда хидини сезиш, агар у истеъмол қилинадиган махсулот бўлса уни таъмини татиб кўриш мумкин. Хизматлар моддий предметлар хисобланмайди. Улар моддий предметлардан фойдаланиши ёки уларда гавдаланиши мумкин, аммо уларни ўзлари моддий хисобланмайди. Масалан, дастурий таъинот йўриқномалардн иборат бўлади. Ушбу йўриқномлар одатда СД ёки эгилуван диск ёки интернетдан қаттиқ дисга юкланиши мумкин. Демак, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари томонидан тақдим этилган ҳизматлар моддий объектларда (СД, эгилуван диск ёки қаттиқ диск) гавдаланган ва бошқа моддий объектсиз (компьютер) фойдаланилиши мумкин эмас.

Кўпгина хизматлар харакат хисобланади. Юридик маслахат хизмати, одатда, юридик ахборот беришни ва мижозни судда тақдим этилишини назарда тутади. Бундай хизматларда, одатда, сезиладиган чиқиш махсулоти мавжуд бўлмайди. Сезиладиган махсулот воситачи сифатида намоён бўладики, у орқали хизмат истеъмолчига етказилади. Масалан, мижозни иш билан боғлиқ муаммосини ечими баён этилган хисобот консалтинг хизматини реал якуний махсулоти хисобланмайди; реал якуний махсулот ушбу хисоботда баён этилган ғоя хисобланади. Бошқа хизматлар, масалан, ресторан ёки интерьерни безаш холлари, сезилмайдиган якуний махсулотни моддий махсулот билан бирлаштиради. Аммо, сезилмаслик хизматларни ўзига хослигини бошқа тавфсифларга нисбатан анча қисқа баён қилади.

Сезилмасликни мухим оқибати шундан иборатки, кўпгина хизматлар учун хизматларни сотиб олиш натижаси унга бўлган эгалик хуқуқини англатмайди, товарни харид қилиб олиш бундай мулкдорлик хуқуқини бермайди. Масалан, стерео тизимни харид қилаётган одам уни эгасига айланади ва у билан хохлаганини қилиши мумкин: мусиқадан рохатланиши, уни кимгадир совға қилиши, телевизор учун асос сифатида фойдаланиши ёки сотиб юбориши. Кўпгина хизмат харидорлари учун бу танлов йўқ. Мисол учун, сиз шоуга чипта харид қилсангиз, сиз маълум кун ва вақтда томошабинлар сафида бўлиш хуқуқини оласиз. Агар сиз

театрга келсангиз, сиз ушбу хуқуқдан фойдаланасиз, аммо сиз шоуни бошқа чипта харид қилмасдан туриб яна бир марта кўра олмайсиз.

Кўпгина хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиниши ажралмасдир: улар фақат тайёрлаш давомида истеъмол қилиниши мумкин. Кўпгина товарлар учун бу икки жараён, одатда, ўзаро боғлиқ эмас. Телевизор маълум географик кенгликда жойлашган заводда тайёрланиши мумкин, ва сўнгра улгуржи ва сотиш учун дунё бўйича жўнатилиши мумкин. Телевизорни харид қилган кимса, уни бирданига ишга туширишга мажбур эмас; телевизор номаълум вақтга ўз қутисида қолиши мумкин. Аммо, врач бераётган маслахат бир вақтда берилади ва қабул қилинади.

Манбадан ажралмасликни иккинчи шакли харидорни хизматни тақдим этиш жараёнидан ажралмаслиги хисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, хизматларни кўпгина қисми келгусида фойдаланиш учун сақланиши мумкин эмас; истеъмолчи хизматни яратиш пайтида иштирок этиши лозим. Телевизор ишлаб чиқариш пайтида харидорни бўлиб туриши талаб қилинмайди, аммо врач кабинетида физик кўрикдан ўтказиш пациент бўлмаганида амалга оширилиши мумкин эмас. Аудиториядаги маъруза, футбол ўйини, рок-мусиқа концерти ва поездда қатнаш ажралмасликни иккала шакллари келтирилган қўшимча мисоллар хисобланади; ушбу хизматларни бажарилиши ва истеъмол қилиниши бир вақда кечади ва бўлинмасдир, истеъмолчилар эса уни натижаларидан рохатланишлари учун иштирок этишлари лозим.

Баъзи хизматларни биргаликда истеъмол қилиниши манбадан ажралмасликнинг учинчи шакли хисобланади. Баъзи хизматлар истеъмолчиларни катта гурухи учун тақдим этилади. Мисол учун, театр махсулоти, концерт ва теплоходдаги круиз истеъмолчиларни катта гурухи учун тақдим этиладиган хизматлар хисобланади.

Хизматларни катта қисми уларни бир вақтда ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши сабабли сақланмайдиган хисобланади, шунингдек инвентаризация қилинмайди. Отелдаги номерлар, самолётдаги ўринлар ёки адвокатни бир соатлик иши захирада сақлаб қолиниши ва фойдаланиш учун кейинчалик тақдим этилиши мумкин эмас.

Аммо, “сақланмайдиган” тушунчаси харидор нуқтаи назаридан турлича бўлиши мумкин. Хизматни уйга олиб бориб бўлмайди, аммо хизмат кўрсатилган кимса уни харид қилгандан кейин узоқ вақт давомида қониқиш олишга қодир. Мисол учун, юракни трансплантация қилаётган хирург фақатгина алохида харакатни (операция) амалга оширилишини таъминламайди, шу билан бирга пациентга қўшимча бир неча йил хаёт кечиришни хам тақдим этадики, бу билан у рохатланиб юради.

Хизматларни сақланмаслиги хизматларга бўлган доимий ўзгарувчан талаб билан биргаликда менеджерлардан хизматлар хажмини аниқлашга эътибор билан ёндашишларини ва сервис хизматларини фаол бошқаришга харакат қилишларини талаб қилади.

Хизматларни катта қисми одамлар томонидан бажарилади, шунинг учун харидор ва хизмат кўрсатувчи шахс ўзаро таъсир қилишга мажбур. Олинган натижа уларни умумий харакатларидан ва истеъмолчини қабул қилишидан боғлиқ бўлади.

Гўзаллик салони, кийим кечак фирмаси ва хизматчиларни ишга қабул қилиш фирмаси хар бир аниқ мижоз учун турлича бўлган хизматларни тақдим этишади.

Бир томондан, бу шуни англатадики, хатто биргина одам хизматларни бир неча харидорларга абсолют бир хил усулда тақдим этса, турли мижозлар томонидан турлича қабул қилиш, демак улар томонидан ўз эхтиёжларини қондириш хусусида турли кечинмаларни хис этиш юзага келади.

Бошқа томондан, одам биргина хизматни кўрсата туриб ўз харакатларини хар бир алохида бажаришда турлича ўзгартириши мумкин. Бунда уни физик ва рухий холати мухим рол ўйнайдики, у хар куни бир хил бўлиши мумкин эмас.

Хизматларни кўрсатувчи одамлар томонидан ишни бажарилишида сифатни доимий бўлмаслиги, шунингдек истеъмолчиларни қабул қилишидаги фарқлар хизмат сохасида ишлаётган менеджерлар учун анча муаммолар туғдиради. Буни мухим оқибати шундан иборатки, хизматларни катта қисми стандартлаштиришга мойил эмас, чунки агар хар бир мижоз хам хизматларни тақдим этилгунига қадар ва уни вақтида ўз хохишларида фарқланиб турса якуний махсулотни стандартлаштириш мумкин эмас. Кўпгина холларда хизматларни тақдим этиш тартибини хизмат бажарувчиси, мисол учун маслахатчи, кўчмас мулк бўйича агент ёки врач белгилайди. Якка хизматларни кўрсатувчи одам бунда мижозни эхтиёжлари ва хохишларига мўлжал олиши керак. Хизмат кўрсатиш натижалари сифатини доимий бўлмаслиги сифатни назорат қилиш ва кафолатлашни мураккаблаштиради. Охирида шуни таъкидлаш мумкинки, сифатни доимий бўлмаслиги иш унумдорлигини меъёрлаштиришнинг сервис ташкилотлари менеджерлари учун муаммога айлантиради.

Юқорида келтирилган хизмат тавфсифларини тахлили шундан далолат берадики, хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ҳар қандай ташкилот хизматларни сезилмаслиги, сақлашга мойил эмаслиги, сифатини доимий бўлмаслиги ва ишлаб чиқариш ва истеъмолни ўзаро боғлиқлиги каби ўзига хос тавфсифларини тушунишлари ва уларни бошқара олишлари керак. Хизматларни товарлардан фарқлаб турувчи мухим тавфсифлари уларни сезилмаслиги ва узоқ муддатли бўлмаслиги хисобланади. Таъкидлаш жоизки, хизматлар кўрсатувчи одамлар томонидан иш бажаришда сифатни доимий бўлмаслиги, шунингдек харидорларни қабул қилишидаги фарқлар хизмат сохасида ишловчи менеджерлар учун анча муаммолар туғдиради. Кўпгина хизматлар учун ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ажралмас хисобланади. Сервисни яна бир фарқли жихати харидорни жалб этилиши, баъзи холларда унинг хизматни етказиб беришда иштирок этиши хисобланади. Айни пайтда, ушбу тавфсифларга кўра хизмат сифати ва уни махсулдорлигини ўлчаш жуда мураккаб ҳисобланади, самарадорлик меъёрлари эса одатда субъективдир.

ФОРМИРОВАНИЕ БЛАГОПРИЯТНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В СФЕРЕ СЕРВИСА

Каримова Ш.М – СамИЭС, асс**.**
Каримов М. – СамИЭС,доц

Аннотация. *В статье рассмотрены особенности рынка услуг, влияющие на инвестиционную привлекательность сервисных предприятий. Авторами*

разработана структурная матрица рынка услуг на основе теории потребностей. Ориентирование предприятий сервиса на изменяющиеся потребности потребителя, поможет им оставаться конкурентоспособными и привлекательными для инвесторов, и тем самым формировать положительный инвестиционный климат в сфере сервиса.

Ключевые слова: *услуги, сервис, рынок услуг, инвестиции, инвестиционная привлекательность.*

Аннотация. *Мақолада бозор хизматини ўзига хос хусусиятлари, унинг сервис корхоналарини инвестицион муҳитига жалб этилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Муаллифлар томонидан истеъмол назарияси асосида хизмат бозорининг структурали матрицаси ишлаб чиқилган. Шунинг асосида сервис корхоналарининг рақобатбардошлигини ва унга инвесторларни жалб этиш билан сервис соҳасидаги муҳитни яратишдан иборат.*

Калит сўзлар:*хизматлар, сервис, хизматлар бозори, инвестиция.*

Annotation.*The article describes the main features of the service market, affecting the investment attractiveness of the service companies. The authors have developed a structural matrix of the services market on the basis of the theory of needs. Targeting companies service the changing needs of the consumer, to help them remain competitive and attractive to investors, and thus create a positive investment climate in the area of service.*

Жизнь людей зависит от непрерывного удовлетворения потребностей. В научной литературе приводится много трактовок понятия «потребность». Российский экономист Т. Тультаев определяет потребность, как совокупность продуктов и услуг, необходимых потребителю для его существования и развития [2, с.14]. Так же под потребностью понимается объективная необходимость, требующая удовлетворения.

Учеными разработаны различные классификации человеческих потребностей, наиболее популярной на данный момент является иерархия потребностей А. Маслоу. Она отражает потребности человека в возрастающем порядке, от витальных до возвышенных, таких как потребность в эстетическом удовольствии и самореализации. Если для удовлетворения некоторых потребностей человек может купить товар (например, потребность в жилье удовлетворяется покупкой квартиры), то большинство других потребностей, возможно, удовлетворить только посредством оказания услуг.

При всем многообразии дефиниций услуг, наиболее полным считается определение выдвинутое Ф. Котлером. «Услуга (service) – это любая деятельность или благо, которую одна сторона может предложить другой. Услуга по сути своей является неосязаемой и не приводит к овладению собственностью (к передаче собственности)» [2, с.32]. В данном контексте мы говорим об услуге, как о ряде действий, которые совершаются для удовлетворения потребностей потребителя.

Рынок услуг многообразен и постоянно развивается и структура рынка услуг изменчива. Среди экономистов исследующих рынок услуг нет общего мнения о сегментации рынка. Разработаем структуру рынка услуг на основе теории потребностей. Критерием структурирования рынка услуг, могут выступать представленные на рынке услуги. Так как услуги удовлетворяют желания и

потребности потребителей будем рассматривать рынок услуг с точки зрения теории потребностей и получим следующее:

1)Услуги, удовлетворяющие основные физиологические потребности человека. Как правило, их оказывают предприятия пищевого сервиса, агентства недвижимости, клининговые компании, торговые центры;

2)Услуги безопасности, к ним относятся: медицинские, правоохранительные, банковские и страховые услуги.

3)Услуги, удовлетворяющие социальные потребности, оказываемые службами социального обеспечения;

4)Услуги направленные на развитие и реализацию творческого и духовного потенциала личности.

Представим данную классификацию в виде матрицы (рисунок 1).



Рисунок 1 - Матрица сегментов рынка услуг

Данная матрица наглядно показывает взаимосвязь компонентов рынка услуг. Человек стремится удовлетворить свои потребности, начиная экзестенциальными и заканчивая возвышенными. Предложенная структура рынка услуг не утратит своей актуальности, так как основана на постоянных потребностях человека и охватывает полный спектр возможных нужд и желаний клиента и удовлетворяющих их услуг. Под воздействием научно-технического прогресса потребности человека меняются в рамках четырех выделенных сегментов, увеличивается их количество, а так же возрастает требовательность заказчиков к удовлетворенности услугой. Следовательно, рынок услуг будет непрерывно развиваться, чтобы удовлетворить растущие запросы потребителя.

Тем не менее, для успешного развития рынка услуг необходимо формирование положительного инвестиционного климата в сфере сервиса. Инвестиционный климат – это обобщающая характеристика социальных, экономических, организационных, паровых, политических и иных условий, определяющих привлекательность инвестирования в данную отрасль экономики. Под инвестиционной привлекательностью понимается совокупность объективных и субъективных характеристик объекта инвестирования, в данном случае

предприятий сферы сервиса, обуславливающих в общности потенциальный платежеспособный спрос в данной среде.

Рынок услуг отличает ряд особенностей рассмотрев которые можно сделать вывод об инвестиционной привлекательности сферы сервиса и сформировать стратегии формирования инвестиционного климата.

Первая особенность - наличие высокой конкурентной среды. С каждым годом растет спрос на услуги и число организаций их предоставляющих увеличивается, создавая высокую конкурентную среду на соответствующем рынке (рисунок 2).



Рисунок 2—Объём платных услуг на душу населения, тыс.сум.

Несмотря на то, что рынок услуг в Узбекистане все еще находится на стадии развития, уровень конкуренции на данном рынке диктует необходимость ориентироваться на пожелания и предпочтения потребителя при оказании той или иной услуги. Если платежеспособный клиент зазывает услугу, он вправе выдвигать требования к ее качеству, срокам и способу оказания [6]. Таким образом, предприятия сервиса должны быть нацелены на удовлетворение потребителя.

Конкуренция на рынке услуг, научно-технический прогресс и другие факторы заставляют регулярно проводить мониторинг качества услуг и улучшать их посредством различных методов. Улучшая качество предоставляемых услуг предприятие, формирует клиентскую базу, которая обеспечивает постоянный платежеспособный спрос. Таким образом, высокая конкурентная среда на рынке услуг, делает предприятия привлекательным для инвесторов [1].

Следующей особенностью рынка услуг, является большая доля малых предприятий. По статистическим данным города известно, что превалируют предприятия, осуществляющие деятельность в сфере питания и розничной торговли. Таким образом, значительную долю занимают предприятия, осуществляющие сервисную деятельность.

Как известно, малые предприятия имеют ряд преимущественных отличий. Основные из них:

- ориентированность на конечного потребителя;
- простота организации;
- высокая внутренняя мобильность;
- высокая рентабельность работы;
- возможность для реализации креативных и принципиально новых подходов.

Так как малые предприятия ориентированы на удовлетворение потребителя, им необходимо гибко реагировать на все изменения потребительского рынка. Для

малых предприятий в силу их мобильности это не составляет проблем, чего нельзя сказать о крупных организациях. Малые предприятия в большей мере склонны к нововведениям и в преимущественно короткий срок обеспечивают окупаемость инвестиций. Высокая рентабельность инвестиций, благодаря работе на узких рынках и большой норме прибыли, характерна для таких отраслей как информационные, консалтинговые и аудиторские услуги.

Все преимущества малого бизнеса, делают предприятия сервиса инвестиционно-привлекательными [4].

Для формирования благоприятного инвестиционного климата в сфере сервиса Самаркандской области, предприятиям, предоставляющим услуги, необходимо в первую очередь ориентироваться на потребности и экономические возможности потребителя, своевременно модернизировать существующие услуги и модифицировать новые, отвечающие запросам клиента. Это поможет предприятиям оставаться конкурентоспособными на рынке услуг, а так же поддерживать платежеспособный спрос, следовательно быть привлекательными для инвесторов, формируя положительный инвестиционный климат в нашем регионе.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.Мирзаахмадов – СамИСИ ассисенти
Ф.А.Ахмеджанова –СамИСИ т.ф.н., доцент

Аннотация: *Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш истеъмолчининг кўп томонлама эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизмат кўрсатиш соҳасидир. Истеъмолчининг маиший хизматлардан қониқиш даражаси хизмат сифатини, унинг бажарилиши ва натижасига боғлиқ бўлади. Хизматлар сифати истеъмол хусусиятларининг норматив техник ҳужжатлар талабларига жавоб бериши даражаси билан баҳоланади. Хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Маиший хизматлар, хизматлар сифати, истеъмол хусусиятлари, норматив-техник хужжатлар.*

Аннотация: *Бытовые услуги являются одним из многофункциональных видов услуг оказываемых населению. Степень удовлетворения потребителя в бытовых услугах зависит от качества оказываемых услуг. Качества услуг оценивается соответствием их потребительских свойствтребованиям нормативно-технических документов. Повышение качества оказываемых услуг является основной задачей сегодняшнего дня.*

Ключевые слова: *Бытовые услуги, качества услуг, потребительские свойства услуг, нормативно-технические документы.*

Annotation: *Household services are one of the multifunctional types of services rendered to the population. The degree of consumer satisfaction in household services depends on the quality of the services provided. The quality of services is assessed by the conformity of their consumer properties with the requirements of normative and technical documents. Improving the quality of services provided is the main task of the present day*

Keywords: *Household services, quality of services, consumer properties of services, normative and technical documents.*

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш инсоннинг кўп томонлама эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Меҳнатни рационализациялаш ва унга сарфларни камайтириш ҳисобига аҳолига қўлай шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган маиший хизмат соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан 90-йилларда иқтисодий инқироздан биринчилардан бўлиб чиқа бошлади. Агар пуллик хизматлар ҳажмининг ошиши 1997 йилдан бошлаб ўсиш тенденцияга эга бўлган бўлса, маиший хизматлар ҳажмининг ошиши 1995 йилдан бошлаб мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Маиший хизматлар ҳажмини ошиб боришига ёки камайишига хизматлар бозорининг асосий элементи ҳисобланган нарх ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Истеъмолчининг маиший хизматдан қониқиш даражаси хизмат сифати, унинг бажариш даражаси ва хизмат натижасига боғлиқ бўлади.

Хизмат сифати – бу истеъмолчининг белгиланган ва кўзда тутилаётган эҳтиёжларини қондирилишини таъминлайдиган жараён ва хизмат кўрсатиш шартномаларининг тавсифлари йиғиндисидир.

Хизматлар истеъмолчига хизматнинг бажарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси (моддий хизматлар учун) ва хизмат кўрсатиш шартномаси (ижтимоий ва моддий хизматлар учун) асосида тақдим қилинади. Хизматлар сифатига шартномаларга риоя қилиш (бажарилган ишлар номенклатураси, муддатлари, ишлар сифатига талаблар) орқали баҳо бериш мумкин.

Барча тақдим этилаётган хизматлар норматив-техник хужжатлар талабларга мос келиши лозим. Хизматлар бажарувчиси давлат стандартлари, технологик регламентлар, санитар, ёнғинга қарши қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган хизматлар сифати уларнинг инсонлар соғлиғи, атроф-муҳит ва мулкка хатарсизлиги бўйича мажбурий талабларга риоя қилиши шарт.

Маиший хизматлар сифати уларнинг истеъмол хусусиятлари орқали аниқланади, истеъмолчи нафақат хизмат натижасини кўради, балки қатор ҳолатларда уни кўрсатиш иштирокчиси бўлиб ҳам ҳисобланади, чунки хизматлар истеъмолчининг шахсий ҳолатини инобатга олган ҳолда, якка тартибда кўрсатилади.

Хизмат кўрсатиш хусусиятлари – бу хизматнинг объектив хусусиятларидир. У уни кўрсатиш ва истеъмолида (хизмат кўрсатишни амалга оширишда) намоён бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизмат кўрсатиш ходимлари фаолияти норматив ва техник ҳужжатлари, хизмат кўрсатишнинг қоидалари ва амалдаги йўриқномалари билан тартибга солинади.

Хизматлар сифатини қабул қилиш, истеъмолчиларнинг психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Истеъмолчиларнинг шундай гуруҳлари мавжудки, улар зарурий ахборотни қабул қилишга, хизмат кўрсатадиган ходимлар йўриқномаларига амал қилишга қодир эмаслар. Улар кўпчилик ҳолатларда ўзларини агрессив ҳолда тутадилар. Маиший хизмат корхонаси ходимлари хизмат кўрсатиш жараенида истеъмолчиларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилишлари ва ҳар бир истеъмолчининг характерини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатишга ўзгартиришлар киритишга тўғри келади. Хизмат кўрсатиш

ходимларининг ўзи ва ҳаракатлари хизмат кўрсатиш сифатининг элементлари ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш ходимларининг гапи мазмунли, аниқ, тушунарли, билимли бўлиши лозим. Сервис бўйича мутахассиснинг истеъмолчи билан мулоқати шошилмасдан амалга оширилиши лозим. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш иш этикети қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш ходимларининг муомала услуби корхонанинг хизмат кўрсатиш турига мос келиши лозим. Маиший хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис яхши хотирага эга бўлиши, конкрет истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ўз вақтидаги ва керакли маълумотни тўғри етказа оладаган бўлиши лозим. У ўз-ўзини назорат қила оладиган фаолият услублари ва натижаларини, ишдаги камчиликлар ва сифатнинг камайиши сабабларини оператив равишда таҳлил қила олиши лозим.

Маиший хизмат кўрсатиш ходими истеъмолчилар билан муомала жараёнида уларни диққат билан эштиши, ассортимент ва хизмат хусусиятлари тўғрисида маълумот тақдим эта билиши лозим. Маълумот ҳар қандай истеъмолчи учун содда, техник жумлалар тушунарли бўлиши лозим. Эҳтиёжни қондириш учун мутахассис истеъмолчига маъқул бўладиган хизматларни тақдим этиши ва унга мустақил тўғри танлаш имкониятини берадиган ахборотни (сифат, хусусиятлари, баҳо, хизматга ҳақ тўлаш шартлари) тақдим этилиши лозим.

Мутахассис хизматларни мажбурламаслигига, уни хушмомилалик билан таклиф этиши, истеъмолчининг диди ва эътиборини инобатга олиши лозим. Товарларни таъмирлашга ва техник хизмат кўрсата олишда, кимёвий тозалаш ва ювишга қабул қилишда хизмат кўрсатувчи ходимлар товарлар ҳақида тўла малумотга эга бўлишлари лозим.

Айрим ҳолатларда истеъмолчи буюртма беришни хоҳлайди, лекин қарор қабул қила олмайди. Бундай ҳолда мутахассис тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берадиган саволлар бера олишига тўғри келади. Агарда истеъмолчи буюртманинг мақсадга мувофиқ келишига шубҳаланса, маиший хизмат бўйича мутахассисга шубҳалар сабабларини хушмуомалалик билан аниқлаш ва унга тушунтиришлар беришга тўғри келади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси хизматни шартнома шартларига таалуқли равишда бажариши керак. Хизматлар сифати меёрий хужжатлар талабларига мос келиши зарур. Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки норматив ҳуқуқий ҳужжатларида хизмат сифатига мажбурий талаблар кўзда тутилган бўлса, унда тақдим қилинаётган хизматлар ушбу талабларга мос келиши лозим.

Ҳозирги вақтда маиший хизматлар сифатини ошириш муҳим муаммо ҳисобланади.

Маиший хизматлар сифатини оширишга бир қатор омиллар таъсир қилади: маиший хизмат билан банд бўлган ходим меҳнатининг сифати; уларнинг етарли малака ва кўникмаларга эгалиг даражаси; маиший хизмат корхонасини жойлашган ўрни, уларнинг иш графиги, замонавий техника ва технологияларнинг мавжудлиги, жиҳозланганлиги ва бошқалар.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш, иш сифати ва самарадорлигини ошриш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

–хизматларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
–аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ ҳисобга олиш;
–соҳадаги неготив ҳолатларни (хуфия фаолиятини) олдини олиш;
–маиший хизматни ижтимоий аҳамиятини ошириш;
–маиший хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш;
–соҳада янги ташкилий тузилмаларни шаклланиш.

Маиший хизмат соҳасида ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг мазмунини хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ унинг таркибий элементлари ва йўналишлари билан белгиланади. Корхона фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш икки йўналишда: меҳнатнинг буюмли элементларини ташкил этиш ҳамда меҳнатнинг шахсга оид элементларини ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида маиший хизмат кўрсатиш ходимлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш элементлари қуйидагиларда намоён бўлади:

–тузилмавий бўлинма доирасида хизмат турларига қараб меҳнатни операцион ва функционал тақсимлаш;
– иш жойларини замонавий тартибда ташкил этиш;
– хизмат кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқиш;
– хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш;
– соҳага оид ходимларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
– меҳнатни моддий рағбатлантириш;
– ижтимоий меҳнат муносабатларини ташкил этиш ва такомиллаштириш;
– хизмат кўрсатишида юқори касбий кўникма ва маданий савияни таъминлаш;
– хизмат кўрсатишда интизомга қатъий риоя қилиш.

Маиший хизмат кўрсатишда меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш, яъни аниқ иш турини бажаришда қўлланиладиган усулларни белгилаб олишни назарда тутади. Хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиб чиқиш ва уни амалга оширишга қанча иш вақти сарфлаши зарурлигини аниқлаш энг яхши иш усулларини танлаш, иш жойларини оқилона тақсимлаш имконини беради ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш меъёрини белгилайди.

Республикамизда ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши ва бунинг натижаси уларок мазкур соҳада меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши кадрларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришини зарурат этмоқда. Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида эса малакали ишчи-кадрлар тайёрлаш, меҳнат салоҳиятини, сифат кўрсаткичларини жаҳон талабларига кўтариш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини оширишининг асосий омили бўлиб, ходимларнинг малака даражаси ва касбий маҳорати ҳисобланади.

Сифат жиҳатдан талаб, мутахассислик ходимлар малакаси даражаси бўйича талаб қуйидагиларга асосланган ҳолда таҳлил қилинади:

–иш жараёнида хизмат кўрсатиш технологик ҳужжатларда қайд қилинган ишларни касбий-малакавий бўлиши;

–лавозимлар таркиби, белгиланган корхона ёки унинг бўлимлари, штатлар рўйхати;

–ижрочилар таркибининг касб-малака бўйича талаблар ажратиб кўрсатилган турли ташкилий, бошқарув жараёнларини аниқ белгилайдиган ҳужжатларга риоя қилиши.

Ходимларнинг сифат таркибини таҳлил қилиш кадрларга бўлган сон ва сифат эҳтиёжларини олдиндан билиш ва мавжуд таркибий талабларга тўғри келиши учун тадбирлар белгилаш (танлаш, ишга қабул қилиш, тайёрлаш, мослашиш, малакасини ошириш, горизонтал ва вертикал жойлаштириш, ишдан бўшатиш ва ҳоказо), ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқариш учун керак.

Юқори техник доирадаги рақобатбардош хизмат кўрсатиш учун ходимларнинг малакаси хизмат кўрсатиш сифатини ошириш талабларига мос келиши зарур.Хизмат кўрсатиш стандартларига истеъмол талаблари доимо ошиб бормоқда ва хизматларнинг юқори сифатига эришиш иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АХОЛИГА САВДО ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мусаева Ш.А, С.СамиевДоцент

Аннотация: *Мазкур мақола Самарқанд вилоятида савдо хизматларини кўрсатиш холатини тахлил қилишга бағишланган. Чакана савдо хизматларидаги тенденциялар ва муаммолар кўрсатилган.*

Аннотация: *Данная статья посвящена анализу состояния оказания торговых услуг в Самаркандской области. Показаны тенденции и проблемы в оказании розничных торговых услуг.*

Abstract: *This article is devoted to the analysis of the state of the provision of trade services in the Samarkand region.It shows trends and problems in the provision of retail trade services.*

Калитли сўзлар: *хизматлар соҳаси, савдо хизматлари, чакана савдо айланмаси.*

Ключевые слова: *сфера услуг, торговые услуги, розничный товарооборот.*

Key words:*Services sector, trade services, retail turnover.*

Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш масаласи алоҳида эътибор қаратилган [1].

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръатларини Самарқанд вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2015 йил январ-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 5324,0 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 2237,6 млрд. сўмни ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 42,0 фоизини ташкил қилди. 2014 йил январ-декабрга нисбатан реал ўсиш 121,7 фоизга тўғри келди. Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 1599,1 млрд. сўмни, ёки жами хизматлар ҳажмида 30 фоизини ташкил қилди [2].

2016 йилда вилоят бўйича 6021,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 113,3 фоизга бажарилди. Шундан қишлоқ жойларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2258,9 млрд. сўмни ташкил этди, жами хизматлардаги улуши 37,5 фоизни ташкил қилди.

Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 45,3 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 0,3 бандга камайган.

2015 йилнинг маълумотларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури бўйича амалга оширилган лойиҳалар таҳлил қилинганда, жами қиймати 114,4 млрд. сўмлик маблағ *(11,7 млрд. сўми тижорат банклари кредитлари)* ўзлаштирилиши эвазига 1066 та лойиҳа амалга оширилиб, улар негизида 4020 та иш ўрни яратилди.

Чакана савдо товар айланмаси 6028,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 114,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 2774 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб, 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 115,2 фоизни ташкил қилди.

Вилоятда чакана савдо айланмаси аҳоли жон бошига 1698,3 минг сўмни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 297,4 минг сўмга ошди.

Савдо хизматларининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлмиш чакана товар айланмаси ҳам ўсиб боришини кузатиш мумкин. Самарқанд вилоятида 2015 йил январ-декабрда чакана товар айланмаси 6028,5млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,8 фоизга ўсди.

Аҳолига савдо хизматларини кўрсатишда турли товарлар гуруҳларининг эҳтиёжни қондириш қобилияти турлича бўлиши ҳамда хизмат кўрсатишнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиққан холда чакана товар айланмасининг таркибини тахлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Озиқ-овқат моллари савдоси таркибида савдо хизматлари улуши бирмунча юқори бўлади, чунки уларни истеъмол қилиш манзилиги иложи борича яқинлаштириш зарурати ҳамда хавфсизлик талабларининг қатъийлиги савдо хизматлари билан боғлиқ харажатлар ҳажмининг оширилишига сабаб бўлади. Самарқанд вилояти чакана товар айланмаси таркибида озиқ-овқат моллари улуши 2015 йил январ-декабрда 52,3 фоизни, ноозиқ-овқат моллари улуши 47,7 фоизни (2014 йил январ-декабрда нисбатан ўсиш суръати мос равишда 102,6 ва 132,2 фоиз) ташкил қилди. Кўриниб турибдики, озиқ-овқат молларининг савдо ҳажмидаги улуши юқори бўлиб қолмоқда. Шу билан биргаликда 2014 йилга нисбатан ноозиқ-овқат молларининг ўсиш суръати анча юқори бўлиб уларнинг ўзаро салмоғи яқинлашиб қолган.

Ушбу тенденциянинг 2016 йилда ҳам давом этганини ҳисобга олсак чакана савдо хизматларибозорининг барқарор ривожланиши ҳамда унинг ҳажми ва таркибини келгуси даврларга прогнозлаш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Савдо хизматларининг мазмунини тахлил қилишда чакана товар айланмасининг савдо субъектлари бўйича гуруҳларга ажратиш катта аҳамиятга эга. Турғун савдо корхоналари, бозорлар (якка тартибдаги тадбиркорлик) ва уюшмаган секторда савдо хизматларининг ҳажми, таркиби ва сифати турлича бўлиши сабабли мазкур тахлил савдо хизматлари билан таъминланганликни аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

2016 йилда Самарқанд вилоятида чакана товар айланмаси структураси

	Млрд.сўм	2015 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	7525,8	113,8	**100**
шу жумладан:			
Савдо корхоналари	486,1	71,9	6,5
Якка тартибдаги тадбиркорлик	5712,2	121,3	75,9
Уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	1327,5	107,8	17,6

Аҳолини савдо хизматлари билан таъминланганлиги тахлилининг яна бир жиҳати шаҳар ва қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш шароитларини ўрганишдан иборатдир. Барча давлатлар каби мамлакатимизнинг ҳам ижтимоий-сиёсий муаммоларидан бири бўлиб қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини бир хил қондирилишини таъминлашдан иборатдир.

Мазкур холатнинг вужудга келишига бир қанча объектив ва субъектив омиллар таъсир қилган. Объектив сабабларнинг умумий тавсифи шундан иборатки, савдо хизматларини кўрсатиш субъектлари уларга таъсир ўтказиши жуда мушкул, шу сабабли уларни ўз фаолиятларида ҳисобга олишлари мумкин холос. Субъектив омиллар жойлардаги бозор конъюктураси ҳамда бозор субъектларининг олиб бораётган сиёсати билан боғлиқ бўлади ва уларнинг таъсирини енгиб ўтиш ёки бўйсундириш мумкин.

Қишлоқ жойларида савдо хизматлари таъсир кўрсатувчи объектив омилларнинг айримларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- харидорларнинг жойлашуви ҳусусиятлари, яъни талабнинг макон ва вақт бўйича тарқоқлиги. Шаҳар жойларига нисбатан қишлоқдаги масофалар анча катта, аҳолининг яшаш зичлиги ҳам паст бўлганлиги талабнинг қондирилиши қўшимча харажатлар билан боғликдир;
- савдо хизматларинини кўрсатиш субъектларининг муомала харажатларининг юқорилиги. Мазкур омил биринчи омил билан узвий боғлиқ десак муболаға бўлмайди, чунки муомала харажатларида товар захираларини шакллантириш, Товар айланмасини жадаллаштириш, транспорт ва ортиш тушириш харажатларининг салмоғи юқоридир;
- қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатиш субъектларининг хилма-хиллиги. Шаҳар жойларидан фарқли ўлароқ, қишлоқларда савдо хизматларини кўрсатиш шакллари ва усуллари жуда кўп. Бунга қишлоқ аҳолисининг бир-бирига бўлган муносабатлари, савдо бизнесига бўлган ўзига хос қарашлар, бандлик имкониятлари ва бошқалар катта таъсир кўрсатади.
- Деҳқон ва буюм бозорларининг қишлоқ ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Мазкур омилнинг таъсирини аҳолининг истеъмол бозоридаги харакатларидан кўришимиз мумкин. Ҳафтанинг маълум кунида қишлоқ аҳолиси бозорга боришидан мақсад туманда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиш,

ўзаро фикр алмашиш, савдо-сотиқ баҳонасида кундалик ишлардан хордиқ чиқаришдан иборат.

Шу ва бошқа омилларнинг мавжудлиги қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришда алоҳида илмий ва амалий ёндашувларнинг қўлланилишини тақозо қилади.

Аҳолига савдо хизматлари ҳажми ва турларини ошириш соҳасидаги назарий изланишлар ҳозирги кунда савдо корхоналарида хизмат кўрсатишга икки хил ёндашув мавжудлигини кўрсатиб бермоқда.

Анъанавий ёндашувда савдо хизматлари деганда харидорларга савдо залида олди-сотди амалларини бажаришда кўрсатиладиган хизматлар тушунилади. Бунда харидорнинг шаклланган талабини савдо залида тўлароқ қондиришга қаратилган хизматлар мажмуасига эътибор берилади. Мазкур ёндашув кўпроқ савдо корхоналарининг тижорат манфаатлари ва мақсадларини акс эттиради.

Замонавий ёндашувда савдо хизматлари харидорларнинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондиришга қаратилган хизматлар ҳажмини ўз ичига олади. Бунда эҳтиёжни намоён бўлиш даврини нафақат савдо залида, балки ундан анча олдин, яъни уй хўжаликларида бошланишини тан олиш бош ғоя ҳисобланади. Бунда эҳтиёжларни қондиришда нафақат харидор ва сотувчи, балки шу ҳудуддаги аҳолининг умумлаштирилган манфаатлари устувор деб ҳисобланади. Шу муносабат билан қишлоқ жойларида савдо хизматларини ривожлантириш хизматлар таркиби ва мазмунига чуқурроқ қарашни талаб қилади.

ЭКОЛОГИК ТОЗА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА “БУЮРТМА СТОЛ” ЛАРИ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИШНИНГ ИННОВАЦИОН ИМКОНИЯТЛАРИ

Саламов И.С.–Сам.ҚХИ, доцент,и.ф.н.,
Назарова М.Ш.-катта ўқитувчи

Аннотация:*Целью проекта является выращивание в нашей стране экономический чистых овощей и обеспечить доставку потребителям в течение года через «Стол заказов». 1989-1991 годах научно-практические рекомендации ученых-педагогов Самаркандского Сельскохозяйственного института были запущены сезонно, в результате в магазинах, где продавали фрукты и овощи товарооборот увеличился с 1,2 до 1,5 раза. Но некоторое время работа «Стола заказов» временно приостановилась. Во время работы представлен прейскурант и расходы услуг по организации магазинов со столом заказов для доставки сельскохозяйственных продуктов, прямо к потребителю и на рабочие места. методы организации услуг «Магазин-потребитель» и другие, результаты экономического анализа, выводы, предложение и список использованной литературы.*

Annotation*: Ecological safety vegetables were grown in our country, providing them to consumers by ordering tables during a year, match to aim. Made scientific and practicing suggestions were presented by teacher and scientist of Samarkand Agricultural institute of the Samarkand city in 1989 and 1991 years, increased goods circulation from 1.2 till 1.5 times from the selling of fruit-vegetable in markets. But, the next age stopped temporarily this ordering table activity. Providing agricultural products and others*

(service) to consumers' home or working places by specialized of ordering table of markets on cost of services of price list written recommendation plans, organizing "market-consumers" type of services method, results of economic analysis, conclusions and suggestions, used list of references are given.

Калит сўзлар: *инфратузилма,буюртма столи, «ДАЛА - УЙ», инновация, Токио,Оттова,1989-1991йй. ва ҳ.о.*

Кириш:Ўзбекискистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 5 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони 12 банддан иборат бўлиб, унда, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги келтирилган. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган чоралар жорий этилиши келтирилган: -тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно; -шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан,жамият ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Материаллар ва методлар: Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 августдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг биридир. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот,картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, мавзумиздаги асосий йўналишларни белгилаб беради. Шу соҳадаги қабул қилинган Қарорларни амалга ошириш мақсадида 2016 йил 15-16 июл кунлари Ўзэкспомарказда халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича кўргазма ўтказилади. Ҳуқуқий асос яратилганлигини ҳисобга олиб, 1-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам мазкур ҳужжат асосида ташкил этилдики, бу янги савдо йўлакларини очиш,экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши кутилган эди,ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Ярмарка эндиликда ҳар йили анъанавий равишда икки босқичда ўтказилади.Бошлаб вилоятларда, кейин республикада. Мақолани тайёрлашда монографик, таққослаш, статистик ва бошқа усуллар ёрдамида таҳлил қилганмиз.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: 2016 йилда ялпи сабзавот ҳосили 11 272,5 минг тоннани ташкил этди. Самарқанд вилоятида сабзавот майдонлари 2016 йилда 73 508 гектар бўлиб, ҳосилдорлик ҳар бир гектардан 241 центнер, ялпи ҳосил эса 1 767 944 тоннани ташкил этди. Вилоят аҳолиси 3 миллион 600 минг кишини ташкил қилиб, уларнинг йил давомидаги истеъмоли учун 408 240 тонна, 20 фоиз қўшимчаси-заҳираси 81 648 тонна, тиббий талаблар ва меъёрларга асосан эса жами

490 минг тонна тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. 1 277 944 тонна сабзавот маҳсулотлари вилоят аҳолиси истеъмолидан ортиқча қисмидир.

2016 йилда 1 гектар сабзавот майдонига 9 952 минг сўм харажат қилинди,**1 гектардан** олинган даромад эса 13 172 минг сўм бўлди. **1 гектардан олинган фойда** 3 220 минг сўмни ташкил этди. 1 гектардан олинган фойда ҳисобидан рентабеллик даражаси 32,4 фоизни ташкил этди. **2016 йилда 1 тонна маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси** 548 минг сўм, **1 тонна маҳсулот таннархи** эса 414 минг сўм бўлди. 1 тонна сабзавот маҳсулотларини истеъмолчилар буюртмалари бўйича реализация қилишдан 134 минг сўм фойда олинди. 1 тонна сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш ҳисобига олинган фойда ҳисобидан **рентабеллик даражаси** ҳам 32,4 фоиз бўлди. Иқтисодий таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, 2016 йил якуни билан вилоят сабзавотчилигида 3 хил кўрсаткичлар бўйича ҳам рентабеллик даражаси бир хил,яъни 32,4 фоизни бермоқда. Агар сабзавот маҳсулотларини ўзини олсак, вилоятда истиқомат қилаётган аҳолини тўлиқ исътемолини таъминлаб хорижга экспорт қилиш имкониятлари мавжуддир. Биз таклиф этаётган хизмат шакллари асосида тўлиқ мажмуа (комплекс) фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Буюртмаларни бажариш билан биргаликда аҳоли хонадонларидаги озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қолдиқлари топширувчиларни рағбатлантириш эвазига махсус идишлар орқали йиғиб олиниб, чорвачи-лик тармоғидаги ҳайвонларни озиқлантириш, семиртириш учун ишлатилиши илмий - амалий тавсиянома таркибига киритилгандир. Самарқанд шаҳрида 1988 - 1990 йилларда буюртма столи мавсумий фаолият кўрсатиб, мева - сабзавот билан савдо қилувчи магазинлардаги товар айланиши 1,2 дан 1,5 бараборгача ошган эди. Лекин, кейинги даврга келиб ушбу буюртма столи фаолияти вақтинча тўхтаб қолди. Лекин, кейинги вақтларда озиқ-овқат масканлари томонидан истеъмолчилар буюртмалари асосида уйларга элитиб берилмоқда. Самарқанд шаҳридаги “Каримбек” рестарани раҳбарияти ва ходимлари томонидан бу хизмат турини ташкил қилганига 5 йилдан ошди. Шу боисдан қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларини, шу жумладан сабзавотларни «ДАЛА - УЙ», «ДАЛА-МАГАЗИН - УЙ», «МАГАЗИН - ИСЪТЕМОЛЧИ», «ОШХОНА - ИСЪТЕМОЛЧИ» шаклларида хўжалик ҳисобида ишлайдиган хизмат жамоаларини қуйида келтирилаётган илмий-амалий тавсия асосида ташкил қилинса, бизнинг фикримизча истеъмолчилар вақтини тежашга, маҳсулотларни эгасига етиб келишидаги буғумлар сонини камайтириб маҳсулотнинг сифатини сақлаш, ўз вақтида етказиш муаммоларини ечими топилади ва яхшигина даромад олиш билан бирга кишиларни хизмат (**Инфратузилма** - асосий тармоққа ёрдам берувчи) соҳасига ўтиб ишлашларига, малакаларини ошириш, ривожланган мамлакатлардагидек инфратузилма йўналишларини такомиллашувига имкон яратилади. Ривожланган мамлакатлар мисолида ушбу йўналишларни таҳлил қилгани-мизда, аҳолига яратилган хизмат турлари эвазига вақт тежалган бўлса, иккинчи томондан мумайгина даромат олинмоқда. **АҚШда меҳнат қилаётганларнинг 78-84 фоизи инфратузилма соҳасида инфратузилма, хизмат соҳасида меҳнат қилар экан,Ўзбекистонда 24-45 фоиз.** Япония мамлакатининг пойтахти Токио шаҳрида аҳолидан тушган буюртма шаҳарнинг қайси худудида бўлишидан қатьий назар ўн икки минутгача, Канада мамлакатининг пойтахти Оттовада эса ўн минут ичида буюрмачининг манзилга етказилар экан.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошка товарларни (хизматларни бажариш) истеъмолчиларнинг уйларига ёки иш жойларига ихтисослашган буюртма столига эга бўлган магазинлар орқали олиб боришнинг хизмат харажатлари прейскурант баҳо тавсияномаси лойиҳаси

Тартиб рақами	масофа	Ўлчов бирли-ги	Якка тартибда буюртма оғирлиги, кг.					
			10 гача	20 гача	30 гача	40 гача	60 гача	75 гача
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	1кмгача	Сўм	1000	1200	1500	2000	2200	2500
2	1-2	Сўм	1200	1500	2000	2200	2500	3000
3	2-3	Сўм	1500	2000	2200	2500	3000	3500
4	3-4	Сўм	2000	2200	2500	3000	3500	4000
5	4-5	Сўм	2200	2500	3000	3500	4000	4500
6	5-8	Сўм	2500	3000	3500	4000	4500	5000
7	8-15	Сўм	3000	3500	4000	4500	5000	5500
8	15-20	Сўм	3500	4000	4500	5000	5500	6000
9	20-25	Сўм	4000	4500	5000	5500	6000	6500

Буюртмани бажариш ва унга ҳақ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

1.Якка буюртмалар учун умумий пул тушумининг 3 (уч) фоизи миқдорида;

2.Жамоа буюртмалари учун умумий пул тушумининг 2(икки) фоизи миқдорида.

Илова: 1.Хизмат жамоаси (фирма, хусусий корхона, тадбиркор, ишбилармон, бизнесмен,) тўлиқ хўжалик ҳисобида, яъни ўзини-ўзи молиявий таъминлайди; 2.Фирма аъзолари хизмати ҳар ҳафта ёки ҳар икки ҳафта охирида ҳисоб- китоб килинади; 3.Магазинга берилган буюртма учун хизмат ҳақи олинмайди; 4.Агар юк 75 кгдан ортиқ бўлса, 9 устунга 4-устун қўшиб ҳисобланади; 5.Ушбу прейскурант тавсиянома тўққинчи марта Сам.ҚХИ нинг қишлоқ хўжалигида менежмент факультети, жумладан "Қишлоқ хўжалигида менежмент" кафедраси олимлари ва талабалари томонидан қайта индексация қилиниб тайёрланди.

Эслатма: ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз шароитидан келиб чиқиб, ушбу прейскурант тавсияномани транспорт хизмати ва баҳоларнинг ўзгаришига қараб қайта индексация қилиши мумкин.

Буюртманинг умумий баҳоси қуйидаги формула билан топилади:

$$T = Бб + \sum_{ш,п}^{\infty} mixБix$$

ёки бунда

$$\sum_{i,n}^{\infty} mixБ_{mn} = mixБ_{m1} + m2xБ_{m2} + m3xБ_{m3} + m4xБ_{m4} + m5xБ_{m5} + m6xБ_{m6} + m7xБ_{m7}$$

$$T = Бб + (mixБ_{m1} + m2xБ_{m2} + \ldots\ldots\ldots\ldots\ldots + m7xБ_{m7} + mnxБ_{mn}$$

Буерда: Т - Буюртманингумумийбаҳоси, сўмда.

Бб-Маълуммасофаваоғирликдагибуюртмабаҳоси(прейскурантбўйича), (сўм).

m - Буюртмаоғирлиги (кг)

Бm - 1 кгмаҳсулотнингбаҳоси (сўм)

Мисол: Буюртмачи томанидан берилган маҳсулотлар ва товарларни 8 км масофага олиб бориш учун умумий оғирлиги 20 кг бўлган буюртма берилган. Буюртма:

1) Нон - 6 дона ҳар бир донаси, 600 сўмдан,
2) Шакар - 10 кг, ҳар бир кг 5300 сўмдан,
3) Помидор - 5 кг, ҳар бир кг 5000 сўмдан,
4) Кўкатлар – 5 боғ, ҳар бир боғи 1000 сўмдан,
5) Гугурт - 5 қути, ҳар бир қутиси 1000 сўмдан,
6) Олма - 10 кг, ҳар бир кг 3000 сўмдан,
7) Гўшт -2кг,ҳарбиркг25000сўмдан.

Буюртма баҳоси хизмат ҳақи прейскурант бўйича 5000 сўмни ташкил этади.

Берилган: 1) m1=6 дона нон ; 2) m2=10 кг шакар; 3) m3 =5 кг помидор ; 4) m4 = 5 бог кўкатлар; 5) m5 =5 қути гугурт ; 6) m6=10 кг олма; 7) m7=2 кг гўшт.

$Б_{m1}$= 600 сўм; $Б_{m2}$=5300 сўм; $Б_{m3}$=5000 сўм; $Б_{m4}$=1000 сўм; $Б_{m5}$=1000 сўм; $Б_{m6}$=3000 сўм; $Б_{m7}$=25000 сўм, Бб =5000 сўм.

Ечими: =5000+(6*600+10*5300+5*5000+5*1000+5*1000+10*3000+2*25000 =5000+(3600+53000+25000+5000+5000+30000+50000) =5000+176600 =181600 сўм. Жавоб: Маҳсулотлар ва хизмат сўммалари, жами 181600 сўм бўлди.

Хулоса ва таклифлар: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошқа товарларни истеъмолчиларга буюртма столлари орқали етказиш бўйича 1988-1990 йилларда фаолият кўрсатган ва товар айланмасини 1,3-1,5 баробар оширган буюртма столи фаолиятини инновацион техника ва техгологиялар асосида тиклаш ва такомиллаштиришда Япония, Канада, Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Чили, Хитой мамлакатлари тадбиркорлари билан **қўшма корхоналар** ва **қўшма лойиҳалар** тузиб, янгича тартибда амалда ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ж.Р.Зайналов – СамИСИ профессори,
Ш.М.Латипова – СамИСИ ассистенти,
У. Эргашев – СамИСИ магистранти.

***Аннотация**: Ушбу мақолада солиқ имтиёзлари ҳамда солиқ имтиёзлари назоратининг моҳияти ва аҳамияти ёритилган бўлиб, солиқ имтиёзлари назоратини холисона ташкил этишда аудитнинг ролига ҳам тўхталиб ўтилган.*

***Аннотация:** В данной статье показана сущность и значение налоговых льгот и контроля за налоговыми льготами, а также было уделено внимание роли аудита при организации объективного контроля за налоговыми льготами.*

***Annotation:** This article shows the nature and significance of tax incentives and control over tax benefits, and also paid attention to the role of the audit in organizing objective control over tax benefits.*

***Калит сўзлар**: солиқ имтиёзлари, солиқ имтиёзлари назорати, солиқ имтиёзлари аудити.*

***Ключевые слова:** налоговые льготы, контроль за налоговыми льготами, аудит налоговых льгот.*

***Key words:** tax benefits, control over tax benefits, audit of tax benefits.*

Мамлакатимизда шаклланиб келаётган ва аҳамияти кундан-кунга ортиб бораётган солиқлар ва солиқ имтиёзларининг назоратини ташкил этиш аудити хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига, рақобатбардошлигига таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган фаолиятларини холисона текшириб, уларни хўжалик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини баҳоловчи жараёндир, деб таърифлаш мумкин. Солиқ имтиёзлари назоратига кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, у:

- мутахассислар гуруҳи томонидан ўтказиладиган, солиқ имтиёзларига эга бўлган субъектларнинг фаолият турларини баҳолаш, таҳлил қилиш ва улар бўйича зарур таклифларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ мустақил фаолият;
- хўжалик субъектининг фаолияти ва ҳисоботининг солиқ қонунчилиги, меъёрий ҳужжатлар, талаблар, давлат идораларининг қарорлари ва буйруқларига қай даражада мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув (бундай текширув аудит фирмалари томонидан ҳам мустақил равишда ташкил этилиши мумкин);
- ихтиёрий ёки мажбурий равишда шартнома асосида амалга ошириладиган ва текширув ўтказилаётган корхонанинг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотларни баҳолашда келтириладиган, солиқ имтиёзларини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш, солиқ қонунчилиги талабларини бажариш, солиқ имтиёзлари ҳиобидан қоладиган маблағларни бухгалтерия ва ҳисоботини юритишнинг тўғрилиги ҳақидаги маълумотларни назорат этувчи мутахассислар хулосаларида ифодаловчи

фаолиятидир (бундай фаолият тадбиркорлар мақомини олган аудит фирмаларининг ходимлари томонидан ўтказилиши мумкин).

Солиқ имтиёзлари назоратини холисона ташкил этишда аудитнинг роли ҳозирда тобора ортиб бормоқда. Ҳаттоки ҳар бир иқтисодий кўрсаткич назорати мустақил аудиторлар томонидан ўтказилишига бўлган эътибор доимо ортиб бормоқда. Мустақил фаолият йўналиши тарзида ўзига йўл очиб бораётган солиқ имтиёзи аудитининг тўғри таснифланишини амалга ошириш ушбу соҳа учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Узоқ давр мобайнида олиб борилган тадқиқотларга кўра, жаҳон амалиёти тажрибасини ўрганиш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг ушбу муаммога бағишланган илмий иш ва мақолалари билан танишиш солиқ имтиёзи аудитининг нақадар муҳим эканлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдиришга имкон берди.



1-чизма. Солиқ имтиёзи аудитининг таснифланиши

Солиқ имтиёзи аудитини маълум бир белгиларига кўра таснифланиши муҳим аҳамиятга эга (1-чизма).

Ички солиқ ва солиқ имтиёзи аудити корхонани муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш, амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини назорат қилувчи корхона мутахассислари томонидан ҳисобот даври ичида ўтказилиб борилади. Ташқи солиқ ва солиқ имтиёзи аудити бундай текширувларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси мавжуд бўлган аудиторлик фирмалари томонидан қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Қонунда белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган аудитга мажбурий солиқ имтиёзи аудити деб айтилади. Масалан, корхона фаолиятига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин бўлган корхоналар қурилаётганда, фаолият юритаётганда, модернизация қилинаётганда ёки тугатилаётганда ўтказилади. Ихтиёрий солиқ имтиёзи аудити хўжалик юритувчи субъектнинг ташаббусига кўра ташкил қилиниши мумкин. Унинг мақсади, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) орқали корхонага ишонч уйғотиш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, қўшимча инвестициялар жалб қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Комплекс солиқ ва солиқ имтиёзи аудити ўтказиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)га таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча фаолият йўналишлари тўлиғича ўрганилади. Мавзули солиқ имтиёзи аудити эса шу фаолият йўналишларининг бирортаси ёки бир нечтаси текширув объекти бўлиб ҳисобланади.

Корхона даражасида ўтказиладиган солиқ имтиёзи аудити ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот (хизмат, иш) сифатига таъсирини ўрганиш билан чегараланса, минтақа даражасида ўтказиладиган солиқ имтиёзи аудитининг мақсади, ушбу минтақада мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган солиқ муносабатлари ва солиқ имтиёзлари муаммоларини ўрганиш, уларга таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш ёки салбий омиллар таъсирини имкони борича камайтиришдан иборат бўлади.

Масъулият аудитининг мақсади, сотиб олиниши ёки ижарага олиниши кўзда тутилган кўчмас мулк билан боғлиқ солиқ мажбуриятларни аниқлаш ҳисобланади. Бундай мажбуриятлар ушбу кўчмас мулкдан фойдаланиш, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ёки тугатиш билан боғлиқ солиқ тўлови ва солиқ имтиёзи кўринишида юзага келади.

Мос келишлик аудити – бу нуқтаи назардан ўтказиладиган солиқ ва солиқ имтиёзи аудитининг мақсади, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига давлат томонидан қўйилган солиқ тўлови, ҳисоби ва имтиёзлари қўллаш талабларига риоя қилиниши, унинг кўрсаткичларини солиқ меъёрларига мос келишлилиги ўрганилади.

Солиқ тўловлари ва ҳисобининг бошқарув тизими аудити йўналиши текширув объектида мавжуд бўлган солиқ менежмент тизимининг заиф бўғинларини аниқлаш ва уни такомиллаштиришга мўлжалланган.

Солиқ менежменти тизимини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида текширувни, фикримизча, қуйидаги 3 та йўналиш бўйича олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- саноат корхонасининг солиқ тўлови ҳисоби ва солиқ имтиёзи аудити;
- лицензияланган фаолиятга ўрнатилган солиқ имтиёзлари;
- маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ солиқ имтиёзи аудити.

Текширувнинг биринчи йўналишида аудит ўтказилаётган объектга солиқ имтиёзларини таъсири ёки нисбатан рискли даражаси ўрганилади. Лицензияланган фаолият аудитида табиий ресурсларни қазиб олиш, ўрмон маҳсулотларини тайёрлаш каби табиий муҳитга жиддий таъсир кўрсатмаслик мақсадида қўлланиладиган солиқ имтиёзлари корхоналар учун берилган лицензияларнинг қонунийлиги, лицензия шартномаси шартларининг бажарилиши, лицензия муддатининг қонунга мос келиши ва текширув объекти махсус рухсатнома талаб қилинадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланган ёки шуғулланмаганлиги каби вазиятлар билан боғлиқ солиқ муносабатлари ўрганилади. Маҳсулот сифатини бошқарув тизимини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган солиқ имтиёзи қўлланилаётган маҳсулотнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан давлат томонидан ишлаб чиқилган стандартларга мос келишлик даражаси ҳамда уларнинг бузилишини истеъмолчиларнинг саломатлигига таъсири даражаси ўрганилиши муҳимдир.

Инвестицион лойиҳалар аудити ва уларга қўлланиладиган солиқ имтиёзи аудитининг бу йўналишида янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта қуроллантириш, таъмирлаш учун инвестициялар жалб қилишга мўлжалланган лойиҳаларни экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишга мўлжалланган бўлишини таъминлаш муҳимдир.

Солиқ имтиёзи аудитида кейинги йилларда аудит текшируви жараёнига солиқ идора ҳодимларини жалб қилиш кенг тус олмоқда. Солиқ имтиёзи аудитининг асосий мақсади, кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган натижалар ёки талафотлар ёки техноген ҳолатлар натижасида хўжалик юритувчи субъектга етказилиши мумкин бўлган зарарни ҳисоблаб, ундан кўрилган фойдани корхона моддий-техника базасини кенгайтиришга сафарбар этиш бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Сертификация аудити йўналишида давлатнинг махсус идоралари томонидан корхона маҳсулотларига берилган сертификатларнинг қонунийлиги ва асослилиги ўрганилади. Бунда ҳам солиқ имтиёзларини қай даражада маҳсулот сифатига таъсир этишини асослаш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ имтиёзи амал қилмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд корхоналар фаолият юритиши учун ёки маҳсулот сифати учун сертификат олиши зарур бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, сертификатлаш аудити бевосита солиқ тўлови ва ҳисобини, шунингдек, солиқ имтиёзларини қамраб олиши талаб этилади. Солиқ имтиёзи аудитини ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини таъминланишига уни таъсири қандай бўлганлиги ҳақида хулосалар чиқариб олиш имконияти яратилади.

Маҳсулотнинг ҳаёт цикли аудити – солиқ аудити текширувининг бу тури нисбатан янги йўналиш бўлиб, унда корхона маҳсулотини ишлаб чиқаришни режалаштириш, тадқиқ қилиш, яратиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, маркетингни ташкил қилиш, харидорларга етказиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш каби жараёнларни ўз ичига олган маҳсулотнинг ҳаёт циклидаги ҳар битта босқичи учун қўлланиладиган солиқ имтиёзи даражаси ўрганилади.

Молиявий ҳисобот аудити – молиявий ҳисобот аудитида эса аудитор корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ бўлган тадбирларини амалга оширишга мўлжалланган солиқ имтиёзилари даражаси, улардан фойдаланиш

самарадорлиги кўрсаткичлари, экология билан боғлиқ бўлган солиқ имтиёзларининг ҳисобланиши ҳамда уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш жараёнини ўрганади.

Солиқ имтиёзи аудитининг текшируви уни ўтказиш воситаларига кўра 3 та гуруҳга ажратилади:

- молиявий воситалар;
- техник воситалар;
- бошқарув воситалари.

Молиявий воситалар ёрдамида текширув объектида солиқ қонунчилигидан четга чиқишлар, белгиланган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ тадбирларнинг тўлиқ ёки бутунлай ўтказилмаслиги, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган солиқларни ва солиқ имтиёзларини ҳисобламаслик ёки нотўғри ҳисоблаш каби юзага келган вазиятлар натижасида хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланиши мумкин бўлган молиявий жарималар даражаси аниқланади.

Солиқ имтиёзи аудититекширувининг техник воситалари текширув объектида солиқ имтиёзини қўллаш заруриятига асосли тарзда баҳо бериш учун зарур ҳисобланади. Улар ёрдамида ер, сув ва ҳаво ҳавзасига корхона томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг ҳамда ишлаб чиқарилаётган чиқиндиларнинг ҳамда ишлаб чиқарилаётган чиқиндиларнинг ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг инсон саломатлиги учун хавфсизлик даражаси ва уларнинг олдини олишда солиқ имтиёзларининг таъсири ўрганилади. Солиқ имтиёзи аудити текширувининг бошқарув воситалари ёрдамида корхонадаги солиқ менежмент тизимига, маҳсулот сифатини бошқариш тизимига ҳамда маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш тизимининг самарадорлик даражасига баҳо берилишида қўл келади.

Халқаро ва мамлакат миқёсида тобора эътибор қозониб бораётган солиқ имтиёзи аудитидан корхоналар фаолиятини бошқаришда фойдаланиш уларда белгиланган солиқ имтиёзи талабларига риоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар натижасида корхонага келтирилаётган молиявий зарарни камайтириш ҳамда корхона фаолиятининг сифатли характеристикаларини яхшилаб бориш, талафот келтирадиган ҳолатлар миқдорини камайтириш, маҳсулотнинг экологик сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали жаҳон бозорига чиқишда солиқ имтиёзи аудити имконият яратиб бериши мумкин.

ХОДИМЛАР БИЛАН УЛАРГА БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

К.Б. Уразов,и.ф.д., проф**.**
Н.У.Худайбердиев,и.ф.н., катта ўқитувчи
Бахромов А. магистрант

Аннотация: *Мақолада ходимлар билан уларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг долзарб масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *аудит, кредит, қарзлар.*

Аннотация:*В данной статье освещены вопросы актуальности аудита расчетов с персоналом по выданным кредитам и займам.*

Ключевыеслова*: аудит, кредит, займы*

Annotation: *In this article highlights basics questions relevance audit calculations with staff on given out credit and loans.*

Keywords: *audit, credit, loans.*

Ходимлар билан бўладиган молиявий муносабатларда уларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳисоб-китобларнинг корхоналар ва улар ходимлари ўртасидаги молиявий муносабатларда муҳим ўрин тутиши, шунингдек, мос равишда, уларни бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос диққатга молик объектлари эканлиги қуйидагиларда ёрқин намоён бўлади.

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар корхоналарнинг ўзига хос таснифий белгиларига ва тавсифига эга бўлган активларидир. Ушбу активларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш ахборот фойдаланувчилар нуқтаи назаридан айниқса муҳим ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Ходимларга берилган кредит ва қарзларни юқорида келтирилган белгиларидан ташқари қуйидаги белгилари бўйича ҳам тавсифлаш ўта муҳимдир.

Мазмунига кўра ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли берилган кредит ва қарзлар корхона учун, бир томондан, иқтимоий-иқтисодий мақсадлардаги инвестициялар, иккинчи томондан эса, дебиторлик қарзлар бўлиб ҳисобланади.

Корхонада амалга ошириладиган оборотга нисбатан берилган кредит ва қарзлар активларнинг узоқ ва қисқа муддатларга оборотдан четланган қисми ҳисобланади. Ходимларга ҳаддан кўп ва катта миқдорларда кредит ва қарзларнинг берилиши, шунингдек уларни ўз вақтида қайтарилмаслигига йўл қўйишлар, пировард натижада корхоналарнинг ўзларида маблағ танқислиги сингари салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Характерига кўра ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам товар характеридаги ва нотовар характеридаги ҳисоб-китобларга бўлинади.

Характерига кўра ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам товар характеридаги вано товар характеридаги ҳисоб-китобларга бўлинади.



1-расм. Ходимларга берилган кредит қарзларнинг таснифи

Даромад келтиришига кўра ходимларга берилган кредит ва қарзлар корхонага қўшимча даромад келтирадиган ва умуман даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади. Одатда, фоизли асосда берилган кредит ва қарзлар корхонага ижтимоий самарадан ташқари қўшимча иқтисодий наф, яъни фоиз кўринишидаги даромад келтиради. Фоизсиз кредит ва қарзлар асосан ижтимоий ходимларни ҳимоялаш нуқтаи назаридан самара берсада, корхонага иқтисодий наф, яъни даромад келтирмайди. Аксинча, фоизсиз кредит ва қарзларнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги ёки умуман қайтарилмаслиги корхонага зарар келтириши мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларни корхоналарда ўтказиладиган ташқи ва ички аудитда чуқур эътибор берилиши лозим бўлган объектлардан бири эканлигидан ҳам дарак беради.

Ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитининг асосий мақсади бўлиб ушбу мазмундаги операцияларнинг қонунийлиги, уларни тўғри ҳужжатли расмийлаштирилганлиги, кредит ва қарзларни берилиши, қайтарилиши, улар бўйича фоизлар, сўндирилган ва сўндирилмаган қарзларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги тўғрисида исботу-далилларни йиғиш ҳисобланади. Айнан шундай исботу-далилларни тўлиқ тўпланиши ташқи аудиторларга молиявий ҳисоботга холис аудиторлик хулосасини беришга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўта муҳим аудит объекти эканлигига қарамасдан, ушбу ҳисоб-китобларни аудит текширувидан ўтказишнинг ташкилий ва ахборот таъминоти, шунингдек методологик тартиблари даврий адабиётларда, чунончи дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда етарлича ёритилмаган. Изланишлар, аудиторлик текширувлари амалиётида ҳам ушбу муҳим текширув объектига нисбатан етарлича чуқур ёндашишлар қилинмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўзига хос хусусиятлари аудит фани ва амалиёти олдига қатор долзарб масалаларини ҳал қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Бундай долзарб масалалар сирасига, чунончи, қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири бўлиб аудиторлик текширувларининг ҳам буюртмачи, ҳам бажарувчи учун самарали бўлган режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Чунки, ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити самарадорлиги бошқа объектлар сингари, авваламбор, унинг аниқ ва тўлақонли режаси ҳамда дастурининг мавжудлигига, шунингдек аудит текширувларида ушбу дастакларга ҳақиқатда амал қилинганликка бевосита боғлиқ.

Аудит режасининг аҳамияти шундаки, унда ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудитига оид аудиторлар томонидан бажариладиган ишлар турлари, уларни бажариш муддатлари ва бажарувчи масъул ходимлар ўз аксини топади. Буюртмага кўра, одатда, ўтказиладиган аудит комплекс аудит ёки махсус савол тарзидаги аудит (тематик аудит) бўлиши мумкин. Комплекс аудит режасида ходимларга берилган кредитлар ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар ушбу режанинг алоҳида қисми, масала ёки саволи сифатида акс эттирилиши лозим. Махсус савол тарзидаги аудит (тематик аудит) режасида эса фақат ушбу объектга оид ишлар рўйхати, уларни бажариш муддатлари ва бажарувчи масъул аудиторлар кўрсатилиши керак. Бу турдаги аудит режасининг аҳамияти яна шундаки, у махсус савол тарзида ўтказиладиган аудиторлик текшируви қийматини аниқлашга асос бўлади. Бунда, аудиторлик текшируви қиймати келишувга кўра сарфланадиган вақт миқдори ҳамда бир бирлик вақт сарфи учун белгиланадиган тариф асосида аниқланади.

Бизнингча, аудитнинг комплекс ёки махсус савол тарзида ўтказилишидан қатъий назар, ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити дастури энг камида қуйидаги саволларни ўз ичига олиши лозим:

* ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудит текшируви ўтказилаётган давр бошидаги ҳолатининг қонунийлиги, тўғри тан олинганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

* текширилаётган даврда ходимларга берилган кредит ва қарзларнинг қонунийлиги, тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

*текширилаётган даврда ходимларга берилган кредит ва қарзларнинг шартномаларда белгиланган муддатларда қайтарилганлиги, уларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлиги;

*ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича фоизли даромадларни шартномаларда белгиланган тартибларда тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги, уларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

*ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича уларни воз кечиш ҳолларининг қонунийлиги ва ҳужжатли асосга эгалиги, воз кечишдан кўрилган зарарларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

*ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича уларни ундириб олиш бўйича судга берилган даволарнинг қонунийлиги ва ҳужжатли асосга эгалиги, уларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

* ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аудит текшируви ўтказилаётган давр охиридаги ҳолатининг қонунийлиги, тўғри тан олинганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлиги;

*ходимларга берилган кредит ва қарзларнинг мақсадли сарфланиши, уларнинг ҳам корхона, ҳам ходим манфаатлари нуқтаи назаридан келтираётган ижтимоий-иқтисодий самарасига баҳо бериш.

Иккинчидан, ходимларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити дастурига киритиладиган масалалар ечими бунга имкон берувчи ахборот манбаларининг, айниқса тизимли ҳисоб маълумотларининг мавжудлигига, шунингдек бундай ахборотларни корхоналарда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан шакллантирилганлигига бевосита боғлиқ. Чунончи, ходимлар билан уларга берилган кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб-китобларга оид тизимли ҳисоб маълумотларини республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги счётлар кесимида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади:

*4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

*4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”;

*4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи”;

*4790 “Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

Ушбу счётларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақоми ва юритиш тартибига эга. Чунончи,4710 **“Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”** счётида корхона ходимларига кредитга берилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Кредитга товар сотиб олган шахслар ишлайдиган корхоналар товарлар қиймати суммасини савдо ташкилотларига банк кредити ҳисобига қоплаши мумкин. Банк томонидан тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўланганда 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счётлари билан боғланган ҳолда дебетланади. Олинган банк кредити учун ходим томонидан амалга ошириладиган фоиз тўловларига **Дебет** 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” **Кредит** 6920 «Тўланадиган фоизлар» ёзуви берилади. Корхона ходимларидан кредитга сотиб олинган товарлар бўйича навбатдаги тўловлар ва фоизларнинг ушлаб қолишда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишилар” счёти 4710 “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти билан боғланган ҳолда дебетланади, сўнг эса ушлаб қолинган сумма банк кредитини ва фоизни тўлаш учун 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счётининг кредитидан 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 6950 “Узоқ

муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳамда 6920 «Тўланадиган фоизлар» счётларининг дебетига ўтказилади.

Ўзининг ходимлари томонидан кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзларини қоплашда банк кредитларидан фойдаланмайдиган корхоналар, ушбу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятларига асосан уларнинг меҳнат ҳақи суммасидан навбатдаги тўловларни ва фоизларни ушлаб қолинганда 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счёти турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) билан боғланган ҳолда (савдо корхоналарининг шахсий счётлари бўйича) дебетланади. Ушлаб қолинган сумманинг савдо корхоналарига ўтказиш берилишига қараб, турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда дебетланади.

Аудиторлик текширувларида, бир томондан, корхона ҳисоб тизимида кредитга сотилган товарлар бўйича ходимлар қарзлари ҳисобини юритишга мўлжалланган 4710 **“Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи”** счётининг мавжудлиги аниқланиши, иккинчи томондан эса, мазкур счетни юритиш бўйича корхонада 21-сон БҲМСга белгиланган тартиб-қоидаларга қай даражада амал этилганликка баҳо бериш муҳим ҳисобланади.

Корхоналарнинг ўз ходимлари билан бўлган молиявий муносабатларининг муҳим тури бўлиб уларга турли мақсадларда берилган қарзлар ҳисобланади. Республикамизнинг 21-сон БҲМСга асосан ходимларга турли мақсадларда (масалан, якка тартибда уй-жой қуришга, тўй-маракаларга, фарзандларни ўқитишга ва бошқаларга) берилган қарзлар ҳисоби **4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”** счётида юритилиши лозим. Ушбу счётнинг дебетида ходимларга берилган қарз суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан, фоиз тўловлари эса фоиз кўринишидаги даромадлар счёти (9530 счёт) билан боғланган ҳолда акс эттирилиши керак. Агар маблағлар корхонага берилган кредит ҳисобидан бевосита банк томонидан (бу маблағларни олдиндан корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ўтказмасдан) ходимларга берилса, бунда 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счётининг дебетида 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” ва 7810 “Узоқ муддатли банк кредитлари” счётлари, фоиз тўловлари 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилиши лозим бўлади.

Белгиланган тартибга кўра қарздор ходимлардан келиб тушган тўловлар суммасига 4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи” счёти (қабул қилинган тўловлар тартибидан келиб чиққан ҳолда) 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”, 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”, 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счётлари билан боғланган ҳолда кредитланиши керак. Банк кредитларини қоплаш 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”, 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” ҳамда 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётларининг дебетида ва банкка тегишли бўлган сумма ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилиши лозидир.

Аудиторлик текширувларида ходимларга берилган барча қарзлар, уларнинг сўндирилиши, самараси ёки келтирган зарарига доир ҳисоб маълумотлари реаллиги **4720 “Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи”**счёти бўйича юқорида таъкидланган тартиб-қоидалар таянилган ҳолда экспертиза қилиниши лозим.

Ходимларнинг корхоналар олдидаги қарзларидан яна бир муҳим тури бўлиб уларнинг етказган моддий зарарлари ҳисобланади. Бундай турдаги қарздорликлар 21-сон БҲМСга мувофиқ 4730 “Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи” счётида ҳисобга олинади. Чунончи, ушбу счетда корхона ходими томонидан пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг камомади ва талон-тарож қилиниши, яроқсизлик натижасида етказган моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек бошқа турдаги зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Белгиланган тартибга кўра, ушбу счётнинг дебетида айбдор шахслардан ундириб олинадиган суммалар товар-моддий захиралар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилиши, унинг кредитида эса тўланган тўловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган суммага 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” счёти билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилиши лозим.

Корхона ҳисоб ва ҳисобот тизимида моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзларига оид маълумотларнинг мавжудлиги маълум даражада корхонада қонунбузарчилик ҳолатига йўл қўйилганлигидан, ижро интизомини пастлигидан, салбий молиявий муносабатлар мавжудлигидан дарак беради. Шу боис ҳам аудиторлик текширувларида ушбу қарзлар тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги обдон текширилиши мақсадга мувофиқ. Аудит текширувларида моддий зарарларни қоплаш бўйича ходимлар қарзларини юқорида келтирилган тартиб-қоидалар асосида ҳисобга олинганлигига ёки ҳисобга олинмаганлигига иқрор бўлиш, шунингдек корхона раҳбарлари ва бухгалтерларига аниқ аудиторлик тавсияларини бериш келгусида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШДА РИСКЛАР ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Зайналов Ж.Р. – СамИСИ
Алиева С.С. –СамИСИ
Очилов М. – СамИСИ магистрант

Аннотация. *Мазкур мақолада банкларнинг кредит операциялари билан боғлиқ даромадлилигини ошириш ва улар бўйича рискларни камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган. Тижорат банклари кредит рискини камайтиришнинг бир нечта усуллари фактлар асосида очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Кредит операциялари, банк риски, ссуда портфели, инвестиция бозори.*

Аннотация. *В данной статье освещено социально-экономическое значение повышения доходности, связанной с кредитными операциями банков и снижения рисков по ним. Раскрыто несколько способов снижения кредитных рисков коммерческих банков на основе фактов.*

Ключевые слова. *Кредитные операции, банковские риски, ссудный портфель, рынок инвестиций.*

Annotation. *This article is related to the banks' credit operations to increase profitability and reduce the risks of social and economic importance of lighting. Reducing the credit risk of several commercial banks is revealed on the basis of the facts*

Key words. *Credit operations, the bank's risk, the loan portfolio of the investment market.*

Банкларнинг кредит операциялари билан боғлиқ даромадлилигини ошириш ва улар бўйича рискларни камайтириш – иккита қарама-қарши мақсаддир. Инвесторларга энг кўп даромад келтирадиган юқори даражадаги хатарли операциялар билан боғлиқ хизматлар каби, оширилган кредит фоизи ҳам банк ишида таваккал қилганлик учун олинадиган хақдир. Банк ссуда портфелини шакллантириш вақтида инвесторлар учун умумий бўлган принципларга амал қилиши – юқори даромад келтирадиган ва анча хатарли тарзда маблағ сарфлашни кредитлашнинг камроқ даромадли, шу билан бирга камроқ хатарли йўналишлари билан боғлаб бориши зарур.

Ссуда портфелини диверсификациялаш кредит хатарини бир неча йўналиш бўйича тақсимлашни, тарқатиб юборишни англатади. Банклар битта ёки бир нечта йирик қарз олувчини кредитлашни ёхуд бир гуруҳ ўзаро боғланган қарз олувчиларга катта кредит беришни чеклаши ҳам муҳимдир. Ссуда портфелини диверсификациялашнинг энг асосий қоидаси ссудаларни иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги турли корхоналарга кам суммаларда анча қисқа муддатга ва кўп сонли қарз олувчиларга беришдан иборат. Кредитлар қайтарилишини таъминлашни турли усуллар – гаров, кафолатлар, кафилликлар, суғуртани бирга қўшиб олиб бориш асосида диверсификациялаш зарур. Бу рискни камайтиришнинг қўшимча шарти бўлади.

Баъзи кредит битимларидан кўрилиши мумкин бўлган зарар ўрнини бошқа кредит битимларидан олинадиган фойда билан қоплаш имконини берилишини таъминлашда юқорида қайд этилган қоидаларга амал қилиш зарур.

Банк юритадиган умумий ҳисоб-ссуда стратегиясининг муҳим қисми бу – фоиз сиёсатидир. Кредитлар беришдан олинган фоизлар банк даромадларининг энг катта улушини ташкил этади. Кредитлар беришдан олинган фоизлар банк даромадларининг энг катта улушини ташкил этади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражаси бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб , булар:

- мамлакатдаги инфляция даражасидан;
- Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан, у кредит бозорида расман “пулнинг нархи” ролини ўйнайди;
- банклараро кредит бўйича ўртача фоиз ставкасидан;
- LIBORCTABKACИ (валютадаги кредитлар учун)дан;
- банкнинг депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкасидан;
- банк кредит ресурсларининг тузилишидан, банк пассивларида “қимматбаҳо” ресурслар улуши қанча юқори бўлса, бериладиган кредит шунча қиммат бўлади;
- кредитга бўлган талабдан у инвесторларнинг иқтисодиётнинг реал секторига маблағ сарфлашга мойиллиги, бошқа усулларда инвестициялашнинг даромадлилик даражаси (масалан, валютага, қимматли қоғозларга маблағ солиш) билан боғлиқ;
- ссуданинг нимага мўлжалланганлиги ва шартлари, хатар даражасидан иборатдир.

Банк кредит бериш билан боғлиқ хизматлари учун ҳақ белгилар экан, кредит ресурслари бозоридаги вазиятни ҳам, кредит битимининг индивидуал жиҳатларини: хатар, кредитлаш муддати, ссуда бериш усули, ссудани қайтариш таъминланганлигини ҳам ҳисобга олади. Масалан, банк яхши кредит тарихига эга бўлган эски мижозларига қайта молиялаш ставкасидан ёки шу банкдаги кредитлар бўйича ўртача ставкадан паст ставка бўйича имтиёзли ссудалар бериши мумкин.

Қарз олмоқчи бўлганларнинг кредит ва тўлов қобилиятини баҳолаш усулларини ҳам банкнинг ўзи белгилаши, кредитлаш вақтида банклар қарз олувчиларга фарқлаб ёндошадилар, уларнинг кредит қобилиятини – ссуда мажбуриятлари бўйича банк билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш қобилиятини ҳисобга олиниши муҳимдир. Банк қарз олувчининг кредит қобилиятини таҳлил қилишидан мақсад кредитлаш шартларини белгилашдир. Таҳлил қарз олувчининг кредит тарихига оид маълумотлар асосида амалга оширилиши зарур. Бундай маълумотларни банк банклараро ахборот тизимидан олиши ёки агар қарз олувчи шу банкнинг кредитларидан аввал ҳам фойдаланган бўлса, ўз кузатувларидан фойдаланиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қарз олувчи фирма ёки банкнинг кредит қобилияти бир неча ҳисобот санасига доир бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича текшириши зарур. Шунингдек, фуқароларнинг кредит қобилиятини уларнинг даромадлари хақидаги маълумотлар асосида аниқлаш усулларини ҳам кенг қўллаш талаб этилади.

Тижорат банклари кредит рискини камайтиришнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усулларидан (ссуда портфелини диверсификациялаш, қарз олувчининг кредит қобилиятини ва тўлов қобилиятини олдиндан таҳлил қилиш, кредит қайтарилишини таъминлаш усуллари – гаров, кафолатлар, кафил бўлиш, суғурта усулларини қўллаш) фойдаланишдан ташқари ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳиралар ҳам ташкил этадилар.

Тижорат банклари кредит рискларини ҳамма ссудалар ва мижозларнинг ссудага тенглаштирилган ҳамма қарзлари бўйича ҳам миллий, ҳам чет эл валютасида баҳолайдилар, айнан:

- берилган ҳамма кредитлар, шу жумладан, банклараро кредитлар (депозитлар бўйича);
- тижорат банк кафолатлари юзасидан ундириб олинмаган суммалар бўйича;
- пул ундириш талабномаси банк фойдасига воз кечиш шарти билан молиялаш шартномасига (факторинг) мувофиқ амалга оширилган операциялар бўйича баҳолайдилар.

Банк кредит рискини камайтириш банкнинг кредит портфелини бошқаришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Инвестиция ва кредит сиёсатини тижорат банки томонидан муваффақиятли ишлаб чиқиши учун унинг ходимлари иқтисодий вазиятни муиассил мониторинг қилиб боришлари ва инвестиция бозорининг асосий ривожланиш кўрсаткичларини прогноз қилиб боришлари лозим бўлади. Бу ишнинг энг мураккаб босқичи бўлиб ғоят кўп маълумот жалб этишни талаб қилади. Инвестиция бозори кўрсаткичларини баҳолашда:

биринчидан, бирламчи кузатиладиган, инвестиция муҳитини ва инвестиция бозоридаги кундалик конъюктуранинг ҳолатини акс эттирадиган кўрсаткичлар рўйхатини тузиш;

иккинчидан, инвестиция бозорининг кундалик конъюктурасини таҳлил қилиш;

учинчидан, инвестиция бозорининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллар ва шароитларнинг келгусидаги ўзгаришларини тадқиқ этиш ва бу ривожланиш истиқболларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ушбу босқичлардан ҳар бирининг мазмунини батафсилроқ ёритамиз.

Бирламчи кузатиладиган кўрсаткичлар рўйхати инвестиция бозорини мониторинг қилиш тизимини яратиш жараёнида тузилиши ҳам талаб этилади, яъни:

- инвестиция бозорини ривожланишини белгилайдиган асосий кўрсаткичлар;
- инвестиция бозорининг кўрсаткичлари;
- хусусийлаштириш объектлари бозорининг кўрсаткичлари;
- кўчмас мулк бозорининг кўрсаткичлари;
- фоиз бозорининг кўрсаткичлари;
- пул бозорининг кўрсаткичлари шулар жумласидандир.

Санаб ўтилган мониторинг бўлимларининг ҳар қайсиси бир қатор бирламчи ахборот кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин. Бу кўрсаткичлар инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадларига қараб навбатдаги таҳлилий кўрсаткичларнинг исталган тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

Санаб ўтилган мониторинг бўлимларининг ҳар қайсиси бир қатор бирламчи ахборот кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин. Бу кўрсаткичлар инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадларига қараб навбатдаги таҳлилий кўрсаткичларнинг исталган тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ахборот бозорини ўрганишнинг шакллантирилган бирламчи кўрсаткичларини мониторинг қилиш учун эълон қилинаётган статистика маълумотлари ва бу бозорнинг айрим сегментларини кундалик кузатиш материаллари ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Кузатилаётган кўрсаткичларнинг тўлиқ тизими бўйича инвестиция бозорини мониторинг қилиш айрим кўрсаткичларни ҳар чоракда бир марта (статистика ҳисоботини тақдим этиш ва эълон қилишнинг чорак муддатлари билан боғлиқ ҳолда) қайд этишни назарда тутади. Энг муҳим кўрсаткичлар бўйича (кундалик кузатишлар ва умумлаштирилаётган ойлик статистика ҳисоботи натижалари бўйича) мониторинг ҳар ойда амалга оширилади.

Инвестиция бозоринг кундалик конъюктурасини таҳлил қилиш бутун мана шу бозорни ва унинг таркибига кирадиган айрим сегментларни баҳолайдиган таҳлилий кўрсаткичлар тизимига асосланади. Бундай таҳлилий кўрсаткичлар рўйхатини банк ўз инвестиция фаолиятининг мақсадлари ва йўналишларини ҳисобга олиб белгилайди. Инвестиция бозорини мониторинг қилишга киритилган бирламчи кўрсаткичлар асосида динамика кўрсаткичлари, индекслар, нисбат ва мосланувчанлик коэффициентлари ишлаб чиқилади (бозорни ўрганишга доир таҳлилий кўрсаткичларнинг эҳтимол тутилган сони ахборот кўрсаткичлари сонидан бир баравар юқори).

Инвестиция бозори ва унинг айрим сегментларининг конъюктурасини таҳлил қилган вақтда унинг умумий динамикасини, шунингдек, бутун мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш фазалари билан алоқасини аниқлаш муҳим, чунки конъюктуранинг энг муҳим ўзгаришлари иқтисодиётнинг циклли ривожланишидаги айрим фазалар алмашганида юз беради. Иқтисодиёт вақти-вақти билан битта иқтисодий циклни ташкил этадиган тўртта фазадан: танглик, депрессия, жонланиш ва юксалиш фазаларидан ўтади.

Инвестиция бозорининг ривожланишига таъсир этадиган рисклар ва шарт-шароитларнинг келажакда ўзгаришини тадқиқ этиш ҳамда бу ривожланишнинг истиқболини ишлаб чиқиш, бозорни макроиқтисодий ўрганиш жараёни билан тугалланиши учун ҳам иқтисодиётнинг айрим соҳаларини ривожлантириш бўйича турли давлат дастурлари ахборот базаси бўлиб ҳисобланиши талаб этилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция бозорининг келгусида ривожланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги шарт-шароитлар ва омилларни кўриб чиқиш зарур бўлади:

- ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажмининг динамикасини;
- жамғаришга сарфланадиган миллий даромад улушининг ўзгаришини;
- хусусийлаштириш жараёнларининг ривожланишини;
- тадбиркорлик фаолиятининг инвестиция билан боғлиқ бўлган ва бошқа турларини солиқлар ёрдамида тартибга солишнинг ўзгаришини;
- Марказий банк ҳисоб ставкасининг ҳамда қисқа ва узоқ муддатли кредитлар олиш шартларининг ўзгаришини;
- фоиз бозорининг ривожланишини.

Инвестиция бозорининг ривожланишини макроиқтисодий тадқиқ қилиш иқтисодиёт тармоқлари ва алоҳида минтақаларнинг инвестициялаш жиҳатидан жозибадорлигини баҳолаш ва тахмин қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса банкнинг инвестиция сиёсатини белгилаш учун зарур омилдир.

ЭКСПОРТГА МАХСУЛОТ ЧИҚАРАДИГАН КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Р.Сейтмуратов – СамИСИ и.ф.д. проффессор
Н.Облокулов – СамИСИ магистранти

Калитли сўзлар: *ташқи иқтисодий фаолият, экспорт ва импорт амалиётлари, солиқ имтиёзлари, ташқи савдо.*

Аннотация:*мазкур мақолада корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қарорлар ва фармонлар, экспорт-импорт операциялари ҳамда ушбу соҳада қўлланиладиган солиқ имтиёзлари кўриб чиқилган.*

Ключевые слова: *внешнеэкономической деятельность, экспортных и импортных практики, налоговая льгота, внешняя торговля.*

Аннотация: *в данной статье рассмотрены, принятые указы и постановления с целью поощрения внешнеэкономической деятельности предприятий, экспортно-импортные операции и применение налоговых льгот в данной сфере.*

Key words: *external economic activity, activities of export and import, tax requirements, external trade.*

Annotation: *this article examines the adopted decrees and regulations to encourage for eign economic activity of enterprises, export-import operations and the use of tax incentives in this area.*

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг ўсиш суръати ва халқнинг турмуш даражаси, унинг халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан самарали фойдаланаётганлигига бевосита боғлиқ. Жахон мамлакатлари

иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида, республикада ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳамда солиққа тортиш механизмини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг самарали ташқи иқтисодий сиёсати натижасида, ташқи иқтисодий алоқалар жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти таъкидлаганидек, "Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб етади.

Айнан ана шу соҳаларда ҳали фойдаланилмаган улкан имконият ва салоҳият кўп. Экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермерлар ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан олган валюта тушумларининг 50 фоизини банкларга сотиш мажбуриятидан озод қилингани ва уларнинг экспортга маҳсулот етказиб беришдан, аввало, ўзларининг манфаатдор бўлишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш лозим. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий етиш керак."[14].

Ташқи иқтисодий муносабатларни жумладан экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва тартибга солишга қаратилган имтиёзлар Солиқ кодекси, Божхона кодекси, "Бож тарифи тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига кўра белгиланган. Қонунчиликка мувофиқ экспорт қилувчи корхоналарга қуйидаги солиқ имтиёзлари ва афзалликлари берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 212-моддасига асосан товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади, яъни экспорт қилишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий манба учун қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади;

- Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг

[14]И.А.Каримовнинг Мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Тошкент.: Халқсўзигазетаси, 2016, 17 январь

айрим турлари бундан мустасно (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 230-модда);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-2613-сон Фармонига асосан экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларини сотиш бундан мустасно) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилади:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - 30 фоизга;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - 2 маротаба.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли Қарорига мувофиқ товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдагига қараганда ўртача 2 маротабага камайтиришни назарда тутувчи янги ставкалари тасдиқланган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармонига мувофиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1731-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги имтиёзлар берилган:

- 2012 йил 1 апрелдан бошлаб янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилашга валюта кредитлари бўйича асосий қарзни қайтаришга жорий тўловлар бўйича йўналтириладиган валюта тушуми қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан асосий қарз батамом тўлаб бўлинадиган муддатга қадар озод қилинди;

- тижорат банкларига экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга оширишнинг чекланган муддатини 60 кундан 90 кунга узайтирган ҳолда экспорт операциялари бўйича факторинг хизматларини амалга ошириш ҳажмини кенгайтириш.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларининг экспортга йўналтирилган фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор солиқ ва бошқа имтиёзлар қўлланилиб келинмоқда.

Республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, уни янада ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга:

-ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

-божхона божлари тарифларини такомиллаштириб бориш;

-экспорт фаолияти ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган самарали солиқ механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

-республикамизда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этиш.

Республиканинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар жорий 2017 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4749-сонли Фармонининг "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш" III-устувор йўналишида экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш назарда тутилган.

Шу билан бирга,2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оидДавлат дастурида ҳам манфаатдор вазирлик ва идораларга «2018 — 2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти билан шуғулланишга жалб этишни рағбатлантиради ва бу ўз навбатида, аҳолини иш билан таъминлаш, яъни янги иш ўринларини яратишга катта ҳисса қўшмоқда.

КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ: ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Зайналов Ж.Р. – СамИСИ профессори
Қурбонова С.Б. - СамИСИ

Аннотация:*Мақолада корпоратив корхоналарда инновацион ривожланишини рағбатлантиришнинг молиявий манбалари хориж тажрибасига асосланган ҳолда таҳлил қилинган. Корпоратив корхоналарда инновацион фаолиятни молиявий таъминлашни ривожлантириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Корпоратив корхона, инновацион сиёсат.*

Аннотация: *В статье проанализированы финансовые источники стимулирования инновационного развития корпоративных предприятий с учетом зарубежного опыта. Разработаны практические рекомендации по развитию финансового обеспечения инновационной деятельности корпоративных предприятий.*

Ключевые слова:*Корпоративное предприятие, инновационная политика.*

Annotation:*The article revealed corporate enterprises, stimulate the development of innovative financial sources based on international experience in the analysis. Corporate enterprises innovatsion development activities to provide financial advice.*

Keywords: *Corporate enterprises, innovative policies.*

Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришни, айниқса, унинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш энг долзарб ва устивор вазифалардан бири бўлиб

қолмоқда. Умуман, инновация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги фақат уларнинг умуммиллий аҳамияти билан эмас, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам белгиланади. Ҳозирги вақтда инновация янги турдаги рақобатбардош ва талабгор маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали бозор эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик бизнес субъектлари харажатларини рақобатчиларига нисбатан пасайтириш ва фойдасини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Бизнеснинг инновацион фаолиятини молиялаштириш манбалари мулкчилик шаклларига қараб икки гуруҳга ажралади:

- давлат молиявий ресурслари;
- нодавлат молиявий ресурслари.

Давлат молиявий ресурсларига давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар,давлат заёмлари, давлатгатегишли акция пакетлари ва давлат мулклари киради.

Нодавлат молиявий ресурслари эса турли хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотлари ва хусусий шахсларнинг молиявий маблағларидан ташкил топади. Буларга турли инвестор жамоалар, шунингдек, суғурта компаниялари, инвестиция жамғармалари ва компаниялари, корхоналарнинг, хусусий шахсларнинг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва ҳоказолар кириши мумкин.

XXI асрнинг бошига келиб инсоният янги парадигма, яъни миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда мамлакатлар ўзининг инновацион ишлаб чиқариш концепциясига ўтиши зарур деган хулосага келинди. Натижада иқтисодчи олимларнинг инновациялар билан боғлиқ турли қараш ва ёндашувлари ривожлана бошлади. Бу борада америкалик иқтисодчи олим Ж.Брайт "Инновация жараёни илм, техника, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида бирлаштирувчи, инновацияларни тижоратлашувига қаратилган фаолиятдир" - деб таъкидлади. Унинг фикрича, инновация жараёни ғояни пайдо бўлишидан бошлаб тижорат асосида ҳаётга татбиқ этиш жараёнигача бўлган босқични ўз ичига олади.

Айни вақтда жаҳоннинг 20 дан ортиқ (АҚШ, Япония, Корея Республикаси, Финляндия, Швейцария ва б.) мамлакат инновацион иқтисодиётга эга мамлакатлар сифатида тан олинди. Ушбу ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти қуйидаги хусусиятлари билан алоҳида гуруҳ сифатида ажратилади:

1) илмий тадқиқотларга асосланган билимларга эга бўлиш, янги технологиялар яратиш ва уларни амалиётга қўллашга эътибор қаратиш;

2) фан-техника тараққиёти ютуқларини оммалаштиришни таъминлаб берувчи ахборот инфратузилмасини яратишни жадаллаштириш;

3) янги технологиялар асосида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш;

4) инновацияларни шилаб чиқариш ва бошқарувдан ташқари бошқа соҳаларга ҳам жорий этишга олиб келувчи ижтимоий таркибни ўзгартириш;

5) янги билимларни мунтазам равишда ўзлаштириш жараёнини йўлга қўйиш.

Шунингдек, ушбу мамлакатларни амалга ошираётган инновацион сиёсатига қараб қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар. Одатда, ушбу мамлакатларда инновацион циклнинг ҳамма босқичларини қамраб олувчи

йирик миқёсли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади (АҚШ, Буюк Британия, Франция).

2. Қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт таркибини оптималлаштиришга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳондаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қабул қилишни таъминлаш, турли секторларнинг фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш йўли орқали янгиликларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Корея Республикаси).



1-расм. ***Глобал ИТТКИ харажатларида айрим мамлакатлар улуши, % ҳисобида***[15]

Жаҳон иқтисодиётининг чуқур қиёсий таҳлили инновациялар соҳасидаги етакчилик Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га ажратилаётган харажатларга бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда. Жумладан, глобал ИТТКИ харажатларида биргина АҚШнинг улуши 34,0%ни ташкил этмокда (1-расм).

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тарихи ва бугунги кунга назар ташлайдиган бўлсак, инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига доимий ажратиб туриладиган харажатлар эканлигини англаш мумкин.

Ривожланган мамлакатлардаги инновацион жараёнларни ўрганиш бу давлатларнинг хусусий сектор илмий изланишлар ва инновацион янгиликларни молиялаштиришдаги иштирокини қўллаб-қувватланиши кўрсатади. Бу пировард натижада хусусий сектор илмий изланишларга бўлган сарф харажатларнинг катта қисмини қоплашига олиб келган. Масалан, бу Европа Иттифоқида 56% ни, АҚШ да 63%ни, Японияда эса 74 %ни ташкил қилади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 30-40% га етади. Ўзбекистонда давлаг ва бизнеснинг илмий ва тажриба конструкторлик ишланмаларига инвестициялари ҳажми технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатларга нисбатан анча кам бўлиб, охирги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг 0,2 % ни ташкил қилган.

[15]2014 GLOBAL R&D FUNDING FORECAST DESEMBER 2013 www.rdmag.com

Бугунги кунда корпоратив корхоналарнинг илмий-инновацион ёндошувларида маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Замонавий бозор шароитида инновацион маркетинг инновацион фаолиятнинг бир тури сифатида юзага келар экан, бунда, янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқиш жараёнларини ўзлаштиришда кўпроқ эътибор бозорни ўрганишга қаратилади. Бу эса ўз навбатида, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг янги маҳсулотлари ёки кўрсатадиган хизматларини самарали ва муваффақиятли бозорга силжитишда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив корхоналар инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида уни молиявий рағбатлантириш механизми ва таркибини шакллантиришдир.

Корпоратив корхоналарда иновацион фаолиятни молиявий таъминлашни ривожлантириш мақсадида қуйидагидарни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- тадбиркорлик субъектлари ўртасида республика миқёсида инновацион ишланмалар танловини ташкил этиш;
- кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш;
- кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришда илғор хориж тажрибаларини ўрганишга йўналтирилган давлат грантлари дастурлари кўламини кенгайтириш;
- республикамизнинг ҳар бир вилоятлари марказларида инновацион фаолият билан шуғулланувчи махсус лабораториялар фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш;
- Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси томонидан тадбиркорлар учун махсус тренинглар ташкил этиш асосида уларнинг мазкур йўналиш бўйича билимларини бойитиб бориш.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда корпоратив корхоналар фаолиятида инновациялардан фойдаланишни молиявиймеханизмини такомиллаштиришга ҳамда мазкур жараённи молиялаштириш манбаларининг кенгайишига хизмат қилади.

НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ СТРАТЕГИИ И ТАКТИКИ В ОБЛАСТИ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ

Зайналов Ж.Р. – д.э.н., профессор СамИЭС

Аннотация: *В данной статье характеризуются возрастающие требования к развитию рынка финансовых услуг, показано значение финансовой стратегии и тактики в увеличении потребителей финансовых услуг.*

Abstract: *This article describes the growing requirements for the development of the financial services market, shows the importance of financial strategy and tactics in increasing the consumers of financial services.*

Аннотация:*Ушбу мақолада молиявий бозор хизматларини нисбатат ўсиб бораётган ва қўйилаётган талаблар асосланган, шунингдек унда молиявий*

хизматларни истеъмол қилувчи стратегия ва тактикасининг аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Ключевые слова: *финансовые институты, финансовые услуги, финансовая стратегия, финансовая тактика, финансовая стабильность.*

Key words: *financial institutions, financial services, financial strategy, financial tactics, financial stability.*

Калит сўзлар: *Молия институтлари, молия хизматлари, молия стратегияси, молия тактикаси, молиявий барқарорлик.*

Социально-экономическая роль финансовых услуг обусловлена выполняемой ими функцией финансового стабилизатора развития экономики, который, с одной стороны, позволяет субъектам экономики обеспечить собственную безопасность от рисков, при помощи страховых услуг, а с другой – накапливать финансовые ресурсы для оказания различного рода инвестиционных услуг.

Финансовые институты, оказывающие услуги формируют и используют средства различных фондов, финансируя собственные расходы предприятий-клиентов по ведению ими собственного коммерческого дела.

Возрастающие требования предприятий, т.е. потребителей ресурсов к качеству и видам финансовых услуг вызывают постоянную необходимость внедрения управленческих методов, применения передовых информационных технологий. Последние во многом предопределяют оперативность и качество управленческих решений, а, следовательно, финансовые результаты предприятий.

Опыт отечественных финансовых институтов в управлении финансами позволяет сделать вывод о том, что на современном этапе развития управленческой культуры и сервиса происходит переход от решения простых задач (планирование и анализ движения денежных средств) к более сложным, комплексным (бюджетирование, планирование и управление капиталом, разработка и реализация финансово-экономической стратегии).

Внедрение качественно новых инновационных и рыночных механизмов управления финансовыми услугами позволяет снизить дефицит денежных средств, эффективно управлять капиталом, осуществлять анализ и управление видами услуг, проводить эффективную финансовую политику [3; 4].

Управление финансовыми услугами реализуется посредством разработанной финансовой политики, стратегии соответствующей тактики.

Финансовая политика, направленная на оказание финансовых услуг является важным компонентом общей экономической стратегии и обеспечивает ее реализацию. Основным требованием к финансовой политике должно являться ее соответствие избранной миссии предприятий, оказывающих финансовые услуги, ее маркетинговой стратегии.

Целью разработки финансовой политики, направленной на оказание финансовых услуг должно являться построение эффективной системы управления ее финансовыми потоками, обеспечивающей достижение стратегических и тактических целей деятельности, выражающихся в максимизации прибыли, ее финансовой устойчивости и привлекательности.

Под финансовой стратегией, соответственно, следует понимать набор методов, с помощью которых финансовая политика направлена на оказание услуг будет реализоваться предприятием на практике. В свою очередь, финансовая тактика

охватывает набор конкретных практических мер, способов и приемов реализации избранной финансовой стратегии предприятий. Иными словами, финансовая тактика должна обеспечить реализацию стратегических целей и миссии предприятий с наименьшими затратами в текущем периоде.

Разработка и окончательное формирование финансовой стратегии могут быть обеспечены на основе моделирования большого количества финансовых ситуаций, выявления будущих изменений и предвидения результатов с помощью использования избранной тактики в целях получения желаемого экономического результата, т.е. прибыли.

На практике предприятия разрабатывают учетную политику, налоговую политику, амортизационную политику. Исходя из понимания содержания этих понятий, они являются методами реализации финансовой стратегии по конкретным направлениям.

Характеристика каждого направления финансовой стратегии по оказанию услуг предприятиям, свидетельствует о наличии в практике тактических способов их реализации. Задача принятия того или иного решения по оказанию финансовых услуг связана с выбором наиболее выгодного варианта, поскольку неэффективно принятое решение может снизить прибыль или привести к убыткам по результатам финансово-хозяйственной деятельности предприятия.

Разработка и реализация учетной политики финансовыми институтами связана с практическим осуществлением бухгалтерских или аудиторских услуг, а от ее правильного понимания и формирования во многом зависит экономическая эффективность деятельности предприятий. Не останавливаясь подробно на содержании учетной политики предприятий, отметим, что, несмотря на то, что учетная политика – относительно новое явление в финансовой теории и практики услуг, этот метод реализации финансовой стратегии наиболее методически разработан и обеспечен нормативной базой. С помощью учетной политики предприятие способно оптимизировать переменные факторы, влияющие на их финансово-хозяйственную деятельность. С точки зрения финансового результата предприятия учетная политика важна своими налоговыми последствиями. Учетную политику предприятий, в частности сферы услуг можно рассматривать, как средство зашиты их интересов перед внешними пользователями финансово-информационных услуг и в первую очередь перед налоговыми органами.

Следующим важным методом реализации финансовой стратегии является формирование налоговой политики, в частности, на предприятиях сферы услуг. Однако, в настоящий момент отсутствует четкое, всеми принятое определение налоговой политики предприятий сферы услуг. Недостаточно разработаны принципы формирования налоговой политики в экономической литературе [2; 5] и законодательных актах [1]. Налоговая политика должная обеспечивать гармоничную увязку результатов деятельности предприятий сферы услуг с общегосударственными задачами через безусловное выполнение налогового законодательства. Однако, в настоящий момент государство скорее заинтересовано в разработке такого однозначно налогового законодательства, не позволяющего законным образом реализовать меры по минимизации налоговых платежей.

Под налоговой политикой, направленной на оказание услуг по налоговому обслуживанию следует понимать выбор системы приемов ведения денежных

отношений налоговой инспекции с другими контрагентами рынка услуг, минимизирующей величину всех видов налогов при соблюдении налогового законодательства и обеспечивающей, соответственно, максимизацию прибыли при минимизации расходов на ведение дела по оказанию услуг. Основным критерием наилучшего выбора варианта налоговой политики в области минимизации величины налоговых платежей является оптимальная прогнозная величина налоговых платежей.

Важным направлением налоговой оптимизации является выбор более выгодного, с точки зрения налоговой оптимизации, места нахождения предприятия, ее руководящих органов, основных подразделений, выбор правовой формы организации, ее структуры с учетом специфики деятельности, использования формы финансовых услуг.

Выбор того или иного варианта налоговой оптимизации должен быть основан на тщательных расчетах прямых и косвенных налогов, налогов по результатам деятельности, т.е. прибыли (дохода).

По вопросу оказания финансовых услуг по ведению дивидендной политики, отметим, что она должна полностью соответствовать общеэкономической стратегии с одной стороны финансовых институтов, а с другой, развития предприятия и соотноситься с потенциалом роста, что является важным фактором привлечения новых акционеров. Оказание финансовых услуг по ведению дивидендной политики должно строиться в зависимости от потребностей предприятия: степень оказания финансовых услуг по выплатам дивидендов акционерам.

Для эффективной деятельности и финансовой стабильности финансовых институтов, призванных оказывать финансовые услуги предприятиям-клиентам, большое значение имеют ее организационная форма и проводимая политика по оказанию финансовых услуг предприятиям-потенциальным клиентам.

Целью политики финансовых институтов по оказанию финансовых услуг является построение эффективной системы управления финансами, направленной на достижение стратегических и тактических целей деятельности потенциальных предприятий.

Все аспекты деятельности предприятий, отраженные в финансовом, налоговом и управленческих услугах, поддаются управлению с помощью методов, наработанных мировой практикой, совокупность которых и составляет систему управления финансовыми услугами.

Основным источником информации для управления финансовыми услугами служит финансовая и статистическая отчетность, несмотря на то, что она дает ограниченное представление о работе предприятий, нуждающихся в финансовых услугах, в частности, страховых и банковских учреждений, поскольку не может учитывать другие аспекты их деятельности, напр., в страховых услугах для зашиты собственных интересов от различных рисков, а именно маркетинг (изучение состояния рынка) и менеджмент (качество управления). На базе этой отчетности можно дать оценку финансового состояния потенциального предприятия, т.е. клиента с привлечением развернутой системы показателей, необходимой для получения финансовых услуг.

Анализ деятельности потенциальных предприятий, т.е. клиентов показывает, что широта привлечения системы денежных услуг зависит от направлений ее использования и категории потребителей, на которых ориентирована услуга. Очевидно, что наиболее широкий набор видов услуг требуется финансовому менеджеру для принятия решений по управлению денежными потоками по формированию прибыли. Вместе с тем, в круг потребителей финансовых услуг могут входить органы надзора, для которых необходимы, прежде всего, показатели финансовой стабильности (платежеспособности) и ликвидности. Органы надзора часто прибегают к аудиторским услугам.

В этих условиях, анализ коммерческой деятельности финансовых институтов становится важной функцией менеджмента услуг.

С учетом специфики деятельность финансовых институтов, оказывающих услуги является результатом реализации коммерческого риска, обусловленного потерей финансовой стабильности и платежеспособности, т.е. невозможность погасить взятые на себя обязательства посредством оказанных ими финансовых услуг.

Финансовое состояние потенциальных предприятий, т.е. клиентов финансовых институтов - страховых и банковских учреждений, является комплексным понятием и находится под влиянием множества факторов.

Можно выделить пять наиболее значимых факторов, обеспечивающих финансовую стабильность потенциальных предприятий, вышеуказанных финансовых институтов, нуждающихся в финансовых услугах:

- достаточность собственного капитала;
- достаточность финансовых резервов;
- ограниченность единичного риска;
- ценовая (тарифная) политика;

Безубыточность и конкурентоспособность.

Указанные факторы оказывают решающее влияние и на платежеспособность предприятия. Вместе с тем, понятие платежеспособности и финансовой стабильности различны [4]. Платежеспособность предприятия есть частное проявление финансовой стабильности, поскольку отражает его способность платить по обязательствам. Что касается финансовой стабильности клиента, то ее можно сформулировать следующим образом: финансовая стабильность клиента – способность выполнять принятые обязательства по договорам финансовых услуг при воздействии неблагоприятных факторов, изменений экономической конъюнктуры.

Перспективы развития финансовых услуг в Узбекистане во многом определяются содержанием долгосрочной стратегии инновационного развития предприятий, т.е. бюджетно-налоговых услуг. Именно предприятия, нуждающиеся в финансовых услугах способны обеспечить развитие высокотехнологичных производств, создать современную инновационную продукцию, формировать и оказывать сервисные услуги, увеличить экспортный потенциал деятельности предприятий по видам производимой инновационной продукции (услуг).

КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Зайналов Ж.Р. – СамИСИ профессори
Рузибаева Н.Х. – СамИСИ
Қараев А. – СамИСИ БҲ-114 гуруҳ талабаси

Аннотация. *Мақолада бугунги кунда мамлакатимизда корпоратив корхоналарнинг инновацион фаолияти ёритиб берилган. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар. *Корпоратив корхона, инновацион фаолият, молиявий рағбат, инновацион сиёсат.*

Аннотация.*В статье освещена современная инновационная деятельность корпоративных предприятий в Узбекистане. Разработаны практические рекомендации погосударственной финансовой поддержке инновационной деятельностей предприятий и пути их развития.*

Ключевые слова. *Корпоративное предприятие, инновационная деятельность, финансовый стимул, инновационная политика.*

Annotation. *The article reveals corporate innovation activities of enterprises in Uzbekistan. Encourages scientific and innovative activities of state enterprises and development of practical recommendations.*

Key words. *Corporate enterprise, innovation, financial incentives, innovative policies.*

Ўзбекистонда корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини жадал тараққий этиши ушбу соҳанинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувваланиши ва рағбатлантирилишига бевосита боғлиқ. Республикада тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш борасидаги қатор фармон ва қарорлари, хусусан, 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ иқтисодиётни либераллаштириш ва корпоратив корхоналар фаолиятида бизнес юритиш шарт-шароитларини янада енгиллаштириш, улар фаолиятини, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этиш бўйича кескин ва таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширилиши корпоратив корхона фаолиятини ривожланишига асос бўлмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан катта миқдорда инвестицион кредитлар ажратилиши йўлга қўйилган.

Корпоратив корхоналарга яратилаётган қулай шарт-шароитлар бевосита тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш имконини ҳам бермоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бу борада "**Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган**Вазирлар Маҳкамасинингмажлисидаги маърузасида "... мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли ин- вестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шу сабабли тажриба лойиҳаси тариқасида Миллий банк мисолида қуйидаги тизимни жорий этиш бўйича таклиф киритаман. Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак"[16], - деб таъкидлаб ўтганлар.

Корпоратив корхоналарнинг бизнес фаолиятини молиявий қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи ташкилотларни ўз ичига олган инновация инфратузилмасини ташкил этишни янада мукаммаллаштириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бундай инфратузилмани тузишдан асосий мақсад унинг объектлари самарали фаолият кўрсатишигина эмас, балки уларнинг фаолиятларини тизимли ўзгартириш, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Корпоратив корхоналар кесимида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бизнес фаолиятини ва муҳитини муваффаққиятли шакллантиришда тадбиркорлик соҳасидаги миллий ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланишини молиявий рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бундай фаолият 3 та йўналишни ўз ичига олади, яъни:

1. Корпоратив корхоналар бизнес инновацион фаолияти учун етарлича молиявий қарорлар қабул қилишга қодир ишбилармонларга шарт-шароитларини ва муҳитини яратиш.

2. Инновацион фаолиятни бевосита рағбатлантириш.

3. Инновацион фаолиятни ўз вақтида ва мақсадли молиялаштириш.

Ҳозирги шароитда корпоратив корхоналар доирасида бизнесни бошлашга имкон яратувчи рўйхатга олувчи жараёнларни соддалаштириш ва уни енгиллаштириш муҳимдир.Рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларини “ягона дарча" тамойили асосида хизматлар кўрсатиши замин яратиб берди. Айнан шундай хизматларни корпоратив корхоналарга ҳам яратиш муҳимдир.

Бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантириш биринчи навбатда, илғор илм-фан ютуқларига асосланиши лозим.

Инновацион фаолиятни молиявий таъминотини ривожлантириш учун илмий, иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд ва кадрлар салоҳияти ҳам маълум даражада юқори бўлишлиги ҳам зарур. Аммо ҳозирда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичини талаб даражасида деб айтиш қийин. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 230 га яқин илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасаларидан атиги 10 фоизга яқини инновация фаолияти билан шуғулланишга мослаштирилган. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси паст, айниқса жуда кам сондаги кичик бизнес субъектлари ихтироларни қўлга киритмоқда.

Инновацион фаолиятнинг асосий негизини илмий ғоялар ва ҳозирда илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари бўлмиш сифатли, янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга, ҳамда такомиллаштиришга жорий этиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

[16]Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” 2017 й.

Инновацион фаолият эса амалда шу жараёнлар билан бевосита уйғунлашган ҳолда ривожланиши лозим.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатида уларни рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Давлат томонидан корпоратив корхоналарни илмий ва инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш механизмига: билвосита молиявий рағбатлантириш механизми ва бевосита молиявий рағбатлантириш механизмини киритиш мумкин бўлади.

Инновацион фаолиятни билвосита молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун:

- тадқиқот натажаларини амалиётга жорий этиш натижасида олган фойдадан имтиёзли солиқ тўлаш;

- тадқиқот ишлари билан боғлиқ молиявий институтлар ихтиёрида бўлган ёрдамчи ва бошқа мулкдан солиқ ундириш амалиётидан воз кечиш;

тадқиқот учун мўлжалланган ва хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган буюмлар учун тўловлардан озод қилиш.

Хозирда корпоратив корхоналарни инновацион фаолиятини бевосита молиявий рағбатлантиришда давлат томонидан бериладиган имтиёзларниназарда тутиш зарур, буларга:

- индивидуал ихтирочилар ва корпоратив корхоналар учун имтиёзли фоизли кредитлар тақдим этиш;

- венчурли инновацион фойдани яратиш ва унга имтиёзларни қўллаш;

- индивидуал ихтирочилар учун давлат патент тўловини камайтириш;

- ресурсларни иқтисод қилувчи ихтирочилар учун тўлов муддатини узайтириш;

- ускуналар бўйича амортизацияни тезлаштириш ҳуқуқини бериш;

- технопарк ва технополис тармоқларини яратиш шулар жумласидандир.

Бизнесни ривожлантириш, айниқса, унинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш энг долзарб вазифалардан биридир. Инновация жараёнларини тартибга солишнинг зарурлиги уларнинг умуммиллий, иқтисодий мазмуни ва аҳамияти билан ҳам белгиланиши лозим. Инновация бу янги турдаги рақобатбардош ва талабгор маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали бозор эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бизнес субъектлари харажатларини рақобатчиларга нисбатан пасайтириш ва фойдасини оширишнинг асосий воситасдир.

Шу боис корпоратив корхоналарни рақобатбардошлигини оширишда ҳар мамлакат ўзининг инновацион ишлаб чиқариш концепциясига эга бўлиши зарур бўлади. Бундай ёндошув иқтисодчи олимларнинг инновациялар билан боғлиқ турли қараш ва ёндашувларида ҳам эътироф этиб келинмоқда “Инновация жараёни илм, техника, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида бирлаштирувчи, инновацияларни тижоратлашувига қаратилган фаолиятдир"[17] деб таъкидлаган америкалик олим Ж.Брайт. Ушбу фикр орыали шундай хулосага келиш мумкин, яъни инновация жараёни ғояни пайдо бўлишидан бошлаб тижорат асосида ҳаётга татбиқ этиш жараёнигача бўлган масофани ўз ичига олади. Инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири илмий тадқиқот ва шу

[17]Очковская М.С. Инновации как качественный фактор экономического роста. Автореф. Диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: Дело, 2006. – с.4.

каби ишларга доимий ажратиб туриладиган молиявий ресурслар бўлиб ҳисобланади.

Инновацион жараёнлар билан боғлиқ тажрибалар ўрганиш ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятларини яратиш илмий изланишлар ва инновацион янгиликларни молиялаштиришни янги босқичга кўтариши мумкин. Натижада илмий изланишларга бўлган сарф харажатларнинг катта қисмини турли тижорат манбалари ҳисобидан қоплашга имкон яратади. Бундай харажатларни қопланиш даражаси Европа Иттифоқида 56% ни, АҚШ да 63%ни, Японияда эса 74 %ни ташкил қилиб келаётган бир вақтда бу кўрсаткич мамлакатимизда 30-40% га етишини таъминлаши мумкин бўлади. Айтиш жоизки, давлат ва бизнеснинг илмий ва тажриба конструкторлик ишланмаларига инвестициялари ҳажми ЯИМда 0,2%ни ташкил этмоқда. Бу технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатларга нисбатан анча кам демакдир.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида корпоратив корхоналарнинг илмий-инновацион ёндошувларида нобюджет манбаларини жалб этишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бундай шароитда инновацион фаолиятнинг бир манбаси сифатида юзага келадиган манбалар янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқиш жараёнларини ўзлаштиришда алоҳида аҳамият касб этиши мумкин бўлади. Шу орқали инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотларини (хизматларни) самарали силжитишини инновацион технологияларидан фойдаланиш янада юқори босқичга кўтаришга эришиш мумкин бўлади.

Айтиш жоизки, корпоратив корхоналар инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантиришнинг яна бир асосий йўналишлари бу молиявий рағбатлантириш механизми ва унинг таркибини шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Молиявий рағбатлантириш механизми ва унинг таркибини замон талаблари даражасида шакллантириш кўп жиҳатдан солиқ имтиёзлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш кўламини соддалаштириш уларни инновацион фаолиятини оширишга хизмат қилиши амалда асосланган десак муболаға бўлмайди. Хориж давлатларида бундай механизмларнинг роли тобора ошиб бориши инновацион маҳсулотларни (хизматларни) хажмини ошиб боришига имконият яратиб бериши фикримиз демакдир. Шу боис корпоратив корхоналарда инновацион фаолиятни молиявий таъминотини ривожлантириш учун қуйидагидарни амалга ошириш талаб этилади:

- тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ишланмалар ярмаркасини ва танловини ташкил этишга эришиш;
- бизнес субъектлари инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- бизнес субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаларини ўрганиш ва шу йўналишларда илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ давлат грантлари дастурлари доирасида иш олиб бориш;
- инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган ва давлат корхоналари хусусиятидан келиб чиқиб уларни молиявий қўллаб-қувватлаш;
- инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) корхоналар раҳбаларини-тадбиркорларни мазкур йўналиш бўйича масалаларини доимий ошириб боришлари учун имконият яратиш ва ҳоказо.

Ушбу таклиф ва тавсиялар корпоратив корхоналар фаолиятида инновациялардан фойдаланишни молиявиймеханизмини такомиллаштиришга молиявий манбаларни жалб этишга шарт-шароит яратиб беради. Хуллас ҳозирги шароитда ҳар бир корпоратив корхонанинг инновацион фаолияти нафақат бозор конъюктурасига, балки бир вақтни ўзида ҳар бир инновацион маҳсулот турига бўлган талаб ҳамда унинг сифатига боғлиқ эканлиги давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки истеъмолчи қайси инновацион корхона тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлса, унда ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган инновацион маҳсулотини сифат даражаси ҳам ошади.

БОЗОРЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИЙ АСОСЛАРИ

К.Б. Уразов - СамИСИ ,проф.
С.Н. Ташназаров - СамИСИ, доцент
С.Худайбердиев - СамИСИ , маг.

Аннотация: *Ушбу мақолада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, бозорлар даромадларининг таркиби, даромадларни бухгалтерия счетларида акс эттириш тартиби, ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўллари кўрсатилган.*

Калитли сўзлар*: деҳқон бозорлари, аудит объектлари, бозорлар даромадлари, бозорларда кўрсатилган хизматлар, ижара тўловлари, кўрсатилган турли хил бошқа хизматлар*

Аннотация: *В статьи отражается система нормативно-правовых документов, структура доходов рынка, порядок отражения доходов на счетах бухгалтерского учета, а также пути совершенствования учета и отчетности*

Ключевые слово*: дехканские рынки, объекты аудита, доходы рынков, оказываемые услуги на рынках, арендные платы, другие оказываемые услуги*

Resume: *In these article describe system of low, structure of incomes and methodological aspects of double entry system in the accounts and development accounting and audit incomes in the dekhkan markets.*

Key words: *dekhkan markets, audit objects, incomes markets, service in the dekhkan markets, rental income, other in comes of service in the dekhkan markets*

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардандир. Давлатимиз томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига катта эътиборни қаратилиши, кўплаб шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида шу соҳа субъектлари бугунги кунга келиб мамлакатимизда яратилаётган ЯИМнинг 55 % ни бермоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида бозорлар ўрни беқиёсдир. Айнан бозорлар мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни, хориждан кириб келаётган ўта хилма-хил кундалик эҳтиёж товарларни охирги истеъмолчиларга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳозиргм пайтда республикамизда бозорларнинг 10 дан ортиқ турлари мавжуд. Уларни ҳар хил белгилари бўйича, чунончи, сотилаётган товарларга ихтисослашганлиги, худудий бўйсиниши, ташкилий-ҳуқуқий мақоми, катта ва кичиклиги бўйича таснифлаш ҳамда тавсифлаш мумкин.

Ихтисослашганлигига кўра энг кенг тарқалган бозорлар бўлиб, бугунги кунда қуйидагилар ҳисобланади:

- деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари;
- буюм бозорлари;
- мол бозорлари;
- автомобил бозорлари;
- қурилиш материаллари бозорлари ва бошқалар.

Ҳудудий тегишлигига кўра бозорларнинг республика аҳамиятидаги, вилоят аҳамиятидаги, туман ва алоҳида қишлоқ аҳамиятидаги турлари мавжуд. *Ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра* бугунги кунда республикамизда бозорларнинг очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ва масъуляти чекланган жамиятлар шаклларидаги турлари фаолият юритмоқда.

Ишлаётган ходимларининг сонига кўра бозорлар микро ва кичик бизнес субъектларига кирувчи, ўрта ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар сифатида фаолият юритувчи бозорлар ҳисобланади.

Бозорларни ташкил қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиб туриш республикамизда давлат сиёсатининг таркибий қисмидир. Бунинг негизида республикамизда деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимлари тўлиқроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсади ётади.

Барча бозорлар хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритувчи субъектлар ҳисобланади. Улар олган даромадлари эвазига ўзларининг барча харажатларини қоплайдиган, давлат томонидан белгиланган солиқлар ва тўловларини тўлайдиган, фойда оладиган ва бунинг эвазига ривожланадиган хўжалик бирликлари, мос равишда, ҳисоб бирликлари ҳисобланади.

Бозорлар молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб уларнинг даромадлари ҳисобланади. Республикамизда бозорлар даромадларининг турлари, таркиби, уларни аниқлаш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

№	Меъёрий ҳужжат номи	Қайси жиҳатларини белгилайди
1	«Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ»	Бозорларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомини, улар мулкини шакллантириш манбаларини, оладиган даромадлари турларини, уларни ҳужжатлатли расмийлаштирилишини, солиқ ва тўловларни тўлаш тартибини белгилайди
2	«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни	Бозорлар даромадлари, харажатлари

	ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»	ва якуний молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш тартибини белгилайди
3	БМҲС № 0. «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»	Бозорларда молиявий ҳисоботнинг таркиби, элементларининг мазмуни, уни тузиш ва тақдим этишнинг асосий тамойилларини белгилайди
4	БҲМС № 1. «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»	Бозорлар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш тартиб қоидасини ҳамда уларни амалиётга жорий этиш тамойилларини белгилайди
5	БҲМС № 2. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар	Бозорлар даромадларини фаолият турлари бўйича таснифлаш, уларнинг тарибини белгилашда асос бўлувчи мезонларни белгилайди
6	БҲМС № 3.Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот	Бозорлар даромадлари, харажатлари ва якуний молиявий натижаларини шакллантириш ва ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилайди
7	БҲМС № 21. «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома	Бозорлар мулки, уларни ташкил топиш манбалари, молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартибини белгилайди

Юқорида номлари зикр этилган меъёрий ҳужжатларга асосан бозорлар даромадларининг таснифи ва таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин (1, 2-чизмаларга қаранг).



1-чизма. Бозорлар даромадларининг таснифи.



2-чизма. Бозорлар кўрсатилган даромадлардан олинган даромадларнинг таркиби.

Бозорларнинг асосий фаолиятидан олинган даромадлари патта ҳақлари, ижара тўловлари ва хизмат ҳақларининг миқдорлари ҳар йили Давлат бюджети параметрларига асосан белгиланади. Ушбу Давлат бюджети параметрларида белгиланган меъёрларга асосланган ҳолда ҳар бир вилоят ҳокимлиги вилоят шаҳар ва туманлари кесимида деҳқон ва буюм бозорлари, ихтисослашган бозорлар ва савдо марказларида сотувчилардан (хизмат кўрсатувчилардан) жой ва хизмат ҳақининг миқдорларини белгилайдилар.

Бозорларнинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларининг таркиби бошқа юридик шахслардаги каби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»да келтирилган тартибга мос равишда белгиланади. Уларга, чунончи, бозорларнинг узоқ муддатли активларини сотишдан олинган фойда, воз кечилган кредиторлик қарзлари, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, олинган дивидендлар ва фоизлар, фавқулотдаги фойда ва бошқалар киради.

Бозорлар даромадларини бошқа белгилари бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Чунончи, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш шаклига кўра олинган даромадлар нақд пул ва нақд пулсиз кўринишидаги даромадларга бўлинади. Кунлик патта йиғимлари, аксарият хизмат турлари бўйича олинган даромадлар, одатда, нақд пуллик даромадлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик корхоналарига (фермер хўжаликларига, ширкатларга ва бошқаларга), савдо фирмаларига, саноат корхоналарига, банк шаҳобчаларига, шунингдек юридик шахс

бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга жойларни, бино ва иншоатларни шартномалар асосида ижарага беришдан келиб тушадиган тушумлар нақд пулсиз даромадларга киради.

Солиққа тортилишига кўра бозорларнинг даромадлари ягона тўловга тортиладиган ҳамда умумбелгиланган тартибда солиққа тортиладиган даромадларга бўлинади. Чунончи, бозорларнинг давлат ҳокимияти томонидан белгиланган меъёрларда сотувчиларга ва харидорларга кўрсатилган хизматлар учун ундирадиган йиғимларининг 50 фоизи (мажбурий ажратмалар чегирилгандан кейинги қисми) бюджетга тўланади. Даромадларнинг қолган 50 фоизи бозорлар ихтиёрида қолади ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, бошқарув аппаратини сақлашга ва бошқа жорий харажатларни қоплашга сарфланади.

Бозорлар даромадлари турларига кўра турли ҳужжатлар билан тасдиқланади. Нақд пул кўринишидаги даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб назорат касса аппарати (НКА)да урилган чеклар, кирим касса ордерлари ҳисобланади. Нақд пулсиз кўринишдаги даромадлар тузилган шартномалар, счёт-фактуралар, банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган электрон тўлов топшириқномалари нусхалари билан тасдиқланади.

Нақд пул кўринишидаги даромадларни ташкил қилувчи тушумларни йиғиш алоҳида назоратчилар зиммасига юкланади. Бунинг учун назоратчиларга НКАда олдиндан урилган чеклар накладнойлар асосида тарқатилади. Иш куни якунида (давомида) назоратчилар сотувчилардан ундирилган суммаларни бозор кассасига олиб келиб топширадилар. Кассага кирим қилинган пулга кирим касса ордери тузилади. Унда назоратчининг исми-шарифи, участкаси, олинган пулнинг миқдори кўрсатилади. Кирим касса ордерининг квитанцияси назоратчига берилади. 500 тагача ўрин (жой)га эга бўлган бозорлар (уларнинг филиаллари)да патта тўлови сотувчиларга туман (шаҳар) ДСИда рўйхатдан ўтказилган белгиланган намунадаги чек дафтарчалари (қатъий ҳисобда турадиган квитанциялар) берилган ҳолда НКА қўлланмаган ҳолда ундирилади. Бундай чеклар (квитанциялар) назоратчиларга наклоднойлар асосида тарқатилади. Наклоднойларда уларга тарқатилган чекларнинг сони, серия номерлари кўрсатилади. Ҳар бир чек икки қисмдан иборат бўлади. Унинг чап қисми квитанция, ўнг қисми эса чек ҳисобланади. Чек патта пули ундирилганда сотувчига берилади. Квитанция эса чек дафтарида қолади.Квитанциялар асосида назоратчи йиғилган патта пулларини кассага топширади. Кирим касса ордерида назоратчига берилган чекларнинг тартиб рақамлари ҳам кўрсатилади.

Савдо жойларини ижарага шартнома асосида олган сотувчилар ижара ҳақини нақд ва нақд пулсиз тўлашлари мумкин. Нақд топширилган пуллар кассага кирим касса ордери билан кирим қилинади, уларнинг квитанциялари ижарачиларга берилади. Нақд пулсиз тўланадиган ижара ҳақи суммасини ижарачи ҳар ойда ойнинг 15-санасига бозорнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказиб бериши шарт. Мол-мулк тўлиқ бўлмаган ойга ижарага олинганда ижара ҳақи миқдори ижара ҳақи ойлик миқдорини амалда ижарага олинган кунлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Тарозиларни, халат, тачка ва бошқа шу каби меҳнат воситалари ҳамда буюмларни фойдаланишга бериш (ижарага бериш) учун фойдаланувчилардан

ижара ҳақидан ташқари гаров пули ҳам олинади. Иш якунида ушбу жиҳозлар қайтарилгач, гаров пули қайтарилади.

Меҳмонхона мажмуалари, туалет, буюмларни сақлаш хоналари ижарага берилади ва мос равишда улардан ҳар куни ижара ҳақи ундирилади.

Бозорлар даромадларининг ҳисоби 21-сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги счётларда юритилиши лозим:

- 9030 «Кўрсатилганхизматлардан олингандаромадлар»;
- 9300 «Бошқа операцион даромадлар»
- 9500 «Молиявийфаолиятданолинган даромадлар».

Алоҳидаолингандаромадларушбусчётлардақуйидагичааксэттирилишилозим:

№	Операция	Сумма	Корр.счётлар		Асос
			Дт	Кт	
1	Патта йиғимлари	16500000	5010	9030	Чек, ККО
2	Нақд олинган жарималар	100000	5010	9330	Чек, ККО
3	Йиғимларни ҳисоб-китоб- счетига топширилишига	16600000	5110	5010	ЧКО, квитанция
4	Нақдсиз ижара ҳақлари	2000000	4820	9350	Шартнома
5	Ҳисоб-китоб счётига тушган ижара ҳақлари	2000000	5110	4820	Кўчирма
6	Мол-мулкни сотишдан олинган даромадларга	1000000	9210 9220	9310 9320	Справка-расчет
7	50 фоиз тушумларни бюджетга ўтказилишига	9114000	6410	5110	Кўчирма
8	Фоиз, дивиденд кўриниши-даги даромадларга	200000	4830 4840	9530 9520	Авизо, шартнома
9	Фоиз ва дивиденд кўрини-шидаги даромад сумма-ларини келиб тушуши	200000	5110	4830, 4840	Кўчирма
10	Даромад счётларининг ёпилишига	16600000 100000 1000000 2000000 200000	9030 9330 9310 9350 9530	9910	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

Бозорларда даромадларни юқорида келтирилган тартибда таснифлаш, баҳолаш, тан олиш, ҳужжатлаштириш ва счётларда акс эттириш, фикримизча, республикамизда улар ҳисоби ҳамда аудитини яхлит концепция асосида ташкил этилишини таъминлайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Файзиева Ш.Ш. –ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти
Худайназаров Т.А.-ҚарМИИ 2-курс талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини яхшилашда инвестицияларнинг аҳамияти, жалб этилатган инвестицияларнинг жозибадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга доир фикрлар билдирилган.Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармоннинг мазмун-моҳияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *инвестиция, молиявий манбалар, моддий ресурслар, инвестиция сиёсати, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, агентлик*

Аннотация: *В данной статье приведены предложения по расширению отраслей услуг и производства, повышению привлекательности инвестиций, а также значение инвестиций при улучшении системы сферы услуг и процессов развития экономики. А также, раскрыты сущность Постановления по созданию государственного комитета по инвестициям в Республике Узбекистан.*

Ключевые слова: *инвестиции, финансовые источники, материальные ресурсы, инвестиционная политика, сфера услуг, производство, агентсво*

Annotation: *In his article at the process of development of the economy as well as in the systems of service the importance of investments , the improvement of their attraction , production and expanding the service area have been explained. And, the meaning of creating the state committee on investments in the Republic of Uzbekistan is well detailed.*

Keywords*: investments, financial sources, material resources, investment policy, service sphere, production , agency.*

Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир. Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса

2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.” [18]

Мамлакатимизда 2016 йил якунларига кўра барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга ошиб, 16,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (30,6 фоиз), умумий овқатланиш (19,0 фоиз), савдо хизматлари (18,5 фоиз), соғлиқни сақлаш (17,2 фоиз), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш (16,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (16,0 фоиз), автомобиль транспорти хизматлари (11,8 фоиз) ҳамда таълим (11,2 фоиз) каби соҳаларда кузатилди.

Инвестицияни ҳосил қилиш иқтисодиётда ишлаб чиқариш туфайли яратилган миллий даромаднинг массасига бевосита боғлиқ бўлади. Миллий даромаднинг кўпайиши ишлаб чиқаришда қатнашаётган кишилар сонига ва уларнинг меҳнат унумдорлиги туфайли ҳосил қилинаётган товар-маҳсулотлар кўламига боғлиқдир. Инвестиция туфайли асосий ва айланма капиталдан ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга сарфланади. Инвестицияни ҳосил қилувчи миллий даромад моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқларда яратилади. Миллий даромаддан иш ҳақи берилади, унинг фойда қисми жамғарилиб, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга ҳамда такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар ҳал этишга сарфланади.

Инвестиция сиёсати хар кандай давлатнинг иктисодий ривожланиши ва унда ишлаб чикаришни кенгайтиришнинг энг асосий йуналишларидан биридир. Шундай экан, миллий икгисодиётни хар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб килади. Бу ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иктисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.Инвестиция ресурслари иқтисодиёт тармоқларини ривожланишини бошқаришнинг иқтисодий омили вазифасини бажаради. Инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнларида ҳамда аҳолининг фойдаланилмаётган маблағларини тўпланиш натижасида, уларни бошқа жараёнларда ишлатилишини таъминлайди.

Корхона нуқтаи назаридан инвестиция манбалари улар ўз маблағлари, яъни фойда, амортизация ва бошқа пул жамғармалари; қарзга олинган маблағлар, яъни банк кредити ва бошқа ташкилотларни омонатлари, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан келган даромадлар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқи маблағлар ташкил қилади.

Инвестиция таркибида унинг манбалари ўз аксини топади.

Инвестиция манбаларини унинг таркибидан келиб чиқиб молиявий ва моддий ресурсларга ажратиш мумкин.

Молиявий манбаларга - нақд пул, чет эл валютаси, халқаро тўлов пуллари, акциялар, заёмлар, корхоналар маблағлари ва амортизация фонди киради.

[18]И.А.Каримов.“Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. “Халқ сўзи”// 2016 йил 16 январ

Моддий ресурсларга - хом-ашё ресурслари, кўчмас мулк, жамоа-ширкат-хўжалик мулки, фермерлар мулки, деҳқон хўжалик мулки ва тадбиркорлар мулки киради.

Хуллас, инвестициялар - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларини кенгайтириш, уни ривожлантириш, такомилаштириш, янги техника ва технологиялар сотиб олиш, асосий ва айланма фондларни кўпайтиришга йўналтирилган сармояларнинг пулдаги шаклидир. Инвестицияларни манбалари-бу фойда, амортизация ажратмалари, суғурта ажратмалари, инвесторларнинг пул жамғармалари, облигация заёмлари банк кредитлари, акцияларни сотишдан олинган маблағлар жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай улушлари, бюджетдан ажратиладиган маблағлар, хорижий мамлакатлар ва чет эллик фуқароларнинг сармоялари хўжалик юритуачи субъектларни фойдаси, ишчилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва аҳолининг тижорат банклардаги жамғармаларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги "Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"[19]ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонни қабул қилинишидан асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, йиллик инвестиция дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи чет эл компаниялари ва банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, жалб этиладиган чет эл инвестициялари самарадорлигини оширишдир.

Мамлакатимизда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилиши ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифаларига қуйидагилар кириши белгиланди:

-мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ягона давлат инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

-хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга

[19] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этиш тўғрисида "ги қарори. "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 1апрель

қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция таклифлари бўйича ягона базасини юритиш, хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш, халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

-халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

-мамлакатимизнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;

-инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказиш;

-мамлакатимиз лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ушбу қўмита ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва меъёрий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик субъектлари томонидан бажарилиши шарт.

Шунигдек, дипломатик ваколатхоналари қўмитага иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда илғор технологияларни, устувор дастур ва лойиҳаларни

амалга ошириш учун техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, ҳисоботларни, хорижий мамлакатлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир таклифлар ҳар чоракда мунтазам тақдим этиб борилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Пан ГИ Мун таъкидлаганидек: “ 2015 йилда глобал жараёнда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши 40 % ўсганлиги 2008 йилда жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироздан кейин энг юқори кўрсаткич бўлиб, 1,8 трлн. АҚШ долларни ташкил этган. Ушбу ўсиш барча мамлакатларда ишлаб чиқариш имкониятларига ва инвестицияларга бўлган талабни янада юқори эканлигидан далолат беради. ”

Мамлакат инвестицияси тузилиши тармоқ ва хусусий инвестициялардан ташкил топади. Тармоқ инвестицияси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган тармоқлар саноат бўлиб, унинг маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт товарларини ўрнини қопловчи ишлаб чиқаришни шакллантиришдан иборат бўлади. Инвестицияга мулжалланган ресурсларни ҳудуддаги аҳоли ҳамда инвестициялар манфаатига хизмат қилдирилиши ҳудудий инвестиция деб юритилади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш икки манбага асосланиб, ички ва ташқи манбалар ҳисобидан қуйидаги ишлар амалга оширилади: иқтисодиётни модернизациялаш; иқтисодиётни устувор тармоқларини ривожлантириш; ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш; ишлаб чиқариш инфратузилмаларни барпо этиш; ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш; аҳолини иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини яратиш; эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва модернизация қилиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга янги техника ва техникалар киритиш ва бошқа соҳалардаги ишлар амалга оширилади.

УЧЕТ И АУДИТ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕН НА ТОВАРЫ

Д.Р. Рофеев. СамИЭС, Доцент

Аннотация: *в статье изложены особенности методики учёта и аудита товарных операций на предприятиях оптовой и розничной торговли. Особо освещены особенности формирования цен и их учёт на примере оптовой и розничной аптечной торговли.*

Ключевые слова: *торговля, товарные операции, бухгалтерский учёт, аудит, оптовая цена, розничная цена, формирование цен, фиксированная цена, надбавка, предельная надбавка, раздельный учёт, программа “1С: Бухгалтерия”*

Аннотация: *мақолада улгуржи ва чакана савдо корхоналарида товар операцияларининг ҳисоби ва аудити методикаси ифодаланган. Айниқса дорихоналарда товарларга улгуржи ва чакана баҳоларни шакллантириш хусусиятлари ва ҳисоби ёритилган.*

Калит сўзлар: *савдо, товар операциялари, бухгалтерия ҳисоби, аудит, улгуржи баҳо, чакана баҳо, нарх шаклланиши, қатъий нарх, устама, энг баланд устама, алоҳида-алоҳида ҳисоб, “1С: Бухгалтерия” дастури.*

Annotation: *in the article there are stated features of a technique of the account and audit of commodity operations at the enterprises of wholesale and retail trade. The*

features of formation of the prices and their account on an example of wholesale and retail drugstore trade are clarified.

Key words: *trade, commodity, transactions, accounting, audit, wholesale price, retail price, pricing, fixing price, increment, extra surcharge, separate accounting, program " 1C: Accounting"*

Торговля является одной из основных отраслей экономики, поскольку она обеспечивает обращение товаров, их движение из сферы производства в сферу потребления. Главной и значительной частью оборотных средств в торговле составляют товарные запасы.

Если приобретение товаров - начало и основа деятельности торгового предприятия, то реализация - финансово-экономический смысл ее существования. Разница между продажной и покупной ценой реализованных товаров является основным финансовым источником жизненного цикла торгового предприятия.

В рыночных условиях залогом выживаемости и основой стабильного положения предприятия служит ее финансовая устойчивость. Она отражает такое состояние финансовых ресурсов, при котором организация, свободно маневрируя денежными средствами, способна путем эффективного их использования обеспечить бесперебойный процесс реализации товара.

Недостаточная финансовая устойчивость может привести к отсутствию у предприятия средств для развития, ее неплатежеспособности.

В Государственную программу по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 -2021 годах отмечается, что «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путём перевода её на качественно новый уровень…, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»[20].

В докладе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвящённый итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год отмечается, что«третье - совместно с контролирующими органами следует жёстко навести порядок в реализации 340 видов лекарственных препаратов и медицинских изделий по фиксированным ценам. Каждый гражданин страны должен ощутить реальную пользу от принятых нами решений»[21]. Здесь следует отметить, что в Республике Узбекистан в настоящее время функционирует в фармацевтической промышленности 132 предприятий, где вырабатывается более 2400 лекарственных препаратов и медицинских изделий.[22]

Для оценки финансовой устойчивости предприятия необходим анализ его хозяйственно-финансовой деятельности.

Если предприятие финансово устойчива, платежеспособна, она имеет преимущество перед другими организациями того же профиля в привлечении

[20] Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. № УП – 4947. Народное слово от 8 февраля 2017 г.

[21] Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвящённый итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017год. Источник: Пресс- служба Президента Республики Узбекистан, 15 января 2017 г.

[22] Информационная программа «Ахборот» телеканала «Узбекистан» от 15 апреля 2017 г.

инвестиций, в получении кредитов, в выборе поставщиков и в подборе квалифицированных кадров.

Ежедневно для эффективного руководства деятельностью торговогопредприятия необходимо располагать полной, точной, объективной, своевременной и достаточно детальной оперативной информацией. Это достигается ведением бухгалтерского учета.

Бухгалтерский учет и аудит товарных операций является важной составной частью учета каждой организации и приобретает глобальное значение, если видом деятельности предприятия является оптовая и розничная торговля.

Поэтому знание экономического содержания, назначения и методов учета товарных операций, а также спорных аспектов бухгалтерского учета и аудита товарных операций является необходимым как для аудитора в ходе независимой проверки, так и для работников бухгалтерии, руководителей предприятий, а также финансовых работников экономических отделов предприятий.

Доверительность этих отношений должна подкрепляться возможностью для всех участников сделок получать и использовать финансовую информацию. Достоверность информации подтверждается независимым аудитором.

Собственники, прежде всего коллективные (акционеры и пайщики), а также кредиторы лишены возможности самостоятельно убедиться в том, что все многочисленные и зачастую очень сложные операции предприятия законны и правильно отражены в отчетности, так как обычно не имеют ни доступа к учетным записям, ни соответствующих опыта и знаний, поэтому нуждаются в услугах аудитора.

Основной целью исследования является раскрытие методик бухгалтерского учёта и аудита товарных операций на примере ООО «РОТЮД-ОЛ-ФАРМ».

К числу таких методик можно отнести проверку правильности формирования оптовых и розничных цен на товары, подлежащие государственному регулированию.

ООО «РОТЮД-ОЛ-ФАРМ» осуществляет деятельность по оптовой и розничной реализации лекарственных препаратов и медицинских изделий по фиксированным ценам. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения» № ПП 2647 от 31 октября 2016 года, в приложение №4 к этому постановлению “Положение о порядке регулирования цен на лекарственные средства и изделия медицинского назначения” определяет порядок установления фиксированных оптовых(для медицинских учреждений) и розничных цен(для аптек) на лекарственные средства и изделия медицинского назначения в перечень социально значимых лекарственных средств и изделий медицинского назначения.

Основным поставщиком товаров для ООО «РОТЮД-ОЛ-ФАРМ» является более 20 фирм и предприятий.

В пункте 1 Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными и изделиями медицинского назначения»с 1 января 2017 года оптовая и розничная реализация лекарств и изделий медицинского назначения, ввозимых по импорту, а также закупаемых у отечественных производителей, должна осуществляться с

применением предельных торговых надбавок, определяемых независимо от число посредников, участвующих в поставках, в следующих размерах: для оптовой торговли- не более 15% от покупной стоимости; для розничной торговли – не более 20% от оптовой цены.

Анализ порядка ценообразования лекарственных средств и изделий медицинского назначения до и после 1 января 2017 года выглядит следующим образом:

Показатели	**До 1 января 2017 года**	**После 1 января 2017 года**
Импортированные лекарственные средства и изделия медицинского назначения		
Покупная стоимость	С=Кс+Т+Кр+Пр., где Кс-контрактная стоимость, определенная исходя из курса ЦБ на дату заполнения ГТД; Т-таможенные платежи по курсу ЦБ; Кр-курсовая разница между контрактной стоимостью, определенной по курсу ЦБ и свободного курса на дату заполнения ГТД; Пр.-прочие расходы, связанные с покупкой товара, которые формируются в соответствии с пунктами 1.1. 1.2 Положения о составе затрат (утв. ПКМ N54 от 5.02.1999г.)	С=Кс+Т+Кр+Пр., где Кс-контрактная стоимость, определенная исходя из курса ЦБ на дату заполнения ГТД; Т-таможенные платежи по курсу ЦБ; Кр-курсовая разница между контрактной стоимостью, определенной исходя из курса ЦБ на дату заключения контракта и на дату заполнения грузовой таможенной декларации; Пр.-прочие расходы, связанные с покупкой товара, которые формируются в соответствии с пунктами 1.1, 1.2 Положения о составе затрат
Предельная надбавка у оптовых организаций	20% от покупной стоимости	15% от покупной стоимости
Предельная надбавка у розничных предприятий		20% от оптовой цены
Пример расчета	Покупная стоимость импортного лекарства составила 1000 сум. Оптовая организация реализует его аптеке по 1100 сум (с надбавкой 10% от покупной стоимости), в розницу лекарство может быть реализовано по 1200 сум (с	Покупная стоимость импортного лекарства составила 1000 сум. Оптовая организация реализует его аптеке 1150 сум (с надбавкой 15% от покупной стоимости), в розницу

	надбавкой 20% от покупной стоимости)	лекарство может быть реализовано по 1380 сум (с надбавкой 20% от оптовой цены)
Совокупная надбавка	20%	38%
Отечественные лекарственные средства и изделия медицинского назначения		
Отпускная стоимость	Отпускная стоимость у отечественных производителей не определена. В случае изготовления лекарств непосредственно на предприятиях оптовой или розничной торговли они реализуются по цене изготовления, сформированной в соответствии с действующим порядком	Отпускная стоимость лекарств и медизделий, производимых на территории РУз, формируется производителями в соответствии с Положением о составе затрат
Оптовая цена	20% от покупной (отпускной) стоимости	15% от покупной (отпускной) стоимости
Розничная стоимость	25% от оптовой цены	20% от оптовой цены
Пример расчета	Покупная стоимость отечественного лекарства составила 1000 сум. Оптовая организация реализует его аптеке по 1200 сум (надбавка -20% от покупной цены), в розницу лекарство может быть реализовано по 1500 сум (надбавка-25% от оптовой цены)	Покупная стоимость отечественного лекарства составила 1000 сум. Оптовая организация реализует его аптеке по 1150 сум (надбавка-15% от покупной цены), в розницу лекарство может быть реализовано по 1380 сум (надбавка-20% от оптовой цены)
Совокупная надбавка	50%	38%

Источник: Газета «Налоговые и таможенные вести» №10 от 7 марта 2017 года, стр. 11.

При проведении аудита на предприятие не установлен факт завышения предельного размера надбавки.

На основании выше сказанного руководству предприятия рекомендуется вести реестр цен реализации по регулируемой группе товаров на каждое поступление лекарственных средств и изделия медицинского назначения с целью исключения превышения предельного размера оптовой и розничной надбавки. При этом необходимо вести раздельный учёт оптовой и розничной реализации медикаментов, а так же раздельный учёт затрат по обоим направлениям деятельности предприятия.

Для учета фактов хозяйственной деятельности в ООО «РОТЮД-ОЛ-ФАРМ» применяется таблично - автоматизированная форма, которая ведется с использованием специально разработанной бухгалтерской программы «1С: Бухгалтерия», позволяющая получить различные регистры учета. На их основе в конце отчетного периода составляются отчеты, которые предоставляются в налоговую инспекцию, органы статистики, банки и другие учреждения, если в этом возникает необходимость.

Подводя итоги проделанной работы можно утверждать, что в целом, бухгалтерский учет товарных операций на предприятии ведется в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

Тем не менее, в результате проведения аудиторских процедур выявлены некоторые недостатки.

Для исправления выявленных недостатков руководству ООО «РОТЮД-ОЛ-ФАРМ» и главному бухгалтеру предприятия рекомендовано:

- в соответствии с Положением «О документах и документообороте в бухгалтерском учёте» вести карточки количественно-стоимостного учета товаров, составлять товарные отчеты, акты о приемке товаров;
- согласно «Правил ведения журналов учета полученных и выставленных счетов-фактур», в первичных документах заполнять все необходимые реквизиты, а также в связи с тем, что книга продаж формируется автоматически, внести соответствующие изменения в программу с целью исключения расхождений между книгой продаж и регистрируемыми в ней счетами-фактурами;
- в целях обеспечения сохранности товаров, пресечения возможных злоупотреблений со стороны материально ответственных лиц проводить выборочные инвентаризации и контрольные проверки в межинвентаризационный период не менее двух раз в год;
- порядок выдачи доверенностей привести в соответствие с требованиями Положения «О порядке выдачи доверенностей на получение товарно-материальных ценностей и отпуска их по доверенности»;
- в первичных документах по учету товарных операций заполнять все необходимые реквизиты;
- основываясь на НСБУ№1 «Учетная политика и финансовая отчётность» отразить в приказе «Об учетной политике» методы определения фактической себестоимости товаров и иных видов ТМЗ; закрепить фактически применяемый порядок учета и списания ТЗР по товарам и иным видам ТМЗ;
- вести реестр цен реализации по регулируемой группе товаров на каждое поступление продукции лекарственных средств и изделия медицинского назначения с целью исключения превышения предельного размера оптовой и розничной надбавки, установленного Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения» № ПП 2647 от 31 октября 2016 года;
- необходимо вести раздельный учёт оптовой и розничной реализации медикаментов, а также раздельный учет затрат по обоим направлениям деятельности предприятия.

Разработанные рекомендации, при их практическом применении, помогут устранить недостатки при ведении бухгалтерского учета товарных операций.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Умирзоқов Д. Ф. – СамИСИ 2-босқич магистранти
Мусаев Р.М. доц.СамИСИ

Аннотация:*Мақолада тижорат банк пассив операциялари моҳияти ва хусусиятлари, банк молиявий ресурсларни шакллантириши ва оширишига пассив операцияларнинг роли, пассив операцияларнинг таснифи, банк жалб қилган маблағларни фойдаланиш самарадорлиги ва мақсадли йўналтирилганлигини баҳолаш масалалари кенг ёритилган.*

The article reviewed the value and features of passive operations of the commercial bank, their role in shaping and raising funds of the bank, given classification characteristics of the passive operations, evaluated the feasibility and efficiency of the attracted sources of the commercial bank.

В статье рассмотрены значение и особенности пассивных операций коммерческого банка, их роль в формировании и повышении финансовых ресурсов банка, дана классификационная характеристика пассивных операций, оценены целесообразность и эффективность использования привлеченных средств.

Таянч сўз ва иборалар*: банк сиёсати, пассив операциялар, молиявий ресурслар, капитал таркиби, капитал қиймати, депозит операциялар, қимматли қоғозлар эмиссияси*

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида фаолият кўрсатиб келаётган банкларнинг приоритетли вазифаси молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш ҳисобланади. Кенг фойдаланиб келинаётган банк ресурслари ўзида банк капитали ва унга тенглаштирилган пул маблағларини мужассамлаштиради ва бундай маблағлар йиғиндиси эса банк пассивида тўлиқ ўз аксини топади. Банклар ўзларининг тижорат ва хўжалик фаолиятларини таъминлашлари учун ўз ресурс базасига ёки бошқача қилиб айтганда пассив моддаларга эга бўлади. Бундай ресурслар тижорат банкларининг даромад кўриш ва ўз ликвидлигини таъминлаши учун хизмат қилади. Кўпинча бундай доирадаги пул маблағларини ҳаракати турли операцияларни шакллантиради. Шундай қилиб тижорат банк пассивлари – банк балансининг пассив ҳисобларида акс этувчи ҳамда банк ресурслари манбаларини характерловчи маблағлар йиғиндисидир. Банк доимий равишда операциялар (битимлар) деб номланувчи турли хил молиявий муносабатларни амалга оширади. Аммо ҳар бир банк операцияси – банк ходимларининг профессионал фаолият натижасидир. Айтиш жоизки, амалда мавжуд банк операциялари – пассив ва актив операцияларга бўлинади [1]. Банкнинг пассив операциялари ҳар бир банк учун бир томондан актив операциялар ҳажми, имкониятларини ва банк фойда олишини таъминласа, иккинчи томондан, банк ресурсларининг барқарорлиги, ҳажми ва таркиби ва ишончлилигини белгиловчи омил сифатида хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг вақтинча бўш пул маблағлариниамалдаги қонунларга таянган ҳолда мобилизацияси банк ресурс базасини ошишига ва уларни иқтисодиётнинг асосий ва

айланма капиталга заруриятини қондиришга, банк ҳисобларига қўйилган омонатларни эса ишлаб чиқариш инвестицияларига, аҳолига истеъмол кредитларини беришга сарфланишига имконият яратиб беради.

Банкларнинг пассив операцияларини турлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин, яъни: қимматли қоғозларни бирламчи эмиссияси; банк ўз фаолияти натижасида олган фойда ажратмаларидантурли фондларни шакллантириш ва кўпайтириш; бошқа юридик шахслардан олинган кредит ва заёмлар; депозит операциялари.

Бундай ресурсларни самарали бошқариши банк фаолиятини самарали ва барқарор юритиши учун муҳим аҳамиятга эга, чунки банк молиявий ресурсларини мақсадли йўналишга жалб қилиш, мавжуд банк ресурсларни кўпайтиришга ва улардан фойдаланувчиларни талабларини тўлиқ қондиришга имкон беради[2].

Банкларни пассив операцияларини самарали бошқаришда уларни хусусий капитал хажмига алоҳида эътибор берилади. Тижорат банк хусусий капитал таркиби асосий (базавий) капиталдан ва қўшимча капиталлардан ташкил топади.

Айтиш жоизки, асосий капитал – банк молиявий асосини таъминловчи пул маблағлари сифатида ўз навбатида устав, резерв фондлари, иқтисодий рағбатлантирувчи фондлар ва фойда ҳисобидан шаклланадиган бошқа фондлардан ташкил топади. Тижорат банкларининг хусусий капитали банклар фаолияти жараёнида юзага келадиган, аммо кўзда тутилмаган молиявий йўқотишларни қоплаш учун суғурта фонди ролини ҳам ўзида мужассамлаштиради ва банк ўз фаолиятини бир текис олиб бориш ҳамда жорий операцияларни амалга оширишга ҳам имкон беради. Тижорат банклари устав капиталини кўп салмоғини эмиссия қилинган имтиёзли ва оддий акциялар ташкил этади[23]. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларини хусусий капитали асосан акциялар эмиссияси ҳисобига шаклланади(1-жадвал).

1-жадвал.

Тижорат банклар устав капитали ва активлари ҳажми[24]

№	Банкнинг номи	Йил	Устав капитали	Банк активлари
1	Равнақ банк	2014	13,092,016,000.00	65,344,745,000.00
2	Даврбанк	2016	30,000,000,000.00	236,600,000,000.00
3	Ўзсаноатқурилишбанк	2012	148,005,000,000.00	2,147,483,647,000.00
4	Алоқабанк	2010	37,555,564,000.00	238,557,372,000.00
5	Банк Туркистон	2009	5,154,000.00	15,454,000.00
6	Савдогарбанк	2012	36,000,000,000.00	
7	Ипак йўли банк	2007	6,173,409,000.00	99,274,102,000.00
8	Ориент Финанс Банк	2015	41,886,000,000.00	
9	Капиталбанк	2006	33,000,000,000.00	609,000,000,000.00
10	Hi-Tech Bank	2010	5,250,000,000.00	
11	Асака Банк	2011	315,600,000,000.00	2,147,483,647,000.00
12	Халқ банк	2011	160,000,000,000.00	1,235,100,000,000.00

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари устав капитали етарлича юқори бўлишига қарамасдан, тижорат банклар қўшимча капитал

[23] www.cbu.uz

[24] www.bank.uz.

сифатида, соф жорий қиймати юқори бўлиши кутилаётган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, хусусий капитал улушини жами капитал таркибида кўпайтириш мақсадида қўшимча янги акциялар эмиссиясини амалга оширишлари лозим бўлади. Бундай операцияларни амалга ошириш учун тижорат банклари хусусий капиталини, яъни акциялар ҳажмини, ўз фаолияти давомида қўшимча акциялар эмиссияси орқали кўпайтириш талаб этилади.

2-жадвал.

01.10.2016-30.12.2016 йил даврида тижорат банклари томонидан чиқарилган қўшимча акциялари ҳажми

№	Банкнинг номи	Эмиссия муддати	Қимматли қоғоз тури (дона)		Умумий ҳажми (дона)	Номинал	Эмиссия суммаси
			оддий	имтиёзли			
1	Равнақ банк	07.01.2016	1,300,000	-	1,300,000	1,000	1,300,000,000.00
		28.09.2016	5,000,000	-	5,000,000	1,000	5,000,000,000.00
2	Даврбанк	23.02.2016	2,000,000	-	2,000,000	5,000	10,000,000,000.00
3	Ўзсаноатқурилиш банк	05.03.2016	65,000,000,0	-	65,000,000	3,382	219,830,000,000.00
4	Алоқабанк	28.03.2016	952,602,651	18,000,000	970,602,651	121	117,442,920,771.00
5	Банк Туркистон	15.04.2016	5,000,000	-	5,000,000	1,000	5,000,000,000.00
6	Савдогарбанк	11.05.2016	80,000,000	-	80,000,000	100	8,000,000,000.00
7	Ипак йўли банк	26.05.2016	9,239,400,000	600,000	9,240,000,000	10	92,400,000,000.00
		22.07.2016	1,847,880,000	120,000	1,848,000,000	10	18,480,000,000.00
8	Ориент Финанс Банк	14.06.2016	7,400,000	-	7,400,000	1,250	9,250,000,000.00
		01.12.2016	38,167,077	-	38,167,077	1,250	47,708,846,250.00
9	Капиталбанк	14.06.2016		15,179,000	15,179,000	950	14,420,050,000.00
10	Hi-Tech Bank	17.06.2016	3,000,000	-	3,000,000	1,565	4,695,000,000,00
		28.12.2016	2,117,650	-	2,117,650	1,565	3,314,122,250.00
11	Асака Банк	07.09.2016	3,712,416,120	-	3,712,416,120	139	516,062,964,841,20
12	Халқ банк	29.09.2016	54,000,000	-	54,000,000	1,000	54,000,000,000,00
13	Универсал банк	30.11.2016	412,868	-	412,868	5.000	2,064,340,000,00

Келтирилган 2-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари хусусий капитал миқдорини ошириб борилиши ва ўз навбатида пассив операцияларни самарали бошқарилиши учун кенг имкониятлар яратилиши мумкин. Шунга қарамасдан, тижорат банк пассив операцияларини амалга оширишда хусусий маблағлар миқдори етарли эмас десак муболаға бўлмайди. Чунки, тижорат банк молиявий ресурслари улушида хусусий маблағлар салмоғи 10-15%ни ташкил этади, шунинг учун тижорат банклар фаолиятини молиялаштириш манбаларини асосан жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобига шакллантирилиб келинмоқда. Бунинг сабаби, хусусий маблағлар асосан банк ташкил қилинаётган пайтда бошқа тармоқларидаги корхоналарда ҳам хусусий капитал жалб қилинган қарз капиталига нисбатан қиммат бўлишидир. Капитал баҳоси назариясига (Модельяни-Миллер назарияси) қарайдиган бўлсак, капитал таркиби хусусий ва қарз капиталларидан ташкил топади ва ҳар бир капитал тури ўз қийматига эга бўлади. Бу қиймат фойдаланилаётган капитал ёки маблағ учун тўлови мавжудлигида акс этади. Хусусий капитал қиймати бу - эмиссия қилинган акциялар учун дивиденд тўлови, у эса барча кредиторлик мажбуриятлар, солиқ тўлангандан сўнг тўланиши лозим бўлади. Яъни, солиқ юкини камайтирмайди, аксинча битта манбадан икки марта солиқ ундирилади (акциядорлар ўз дивидендларини олгандан кейин улар ҳам даромад солиғини тўлайдилар). Шу боис пассив операцияларни самарали

бошқаришда хусусий маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни баҳолашда капитал қийматига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Банк фаолиятида актив операциялар ҳам уларни молиявий соғломлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Айтиш жоизки, тижорат банклари активлари 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 1,2 баробар ўсиб, бугунги кунда 80,4 трлн. сўмга етди. 2016 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 65,2 трлн. сўмни ташкил этган.[6]

Тижорат банклари учун жалб қилинган қарз маблағлари тижорат банклар ресурсларини кўпроқ улушини ташкил этади. Жалб қилинган маблағлар банкни турли кредит ва инвестицион инструментларига маблағлар жойлаштириши учун кенг имкон яратади. Мисол учун иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан қарийб 1,3 баробар кўпайиб, жорий йил бошига келиб 53,4 трлн. сўмдан ошди (2016 йилда 42,7 трлн. сўм).[6]

Энг муҳими, тижорат банк жалб қилинган маблағларни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар омонатларига ҳам таянади. Вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банк ҳисобларида жойлаштириш ва фойда олиш юридик ва жисмоний шахслар учун ўз омонатларини сақлаш ёки кўпайтириш ва турли харажатларни қоплаш имконини беради. Бу банк пассив операциялари орасида депозитлар миқдори кенг кўламда фойдаланиш учун имкон беради. Тижорат банк пассив операциялари ҳисобланган бошқа юридик шахслардан олинган кредит ва заёмлар шунингдек депозит операцияларини самарали бошқаришда банк молиявий ресурсларини кўпайтириш имкониятлари юзага келади. Жалб қилган маблағлари асосий қисми – депозитларга тўғри келади.[4] Депозитлар тижорат банкига депозитдан фойдаланишга чекланмаган ҳуқуқ ва имконият беради. Депозитга пул маблағларини қўйишдан асосий мақсади бўлиб банк актив операцияларида иштирок этиб даромад кўришдир. Шу ўринда айтиш лозимки, тижорат банк омонатчидан тегишли суммани депозитга олади, лекин омонатчининг мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олмайди. Банк депозитга қўйилган маблағларни ўз номидан бошқа кредит ёки инвестицион лойиҳаларни молиялаштириб фойда кўриш учун йўналтиради. Натижада депозит қўйилмалар тижорат банкка вақтинчалик жалб қилинган пул маблағларини (ликвид) ўз ҳоҳишига кўра фойдаланишга имкон беради. Лекин бу тижорат банк депозит ҳисоблардаги пул маблағларидан бепул фойдаланишни англатмайди, аксинча хусусий капитал сингари жалб қилинган маблағлар, депозит фоизлар кўринишида тўловга эга [3].

Шуни таъкидлаш жоизки, марказий банк расмий маълумотлари ўрганилганда тижорат банкларнинг жами депозитлари миқдори 2015 йилга нисбатан 1,2 баробардан зиёд ўсган, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 44,6 трлн. сўмдан ошишига замин яратган ва 01.01.2016 йил ҳолатига 35,6 триллион сўмни ташкил этди.[6]

Пассив операцияларни самарали бошқариш орқали банк молиявий ресурсларини кўпайтириши депозит учун таклиф қилинаётган фоизлар миқдорига боғлиқ бўлмайди. Шу боис банк ҳисобига қўйилган депозит учун қанчалик фоиз юқори бўлса, шунчалик тижорат банк кўпроқ пул маблағлари жалб қилиши мумкин, лекин фоизлар бўйича тўловларнинг ошиб кетиши банк харажатларини юқори даражага кўтарилишини ҳам назарда тутиш лозим.

Хулоса шуки тижорат банк пассив операцияларни олиб бориш, самарали бошқариш орқали банк молиявий ресурсларини ошириши кўп томонлама мураккаб, кўп жиҳатларини эътиборга олган ҳолда режалаштирилиши орқали тижорат банк ўз фаолиятини турли муаммоларсиз молиявий ресурслар билан етарлича таъминлаб жорий ва узоқ муддатли самарали фаолият юритишга муваффақ бўлиши мумкин.

АТБ “АГРОБАНК” САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСИҚБОЛЛАРИ

Ниёзов З.Д - СамИСИ , доц.
Мўминов О. МБИ 116 гуруҳ магистратура талабаси
Мардонов М. МБИ 115 гуруҳ магистратура талабаси

Аннотация: *Мақола банклар инвестиция фаолиятининг ривожланиш истиқболларига бағишланган. Мамлакатимизда банкларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар киритилган.*

Статья посвящается перспективам развития инвестиционной деятельности банков. Приведены предложения по развитию инвестиционной деятельности банков в нашей стране.

The Article is devoted to perspectives of development of investment activities in banks. Presented proposals for the development of the investment activities of banks in our country

Калит сўзлар: *инвестицион фаолият, банк активлари, жамлама капитал, кредит, аграр сектор, прогноз.*

Ключевые слова: *инвестиционная деятельность, банковские активы,совокупный капитал, кредит,аграрный сектор, прогноз.*

Key words:*investment activity, bank assets, consolidated capital, credit, agricultural sector, forecast.*

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси мамлакатимиздаги инвестиция фаолиятининг кўлами ва ривожланиш сурати билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва дверсификациялашни инвестиция хусусан тижорат банкларининг иқтисодиётимизга киритаётган катта ҳажимдаги инвестицияларисиз тассавур этиб бўлмайди.

Бу борада Агробанк тамонидан қилинаётган ишлар хусусан, кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида КФВ, ЙТТБ, ОТБ ва Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банкининг (ХТТБ) кредит йўналишларини жалб этган.

Банк миссияси - иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи, замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича илғор техника ва технологияларни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатишдир. Банк фаолияти жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланмиш “Моодйъс” ҳамда “Фитч Ратингс” компаниялари

томонидан “барқарор” деб баҳоланди. Шунингдек, миллий рейтинг агентлиги ҳисобланмиш “Аҳбор-Рейтинг” томонидан Агробанкнинг фаолияти натижалари миллий кўрсаткичлар бўйича энг юқори “узА+” “Барқарор” прогнози билан баҳоланди.

Агробанкнинг активлари ҳажми ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда, бу ҳақида маълумотларни 1-диаграммада кўришимиз мумкин.

1-диаграмма.

2014-йил 1-январ ҳолатига “Агробанк” АТБ нинг активларни ўсиши (млрд.сўм).[25]



2014 йилда банкнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида унинг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири бўлган активлари 2014-йил 1-январ ҳолатига 2 трлн. 578млрд. сўмни, шундан даромад келтирадиган активлар миқдори 74 фоизини ташкил этди.

Банкнинг жамланма капиталини таҳлил қилиб ўрганиш давомида бу кўрсатгичда ҳам ўтган йилга 2013 йилга нисбатдан 2014 йилда ҳажмини ошганини кузатдик.

2-диаграмма.

АТБ “Агробанк” нинг жамлама капитали ўсиши динамикаси (млрд.сўм).[26]



[25] “Agrobank” ATBning ma'lumotlari asosida tuzilgan.

[26] “Agrobank” ATBning ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Банкнинг жамлама капитали 371 млрд. сўмни ташкил этиб, ҳисобот йилининг бошига нисбатан 74 млрд. сўмга ўсишига эришилди.

Банк томонидан ажратилган кредитлар ҳами ҳам 2013 йилга нисбатдан 2014 йилда сезиларла даражада ошган, бу ҳақидаги маълумодни 3-диаграммада кўришимиз мумкин.

3-диаграмма.

АТБ "Агробанк" нинг томонидан ажратилган кредитлар миқдориўсиши динамикаси (млрд.сўм).



Ўтган ҳисобот йилида банк томонидан аграр комплексни молиявий қўллаб-қувватлаш, саноатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжаликларини молиялаштиришга асосий эътибор қаратилиб, ушбу йўналишларга 1 трлн. 800 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиб, пировардида 18 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида такрор ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил этиштирилмаслиги мумкин. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг фаолиятига нисбатан салбий таъсир юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Агробанк томонидан кичик бизнес хусусий тадбиркорликга ажратилган кредитлар ҳажми қуйидагича:

4-диаграмма.

Банкнинг кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори ўсиши динамикаси (млрд.сўм).



"Агробанк" АТБ нинг томониданқишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни

молиялаштириш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига 580,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди ва пировардида 18 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

5-диаграмма.

АТБ "Агробанк" нинг томонидан ташкил этилган янги иш ўринлари миқдори.[27]



Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор берилади. Чунки бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжаликларини барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Агробанк иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган қарийб 268 та лойиҳани амалга ошириш мақсадлари учун кредит ажратди. Президентимиз томонидан қабул қилинган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида Агробанк жуда катта миқёсда ишларни амалга оширмоқда. Банк томонидан кредит маблағлари иқтисодиётнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологияларни сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ажратилмоқда.

1-жадвал

"Агробанк" АТБ нингхаражатлар ва даромадлар баланси.[28] (млн. сўм.)

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014
1.	Жами активлар:	1599,436	1917,244	2529,360
	Пул воситалари ва унинг эквиваленти	198003,189	221165,600	312475,103
	Кредитлар ва мижозларга аванслар	993505,949	1209049,065	1701430,276
2.	Жами мажбуриятлар	1408152,091	1672888,395	2215287,308
	Депозитлар	953118,295	1139421,616	1400905,824
3.	Жами капитал	191284,377	244355,873	314073,518

[27] "Agrobank" ATBning ma'lumotlari asosida tuzilgan.
[28] "Agrobank" ATBning ma'lumotlari asosida tuzilgan.

	Акционер капитали	151257,706	192434,534	258780,705
	Тақсимланмаган фойда	31796,687	43596,373	47352,326
4.	Жами мажбурият ва капитал	1599436,468	1917244,268	2529360,826
5.	Йиллик соф фойда	11635,536	3042,558	3523.442
6.	Жами йиллик даромад	11975,518	3371,474	4181,356

Жадвалда **“**Агробанк” АТБ нинг 2012 - 2014 йиллар даромад ва ҳаражатлар баланси келтирилган. 2014 йилда хизмат кўрсатишдан йиллик соф фойда 3523,442 млн. сўмни 2012 йилда 11635,536 млн. сўмни ташкил этган. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 8112,094 млн. сўм кам фойда кўрилган. Жами йиллик даромад 2014 йилда 4181,356 млн. сўмни ташкил этган ва 2012 йилга нисбатан 7794,162 сўм кам даромад кўрилган. Шу билан бирга давр, сотиш харажатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар харажатлари, асосий воситалар амортизация суммаси, бошқа операцион харажатлар, молиявий фаоалият бўйича бошқа харажатлар ортганлиги ўз аксини топган.

Банкнинг инвестицион фаолиятини таҳлил қилиб, банкнинг бу фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги тавсияларни берамиз:

- инвестициявий сиёсатнинг стратегиг мақсадларини ишлаб чиқиш жараёнига алоҳида этибор бериш, уларни иқтисодий ислоҳатларнинг устивор йўналишларига мослаштириб бориш;
- инвестициявий сиёсатни мониторинг қилиш тизимини ривожлантириш;
- инвестиция ҳажмини кенгайтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш мақсадида банк томонидан активларни дивирсификация қилиш амалётини такомиллаштириш;

Хулоса қилиб айтиш жойизки, банк инвестициявий сиёсатини такомиллаштириш ҳамда банкниниг инвестиция жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш истиқболда иқтисодиёт реал секторнинг барқарор ривожланишига юқори илмий сиғимли ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалишига хизмат қилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДАГИ МУТОНОСИБЛИКЛАР

ТашназаровС.Н.СамИСИ, и.ф.н., доцент

Аннотация: *Ушбу мақолада акциядорлик жамиятлари МХҲСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботлари асосида иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун коэффициентларни мазмуни ва ҳисоблаш тартиби баён қилинган. Кўрсаткичлар тизимлаштирилган ва халқаро тажрибаларга мувофиқлаштирилган.*

Калит сўзлар*: молиявий ҳисобот, хусусий капитал, акциядорлик капитали, ликвидлик коэффициенти, узоқ муддатли активлар, жорий активлар, жорий мажбуриятлар, дивидендлар, соф сотиш, соф фойда.*

Аннотация:*На этой статье отражается сущность и порядок расчета основных ключевых коэффициентов экономической эффективности на основе*

финансовой отчетности составленных по МСФО. Показатели систематизированы и приведены в соответствие международной практики.

***Ключевые слово**: Финансовая отчетность, собственный капитал, акционерный капитал, коэффициент ликвидности, долгосрочные активы, текущие активы, дивиденды, чистая реализация, чистая прибыль.*

***Resume:** In this article worked out ratio analysis economy efficient Stockholders company's by using financial statements completed according IFRS. Ratio is systematized and requirements international practice.*

***Keywords**: financial reporting, equity capital, Stockholders equity, liquidity ratio, long term assets, current assets, dividends, net sales, net income.*

Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари кўрсаткичларининг мувофиқлиги ва уларни тизимлаштириш бўйича фикр ва мулоҳазаларга тўхталиб ўтайлик. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг мутоносиблигини белгилайди.

Низомда келтирилган кўрсаткичлар асосий қисми халқаро тажрибаларда қўлланиладиган кўрсаткичлар, яъни молиявий ҳисобот коэффициентлари ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш МҲХСларига асосан тузилган молиявий ҳисоботга таянади. Энг муҳим жиҳатларидан бири коэффициентларни ҳисоблаш учун асосий маълумот манбаи молиявий ҳисобот бўлиб ҳисобланади. Ушбу яратилган тизим жуда катта бой тажрибаларга таянади. Улардан фойдаланиш ахборот фойдаланувчилар ва қарор қабул қилувчиларда объектив, сифатли ва ўз вақтида қарорлар чиқаришларига асос бўлади. Компаниялар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини тизимлаштиришни янада муваффақиятли амалга ошириш учун бизнинг фикримизча қуйидаги хулосаларни инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, Низомга келтирилган №3а иловасида "Фоизлар, солиқлар ва амортизация чегирилгунга қадар фойда (EBITDA)" кўрсаткичи молиявий натижа кўрсаткичи, яъни бу абсалют кўрсаткич ҳисобланади, деб ўйлаймиз. Самарадорлик кўрсаткичи нисбий кўрсаткич бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE) кўрсаткичини аниқлашда соф фойданинг "ҳисобот даври боши ва охирида жалб қилинган капитал"га нисбати кўринишида аниқланиши қайд қилинган. Лекин, "ҳисобот даври боши ва охирида жалб қилинган капитал" кўрсаткичини аниқлаш методикаси кўрсатилмаган.

Юқоридаги илғор тажрибаларни ўрганиш асосида жалб қилинган капитал тушунчасига аниқлик киритамиз. ***Жалб қилинган капитал*** - бу компаниянинг активларидан қанча қисми фақат хусусий капитал ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобидан қопланаётганлигини тавсифловчи кўрсаткичдир. Чунки, жорий мажбуриятлар тез орада узилиши талаб этилади ва шу боис жалб қилинган капитал таркибига кирмайди. Жалб қилинган капитални қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

Жалб қилинган капитал = узоқ муддатли активлар + жорий активлар – жорий мажбуриятлар

ёки

Жалб қилинган капитал = хусусий капитал + мажбуриятлар – жорий мажбуриятлар

Ёки

Жалб қилинган капитал = хусусий капитал + узоқ муддатли мажбуриятлар

Демак, жалб қилинган капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичини қуйидаги формула ёрдамида аниқлашни таклиф этамиз:

Жалб қилинган капитал рентабеллиги = Сой фойда / Жалб қилинган капитал = Соф фойда / (узоқ муддатли активлар + жорий активлар – жорий мажбуриятлар)

Учинчидан, юқоридаги тажрибаларда акциядорлик капитали рентабеллиги кўрсаткичини ҳисоблашда оддий акциялардан ташкил топган ўртача йиллик акциядорлик капитали олинган. Бунга сабаб имтиёзли акция эгаларини компаниянинг фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар уларга дивидендлар тўлови кафолатланган. Акциядорлик капиталининг ўртача қийматига тўғри келадиган соф фойда имтиёзли акция эгалари учун аҳамият касб этмайди. Оддий акция эгалари учун эса оддий акциялардан ташкил топган ўртача йиллик акциядорлик капитали ҳар бир пул бирлигига тўғри келадиган соф фойда кўрсаткичи аҳамият касб этади. Шу боис, соф фойдани оддий акциялардан иборат акциядорлик капитали ўртача қийматига бўлиш орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу кўрсаткич оддий акция эгалари томонидан сармояланган ҳар бир бирлик пул маблағи кампания учун қанча миқдорда соф фойда келтираётганлигини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткични қуйидаги тартибда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Оддий акциялардан ташкил топган акциядорлик капитали рентабеллиги = (соф фойда – имтиёзли акциялар дивидендлари) / оддий акцияларнинг бухгалтерия китобларидаги ўртача қиймати

Тўртинчидан, абсалют ликвидлик коэффициенти пул маблағларини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали топилади. Бу кўрсаткич корхонанинг пул маблағлари агарда жорий мажбуриятларни қоплашга йўналтирилса унинг қанча қисмини қоплаш даражасини тавсифлайди. Бундай ҳолат амалиётда кам юз беради. Агарда корхона ликвидлик билан иш тутаётганда жорий кредиторлик қарзларини нафақат пул маблағлари билан бошқа тез ликвидли жорий активлари билан қоплашни назарда тутади. Чунки, масалан олинадиган дебиторлик қарзларининг муддати билан тўланадиган кредиторлик қарзлари муддати нисбатан бир-бирига мувофиқ келади. Шу боис, ликвидлик даражасини ҳисоблашда нафақат пул маблағлари, балки бошқа молиявий активлар, жумладан пул эквивалентлари, сотишга қобилиятли қимматли қоғозлар, қисқа муддатли дебиторлик қарзлари ҳам инобатга олиниши лозим.

Илғор тажрибаларга асосланиб, ликвидлик коэффициентини қуйидаги формула орқали ҳисоблашни таклиф этамиз:

Ликвидлик коэффициенти = Жорий активлар (заҳиралардан ташқари) / жорий мажбуриятлар

ёки

Ликвидлик даражаси = Молиявий активлар / жорий мажбуриятлар

Олтинчидан, Низомда келтирилган тартибда кредиторлик қарзларнинг кун ҳисобида айланишини қуйидаги формула орқали топиш кўзда тутилган.:

Даврда календарь кунлар сонини / (маҳсулот (иш, хизматлар) реализациясидан соф тушум / кредиторлик қарзларининг ўртача арифметик қиймати)

Ушбу формулани таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кредиторлик қарзлари маҳсулот (иш, хизматлар) ҳисобидан эмас, балки таъминотчилардан сотиб олинадиган хом-ашё ва материаллар хариди ҳисобидан айланади. “Харидлар” кўрсаткичи кредиторлик қарзларининг айланишидаги асосий индикатор ҳисобланади.

Кредиторлик қарзларининг айланишини халқаро тажрибалардаги харидлар кўрсаткичидан келиб чиқиб белгилашни тавсия этамиз:

Кредиторлик қарзларининг айланиши, кунда = Кредиторлик қарзлари х 365 / Харидлар

Кредиторлик қарзларининг айланиши, мартада = Харидлар / Кредиторлик қарзлари

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Самарадорликнинг асосий калитли кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби

Кўрсаткичлар	**Кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби**
1.Сотиш рентабеллиги (Сотиш ҳажмига нисбатан соф фойда) (Return on Sales)	Соф фойда / Соф сотиш
2.Харажатлар ва даромадлар нисбати (Cost Income Ratio)	Операцион харажатлар / даромадлар
3.Жалб қилинган капитал рентабеллиги (Return on capital employed)	Соф фойда / (узоқ муддатли активлар + жорий активлар – жорий мажбуриятлар)
4.Оддий акциялардан ташкил топган акциядорлик капитали рентабеллиги (Return on average common stockholders equity)	(соф фойда – имтиёзли акциялар дивидендлари) / оддий акцияларнинг бухгалтерия китобларидаги ўртача қиймати
5.Активлар рентабеллиги	Солиқ тўлагунга қадар фойда / активларнинг ўртача арифметик қиймати
6.Битта акцияга тўғри келадиган фойда суммаси (Earninig per Share EPS)	Оддий акцияга тўғри келадиган фойда / муомалага чиқарилган оддий акцияларнинг ўртача салмоқли миқдори

7.Акциядорлар инвестициялари рентабеллиги (TSR)	(давр охирида акциянинг баҳоси – давр бошида акциянинг баҳоси + давр мабойнида тўланган дивидендлар) / давр бошида акция баҳоси
8.Қоплаш коэффициенти (тўлов қобилияти) (Current Ratio)	Жорий активлар / Жорий мажбуриятлар
9.Ликвидлик коэффициенти (Liquid Ratio)	Жорий активлар (заҳиралардан ташқари) / жорий мажбуриятлар
10.Пул оқими ликвидлиги коэффициенти (cash flow liquidity ratio)	(Пул маблағлари, сотишга қобилиятли қимматли қоғозлар + операцион фаолиятдан олинган соф пул) / жорий мажбуриятлар
11.Молиявий мустақиллик коэффициенти (Stockholder's equity to debt ratio)	Акциядорлик капитали / Жами қарзлар
12.Кредиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши (Creditors ratio)	Кредиторлик қарзлари х Даврда календар кунлар сони / Харидлар
13.Дебиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши (Debtors ratio)	Даврда календар кунлар сони / (маҳсулот (иш, хизматлар) реализациясидан соф тушум / дебиторлик қарзларининг ўртача арифметик қиймати)

Манба: Alan Rirchall. Financial analysis & control. Butterworth heinemann. 2008, 35-41 p.; Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective. Irwin. 1995, 628-641 p; Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида Низоми асосида муаллиф ишланмаси. .

Ушбу таклиф қилинган кўрсаткичлар тизими бир қанча хусусиятларга эга. ***Биринчидан,*** жадвалга юқоридаги тизимдан фарқли ўлароқ сотиш рентабеллиги (сотиш ҳажмига нисбатан соф фойда) (Return on Sales) кўрсаткичи киритилди. ***Иккинчидан***, жалб қилинган капитал рентабеллиги (Return on capital employed) кўрсаткичини ҳисоблашда жалб қилинган капитални аниқлашнинг халқаро талабларга мувофиқ методикаси таклиф этилди. ***Учинчидан***, оддий акциялардан ташкил топган акциядорлик капитали рентабеллиги (Return on average common stockholders equity) кўрсаткичи таклиф қилинди ва унинг муҳимлиги асосланди. ***Тўртинчидан***, битта акцияга тўғри келадиган фойда суммаси (Earninig per Share EPS) инвесторлар ва акциядорлар учун ўта муҳим кўрсаткич эканлигини инобатга олиб ушбу тизимга киритиш таклиф этилди. ***Бешинчидан***, компаниянинг ликидлик даражасини баҳолашда пул оқими ликвидлиги коэффициенти (cash flow liquidity ratio) кўрсаткичи тизимга киритилди. ***Олтинчидан***, молиявий мустақиллик коэффициенти (Stockholder's equity to debt ratio) фақат жорий мажбуриятларга нисбатан эмас, балки жами қарзларга нисбатан ҳисоблаш тавсия этилди. ***Еттинчидан***, кредиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши (Creditors ratio) харидлар ҳисобидан юз беришини инобатга олиб ушбу кўрсаткичга нисбатан ҳисобланиши таклиф этилди.

Агарда таклиф қилинган кўрсаткичлар жорий этилса, компания фаолияти самарадорлигни баҳолашда энг объектив хулосаларга келиш мумкин.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ниёзов З.Д доц.
Мўминов О. МБИ 116 гуруҳ магистратура талабаси
Мардонов М. МБИ 115 гуруҳ магистратура талабаси

Аннотация: *Мақолада кредитлаш жараёнида самарали олиб борилиши зарур бўлган кредит мониторингини ташкил этишдаги муҳим жиҳатлар илмий таҳлил этилган ҳамда тижорат банки кредит сиёсатининг ажралмас таркибий қисми сифатида шакллантирлиши зарурлиги асослаб берилган.*

В статье исследованы важные аспекты кредитного мониторинга как условия эффективного осуществления процесса кредитования, обоснована необходимость формирования процедур кредитного мониторинга как органической части кредитной политики коммерческого банка.

The article scientifically investigates important aspects of credit monitoring as conditions of effective implementation of process of crediting, proves need of formation of procedures of credit monitoring as organic part of credit policy of commercial bank.

Калит сўзлар:*кредит портфели, кредит мониторинги, банк активлари.*

Ключевые слова:*кредитный портфель, кредитный мониторинг, банковскиеактивы.*

Keywords:*creditportfolio, credit monitoring, bank assets.*

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг кредитлари хўжалик юритувчи субъектларининг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан тижорат банкларининг инвестицион фаолигини ошириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштрокини янада кучайтириш, лойиҳаларини текшириш ва рискларни таҳлил қилиш, баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва ўз навбатида муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймалик чораларини кўриш тижорат банкларинг кредит портфелини барқарор ўсиши ҳамда сифатини яхшилаш тижорат банклари учун устивор вазифа қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўз операцияларини амалга ошириш борасида қарорлар қабул қилишда мустақил равишда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Банк кредит сиёсатининг мақсади кредитлаш жараёнида амалдаги қонун хужжатлари талаблари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда, кредит сиёсати ва кредитлаш тартибларининг бирхиллигини таъминлаш, тавакалчиликларни домий равишда диверсификациялаш, банк кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредитлаш жараёнини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш орқали банк фаолиятини самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Тижорат банкларинг кредитлар бўйича йўқотишларга сабаб бўлувчи бир қатор омиллар бўлиб булардан ахамиятлиси ички ва ташқи ҳисобланади. Маълумотлар 1-жадвалда ўрганилган.

1-жадвал

Кредит йўқотишларига таъсир этувчи асосий омиллар[29].

Ички омиллар	**Улиши (фоизларда)**	**Ташқи омиллар**	**Улиши (фоизларда)**
1	2	3	4
Таъминот етишмаслиги	22	Конпаниянинг банкротлиги	12
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21	Кредиторларни ҳақларни талаб қилишлари	11
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18	Оилавий муаммолар	6
Таъминотнинг ёмонлиги	5	Бошқа муаммолар	4
Бошқа ички омиллар	1		
Жами	**67**	**Жами**	**33**

Хусусан, Европа банкларида кредит йўқотишларининг 67 фоизи айнан банкни ички омиллар сабабли юзага келади, ташқи омиллар эса йўқотишларнинг 33 фоизин ташкил қилади.

Банк кредит портфели аудитининг асосий мақсади қўйидагилар ҳисобланади:

- банк активлар сифатини текшириш, бунда кредит портфелида яхши кредитлар улиши 90 фоиздан паст бўлмаслиги, муддати ўтган кредитлар миқдорини имкон қадар пасайтириш, кредит порфели таркибининг тасдиқланган кредит сиёсатига мувофиқлиги (соҳалар, ҳудудлар ва муддати бўйича) каби масалаларни назорат қилиш;
- кредит тамоиилларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- кредитдан олинадиган даромадни банкнинг барқарор ривожланиши етарли бўлишини таъминлаш;
- иқтисодиётимиз реал секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини ошириш, банкнинг стратегик ривожланишини кўзлаб мижозларниг молияаий ҳолати яхшилашга кўмаклашиш.

Тижорат банклар даромадларини таъминлаш мақсадида, банк томонидан бериладиган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш, тўлов муддати ўзгартирилган кредитлар ҳажмини имкон қадар камайтириш, муддати ўтган кредитларни бўлишига йўл қўймаслик, кредит риски даражасини пасайтириш, банкга қўйиладиган депозитлардан самарали фойдаланиш ва энг юқори даромадни олишни таъминлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит ҳужжатларини расмийлаштириш, кредит олувчининг молиявий ҳолати имкон даражасида аниқ таҳлил қилиш, гаровни расмийлаштиришда реал баҳолаш, филиаллар комиссиялари таъмонидан ўз ваколатига риоя қилишини назорат қилиш, қонунчилик меъёрларига амал қилиниши бўйича чоралар кўриш аудит текширувиниг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Кредит портфелидаги мавжуд хатарлар таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитларга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди, ва

[29] Манба: Жаҳон банки , www. Worldbank.com.

таваккилчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақли ҳисобланади. Бу эса банк активининг сифатида ўз аксини топади.

Бугунги кунда тижорат банклари кредитлагига бўлган талабга мос ҳолатда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар самоғиҳам йилдан йилга ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. Маълумотлар 1-жадвалда ўрганилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида номинал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), тижорат банклари кредитларининг миқдори ва даражаси[30]

Кўрсаткичлар	**Йиллир**				
	2011	2012	2013	2014	2015
Номинал ЯИМ, трлн. сўм	77.8	96.6	119.0	144.9	171.4
Тижорат банклари кредитлари, трлн сўм	11.5	20.4	26.5	34.8	42.7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда тижорат банклари кредитлари 11.5 трлн сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 3.7 баробарга ошганини, 42.7 трлн сўмни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Бу кўрсакичларни янада салмоғини ошариш учун тижорат банклари активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, улар фаолиятидаги таваккалчиликни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида қўйидаги таклифларни тавсия этамиз:

- тижорат банклари самарадорлигини оширишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш *(илова сифатида келтирилган)* ;
- кредит бўйича хатарларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва хатарларни бартараф этишда оптимал вариантларни қўллаш;
- тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларни текшириш жараёни шаффофлигини ошириш, хусусан лойиҳаларни амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омиллар ва таваккалчиликни ҳисобга олишни таъминлаш.

Бизнингча

Тижорат банклари актиалари самарадорлигини оширишнинг методик асосларга қуйидагича шархлаймиз мумкин

1. Ҳуқуқий масалалар

1.1. Банк активларини жойлаштириш ва назорат қилиш борасидаги тузилмалар фаолиятига талабларни кучайтириш-банк фаолиятида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш нафақат соғлом банк тизимини шакиллантириш, балки иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида ҳам молиявий ҳолатни барқарор ривожланишига хизмат қилади.

1.2. Банк активлври таваккалчилигини пасайтириш борасидаги қонунчилик талабларини мустаҳкамлаш-банк актив амлётлари самарадорлигини таъминлаш бўйича амалдаги қонунчилик базасини яхшилаш, бунда муаммоли банк активлврини юзага келтирувчи омилларни бўлишига йўл қўймаслик.

2. Ташкилий масалалар

2.1. Банк активлари самарадорлигини ошириш бўйича банк бошқарув органлари ваколат ва мажбурятларини тўғри тақсимлаш-мазкур жараёнга

[30]Манба: Ўзбекистон республикаси Марказий банкиниг www. Cbu.uz .интернет сайти маълумодлари асосида муаллифлфр тамонидан хисобланди.

бевосита боғлиқ бўлган бошқарув органлари ходимларини илмий салоҳиятини ошириш юзасидан чора- тадбирларни амалга ошириш.

2.2. Банк актив ларини жойлаштириш билин шуғулланувчи бўлинмалар фаолиятини мувофиқлқштириш-банк активларини тўғри жойлаштири, активлар сифати ва двромадлийлик даражасини таъминлашга маъсул бўлган бўлимлар фаолиятини мустаҳкамлаш.

2.3. Банк активлари сифатини таъминлаш бўйича ички махсус комиссиялар фаолиятига талабларни кучайтириш-тижорат банклари активлари самарадорлигини таъминлашда активларни жойлаштириш борасидаги амалётни назорат қилувчи таркибий тузилмалар фаолиятига талабларни кучайтириш.

Иқтисодий масалалар

Актив ва пассив амалиётлар муттаносиблигини такомиллаштириш-Банк актив ва пассивлврини мутаносиблигини таминлаш. Банк пассивлвридан олинган натижаларни активлар бўйича самародорлигини таъминлаш.

Активлар мониторинги ва назоратини самарали ташкил этиш-тижорат банкларида активлвр самарадорлигини оширишнинг иқтисодий масалалари банк активлврини мақбул жойлаштириш ва дойимий мониторингини амалга ошириш жараёнига қатъий талабларни белгилаш назарда тутилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шакаров А.Б.-СамИСИ Доценти
Хонкелдиева Г.Ш.-доцент
О.Ахунова, катта ўқитувчиФарДУ**,**
Холбоев У.Х.-ассистентСамИСИ**,**

Аннотация:*Тижорат банкларнда кредит бериш механизмларини такомиллаш-тириш улар олдида турган мавжуд муаммоларин ҳал қилиш бўйича тавсиялар келтирилган.*

Калит сўзлар: *брутто кредитлар, кредит операциялари, корпоратив бухгалтерия ҳисоби, кредит эмиссияси*

Аннотация:*Коммерческие банки кредитование тяжести на совершенствование механизмов для решения текущих проблем, стоящих рекомендации.*

Ключевые слова*:валовые кредиты, кредитные операции, корпоративный учет, кредиты выбросов.*

Abstract: *Commercial banks' lending gravity on improving the mechanisms to solve the current problems facing the recommendations.*

Key words:*gross loans, credit operations, corporate accounting, The issue of credit.*

Бугунги кунда республикамиз тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш борасида мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларни эътироф этиш жоиздир:

1. Республикамиз тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги.

Муддати ўтган кредитлар салмоғининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий даражага нисбатан юқори эканлиги тижорат банкларининг

кредитлаш фаолиятига, ликвидлилигига, кредит операцияларининг даромадлилигига салбий таъсир кўрсатади. Муддати ўтган кредитларни банкнинг балансидан чиқарилиши кредит қуйилмалари ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ялпи даромади ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг салмоғи нисбатан паст даражада қолмоқда.

Агар кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғига кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичи мос келмаса, у ҳолда ушбу вазият кредит операцияларининг даромадлилик даражасини нисбатан паст эканлигини кўрсатади.

3. Тижорат банклари кредит бўлимлари ходимларини хўжалик юритувчи субъектнинг кредит тўлов қобилиятини баҳолаш учун етарли даражада билим ва кўникмаларга эга эмаслиги.

Тижорат банклари кредит инспекторларининг аксарият қисми корпоратив бухгалтерия ҳисобини яхши билишмайди. Шу сабабли, улар корхоналарнинг балансини яхши таҳлил қила олишмайди. Бундан ташқари, тижорат банкларида йирик ва ўрта мижозларга алоҳида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида кредит тўлов қобилиятини баҳолаш методикаси мавжуд эмас.

4. Банк кредит қўмиталарининг расмиятчилик учунгина иш юритиши, шунингдек, ўз вазифасига совуққонлик билан қараши.

Бу омил ҳам кредит бериш механизми қоидасининг асосий боғловчи ва ҳал этувчи элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан «банк кредит қўмитаси» кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради.

Афсуски, тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай расмиятчилик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз иштирок этмаган ҳолларда ҳам кредит беришга қарор қабул қилиш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар вужудга келишига таъсир этмоқда.

5. Тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш учун тақдим этилган бизнес-режалардаги кўрсаткичларни етарли даражада асосланмаганлиги, берилган кредитлар устидан етарли даражада мониторинг ўрнатилмаганлиги.

Бизнес-режаларда етарли даражада асосланмаган кўрсаткичларнинг мавжудлиги инвестицион кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик ҳажмининг ошиб кетиш хавфини юзага келтиради. Афсуски, тижорат банклари мижозларининг аксарият қисми бизнес-режа тузишда етарли билим ва малакага эга эмас. Ачинарлиси, улар бизнес режага кредит олиш учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндашмоқдалар.

Амалиётда юзага келаётган муаммоли кредитларнинг сезиларли қисми тижорат банки мансабдор шахсларининг кредит бериш механизми қоидаларига риоя этмаган ҳолда ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиши, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан ноқонуний фойдаланиши оқибатида юзага келмоқда.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари кўрсатмоқдаки, айрим тижорат банки раҳбарлари ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб кредит қўмита аъзолари фикри билан ҳам ҳисоблашмаган ҳолда ёки қўмита қарорига салбий таъсир этиши натижасида молиявий жиҳатдан беқарор бўлган, бизнес режасида кўрсаткичлар реал бўлмаган айрим мижозларга мажбурият ижросининг таъминотисиз кредитлар бермоқдаки, бунинг оқибатида муаммоли кредитлар миқдори ортмоқда.

Тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигида дастлаб солиқлар ва давлат ҳисобига ундириладиган бошқа мажбурий тўловлар ундирилади. Шу сабабли, тижорат банки мижозда қачон ва қанча суммага пул маблағининг озод қолдиғи ҳосил бўлишини олдиндан билмайди.

Тараққий этган мамлакатларнинг амалиётида тўловларнинг календар кетма-кетлиги қўлланилади. Бунда мижознинг қайси турдаги қарздорлиги олдин пайдо бўлса, ўша қарздорлик биринчи бўлиб тўланади. Шу сабабли, тижорат банки мижознинг мажбуриятлари бўйича тўловларни тўғри прогноз қила олади.

6.Пул базасининг тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётганлиги. Пул базасининг амалдаги даражаси республикамиз тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу салбий таъсир қуйидаги икки йўналишда намоён бўлмоқда: –марказий банкнинг мажбурий захира ставкасини нисбатан юқори эканлиги; –тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолаётганлиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларининг кредитлари мижозларнинг ихтиёрий жамғармалари асосида берилсагина кредит эмиссияси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Ихтиёрий жамғармаларнинг ўсган қисми ишлаб чиқаришга кредит орқали инвестиция қилинади. Республикамиз банк амалиёти учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий жамғармаларини банк муассаларига жалб этишда муаммоларнинг мавжудлиги сабабли республикамиз тижорат банкларининг депозит базасини етарли эмаслиги кузатилмоқда.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШУВИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эгамбердиева С.Р, ҚМИИдоценти

Аннотация: *Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ҳисоб тизими инвесторларни керакли маълумотлар билан таъминлай олмайди. Мазкур мақолада 8300-“Устав фонди” счётининг таркибида аналитик счётлар очиб, инвестициялар ҳаракатини ҳисобга олиб бориш таклиф этилмоқда.*

Аннотация: *В условиях рыночной экономики при развитии экономики предприятия инвестиции имеют важное значение. В данной статье даны предложения по открытию аналитического счёта в составе счёта 8300-“Уставной фонд” с учётом движения инвестиции.*

Annotation: *In the position of the market’s economy investments take part important role in developing the economy of the factors. Investors are interested in the*

information about the investment's motion that they have spent on the factors.The operable count system can not provide investors with this information.It is proposed in this article to open analytical invoices and entertain the motion of the investments in the compound of 8300 charter fund invoice.

Калит сўзлар: *инвестиция, инвестиция сиёсати, бозор иқтисодиёти, рақобат, модернизация.*

Ключевые слова: *инвестиция, инвестиционная политика, рыночная экономика, конкуренция, модернизация.*

Key words: *investment,investmentpolicy, market economy, competition, modernization.*

Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма - босқич ўтиш, тармоқлар иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва унинг самарадорлигини таъминлашда инвестициялар катта иқтисодий аҳамиятга эга. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Чунки, хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

Бизга маълумки, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат:

- республикамизнинг хом ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар қуриш имкониятининг мавжудлиги;

- иқтисодиёт тармоқларидаги аксарият ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга мансуб бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;

- саноат ишлаб чиқаришида моддий - техника базасининг етарли даражадан пастлиги ва оқибатда, кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжуддиги;

- аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва меҳнат ресурсларинш манбаи бўлмиш қишлокда замонавий мўъжаз корхоналарни барпо этиш зарурлиги;

- республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги кабилар билан асосланади.

Ушбу заруриятлардан келиб чиққан ҳолда, республикамизда хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича ҳуқуқий база ва иқтисодий ижтимоий ҳамда сиёсий шароитлар мажмуаси бўлмиш қулай инвестицион муҳит барпо этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, йиллик инвестиция дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун

қулай шароитлар яратиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи чет эл компаниялари ва банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, жалб этиладиган чет эл инвестициялари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. [31]

Мазкур давлат қўмитаси ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Мазкур қўмитанинг асосий вазифалари этиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

-мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ягона давлат инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

-хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ҳамда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Сўнгги йилларда республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларни тахлил этар эканмиз, иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди.

Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини босқичма-

[31]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этиш тўғрисидаги фармони.

босқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.” [32]

Бозор муносабатларини шакллантириш даврида давлатнинг тузилмавий инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалардаги номутаносиблик- ларни бартараф этиш, ўзаро мутаносибликни таъминлаш, янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш ва хизматларга ҳамда иш жойларига бўлган талабини имкон қадар юқори даражада таъминлашга эришиш йўлини тутмоқда.

Бугунги кунда тармоқлар орасида эркин рақобат муҳити шаклланиши юзага келди. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳа субъектлари билан иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожланди, капиталнинг бир тармоқдан бошқа тармоққа кўчиши жадаллашди, иқтисодиётда янги тармоқнинг пайдо бўлишига замин яратилди.

Бундай корхоналарга нисбатан давлатнинг махсус инвестицион сиёсатининг ривожланиши табиий ҳол бўлиб, давлат бу турдаги корхоналарни иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида ҳамда иқтисодий ҳудудларнинг муҳим қисмларида уларни ташкил этиш, молиялаштиришнинг марказлашган манбалари ҳисобига кенг қўллаб қувватлаш, уларни турли ҳил солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилишини таъминлайди.

Шу сабабли ҳам, тармоқлар иқтисодиётига инвестициялар йўналтиришда илмий асосланган ҳолда иш тутиш, капитал сармояларнинг қайтишини жадаллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда инвестиция жараёнларининг фаоллашуви кузатилди. Бизга маълумки ҳар бир давлатнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда чет эл инвестицияларининг роли каттадир.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция муҳити барпо этилган ва бу қулайлик ўз самарасини бермоқда. Хорижий сармоядорларни жалб қилиш бир томондан янги технологияларни, бошқариш тажрибаси, билимларни ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминласа, бошқа томондан республиканинг бой ресурслари ва ишлаб чиқариш имкониятларининг жаҳон хўжалигига қўшилиш ҳисобига умумжаҳон иқтисодий имкониятларини кучайтиради. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иктисодий тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника технология билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш мумкин эмас».

[32] Ш.М.Мирзиеёв «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак» Халқ сўзи .2017 йил 16 январ № 11(6705)

Инвесторларни жалб этишда инвесторлар учун муҳим бўлган маълумотлар, уларни ўз вақтида ҳисоби, таҳлили ва аудитини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар маълумотларининг аксарият қисми бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келади.

Ушбу мақсадга эришиш учун самарали ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари қуйидаги вазифаларни бажаришда хизмат қилиши лозим:

-республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий қайта тузишда марказлашган инвестиция маблағларининг амалдаги роли ва уларнинг инвестицион фаолиятидаги ўрнини таҳлил қилишда;

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва таркибий қайта тузишда давлатнинг инвестицион фаоллигини оширишда марказлашган инвестиция маблағларини самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги тизими инвесторларни улар учун керакли маълумотларни таъминлай олмайди. Чунки амалдаги бухгалтерия ҳисобида инвесторлар сарфлаган маблағлар 21- сонди бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра 8300- Устав капитали счётида инвестор маблағ киритган вақтда бир маротаба ҳисобга олиниб, ушбу маблағнинг кейинги ўзгариши тўғрисида бухгалтерияда ҳисоб- китобни аниқ олиб бориш имкони мавжуд эмас. Бу ҳолат инвестор сарфлаган маблағининг самарадорлигини ўз вақтида ҳисоблаб бориш имконини бермайди. Ахборотларни етарли бўлмаслиги инвесторларни маблағларини иқтисодиётга янада кўпроқ жалб қилишни рағбатлантирмайди. Бунинг учун бизнингча, инвесторларни ҳар биринг маблағларини ҳаракатини ҳисобга олиб борувчи счётларни очиб, инвестор ҳиссасига тўғри келадиган даромаддаги улушини ҳисобга олиб бориш мақсадида аналитик счётлар очиб, уларнинг аниқ ҳисоб – китоби ва ўз вақтида таҳлилини амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт -шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Унинг асосий вазифалари иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда экспорт салоҳиятининг ўрнини, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасини ошириш, эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

ЯНГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Б.Янгибоев – ҚарМИИ, и.ф.д, проф
А.Б.Қурбонов - ҚарМИИ“иқтисодиёт” кафедраси доценти

Аннотация: *Иқтисодиётнинг ўсишида бозордаги талабни ўрганиш, таклиф билан талаб ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш, янги товар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар келтирилган.*

Калит сўз: *маркетинг концепцияси, маркетинг стратегияси, янги товар, маркетинг услублари.*

Аннотация:*Даны предложения по изучению рыночного спроса, организации маркетинговых услуг на предприятиях с учётом соотношений между спросом и предложением и производства нового вида товара.*

Ключевые слова: *концепция маркетинга, стратегия маркетинга, новый вид товара, маркетинговые методы.*

Annotation: *The proposals on researching the demand at the markets during the development of the economy, creating the marketing services at the factories considering the relations between demand and supply, and producing the new types of goods.*

Keywords: *the concept of marketing, the strategy of marketing, new goods, methods of marketing.*

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида бозордаги талабни ўрганиш, таклиф билан талаб ўртасидаги муносабатни ҳисобга олган ҳолда корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш долзарб масалага айланмокда.

Маркетинг концепциясига асосан, ҳозирги шароитда ҳар қандай корхона бозорда муваффақиятга эришиш учун энг аввало истеъмолчилар тилак-истакларини назарда тутиш лозим. Бу эса ўз навбатида истеъмол жараёнини, аҳоли эҳтиёжи ва талабини билиш ва уларга мос тушадиган товарлар ва хизматлар таклиф этишни тақозо этади.

Корхонанинг фаолияти: бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш, ишлаб чикарган маҳсулотларнинг рекламасини уюштириш, товарни то истеъмолчи қўлига етиб боргунга қадар бўлган барча босқичларда қатнашиш - бу муносабатларнинг таркибий қисмига киради. Шунинг учун корхонанинг маркетинг фаолияти ва бозор муносабатлари бир-бири билан уйғунлашиб боради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, барча янги товарларнинг фақат 10 фоизигина ҳақиқатдан ҳам янги, оригинал ҳисобланади ва жаҳон миқёсида янги товарлар деб аталади. Бундай янги товарларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бозорга олиб чиқиш катта харажатлар сарфлашни талаб қилади ҳамда таваккалчилик даражаси юқори бўлади. Бу эса компанияларнинг янги товарлар ишлаб чиқишни аксарият ҳолларда мавжуд товарларни такомиллаштириш ва модификациялаш билан боғлашларига сабаб бўлади.

Янги товарларни ишлаб чиқиш ва бозорга киритиш инновацион сиёсат асосида, хусусан, товар инновацияси жараёнининг тамойиллари ва усуллари асосида амалга оширилади[33].

Инновация жараёни қуйидаги олтита босқични ўз ичига олади: 1) янги товарлар ҳақидаги ғояларни излаб топиш; 2) ғояларни танлаш; 3) янги товар ғоясини тижоратлаштиришни иқтисодий таҳлил қилиш; 4) товарни ишлаб чиқиш; 5) товарни бозор шароитларда тест ва синовдан ўтказиш; 6) товарни янги бозорга киритиш (1- расм).



1-расм. Товар инновацияси жараёни босқичлари

Товар инновацияси жараёни янги товарлар ҳақидаги гояларни излаб топишдан бошланади. Корхонанинг ички ва ташқи ғоя манбалари товарлар ҳақидаги ғоялар учун база вазифасини бажаради.

Ташқи гоялар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: савдо корхоналари; харидор ва истеъмолчилар; рақобатчилар; кўргазма ва ярмаркалар; турли хил нашрлар; тадқиқот институтлари; таъминотчилар; ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқарилган товарлар; реклама агентликлари; хўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва бошқа давлат органлари.

Ички ғоялар қаторига эса қуйидагилар мансуб: маркетинг тадқиқотлари бўлимлари; техник ва истиқболли ривожланиш бўлимлари; патент бўлимлари; ишлаб чиқариш бўлими; маркетинг бўлимининг барча бўлинмалари; халқаро иқтисодий ҳамкорлик бўлими; товарни тайёрлаш бўлими; ғояларни излаб топиш ва ривожлантириш бўйича доимий ёки муваққат ходимлар гуруҳи.

1-расмда кўрсатилган товар инновацияси жараёни босқичлари ўз мазмунига кўра янги товарни режалаштириш жараёнини акс эттиради.

Янги товарни режалаштириш вазифаси товар сиёсатининг муқобил вариантларини қидириб топиш ва ишлаб чиқиш, уларнинг имкониятларини асослаб беришдан иборатдир. Режалаштирилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини ошириш мақсадида товар инновациясининг ғояларни излаб топиш ёки ғоялар олиш босқичи, ғояларни баҳолаш босқичи ва ғояларни амалга ошириш босқичи каби асосий муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Янги товарни режалаштириш учун турли хил усуллар қўлланади (1.жадвал).

1-жадвал

Янги товарни режалаштириш услублари

[33]Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув кўлланма. - Т.:ТДИУ, 2004, 86-бет.

Режалаштириш босқичи	**Режалаштириш услублари**
Ғояларни излаб топиш	Бозорни тадқиқ этиш ижодий услублар
Ғояларни танлаш	Баҳолаш услублари чек-варақ
Иқтисодий таҳлил	Фойдани таққослаш Зарарсизликни баҳолаш услуби Таваккалчиликни таҳлил қилиш
Товарни ишлаб чиқариш (тайёрлаш)	Товарни ишлаб чиқариш услублари Товар намунасини ишлаб чиқиш Товар маркасини ишлаб чиқариш техникаси
Товарни бозор шароитларида синовдан ўтказиш	Товарни тестдан ўтказиш услублари Бозорни тестдан ўтказиш услублари
Бозорга олиб кириш	Тармоқ режалаштириш техникаси Маркетинг воситалари
Бозорга олиб киришни назорат қилиш	Харажатларни ҳисоб-китоб қилиш услуби Бозорни тадқиқ этиш

Янги товар ҳақидаги ғояларни излаб топиш ва уларни ривожлантириш учун бозорни тадқиқ этиш, илмий изланиш ёки усулларидан фойдаланилади. Бу машҳур мутахассислар ва бир гуруҳ олимларнинг заковати, илмий салоҳиятига таянишни тақозо этади. Бунда мантикий-систематик услублар ва интуитив-ижодий услубларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Товар тавсифномаси ва хусусиятлари анкетаси техникаси, мажбурий муносабатлар услуби ва морфологик услублар энг тарқалган мантиқий-систематик услублар ҳисобланади.

Товар тавсифномаси ва хусусиятлари анкетаси техникаси товарни яхшилаш бўйича ижодий ғояларни излаб топиш учун фойдаланилади[34]. Объектнинг (унга товар ҳам мансуб бўлиши мумкин) барча хусусиятлари, белги ва тавсифномалари умумлаштирилади ва ёзма кўринишда ифодаланади. Янги ғояни яратиш объектнинг бир ёки бир нечта белгиларини

ўзгартириш ёки алмаштириш ва уларни келгусида янги хусусиятлар комбинацияси кўринишида бирлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий муносабатлар (бирикувлар) услуби — хусусиятлар анкетаси техникасига бироз ўхшаб кетади. Ғоя аввалига бир гуруҳга кирмаган предметлар ҳақидаги билимларни ўйлаб чиқиб, умумлаштириш натижаси сифатида юзага келади. Масалан, ёзув столи, ёзув машинаси ва стол лампаси каби алоҳида товарлар хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида мажбурий муносабатлар услуби ёрдамида қуйидаги ғоялар топилиши мумкин: ёзув столига ёзув машинасини ўрнатиб қўйиш; столнинг устки қисмини картотекалар жойлаштириш учун мослаштириш; стол лампасини шарнирлар ёрдамида ҳаракатланувчи лампага алмаштириш ва ҳоказо.

Хусусиятлар анкетаси техникаси ва мажбурий бирикувлар усули мавжуд товарлар хусусиятлари комбинациясига асосланиши сабабли улардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Бунинг устига янги ғоянинг сифати илгари фойдаланилган ғоялар сифатига боғлиқ бўлиши мумкин.

[34]Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж. Маркетинг. Ўкув кўлланма. - Т.:ТДИУ, 2004, 86-бет.

Морфологик услуб унинг тузилиши, таҳлили, тамойилларигаасосланади. Ушбу услубга, асосан, товарнинг барча муҳим кўрсаткич ва жиҳатлари алоҳида ва биргаликда ўрганилади, У объект ва ҳодисаларнинг тўлиқ ва қатъий классификацияси, уларнинг хусусиятлари ва параметрларига асосан яратилади. Бу эса гоя ривожланишининг турли сценарийларини баҳолаш ва бу сценарийларни таққослаш йўли билан товарнинг келажакда ривожланишига оид комплекс тасаввурга эга бўлишига имкон яратади.

Асосида тизимни қисмларга ажратиш ва алоҳида қарорлар комбинацияси ётган мантиқий-систематик услублардан фарқли равишда, интуитив-ижодий услублар муаммони тўлалигича кўриб чиқиш тамойилларига асосланади. Бу турнинг энг асосий услублари мия ҳужуми ва синектика бўлиб ҳисобланади.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ў.А. Мухаммадиев Доцент (СамДАҚИ)
У.Ч. Худойқулов Катта уқитувчи (СамДАҚИ)

Аннотация. *Ушбу мақолада ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг муаммолари таҳлил этилган. Истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлаш сифатини ошириш учун комплекс ёндашув зарурияти асосланади.*

Газ таъминоти муаммоларини ечишда газ етказиб берувчи ташкилотлар билан истеъмолчилар эҳтиёжларини мослаштиришни маркетинг сиёсати асосида ташкил этиш ва амалга ошириш муаллифлар томонидан таклиф қилинади.

Мақолада газ таъминоти ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш учун истеъмолчиларни газ билан таъминлашни такомиллаштириш тамойиллари, унинг асосий унсурлари ва ушбу тизимни тадбиқ этиш тизими таклиф қилинган.

Калит сўзлар: *магистрал газ тармоқлари, ички газ тармоқлари, нуқсонлар, инвестиция, газ таъминоти қутиси, самарадорлик.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается проблема совершенствования деятельности территориальных предприятий газоснабжения, обосновывается необходимать комплексного подхода к качеству снабжения потребителей природным газом.*

Авторами предлагается маркетинговый подход к решению данной проблемы, основанный на изучении потребностей и адаптации к ним возможностей предприятий газоснабжения.

В статье изложены принципы создания системы совершенствования газоснабжения потребителей, её основные элементы и пути внедрения этой системы на предприятиях газоснабжения.

Ключевые слова: *магистральные газопроводы, внутренние газопроводы, отказы, инвестиции, газораспределительные приборы, эффективность.*

Annotation. *The present paper examines problems of perfection of activity of territorial gas supply enterprises. The necessity of a complex approach to the quality supply of consumers with natural gas is well- groumded.*

The authors propose marketing approach to settle the problem based on the research of requirements and adaptation to them the opportunities of gas supply enterprites.

The paper sets forward principles of creating systems of perfection of consumers gas supply its basic elements and ways of introducing this system at gas supply enterprises.

Keywords:*main gas pipelines, internal gas pipelines, refuses,investments, gas distributing devices, efficiency.*

Ўзбекистон аҳолисига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш энг муҳим стратегик мақсад ҳисобланади. Шу сабабли 2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудларни комплекс ва интенсив равишда ривожлантириш, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини босқичма-босқич камайтириш ва унинг органлари ишини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгиланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйичаҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да таъкидлаб ўтилганидек:

- иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ўринда аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши билан биргаликда ижтимоий соҳаларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш ҳам долзарб масалага айланиб бормокда. Бундай соҳалардан бири – бу коммунал маиший хизматлар соҳасидир. Аҳолининг табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳозирги вақтда ижтимоий сиёсатнинг муҳим элементларидан бўлиб қолди. Ҳукумат томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган сайи ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон ушбу муҳим ижтимоий масалада ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашмоқда. Айниқса аҳолини табиий газ билан таъминлаш муҳим иктисодий-ижтимоий масала ҳисобланади. Табиий газдан фойдаланиш нафақат арзон

ёқилғини ишлатиш, балки истеъмол маданиятини кескин ошириш билан боғлиқ бўлади ва турмуш шароитини янги сифатга кўтаради.

Ўзбекистон табиий газга бой бўлган мамлакат. Факат аниқланган захиралар ҳажми 2 триллион кубометрдан ортик бахоланмокда. Демак, ички эҳтиёжларни тўла кондириш имконига эгамиз.

Бизнинг фикримизча бу борадаги ҳукуматнинг сиёсатини асосан икки босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич Мустақиллик эълон қилингандан бошлаб тахминан 2002 йилгача давом этган. Маълумки аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланиш даражаси жуда паст эди, шу сабабли янги тармоқлар қурилиши жадаллаштирилган эди. Бунда соҳанинг олдига қўйилган вазифаларнинг барчаси табиий газ тармоқларини кенгайтириш ва аҳолини газ билан таъминлаш даражасини оширишга қаратилган. Бунинг натижасида аҳолини табиий газ билан таъминлаш 84% гача етказилди. Иккинчи босқични 2002 йилдан бошланган деб ҳисоблаймиз ва бунда асосий вазифа килиб, табиий газ истеъмолини тартибга солиш ва аҳолига газ етказиш сифатини ошириш белгиланган. Ушбу босқичда истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла ўрганиш, уларни энг самарали йул билан қондириш муаммоси хал этилиши кўзланган.

Шу билан бирга ҳозирги пайтда жойларда аҳолини табиий газ билан таъминлашда камчиликлар хам учрайди. Бундай камчиликларга газ босимининг пасайиб кетиши ва газ таъминотидаги узилишларни киритиш мумкин. Мавжуд муаммоларнинг негизида ётган объектив ва субъектив сабаблар тегишли ташкилотларда фаолиятни ташкил қилиш билан боғлиқдир.

Табиий газ билан таъминлаш соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – кенг қамровли ва мураккаб инфратузилма мавжудлигидадир. Табиий газни қазиб олиш ускуналаридан ташқари уни етказиб бериш, тегишли босимни таъминлаш, барча истеъмолчиларгача тақсимлаб бериш ва газдан фойдаланиш жиҳозларини назорат қилиш тизими ушбу инфратузилманинг унсурларига киради. Барча бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир бирига мослаштириш муҳим иқтисодий муаммо ҳисобланади.

Ушбу муаммонинг ечимларини ташкилий, иктисодий ва услубий гуруҳларга ажратиш мумкин. Ташкилий ечимлар табиий газ билан таъминловчи барча субъектларнинг манфаатларини якуний натижага боғлашга қаратилган бўлади. Яқин вақтгача энг муҳим муаммолардан бири фойдаланилган газ учун тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда амалга ошириш ҳисобланар эди. Бунинг сабаби шундаки, газнинг етказиб бериш ҳажмини ҳамда истеъмол қилиш меъёрларини ҳисоблаш услубияти турлича бўлган. Бу эса ўз навбатида «Узтрансгаз», «Марказгаз» УК ва аҳоли ўртасида низоларга ва аниқланмаган субъектларнинг дебиторлик қарзларнинг ошиб боришига сабаб бўлар эди. Ҳудудий газ таъминот ташкилотлари чегараларида ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши юқори ва ўрта босимли газ қувурларга масъул бўлган «Трансгаз» ташкилотлари етказиб берган табиий газ ҳажмини аниқлаб беради. Аҳоли томонидан хонадонларда газ ҳисоблагичларни ўрнатилиши фойдаланилган газ ҳажмини аниқлайди. Идеал ҳолатда юқори босимли газ ҳисоблагичлари ва хонадонлардаги газ ҳисоблагичларнинг кўрсатмалари тенг бўлиши лозим (технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолатда). Мазкур қарорнинг бажарилиши ўзаро ҳисобларни тартибга солишга асос бўлади. Аммо

бундай чоралар бизнингча вақтинчалик кучга эга бўлади ва албатта бошка турдаги ечимларнинг қўлланилишини тақозо қилади.

Иқтисодий ечимлар гуруҳи табиий газни истеъмол қилиш маданияти ва тартибини жорий қилишга қаратилган бўлади. Маълумки, Ўзбекистонда табиий газни сарфлаш ўртача даражаси Франциядагидан уч баробар ортиқ экан. Бу аввало бизнинг истеъмолчиларимизда тежамкорлик фалсафаси ривожланмаганидан далолат беради. Шу билан бирга тежамкорликни рағбатлантирувчи механизмнинг мукаммал бўлмагани ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Иқтисодий чора-тадбирлар барча хўжалик субъектларида иқтисодий тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни такозо қилади. Бундай ечимлар яқин келажакдаги долзарб муаммоларга қаратилади ва ҳозирдан илмий изланишлар олиб борилишини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда табиий газ истеъмоли инфратузилмасининг самарадорлигини – бу услубий ечимларни жорий қилишдир. Бундай ечимлар ташкилий чораларни ташкилотларда қўллаб қувватлаш вазифасини бажаради. Услубий ечимларнинг мазмуни ташкилотларда асосан табиий газни етказиб беришни кузатиш, муаммони аниқлаш ва уни бартараф қилишнинг тартибини белгилашдан иборатдир. Бунинг учун «Узтрансгаз» ва «Вилоятгаз» ташкилотларида амалий изланишлар олиб борилиши ва тегишли тизимлар шакллантирилиши лозим. Ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида бундай ечимларнинг айримлари ишлаб чикилган ва уларнинг асосий мазмуни куйида келтирилган.

Аввало табиий газни етказиб бериш фаолиятини такомиллаштиришнинг тамойилларига эътибор қаратиш лозим, чунки тамойилларнинг қабул қилиниши кейинги мулоҳазалар ва таклифларга асос бўлади. Демак, истеъмолчиларга табиий газ етказишда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- истеъмолчи манфаатининг устуворлиги. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, хеч қандай сабаб истеъмолчига газ етказишни ёмонлашиш ҳолатини оқламайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ташкилот ўз мажбуриятларини бажариши шарт;

- узлуксиз мукаммаллашув тамойили истеъмолчига хизмат кўрсатишда доимий ривожланишни ўз ичига қамраб олади;

- стандартлаштирилган жараёнлар тамойили. Такомиллашув фаолияти аниқ, тушунарли ва бир хил талқин этиладиган ҳаракатлардан ташкил топиши лозим. Шунда алоҳида шахслар ва бўлинмаларнинг ишларини белгилаш ва баҳолашга замин яратилади;

- ахборот тўплашда объективлик ва соддалик. Ушбу тамойилнинг мазмуни табиий газ етказиб берилишининг ҳолатини тезкор ва аниқ маълумотлар билан ифодалашни акс эттиради;

- самарадорлик тамойили, яъни такомиллашувга қаратилган барча ҳаракатлар мантиқан тўғри ва манфаатли бўлиши тамойили.

Ушбу тамойилларга асосланган ҳолда ташкилотларда олиб бориладиган фаолият маркетинг сиёсатидан келиб чиқиши лозим. «Марказгаз» унитар корхонасида маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш бир неча кичик тизимларни тадбиқ қилиш билан боғлиқ бўлади:

а) истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш кичик тизими. Бунда аҳоли ва ташкилотларнинг жойлашуви ва таркибидан келиб чиққан ҳолда эҳтиёжларнинг шаклланиши ва тақсимланишининг қонуниятларини аниқлаш буйича маълумотлар тўплашнинг тартиби яратилиши кўзда тутилмоқда. Бизнинг фикримизча табиий газга бўлган эҳтиёж нафақат аҳоли ва ташкилотлар сони, балки унинг сифат таркиби билан боғлиқдир. Масалан: расман иш билан банд бўлмаган шахслар ўз уйларида тадбиркорлик билан шуғулланишлари табиийдир. Ўз навбатда тадбиркорлик фаолиятининг кўпчилик турлари иссиклик энергиясини талаб қилади;

б) газ қувурўтказгичлар тармоқларини сон ва сифат жиҳатдан истеъмолчилар эҳтиёжларига мослаштириш кичик тизими. Бундай тизим «Марказгаз» УК имкониятларини аҳоли талабларига яқинлаштиришнинг ташкилий-техник чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган бўлади;

в) истеъмолчиларнинг табиий газ таъминотига қўйилган талабларни ҳисобга олган рағбатлантириш кичик тизими. Ушбу кичик тизимни жорий қилиш жараёнида барча рағбатлантириш механизмлари аҳолининг эҳтиёжларини қондириш кўрсаткичларига боғлашга асосланади;

г) рационал истеъмолни яратиш кичик тизими. Бунда «Марказгаз» ташкилотининг ижтимоий вазифалари намоён бўлиши кўзда тутилмоқда.

Эҳтиёжларни аниқлаш кичик тизимига тўхталсак, унинг доирасида барча истеъмолчиларни ҳисобга олиш ва истеъмол сифатини табақалаштириш ишлари олиб борилади. Ҳозирги вақтда истеъмолчиларни табақалаштириш аҳоли ва ташкилотларга, иситиш ва технологик жараёнларга, газ жиҳозларининг турлари бўйича амалга оширилади. Бундай табақалаштириш истеъмолчилар сонини аниқлаш билан биргаликда истеъмол интенсивлигига турлича ёндашувларни акс эттирмайди. Шу сабабли ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Масалан: истеъмол меъёрларидан келиб чиққан холда хонадонда газга бўлган эҳтиёж ойида 1000 $м^3$ ни ташкил килади. Газ ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича ойида 400 $м^3$ газ истеъмол қилинган. Демак, бу ерда ёки истеъмол интенсивлиги бошкача, ёки ноқонуний газ сарфлаш ҳолати мавжуд, ёки меъёрлар нотўғри қўлланилган. Биринчи қарашда ҳар бир алоҳида истеъмолчининг эҳтиёжларини аниқлаш жуда мушкул иш деб ҳисобланиши мумкин, аммо шуни унутмаслик лозимки, табиий газ тармоқлари жамоавий истеъмол неъматларига киради, яъни маълум худудда табиий газ истеъмолига аҳолининг ёндашуви бир-бирига яқин бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда эҳтиёжларни аниқлашда танлов гуруҳи усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Табиий газ таъминотига бўлган эътирозлар қиш мавсумида кўпайишининг асосий сабаби газ таъминот ташкилотларининг имкониятлари истеъмол интенсивлигининг кескин ошиб кетишига мослашмаган. Изланишлар шуни кўрсатадики, қишда кунлик истеъмол ёзга нисбатан 4,5-5 баробаргача ошиб кетар экан. Газ қувурутказгичлари ва жиҳозлари эса йил давомида ўртача истеъмолга нисбатан лойиҳалаштирилади. Газ таъминотининг мавсумийлигини ҳисобга олиш учун бир неча йўлларни қўллаш таклиф қилинади: резерв қувватларни яратиш ва қиш мавсумида улардан фойдаланиш; истеъмол интенсивлигининг мавсумий ўзгаришларини алоҳида истеъмолчилар бўйича қайта тақсимлаш; қувурўтказгичлар ва жиҳозларнинг ўтказиш қобилиятини профилактик тадбирлар орқали ошириш.

Ушбу мақолада келтирилган фикр–мулохазалар «Марказгаз» УКда маркетинг тизимини айрим томонларини кўрсатиб беришга бағишланган. Бизнинг фикримизча юқоридаги тизимнинг шаклланиши ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш билан биргаликда истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масаласини ҳал қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир худудий ташкилот ўзига хос қўшимча тизимларни ҳам ташкил қилиши мумкин.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ

О.Б. Бўранов Доцент, СамДАҚИ
Р.М. Мусурмонов, И.ф.н., СамДАҚИ
Ш.Н.Жуманов Ассисент, , СамДАҚИ

Аннотация. *Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш дунёнинг аксарият мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, асосан илмий янгиликлардан фойдаланиш, тармоқнинг инновацион рақобатбардошлигини ошириб бориши ҳисобига бўлмоқда. Мақолада, иқтисодиётни модернизациялаш, инновацияларнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири, илғор хорижий давлатлар тажрибаси каби масалалар ёритилган.*

Калит сўзлар: *модернизация, инновация, инновацион бошқариш, маслаҳат хизмати, иқтисодиётни модернизациялаш, инновацион лойиҳалар, маҳсулот рақобатбардошлиги, инновация жараёнлари.*

Аннотация.*Модернизация экономики во многих странах осуществляется за счет повышение объема выпуска производства, основном в использовании научной новизны и развитии конкурентоспособности инновации в отраслях. В статье, раскрыто модернизация экономики, влияние инновации на конкурентоспособность продукции, и зарубежный опыт развитых стран.*

Ключивые слова: *модернизация, инновация , управления инновациями, консультативная служба, модернизация экономики, инновационные проекты, конкурентоспособность экономики, инновационные процессы.*

Annotation.*Modernisation of economy in many countries comes true for an account increase of volume of output of production, basic in the use of scientific novelty and development of competitiveness of innovation in industries. In the article, it is exposed modernisation of economy, influence of innovation on the competitiveness of products, and foreign experience of the developed countries.*

Keywords*:modernisation, innovation, of management by innovations, consultative service, modernisation of economy, innovative projects, competitiveness of economy, innovative processes.*

Бозор иқтисодиёти шароитида илғор технологиялардан фойдаланиш кўпгина давлатларнинг ривожланишида энг мураккаб масалаларни ечишнинг асосига айланиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда шунга эътибор бериш керакки дунёнинг аксарият мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, асосан илмий янгиликлардан фойдаланиш, тармоқнинг инновацион рақобатбардошлигини ошириб бориши ҳисобига бўлмоқда. Жумладан, Германияда

ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши 100фоиз инновация ҳисобига юз берса, Тайвандда корхоналар инновацион тадбиркорлиги ҳисобига 78 фоиз бандлик ва мамлакат бўйича ЯИМнинг ўсиши 45 фоизтаъминланмоқда.

Эндиликда дунёдаги давлатларни бой ёки камбағал, индустриаллаштирилган ёки аграр мамлакатлар деб баҳо берилишидан, хом ашё етиштирувчи ёки товар маҳсулотлари етиштирувчи, технологиялар ишлаб чиқарувчи, билимлар яратувчи (шу жумладан юқори технологиялар) деб баҳо беришга ўтилмокда. Охирги гуруҳга кирувчилар дунёда етакчи давлатлар ҳисобланади.

Технологияларни жорий қилиш мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда ва турли мамлакатларда турлича амалга оширилмокда. Жумладан, АҚШда федерал давлат миқиёсида олиб борилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижалари нодавлат корхоналари орқали амалга оширилади. Улар илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари тизимида асосий бўғин ҳисобланади. Федерал ҳукумат шулар орқали энг яхши илмий тадқиқот ташкилотларини, талантли олимларни ишбилан таъминлайди ва уларнинг олдига илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича вазифалар қўяди.

Германияда аввал АҚШ тажрибасидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик эса, Англия, Франция, Японияда қўлланилаётган илмий тадқиқот тажрибасини қабул қилмокда.

Япония ва Жанубий Шарқий Осиёда жойлашган янги индустрлашган мамлакатлар ўзларининг модернизациялаш ва инновацион фаолиятини ресурсларини истиқболли юқори технологияга асосланган янгиликларни охирги бозорга чиқиш олдидан сотиб олишга қаратадилар. Бу уларга янгиликнинг охирги босқичидаги ишларни якунлаб жорий қилиш имкониятини берди. Масалан, Япония йилига 1500 та лицензияларни сотиб олиш ҳисобига шу янгиликларни яратиш учун илмий тадқиқот ишларига харажатларни АҚШга нисбатан 100 маротаба кам сарфлаган ва кўп турдаги импорт қилинаётган маҳсулотларни шу лицензиялар орқали ишлаб чиқариш ҳисобига камайтирган.

Тармоқлар инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда, технологик ва техник жиҳатдан модернизациясига қаратилган давлатлар мақсадли дастурларларининг истиқболига қаратилган фундаментал ва илмий тадқиқотларга асосланган инновацион дастурлар роли ошиб боради. Ишлаб чиқариш корхоналари илмий маҳсулотни жорий қилиш бўйича ўзи мустақил равишда қарор қабул қилиши керак. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки илмий маҳсулот жорий қилишга тайёр бўлганда ҳам, тармоқни модернизациялашда инновацион жараённи молиялаштирадиган ташкилотлар фаолият юритиши лозим.

Илмий тадқиқот муассасалари ўзларининг илмий ечимларини таклиф қилишга тайёр, аммо инновацияни жорий қилишни молиялаштириш муаммолари бугуннинг долзарб масаласидир. Бунда илмий маҳсулотларни тижорат йўлига қўйиш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Инновацион жараёнларни ўзига хос хусусиятларидан бири, бу унинг кўп тармоқлилиги ҳисобланади. Инновацион жараённи молиялаштиришнинг асосий манбалари бу республика бюджети ва ҳудудлар бюджети ҳисобланади. Шунга эътибор бериш керакки, республикада сўнгги йилларда бюджет маблағларини улуши камайиб бориши, хўжалик субъектлари маблағларидан молиялаштириш эса кўпайиб бориши кузатилмоқда.

Маълумки, илмий ходимлар ва инновацион жараёнда иштирок этувчи ижрочиларнинг моддий манфаатдорлиги механизмини такомиллаштиришни, инновацион ғояларни жорий этиш натижалари билан бирлаштириш орқали нафақат мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш балки юқори технология имкониятларини ишга солиш муҳим аҳамият касб этади.

. Инновацион жараён бўйича ҳаракат икки томонлама ривожланиб бориши лозим. Бир томондан давлат кўпроқ бюджет маблағларини илмий йўналишларга, инновацион фаолият учун кредит берувчи ташкилотларни рағбатлантиришга йўналтириши, шунингдек инновацион фаолиятни меъёрий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб туриши, иккинчи томондан, корхоналар шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар инновацион лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириши лозим. Бунинг учун банк кредитлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни кредитлаш механизми янада такомиллаштирилиши лозим. Бунда банкларнинг кредитларни инновацион лойиҳадан фойда олинишига ва кредит ресурсларини қайтишига ишонч ҳосил қилган механизмларнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.

Корхоналар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки уларда юқори технологияларни жорий қилиш иштиёқи бор, аммо, бунга ўз маблағларини ишлатиш, банклар кредитларидан фойдаланиш бўйича билимлари ва тажрибалари етишмаётганлиги сабабли инновацион жараённи жорий қилиш имконияти пасаймоқда.Шунинг учун улар ҳар доим малакали маслаҳатга муҳтож. Маслаҳат хизмати тизими, илмий тадқиқот, таълим-тарбия ва тажриба корхоналари билан келишган ҳолда бир яхлит тизим шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунинг учун, аввало маслаҳат хизматини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий баъзасини мустаҳкамлаш лозим, Бунда эса, соҳалар бўйича маслаҳат фаолияти ҳақида қонун қабул қилиниши керак бўлади.

Мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор ривожланиши ва маҳсулот рақобатбардошлиги асосини соҳани модернизациялаш ва инновацион йўналишга ўтказиш ҳисобланади. Буни чизма равишда қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш тизими

Бугунги кунда республикада модернизациялаш ва инновацион фаолликни ривожланишига ҳалақит бераётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- лойиҳалар танловида қатнашишидаги иштирокнинг камлиги, маблағ етишмаслиги, кредитлардан фойдаланишдаги қийинчиликлар;
- тадбиркорларни инновацион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича танловлар ҳақида етарлича ахборотга эга эмасликлари;
- инновацион маркетингни ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхши ривожланмаганлиги;
- инновацион лойиҳаларни хавф-хатарлик даражасига баҳо берувчи ва суғурталовчи инновацион венчур ва суғурта компаниялар тизимини етишмаслиги кабилар.
- хорижий иннвоцион ҳамкорлар билан алоқаларнинг камлиги ва ҳ.к..

Хулоса қилиб айтганда, инновация жараёни мамлакатдаги рақобат механизми асосида фаолият юритаётган мулкчиликни турли шаклларини, хусусий ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни узлуксиз равишда танлов асосида ривожлантиришни талаб қилади.

РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ МУНТАЗАМ КЎТАРИШ − САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Э.Шавқиев - СамИСИ доценти, и.ф.н.
У.Нормуродов - СамИСИ катта ўқитувчиси
З.К.Рахимов - СамИСИ магистранти

Аннотация: *Мақолада савдо хизматлари сифатини баҳолаш кўрсаткичлари келтирилган ва уларнинг мазмуни ёритилган. Кўрсаткичлар тизими муаллифларнинг кузатишлари ҳамда хорижий адабиётларда келтирилган савдо хизматлари сифатини баҳолаш кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида тузилди.*

Калит сўзлар: *савдо, савдо корхонаси, дўкон, товар, сифат, мижоз, хизмат.*

Аннотация: *В статье приведены и раскрыты, сущность оценочных показателей сферы услуг. Система оценочных индикаторов обосновано авторами на основе личных наблюдений и анализа показателей оценок качество торговых услуг.*

Ключевые слова: *Торговля, торговая организация, рынок, качество товара, клиент, сервис.*

Annotation: *In this article indicators of the evaluation of the quality of the trade service are indicated and they content is disclosed. The system of indicators is based on the researches of the author and on the basis of the research of foreign researchers.*

Key words: *trade, trade organization, market, quality of goods, customer, service.*

Хизмат−ғоят ўзига хос бўлган меҳнат маҳсули. “У моддий ва номоддий кўринишларга эга бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир”[35].

Хизматларбошқамаҳсулотларданбирқаторхусусиятларибиланажралибтуради:

[35] Шавқиев Э., Ҳазратов А.П. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ўсиш тенденцияси. Журнал: Сервис. − Самарқанд, 2013, № 3, 29 бет.

•уни амалга ошириш пайтида (технологиясида) мижознинг бевосита қатнашиши;

•уларни, моддий неъматлар сингари натурал кўринишда тўплаш имкониятининг йўқлиги;

•уларнинг оператив равишда амалга оширилиши ва шу заҳотиёқ мижозга тақдим этилиши;

•уларнинг сифатини[36] олдиндан синаб кўриш ва кейин уни қайтадан тақдим этиш имкониятининг йўқлиги;

•улар сифатини дастлабки баҳолашда ишончли маълумотларнинг етарли эмаслиги;

•уларнинг сифатини миқдор кўринишида баҳолаш қийинлиги;

•уларнинг сифати яхлит кўринишда баҳоланиши (бунда ҳар бир хизмат бўлакчаларининг сифати муҳим эканлиги) ва ҳоказо.

Хизмат турларидан бири − савдо хизматидир. У инсоннинг инсонга йўналтирган бевосита хизматидир. Шунингдек, у моддий буюм (товар)ларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини таъминловчи ва истеъмолчиларга билвосита таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Савдо хизматлари маданий-маънавий кучга эга. У инсонга бевосита таъсир ўтказади. Чунки, у инсонга бевосита тегишлидир: хушмуомалалик, қулайлик яратиш, таклифлар ва сўровларга ҳозир жавоблик ва ҳоказолар.

Савдо хизмати сифати − хизмат кўрсатиш натижаси эмас, балким унинг омили ҳисобланади. У харидорларга хизмат кўрсатиш жараёнини тавсифлайди ва савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Савдо хизмати тушунчаси “сифатли савдо хизмати”, “савдо маданияти”, “маданиятли савдо хизмати”, “хизмат даражаси” каби тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Буларнинг барчаси харидорга ғамхўрлик қилиш деган маънони акс эттиради. Харидор учун, дўконда қўлайликлар яратилганлиги ва қисқа муддат ичида керакли товарни харид қилиш аҳамиятлидир.

Шу сабабдан ҳам, савдо хизмати сифати ҳамма вақт, нафақат, харидорларни, айни пайтда, сотувчиларнинг ҳам хаёлини банд этиб келаётган ва уларни доимо безовта қиладиган, ташвишга солиб турадиган муаммолардан биридир.

Хизматлар сифатига қўйиладиган талаб доимий мутлақ бўлмайди. Аҳолининг, айниқса ўрта синфга мансуб инсонларнинг, моддий фаровонлиги ҳамда маданий даражаси ўсиб бормоқда. Бундай шароитда уларнинг сифатли товарлар харид қилишга ва сифатли савдо хизматларига бўлган талаби ҳам ортиб боради.

Шунингдек, сифатли савдо хизмати рақобатга қарши муҳим восита ҳисобланади. Рақобат шароитида харидорларга сифатли савдо ҳизматини тақдим этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай савдо корхонасининг самарали фаолияти − сифатли товарлар билан савдо қилиш ва шунга мос равишда савдо хизматларининг юқори даражада сифатли бўлишига боғлиқдир.

Савдо хизмати, харидор савдо залига кириши заҳотиёқ бошланади: шинамли, турли-туман товарларнинг мавжудлиги, уларнинг қулай ва тартибли жойланганлиги, сотувчи (лар)нинг хушмуомалалиги, сервиснинг мавжудлиги ва

[36] Сифат − бу нарса, воқеа, ҳодиса ва шу кабиларни, уларнинг ўзига хос белги ва ички хусусиятларига кўра, характерловчи асосий философик категориялардан бири. //Толковый словарь узбекского языка. Т.II.− М.: Рус.яз., 1981, 58 стр.

ҳоказолар. Савдо дўконининг ташқи ва ички кўриниши чиройли бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Табиийки, бундай ҳолатлар харидорларга хуш ёқади ва улар доимий мижозга айланади.

Савдо хизматининг сифати, нафақат, юқорида қайд этилганларга, айни пайтда, мамлакатда истеъмол товарларининг ишлаб чиқарилиши даражаси ва истеъмолчилар талабини қондиришга етарли миқдорда товарларнинг мавжудлиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу мамлакатдаги товарларнинг миқдори ва сифати, уларни харид қилиш шароити, харидорларнинг вақт сарфлаши ва хизмат сифати, хизмат маданиятида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг кўпчилик қисми савдо хизмат сифатини фақатгина товарни харид қилиш учун сарфлаган вақт ва бу харид учун дўконда яратилган шароитни тушунишади. Бизнинг фикримизча, савдо хизмати сифати булар билан чегараланиб қолмайди. У аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бошқа бир қанча жиҳатларни, жумладан, аҳолининг у ёки бу товарни харид қилишида уни танлаши учун қулай шароитнинг ва сервиснинг мавжудлигини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари савдо хизматининг сифати савдо ходимларининг касбий маҳоратига, харидорларнинг руҳиятини билишига ҳам боғлиқ.

Савдо хизмати сифатини ошириш учун турли-туман сифатли хизматлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Савдо корхоналари хизматлари сифатига баҳо беришда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- **савдо корхонасининг бозорни эгаллаш даражаси:** мижозларнинг жорий даврдаги сонининг (одам), базавий даврдаги сонига (одам) нисбати. У 1 га тенг ёки 1 дан ортиқ ёки 1 дан кичик бўлиши мумкин;
- **савдо корхоналари хизматидан фойдаланувчи аҳоли сонининг ортиб бориши:** савдо корхонаси хизматидан фойдаланган аҳоли сонининг умумий аҳоли сонига нисбати билан аниқланади;
- **савдо корхонаси мижозларининг, унинг хизматларидан қониқиши коэффициенти:** мижозларнинг умумий сонидан (одам) хизматлардан қониқиш ҳосил қилмаган (кўнгли тўлмаган) мижозлар сони (одам) айрилади ва олинган натижа мижозларнинг умумий сонига (одам) бўлинади. Бу кўрсаткич савдо корхонасидаги товарларнинг харидорлар талабига мос келган-келмаганлигини кўрсатади. Унинг паст ёки юқори бўлиши савдо хизмати сифатига бевосита боғлиқ;
- **мижозларнинг товарларни қайтариш коэффициенти:** ўрганилаётган давр (йил, чорак, ой)да мижозлар томонидан қайтарилган товарлар ҳажми (сўмда), ўша даврда сотилган товарларнинг умумий ҳажмига (сўмда) нисбати;
- **товарлар ассортиментининг ўзгариш коэффициенти:** жорий даврда товарлар ассортименти (дона) сонининг базавий даврдаги товарлар сонига нисбати. У 1 га тенг ёки 1 дан ортиқ ёки 1 дан кичик бўлиши мумкин;
- **доимий мижозлар ҳиссасининг ўзгариш коэффициенти:** доимий мижозларнинг (одам) жорий даврдаги ҳиссасининг базавий даврдаги ҳиссасига нисбати. Доимий мижозлар ҳиссаси, улар сонининг (одам) умумий мижозлар сонига (одам) бўлиш йўли билан ҳисобланади;
- **янги мижозлар ҳиссасининг ўзгариш коэффициенти:** янги мижозларнинг (одам) жорий даврдаги ҳиссасини базавий даврдаги ҳиссасига нисбати. Янги

мижозлар ҳиссаси, улар сонининг (одам) умумий мижозлар сонига (одам) бўлиш йўли билан аниқланади;

- **товар айланмасининг илгарилаб бориши коэффициенти:** товар айланмаси ўсиш суръатининг хизмат кўрсатилувчи аҳолининг (савдо корхонаси хизмат кўрсатадиган ҳудудда) ўсиш суръатига нисбати. У 1 дан кичик бўлса, савдо хизмати сифатининг пасайганлигини, 1 дан катта бўлса − ортганидан дарак беради;
- **рекламани ривожлантириш даражаси:** савдо корхонасининг турли шаклдаги рекламалардан, газета ва телевидениялардан, спортчилардан ва бошқа воситалардан фойдаланишини, шунингдек, корхонада товарлар кўргазмаси, ахборот варақларининг мавжудлигини ифодалайди. Бугунги кунда харидорни товарнинг мавжудлигигина эмас, балки товарларнинг хусусиятлари − сифати ва чидамлилиги, баданга таъсири ва бошқа афзалликлари кўпроқ қизиқтиради. Бу масалада уларга фақат реклама ёрдам бера олади;
- **савдо ёки бошқа хизматлар даражасини қониқарли деб баҳоловчи харидорлар ҳиссаси**. Бу кўрсаткич савдо ташкилотларида бўлган кишиларнинг қониқиш ҳосил қилганлигидан далолат беради ва уларнинг хизмат кўрсатиш борасидаги фикр-мулоҳазалари бўйича аниқланади;
- **битта хардорга кўрсатилган қўшимча хизматлар***;*
- **аҳолининг савдо шахобчалари билан таъминланиши кўрсаткичлари:**10000 кишига тўғри келадиган савдо корхоналари сони; 10000 кишига тўғри келадиган савдо залининг ҳажми; ҳақиқий таъминланиш даражасининг нормативга мос келиши ва бошқалар;
- **товар ассортиментининг хизмат кўрсатилиши керак бўлган аҳоли талабига мос келиши коэффициенти:** нархи пасайтирилган товарларнинг умумий товар оборотидаги ҳиссаси, ўртача чораклик товар захираларида туриб қолган ва ўтмас товарларнинг ҳиссаси сингари икки тескари кўрсаткич билан тавсифланади. Улар савдо корхоналарининг аҳоли талабини қондириш учун курашининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Товарларнинг сифати ва унинг аҳоли талабига мос келиши учун жон куйдириш савдо корхоналари фаолиятининг мағзини ташкил этади. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши − савдо хизмати сифатининг пасаётганидан дарак беради.
- **аҳолининг қадоқланган ва чиройли қилиб ўралган товарлар билан таъминланиш даражаси;**
- **савдо дўконлари олдида автомобиллар тўхташ жойлари билан таъминланганлиги ва бошқалар.**

Хизматлар сифатига қўйиладиган талаб доимий мутлақ бўлмайди. Аҳоли турмуш даражасининг ошиши билан хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб боради ва улар билан боғлиқ янги кўрсаткичларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Шу сабабдан савдо хизматлари сифатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг (қабул қилса бўладиган) тўлиқ таснифини тузиш мушкул.

Ҳозирги кунда аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш объектлари "... озод ва обод юртимиз манзарасининг бир қисмига, тинч ва фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланиб бормоқда. Айни пайтда бу борада кўп иш қилишимиз кераклигини барчамиз яхши биламиз. ... хизмат ва савдо маданиятини ошириш − энг долзарб масаладир. Бунда айниқса ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб,

замонавий гипермаркетлар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим”[37].

ZAMONAVIY BRONLASHTIRISH USULLARI TAHLILI

Zaynalov N.R - SamISI, dotsent
Amriddinova R.S - SamISI, k.o‘q.
Zaynalova S.N - SamISI, magistr

Annotatsiya. *Maqolada hozirgi kunda keng qo‘llanilayotga global bronlash tizimlari haqida so ‘z yuritilgan va ularning mavjud turlari tahlil qilingan.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются современные глобальные системы бронирования, а также приводится анализ существующих подходов.*

Annotation. This article discusses highly using global booking systems and analyses existing types of them.

Tayanch so‘zlar*: PMS, IRM, CRS, Muloqot markazi, ADS, OTA, GDS, EDM.*

Ключевыеслова*:. PMS, IRM, CRS, Центробщения, ADS, OTA, GDS, EDM.*

Keywords*: PMS, IRM, CRS, Voice center, ADS, OTA, GDS, EDM.*

Hozirgi kunda dunyo bo‘yicha turistlar soni 2016-yil yakunlari bo‘yicha 1,2 mlrddan oshgan, ba’zi-bir davlatlarda unda yashayotgan aholi sonidan ham oshib ketgan, masalan Fransiyada 89 mln. Ta turist mehmon bo‘lib tashrif buyurgan. Bunday katta hajmdagi ishlarni boshqarish uchun kompyuterlarning o‘rni benohoyat kattadir. Shu bois, ushbu sohada global bronlash tizimlari tahlil qilinadi.

Internet bronlashtirish. Ko‘plab PMSlar (PMS -Property Management System bu mehmonxonani boshqaruv tizimi) Internet bronlashtirish moduliga (IRM) ega bo‘lib, bu mehmonlarga, turagentlar va ulgurjilarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri Internet tarmog‘idan mehmonxona web-sayti orqali bo‘sh joy mavjudligini tekshirish, oldindan buyurtma qilish imkonini beradi. Ko‘rsatilgan ma’lumotlar, bu bronlashda ham bevosita telefon orqali amalga oshirilgan bronlash kabi ma’lumotlar bazasiga saqlanadi (rasmga qarang) :



[37] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 430 бет.

Bronlash doirasida beriladigan imtiyozlar har xilligi bilan ajralib turadi. Masalan, sayyohlar mehmonxonaning web-sayti orqali xonani bron qilganlarida, xonani bahosi ko‘tarilib ketganda ham uchinchi kundan boshlab to‘lov amalga oshirilishi mumkin. Uchinchi kunda to‘lagan bo‘lsangiz mehmonxonalar 12 yoki undan ko‘p foiz bilan chegirma qiladi. Mehmonxonaning ko‘pgina xizmatlari bevosita veb-sayt orqali sotilishi kengaymoqda . Qo‘pol qilib aytganda internetda sayohatlarni bron qilish 57% ni tashkil etadi. 65 foizi esa smartfonlar bilan mehonxonaning veb sayti orqali bron qilishadi. Mehmonxona veb sayti marketing orqali tushgan mablag‘larni sarflaydi. Shunday bo‘lishiga qaramasdan onlayn band qilishni oshirish o‘z navbatida yaxshi ishlab chiqilgan va eng yangi ma’lumotlarni aks ettiruvchi veb-saytni yaratish talab etiladi. Masalan kichkina kurort korxonasi o‘zining onlayn band qilish daromadini veb saytini o‘zgartirish va takomillashtirish orqali bir yil ichida 300,000 AQSh dollaridan 2.3 million AQSh dollariga oshirgan. Bunda u internet marketinggiga katta urg‘u berib (www.hospitality.net) degan veb-saytni yaratdi.

Mehmonxona veb-sayti (masalan, room77.com va Tripkick.com) mehmonlarga xona haqida (xona raqami) uning virtual ko‘rinishi (masalan bolkonda turish qanday ko‘rinadi), qavatlarning interaktiv ko’rinish rejasi va interyerning foto suratini batafsil ko‘rish mumkin. Xona haqida to‘liq ma’lumotni berish orqali mehmonxona egalarini kishining shaxsiga teguvchi holat oldini oladi. Bu kelajakda mehmonxona egalarini xonalar soni va ularning joylashgan joyini mantiqan joylashtirishga hamda mehmonlar tomonidan noto‘g‘ri baho berish oldini oladi.

Markazlashgan bronlashlar. Markaziy band qilish tizimi joylashtirish vositalari zanjirida o‘ta muhim hisoblanadi va qimmatli qaror qabul qilish jarayonini belgilab beradi. Bu to‘g‘ridan-to‘g‘ri yetkazib beruvchi kanal sifatida foyda keltiradi. PMS band qilish tizimini Markaziy Band Qilish Tizimi (Centeral Reservation System) CRS interfeysi asosida mehmonxonalar zanjiriga havola etiladi yoki uchinchi shaxs tashqi boshqaruvi mustaqil taklif etish yoki band qilish xizmati (Independent Representation Or Reservation Service - IRS) asosida olib boriladi. Muloqot markazi band qilish agenti tomonidan telefon orqali band qilish amalga oshirilib u ham uchinchi shaxs tomonidan olib borilishi mumkin. 1960-yillarda markaziy band qilish tizimi katta mehmonxonalar zanjiri tomonidan taklif etilgan edi. 1980-yillarda PMS foydalanishda katta o‘zgarishlar yuz berdi. Ko‘pgina joylashtirish vositalar saytida ikki xil band qilish (turar joyni va markaziy band qilish) mavjud edi. Biroq ular bir-biri bilan muloqotda bo‘lishmas edi. Har ikkala tizimni oxirgi ma’lumot bilan ta’minlab turish uchun ishchi kuchi kerak edi. Turar joyni band qilish tizimi mehmonni ro‘yxatga olish va hisob-kitob ishlarini amalga oshirish natijasida band qilishlarni markaziy band qilish tizimi orqali tezda ma’lumotni yangilashda ehtiyoj tug‘ildi. Bugungi kunda turar joyni boshqarish tizimi CRS bilan birgalikda ishchi xodim tomonidan ma’lumot yangilanib boriladi.

1995-yilda Holiday Inn birinchi bo‘lib o’zining to‘la funktsional onlayn bronlash tizimini ishga soldi. Mehmonxona zanjirida xonani band qilgan mijoz boshqa saytda shunday xonani arzon narxda topgan bo‘lsa o‘sha narxda hisob-kitob qilish kafolatlandi (Masalan Marriott eng arzon narxdan 25 foiz chegirma berdi).

Veb saytlar tarmog‘i mehmonxonalar diqqatida doimiy bo‘lib bunday onlayn kanallar eng arzon bo‘lib, mijozlar uchun qulay imkoniyatlar paydo bo‘ladi.

2009-yil mart oyida Choice Hotels International eng yirik mehmonxonalar tarmog‘idan birinchi bo‘lib iPhone orqali bronlashni joriy qildi. iPhone ilovasida GPS

texnoligiyasi qo‘llanilgan edi, unda obyektda yaqin joyda yo’nalishni ko‘rsatadi va Choice ga mansub axborotlarni taqdim qiladi. Ilovani ishlab chiqarish harajatlari 40 kun ichida qoplanganligi ushbu kompaniya tomonidan e’tirof etilgan.

Global Distribution Systems (GDS). CRS yoki IRS bir nechta GDS bilan ulangan bo‘lishi mumkin va real vaqt ichida turagentliklar dunyo bo‘ylab nomerlarni bronlash imkoniga ega. AQSh da 19 % mehmonxona nomerlari GDS orqali sotiladi. Ammo ushbu ko‘rsatkich kelgusida pasayishi mumkin, chunki ko‘pgina mehmonxonalar veb-saytlar orqali sotuvni yo‘lga qo‘yishgan (masalan, Hilton International) . Travelport Worldspan kabi global taqsimlash tizimlari ilk bor aviakompaniyalar tomonidan qo‘llanila boshlandi, keyinchalik esa turagentliklar undan foydalana boshlashdilar. Aviakompaniyalarga bog‘liq bo‘lmagan xizmatlar ham GDS tizimida mavjud va mijozlarga turistik portallar orqali (masalan, Orbitz, Priceline.com, Travelocity) mehmonxonalar, avtomashina ijarasi, aviachipta va boshqa xizmatlar uchun xizmat qiladi.

CRS va IRS tizimlarini bevosita GDS ga ulash uchun taqsimlovchi svitch talab qilinadi yoki ikki tomonlama interfeys talab etiladi, qaysikim turagent va mijozlarni to‘g‘ridan to‘g‘ri mehmonxona markaziy tizimi bilan ulaydi. GDS yoki veb-saytdan buyurtma (stol kompyuteri yoki mobil qurilmadan) mehmonxonaga uzatilsa, unda “switch” ma’lumotni bevosita Markaziy bronlash tizimi ma’lumotlar bazasiga murojat qiladi. Bronlash tasdiqlansa, unda axborot talab qilingan manzilga jo‘natiladi (www.pegs.com). GDS va kommutatorlar har bir bronlashdan badal to‘lovi olinadi.

Mehmonxona zanjiri o‘zlarining CRS ni bevosita maqsadli bozorda eng ko‘p turagentlarga ega bo‘lgan GDS tizimi bilan olib borishadi.

Alternativ taqsimlangan tizimlar (ADS) yoki **Onlayn turagentlik** (OTA). Bular bilvosita onlayn taqsimlangan kanal bo‘lib, global turistik, shu o‘rinda kichik hududiy portallar orqali ulanadi. Ularning soni minglab bo‘lib, millionlab mijozlarga onlayn tarzda band qilish imkonini beradi.

Minglab nomerlarni million iste’molchilar bronlashni onlayn ko‘rsatish mumkin. Bularga quyidagi kompaniyalar kiradi, masalan Expedia.com, hotels.com, va TravelXow.com, ushbu saytlarda guruhli funksiyalarni/uchrashuvlarni rejalashtirish mumkin. GDS kanallari kabi ADS kanallari ham hozirgi kunda onlayn-kanallar bozoriga o‘z salmog‘ini boy bermoqda.

Elektron taqsimlashni boshqarish (EDM). Mehmondo‘stlik texnologiyalari sohasidagi taniqli ikki maslahatchi, John Burns va Jon Inge’larning ta’kidlashicha, hamma ham bir vaqtning o‘zida beshtadan to yettitagacha kanalni dastaki boshqarishi mumkin ekan. Inventarni xonalar bo‘yicha, belgilangan vaqtda va joyda to‘g‘ri taqsimlash juda murakkab hisoblanadi, chunki vaziyat har kunda, har soatda o‘zgarib turadi. Shu bois, bu avtomatlashtirishni taqozo etadi yoki elektron hujjat aylanmasini joriy qilishni talab qiladi. EDM yechim bir nuqtadan bevosita mehmonxonada barcha kanallar doirasida (PMS ↔ CRS ↔ GDS ↔ ADS ↔ mehmonxona / Web saytlar zanjiri) inventarni taqsimlash va nazorat qilisni ta’minlaydi. Bu esa PMS uchun onlayn rejimda avtomatik tarzda, joylashuvi va boshqa omillarni e’tiborga olgan holda, ajratilgan taqsimlash kanallari orqali stavkalarni kuzatish mumkin bo‘ladi. Masalan, EDM tizimida ”Rate-TrackIng Module” moduli bo‘lib, undastavkalarni kuzatish, ya’ni mehmonxonalar bevosita turistik portallar bo‘yicha tarqalib ketgan bo‘ladi va ularda har xil stavkalar kuzatilishi mumkin. Bunda raqobatchilar tomonidan o‘rnatilgan narxlash va

strategiya va taktika ham kuzatib boriladi. Ushu idrokiy axborotlar mehmonxona nomerlarini bandligini va daromadni oshiradi.

Shunday qilib, mehmonxona va shu bilan bog‘liq bo‘lgan jarayonlarda bronlash tizimlarini joriy qilish yuqori natijalarga olib keladi, shu bilan barcha O‘zbekistonda mavjud mehmonxonalarni bronlash tizimini ishlab chiqish va joriy etish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

САВДО ХИЗМАТИ СИФАТИНИ КЎТАРИШДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ − МУҲИМ ОМИЛ

Э.Шавқиев - СамИСИ доценти, и.ф.н.
У.Нормуродов - СамИСИ катта ўқитувчиси
З.К.Рахимов - СамИСИ магистранти

Аннотация: *Мақолада истеъмолчилар талабини ўрганишнинг зарурияти ва уни амалга ошириш йўллари ёритилган ҳамда савдо хизмати сифати тушунчасининг мазмуни очиб берилган. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларнинг сотилишини таъминлашда реклама воситаларидан фойдаланишнинг роли баён этилган.*

Калит сўзлар: *бозор, савдо, савдо корхонаси, дўкон, товар, харидор, истеъмолчи, сифат, мижоз, хизмат.*

Аннотация: *В данной статье освещены вопросы о необходимости изучения спроса потребителей на товары и пути их претворения. Раскрыты содержания таких понятий, как качество товарных услуг. Рассмотрены вопросы рекламного обеспечения для реализации произведённого национального продукта.*

Ключевые слова: *Рынок, торговля, торговая организация, товар, клиент, потребитель, качество, сервис.*

Annotation: *This article explores the demand of customers and indicates their research methods. Here the content of such concept as the quality of trade services is disclosed. In addition, this article discusses the use of advertising support for the national products.*

Key words: *Market, trade, trade organization, goods, customer, quality, service.*

Мамлакатимизда замонавий бозор муносабатларининг ривожланиши давомида, савдо энг барқарор тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Унинг ўсиш суръатлари 2014 йили 14,3 фоизни[38] ташкил этган бўлса, 2016 йилда у 14,4 фоизга[39] тенг бўлди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши натижасида, савдо тармоғи ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди. Тармоқда жорий этилган ва этилаётган янгиликлар савдо маданиятини тубдан ўзгартириб юборди: хизматларнинг янги шакллари жорий этилмоқда, товарлар ассортименти миқдори ва харидорларга хизмат кўрсатиш даражаси европа стандартлари ва технологияларига яқинлаштирилмоқда. Айтиш мумкинки, бу давр оралиғида республикада, яхши маънода, “савдо инқилоби” рўй берди.

[38] Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

[39] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик − ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

Маълумки, савдо корхоналарининг асосий вазифаси − истеъмолчиларни, уларнинг талаб-эҳтиёжига мос келадиган сифатли товарлар билан таъминлаш билан бир қаторда уларга юқори даражадаги сифатли хизматларни кўрсатишдир.

Сифат − у ёки бу нарса ёки жараёнларга нисбатан қўйиладиган талаб. У мураккаб, кўп қиррали ва универсал категория ҳисобланади. Қўлланилиши нуқтаи назаридан, у фалсафий, ижтимоий, техник, иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунга эга.

Иқтисодий нуқтаи назардан, сифат − объект (товар)нинг истеъмол қийматини тавсифлайди. Истеъмол қийматга эга бўлмаган товар ўз харидорини топа олмайди. Товарларнинг истеъмол қиймати, уларнинг нафлилигини билдиради, истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондира олишини ифода этади. "Товарлар қанча кўп бўлса, улардан энг нафлилигини танлаб олиш мумкин. Танлов юз берганда харидор ўз пулига қараб товарларнинг энг яхшисини харид этади, демак, шуларга талаб билдиради. Талаб юзага келиши учун товарнинг нархи унинг нафлилигини акс эттириши керак, шу сабабли сифатсиз, лекин нархи баланд товарларга талаб билдирилмайди"[40].

Савдо хизмати сифатини кўтаришда истеъмолчилар талабини ўрганиш ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар савдо корхоналари билан ҳамкорлик қилишлари муҳимдир. У ёки бу товарни ишлаб чиқариш савдо корхоналари буюртмаси (икки томонлама тузилган шартнома) асосида йўлга қўйилса, бу муаммо ҳал этилиши мумкин.

Бунинг учун савдо корхоналари, ўзлари хизмат кўрсатаётган ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг сони, жинси, ёши, касби, ирқи, даромади ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналарга бир неча йилларга мулжалланган буюртмаларини тақдим этишлари зарур бўлади.

Бугунги кунда истеъмол бозорларида турли-туман товарлар мавжуд. Аммо, уларнинг барчаси ҳам истеъмолчилар талабини қондира олади, деб бўлмайди. Ҳар бир истеъмолчининг ўзига ҳос диди, товар сифатига нисбатан талаби мавжуд. Айнан шу сабабларга кўра айрим товарларнинг сотилмай қолиш ҳолатлари кузатилади. Истеъмол муддати тугаган товарлар умуман сотилмай қолади. Шунингдек, ўз вақтида сотилмай қолган мавсумий товарлар ўрнига, кейинги мавсумда янги товарларнинг пайдо бўлиши, олдинги мавсумда сотилмай қолган товарнинг маънавий эскиришига ҳам олиб келади. Бундай ҳолатлар, табиийки, савдо корхонаси манфаатига ҳам, жамият манфаатига ҳам зиддир.

Ҳозирги пайтда ҳар бир истеъмолчига ҳос ва маъқул бўладиган товарларни ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Аҳоли турмуш даражасининг ошиши истеъмол товарларига бўлган талабнинг индивидуаллашиб боришига олиб келмоқда.

Истеъмолчилар диди ва уларнинг талабини сифатли қондириш савдо жараёнининг сифат кўрсаткичини оширишга ўз таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларнинг сотилиши таъминлаш мақсадида, реклама воситаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

[40] Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014, 108 бет..

Бугунги кунда интернет тармоқлари орқали товарларни уйдан туриб харид қилиш имконияти мавжуд. Аммо, айрим истеъмолчиларнинг интернет тармоғига сифатли тезликда улана олмаслик ҳолатлари, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг интернет тармоғига уланиш имкониятининг йўқлиги, бу шаклдаги савдонинг кенг оммалашишида тўсиқ бўлмоқда. Бундан ташқари, товарларни манзилларга етказиб бериш хизматлари ҳам яхши ривожланмаганлиги туфайли, айрим товарларнинг сотилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисига сифатли ва арзон нархларда (импорт товарларнинг ўрнини босувчи) товарларни ишлаб чиқариш ва бу товарларни истеъмолчиларга реклама воситалари: плакат, телевидение каналлари, интернет тармоқларининг замонавий “Анимация”, “Видео” тасвирлари ва бошқалар орқали таништиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Сифатли ва арзон миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши импорт товарларини харид қилишга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиздан валютанинг чиқиб кетишини тежаш имконини беради ҳамда миллий маҳсулот экспорти ҳажмини оширишга шароит яратади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугунги замон талабларидан келиб чиқиб товарларни ишлаб чиқаришдан олдин ҳар бир тадбиркор олдиндан нима ишлаб чиқаришни яхши ўйлаб кўрган ва унинг товарига келажакда бўладиган талаб даражасини ҳис этган ҳолда уни ишлаб чиқариши зарур.

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг қайси товарларга кўпроқ эҳтиёжнинг мавжудлигини ўрганиш зарурият бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилишда ҳар бир тадбиркор керакли ахборотларга эга бўлиши зарур. Бунинг учун ахборот манбаларини шакллантирувчи мутасадди ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги бошқармалари ва бўлинмалари фаол бўлишлари керак. Шунингдек, бизнинг фикримизча, бозор коньюктурасини ўрганадиган ва унинг натижаларини манфаатдор субъектларга (тижорат асосида) тақдим этадиган махсус тузилмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганмаслик ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда савдо корхоналари ўртасидаги вужудга келадиган олди-сотди жараёнига ва уларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда савдо хизмати сифатини оширишдаги муаммолардан бири − ҳудудларда етарли даражада банкоматларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бу, айниқса, деҳқон бозорларида савдо қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, деҳқон бозорларида аҳолининг биринчи истеъмол талаби маҳсулотлари сотилади, аммо нақд пул етишмаслиги ва пластик карточкалари орқали бозор расталарида ўтирган тадбиркорлар билан савдо қилиш имкони мавжуд эмаслиги аҳоли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида фаолият юритиб келаётган “Корзинка”, “Germes (Farovon)”, “Sunday” каби супермаркетларда савдо учун барча қулайликлар мавжуд. Уларда товарларни интернет тармоғи орқали харид қилиш, харид қилинган товарларни истеъмолчининг манзилига етказиб бериш, пластик карточкалари ёрдамида тўловларни амалга ошириш каби шароитлар яратилган. Шунингдек, жами харид қилинган товарлар суммасидан супермаркетнинг махсус карточкасига белгиланган миқдордаги фоизларда бонус тариқасида келиб тушадиган пулларнинг

йиғилиши, супермаркет ходимлари томонидан истеъмолчилар учун турли хилдаги хизмат (тўй, туғилган кун, болалар байрамларини ташкил этиш, янги йил байрамларини ташкил этиш ва бошқа)ларни ташкил этиш хизмати йўлга қўйилган.

“ ... хизмат ва савдо маданиятини ошириш − энг долзарб масаладир. Бунда айниқса ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, замонавий гипермаркетлар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Насиб этса, катта шаҳарларимизда пайдо бўлаётган гипермаркетлар, улардаги шарт-шароит ва маданият даражаси туманларимизга ҳам албатта кириб боради”[41].

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЙ В ТУРИСТИЧЕСКОЙ СФЕРЕ

Цой М.П. – к.э.н.,доцент**,**
Умарова З.О. – ст.преп. – Джизакский политехнический институт

В данной статье рассматриваются особенности туристической деятельности в направлении использования интернет- технологий.

Ushbu maqola Internet texnologiyalaridan foydalanish yo’nalishi bo’yocha turistik faoliyat xususiyatlarini ta’riflanadi

This article discusses features of tourism activity in the direction of using internet technologies.

Важнейшим резервом и фактором устойчивого роста экономики любого государства является сфера услуг. Как показывает мировой опыт, именно эта сфера сегодня занимает доминирующее положение в формировании ВВП, обеспечении занятости населения, роста благосостояния людей.

По итогам 2016 года в Узбекистане объемы оказанных рыночных услуг возросли на 15.7 процента, а их доля в структуре ВВП увеличилась с 53 до 54 процентов. В этой сфере в настоящее время трудится свыше 50 процентов занятых в экономике.[1]

Кардинально меняется сама структура предоставляемых услуг. Все большую популярность среди населения получают современные высокотехнологичные виды услуг, такие, как услуги мобильной связи, высокоскоростного интернета, телевизионной кабельной связи, дистанционные банковские услуги и др.

В этих условиях возрастает необходимость ускоренного развития сферы услуг. Неотъемлемой частью сферы услуг является туризм. Туризм является отраслью, составные компоненты которой определяются в момент потребления услуг или товаров. Потребитель может выбирать из целого пакета услуг, которые производятся большим количеством поставщиков, приемлемый для него вариант. Поставщики туристских услуг конкурируют друг с другом. При этом они должны в некоторой степени кооперироваться, когда потребитель нуждается в дополнительных услугах или пакете услуг. Поэтому новые туристские структуры генерируются между конкуренцией и кооперацией поставщиков.

Основная сфера изменений и инноваций в туризме имеет отношение к использованию информационных и коммуникационных технологий. Информационно-коммуникационные технологии – это не просто инструмент

[41] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 430 бет.

повышения конкурентоспособности. Это ступень к новому качеству экономики. Информационные и коммуникационные технологии придают иную ценность туристским продуктам и поддерживают развитие цепочек и кластеров. Информационными и коммуникационными технологиями покрывается все значимое для туризма пространство и осуществляется активный контроль за наличием таких услуг.

Среди перечисленных услуг необходимо отметить стабильный рост спроса на услуги по международным денежным переводам. Наибольшую популярность системы движения денежных переводов получили у частных лиц, при необходимости перевести или получить деньги, студентов, а также туристов. Для них зачастую это наиболее удобный способ получения наличных средств.

Широкое использование новейших информационных и коммуникационных технологий облегчает установление прямых связей между производителями и потребителями. Потребители во все возрастающем объеме используют информационные и коммуникационные технологии для подготовки своих путешествий, при поиске специализированных и легко доступных продуктов, напрямую общаясь с производителями услуг. Для туристской отрасли это дает возможность сокращения операционных издержек, что неизбежно приводит к процессу сокращения традиционного посредничества и способствует проведению реорганизации отрасли и инновациям.

Интернет, появившись относительно недавно, уже прочно вошел в жизнь современного человека, принимая участие во всех индустриях ее деятельности. Не остался в стороне и туризм, который в Интернете нашел новые возможности для своего развития, причем весьма перспективного.

Интернет влияет на маркетинг туризма больше, чем любая другая технология со времен изобретения телевидения. Он стал важным методом продвижения туристического продукта. К основным направлениям применения Интернета в сфере туризма можно отнести:

использование Интернет (механизмов в продвижении туристического пакета и отдельных туристических продуктов (например, продвижение сайта компании, проведение адресных расписок, работа туристических электронных бирж и др.), развитие электронных систем бронирования, позволяющие в режиме реального времени бронировать определенное количество туров или отдельных туристических продуктов как турагентами, так и обычными пользователями - потенциальными туристами.[2]

Глобальные системы распределения или бронирования, которые были изначально «аристократической забавой», которая требует отдельного подключения, уже несколько лет активно осваивают Интернет, что делает их доступными для любого пользователя.

Чтобы иметь собственную систему бронирования, оператор может пойти одним из двух путей: либо создать ее самостоятельно благодаря штатным программистам, или купить (взять в аренду) существующую и работающую систему бронирования в одной из фирм, занимающихся разработкой программного обеспечения.

Компании, занимающиеся бронированием посредством глобальной сети, развиваются в одинаковых направлениях — и это вполне логично. Во-первых,

развитие идет по линии облегчения доступа на данном этапе происходит в основном через активное освоение Интернета. Во-вторых, постоянно совершенствуются сами системы бронирования, заключается в упрощении их использования и введении новых функций в пользу клиентов.

В последних разработках много внимания уделяется тому, чтобы помочь агенту выбрать выгодный для его клиента маршрут.

Существующие системы Интернет — бронирования туров или туристических продуктов можно условно разделить на две категории: требующие непосредственного контакта с туроператором, которому данная система бронирования принадлежит, и не требуют такого.

К первой категории можно отнести электронные системы бронирования, предоставляют своему пользователю максимум необходимой для выбора поездки информации. Это могут быть: данные о предлагаемых маршрутах; информация о сроках планируемых туров; информация о гостиничной базе туров с описанием отелей (непосредственно в системе бронирования или через ссылку на сайты самих отелей); информация о маршруте и продукты, предоставляемые в туре (экскурсии, питание, график движения по маршруту); информация о стоимости туристических пакетов, с указанием размеров льгот и скидок (в зависимости от сроков тура, лица отъезжающих, условий поездки и проч.); информация о наличии мест на будущие заезды.

Таким образом, Интернет — системы бронирования, которые требуют непосредственного контакта с туроператором, предназначенные для донесения до пользователя максимума необходимой для выбора тура информации. После того, как пользователь определяется с будущим туром (т.е. выбирает направление, маршрут, сроки, условия и др.)., Основываясь на собственных потребностях и финансовых возможностях, при наличии мест на данный заезд, он отправляет заявку на имя туроператора (в электронном или факсимильном виде) с указанием собственных личных данных и контактных телефонов (электронного адреса). Работники туроператора, получивших данную заявку, в течение непродолжительного времени обязуются подтвердить заявленные условия (или предложить все возможные им альтернативы) и связаться с потенциальным туристом.

Разумеется, возможность работы с бронирование туров в режиме реального времени требует как от туроператора, так и от пользователя несения определенных обязательств и ответственности, которые указываются в договоре, подписание которого предшествует владению пользователя доступом к системе бронирования. Так, внедрение в туристическую индустрию электронных способов бронирования туров и отдельных туристских продуктов свидетельствует о значительном разграничения функций и полномочий турагента и туроператора.

Туроператор перестает быть вечным консультантом работников турагентств (не имеющих значительного опыта продажи того или иного направления), выдавая максимум необходимой для поездок информации в электронном виде, концентрируя свои усилия на продвижении собственных блоков мест с помощью Интернета.

ОРГАНИЗАЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ В СИСТЕМЕ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ

Хусаинова Л. Ю – СамИЭС , доцент
Саидов Н. Х – СамИЭС магистр 2 курса гр. МХС-115

Аннотация: *Нынешнее столетие ознаменовалось бурным развитием сферы обслуживания и одной из важных проблем становится обеспечение кадрами в эту сферу. Речь идет об обеспечении заинтересованности работников.*

Однако многие менеджеры игнорируют человеческий фактор, что является неправильным.

Annotation: *Our century is marked with tempestuous development of service sphere and the problem of stuff in this sphere is one of the important problems. All the markers must be interested in their word. But many managers ignore human factor and this is wrong.*

Аннотация: *Ҳозирги асрда белгиланган жадал ривожлантириш хизматлар соҳаси ва энг муҳим муаммо бу соҳада кадрлар билан таъминлаш ҳисобланди. Бу ерда ходимларнинг қизқишини таъминлаш ҳақида нутқ сўзланяпти.Аммо кўпинча раҳбарлар эътиборсизлиги туфайли инсон омили, экан у нотугри.*

Ключевые слова*: Человеческий, игнорировать, ценность, цель, рыночные отношения.*

Keywords: *Human, to ignore, values, aim, market relations.*

Калит сўзлар*: Инсонийлик, эътиборсизлик, қиймат, мақсад, бозор муносабатлари.*

С приобретением независимости, основной целью нашего государства стало построение справедливого правового государства со свободным демократическим обществом. В связи с этим проводятся реформы в области экономики, политике, в социальной сфере, в том числе и в сфере образования. Основной целью всех этих реформ является человек. Именно поэтому образование, воспитание нового поколения, подготовка высококвалифицированных кадров является одной из самых приоритетных задач государства.

В Узбекистане основой для решения данной программы является национальная модель подготовки кадров. Она включает следующие основные компоненты: личность, государство и общество, непрерывное образование, науку, производство.

Непрерывное образование — основа подготовки квалифицированных конкурентоспособных кадров, включающая в себя все виды образования, государственные образовательные стандарты, структуру и среду функционирования;

Основное звено народного образования составляет система непрерывного образования. - Непрерывное образование создает необходимые условия формирования творческой, социально активной, духовно богатой личности и опережающей подготовки высококвалифицированных конкурентоспособных кадров. Она включает следующие виды образования: дошкольное; общее среднее; среднее специальное, профессиональное; высшее; послевузовское и внешкольное образование; повышение квалификации и переподготовки кадров.

Конец XX века и начало нынешнего столетие ознаменовались бурным развитием сферы обслуживания. Столь значительный рост обусловлен не

высоким уровнем первоначальных капиталовложений, особенно в сферах связанных с оказанием услуг и производством потребительских товров.

Как правило туристический бизнес сфера сервиса представлен небольшими предприятиями, где работают не более 15-20 человек, однако именно они обеспечивают около 60 % прироста новых рабочих мест.

Одной из первоочередных проблем при создании туристический бизнес сферы сервиса становится кадровая политика. В связи с тем, что на протяжении многих лет подавляющее большинство предприятий были государственными, отсутствовала четко выработанная система использования и развития человеческих ресурсов.

В настоящее время при многообразии форм собственности и строящихся рыночных отношениях, возникает конкуренция при которой не обойтись без продуманной системы стратегии управления человеческими ресурсами.

Любое предприятие независимо от его размеров требует правильного управления.

Управление предприятием подразумевает действия его руководителей направление той или иной поставленной цели.

Туристический менеджмент сервис как система управления предприятием действующим в условиях рыночной экономики предполагает создание условий, необходимых для их эффективного функционирования, развития производственно - хозяйственной деятельности.

Речь идет о такой системе управления, которая порождена объективной необходимостью и закономерностями рыночных отношений хозяйствования, связанными с ориентацией фирмы на спрос и потребности рынка, на запросы индивидуальных потребителей; обеспечением заинтересованности работников в наивысших конечных результатах; широким использованием научно-технических достижений; регулированием межфирменных отношений.

Однако многие предприниматели недооценивают или вообще игнорируют человеческий фактор, и как следствие испытывают трудности в развитии бизнеса, сами того не понимая, от чего это происходит. Опыт зарубежных фирм показывает, что успех сопутствует тем компаниям, которые ориентируются наперспективу инновационного управления трудом, что означает поворот к сервису и услуг формированию новых моральных,*ценностей,* разделяемых всем персоналом фирмы.

Туристический менеджмент сервиса и услуг прежде всего означает сферу деятельности, связанную с организацией работы людей в организациях различного рода. Следовательно, особое место в их работе кампаний занимает управление персоналом.

Управление персоналом является одним из трех блоков составляющих экономический механизм. Он направлен на решение конкретных проблем взаимодействия в реализации социально-экономических задач, возникающих в процессе хозяйственной деятельности.

Международная научно - практическая конференция – 2006

Экономический механизм сервиса и услуг объективно обусловлен осуществлением хозяйственной деятельности фирмы в рыночных условиях, когда результаты управленческой и хозяйственной деятельности получают оценку на рынке в процессе обмена.

Вот тут и начинает проявляться необходимость слаженной структуры управления человеческими ресурсами.

Чтобы нанять соответствующих работников, руководство обязано в деталях знать какие задачи им предстоит решать в процессе трудовой деятельности. Эти сведения обеспечивают анализ содержания работы, служащий надежным основанием для принятия необходимых решений.

Исходя из вышеизложенного задачами управления персоналом являются:

Политика и стратегия развития управления персоналом

Методы набора и отбора кадров

Организация системы селекции, продвижения кадров, обучение персонала.

Оценка мотивации труда

Управление конфликтами

Делегирование полномочий

Выработка политики и стратегии управления персоналом является важным моментом успешного менеджмента. Здесь важно знать вопросы планирования трудовых ресурсов. Планирование трудовых ресурсов по существу представляет собой применение процедур планирования для комплектации штатов и персонала. Этот процесс включает в себя: оценку наличных ресурсов, оценку будущих потребностей, разработку программ удовлетворения будущих потребностей. Очень часто в сфере малого бизнеса данная задача практически не решается в системе управления. У руководителей фирм нет четкой картины по стратегии развития кадрового потенциала, планирования штатов.

Набор имеет целью создание резерва кандидатов на все должности, из которого менеджер отбирает наиболее подходящих для нее работников, причем используются как внешние так и внутренние источники.

На этапе отбора кадров руководство выбирает наиболее подходящих кандидатов из созданного резерва. Учитывается образование кандидата, уровень его профессиональных навыков, опыт предшествующей работы, личные качества. Используются испытания, тесты, собеседования.

Для каждого менеджера особое место в его деятельности занимает набор работников. Успех набора гарантирует предприятию возможность удовлетворения своих потребностей в людских ресурсах. Сотрудники кадровой службы занимаются поиском подходящих кандидатов среди работников самой компании; наводят справки у служащих или коллег в своей отрасли; помещают рекламные объявления в газетах или действуют посредством государственных или частных агентств по подбору персонала; занимаются поиском среди студентов, а порой и занимаются «охотой за головами», переманивая лучших специалистов из конкурирующих организаций.

Внутренний поиск часто наталкивается на сопротивление со стороны руководителей подразделений, стремящихся «скрыть» лучших сотрудников и сохранить их для себя. Кроме того, при поиске кандидатов внутри организации

возможности выбора ограничены числом ее сотрудников, среди которых может не быть необходимых специалистов.

Недостатки подбора при помощи сотрудников связаны с «не формальностью» - рядовые сотрудники не являются профессионалами в области подбора кандидатов, не всегда владеют достаточной информацией о рабочем месте, вознаграждении и т.д, часто не объективны в отношении потенциала близких им людей.

Таким образом, управление персоналом является важной составляющей эффективного управления в сфере услуг.

МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА СТАНДАРТЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ - МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Доцент, О.Б. Бўранов, СамДАҚИ
И.ф.н., Р.М. Мусурмонов, СамДАҚИ
К.ўқит.Ф.М. Рахманова, СамДАҚИ

Аннотация: *Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифати, уларни стандартлаш ва сертификациялаш масалаларининг хорижий тажрибалари, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва ечимлар ушбу мақолада батафсил ёритилган. Шунингдек, халқаро стандартлар (ISO) ва давлатлараро стандартлар (ГОСТ), OHSAS ташкилотларининг фаолияти ва корхоналарда сифат менежменти тизимини жорий қилиш механизмини ишлаб чиқиш лозимлиги таклиф этилган.*

Калит сўзлар: маҳсулот сифати, стандартлаш сертификациялаш, халқаро стандартлар, ISO, ГОСТ, OHSAS, сифат менжменти, персонал, раҳбар, стратегия ва режалаштириш, инновация ва билим.

Аннотация: В этой статье глубоко раскрыто качество продукции, зарубежный опыт стандартизации и сертификации, в том числе изучены проблемы и решении этих задач. А также, освешено деятельность организации, как (ISO), ГОСТ (межгосударственные стандарты) и OHSAS , предложено разработать и внедрить механизма системы про качестве менжмента.

Ключеые слова: качество продукции, стандартизация и сертификация,международные стандарты,ISO, ГОСТ, OHSAS, качество менежмента, пресонал, руководитель, стратегия и планирование, инновация и знание.

Annotation.Quality of products, foreign experience of standardizationand certificati on, is deeply exposed in this article, problemsare including studied and decision of these t asks. And also,освешено activity of organization, as(ISO), ГОСТ(intergovernmental stan dards) and OHSAS, it is suggestedto work out and inculcate mechanism of the system ab outquality of menejment.

Keywords: quality of products, standardization and certification, international standards, ISO, ГОСТ, OHSAS, quality of menejment personnel,leader, strategy and planning, innovation and knowledge.

Ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини ривожлантириш мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши, халқаро стандартлар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб бериши заруриятини илгари сурмоқда.

Маълумки, сифатли товар деганда, унинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги, яроқлилик хусусиятлари, ташқи кўринишни стандартларга жавоб бериши ва такомиллаштирилганлик даражаси, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиясининг замоновийлиги каби хусусиятларни ўзида мужассам этган товар тушунилади. Сифатни бошқариш ўзида бошқарувнинг меъёрий услубларини акс эттирувчи стандартларга асосланади.

Стандарт – маҳсулот сифатига қўйиладиган асосий талабларни ўзида акс эттирувчи техник меъёрий хужжатдир. Стандартлар маҳсулотларнинг барча хаётийлик босқичларида унинг сифатини оширишни режалаштириш тартиби ва услубларини белгилайди, сифатни назорат қилиш ва баҳолаш услублари ва воситаларга талабни белгилайди.

Сертификатлаштириш деганда эса – керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муаян стандартга ёки техникавий хужжатга мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият тушунилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, сўнгги вақтларда республикамизда ички ва ташқи бозорга чиқарилаётган маҳсулотларни сертификациялаш ҳамда уларнинг сифати стандартлар талабига жавоб берадиган бўлишига катта эътибор берилмоқда..

Ҳозирги вақтда республикада қўлланилаётган стандартларнинг умумий ҳажмидан 65,7 фоизи халқаро стандартлар (ISO) ва давлатлараро стандартлар (ГОСТ) ташкил қилади. ISO-(ИСО) халқаро сифат ташкилоти бўлиб, у томонидан ишлаб чиқилган стандартлар унга аъзо бўлган давлатларга сотилади. ИСО нинг сифат таъминоти хусусидаги асосий стандартлари бир нечта бўлиб, уларнинг ҳар бирининг йўналиш жараёнлари аниқ белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу стандартларнинг барчаси ҳам республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда хизматларни халқаро даражада тан олишга асос яратиб бера олмайди. Чунки стандартлар талаблари дунёнинг етакчи мамлакатларида давлат ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатлари марказида турибди. Чунки маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ва юқори сифатлилигини таъминлаш билан бирга халқаро бозорнинг кўпгина соҳаларида муҳим ўринларни эгаллашга ёрдам беради. Давлат стандартлари жаҳон бозорига чиқувчи давлатлар учун халқаро стандартларга мос ҳолда белгиланади.

Маҳаллий меъёрий ҳужжатларни халқаро, ҳудудий, бошқа давлатларнинг миллий меъёрий ҳужжатлари билан уйғунлаштиришнинг мақбул шакли уларни миллий стандартлар сифатида қўллаш бўлиб ҳисобланади. Халқаро стандартларни қўллаш халқаро бозорларга чиқишнинг муҳим йўлларидан бири бўлиб, хар бир хўжалик субъектлари ва шунингдек мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади.

Маълумки Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан, корхоналарни экспорт солоҳиятини оширишга қаратилган халқаро стандартлар талабига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича, 2004 йил 22 июлда ҳамда 349-сонли, 2006 йил 29 августда 186-сонли ва 2009 йил 19 июнда 173-сонли қарорларни қобул қилган.

Юқорида келтирилган қарорларда ISO (сифат тизимлари) халқаро стандарти талабига мувофиқ сифат менежменти тизимини республика корхоналарида ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ҳамда улар маҳсулотларини сертификациялаш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда республикада ISO ва OHSAS халқаро стандарти талабларига мувофиқ бирлашган менежмент тизимларини жорий қилган корхоналар ҳам мавжуд. Шу йўналишда соҳада ISO халқаро стандарти ва унинг талаблари билан уйғунлашган стандартлар асосида сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳалар учун долзарб масалалардан биридир.

Бу масалаларга хорижий давлатларда, айниқса ривожланган давлатларда катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, Германия, Япония, Австралия, Франция, Швецария каби ривожланган мамлакатлар компаниялари томонидан ИСО ва Ох:САС каби стандартларнинг барча турлари қўлланилади.

Австралияда муффақиятга эришишнинг махсус модели ишлаб чиқилган. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Персонал;
2. Раҳбар;
3. Муваффақият
4. Стратегия ва режалаштириш;
5. Инновация ва билим.

Ушбу модел КСО ёки ИСО стандарти орқали амалга оширилади. Шунингдек, Австралияда ИСО стандартидан ҳам унумли фойдаланилади. Бу қуйидаги схема бўйича амалга оширилади.

Жараён ⟶ ИСО ;

Менежмент тизими ⟶ Менежер

Жараён ⟶ Менежер

Жараён ⟶ Информация

Бунинг мазмуни шуки, ИСО стандартини амалга оширишда менежер ва информациянинг ўрни беқиёсдир. Лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, йиғиш ва етказишда информация асосий восита бўлса, уни амалга оширишда менежер катта рол ўйнайди.

Германия ва АҚШда сифатни техник жиҳатдан тартибга солишда, ҳукумат идоралари меъёрий ҳужжатларига изоҳ беришда стандартлардан фойдаланилади.

АҚШда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимида “Техник меъёрлаштириш” тушунчаси қабул қилинган. Стандартларда маҳсулотлар ва хизматларни ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини сақлаб туришда техник меъёрлаш тизими асосий рол ўйнайди.

Қурилиш маҳсулоти сифатининг турлилиги туфайли стандартларда сифатнинг битта даражасини кўрсатиш билангина чекланиб бўлмайди

Аввалари корхоналар эътиборни кўпроқ маҳсулотни сертификатлашга қаратганлар. Бозорларда маҳсулотни муаммасиз сотиш учун уни сертификациялаш кифоя бўлган. Ҳозирги кунда қўйилаётган талаблар учун бунинг ўзи кифоя эмас. Боз устига маҳсулотга бўлган сифат талаби ошиб бормоқда. Айни пайтда талабгор маҳсулот ишлаб чиқарувчидан унинг талабига жавоб берадиган сифатга эга маҳсулотни олишни истайди. Шу сабабли сифат менежменти тизим учун ҳам сертификат талаб қилинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, корхоналарнинг ўз сифат менежменти тизимини ишлаб чиқариш, жорий этиш ва сертификатлаш учун муайян вақт ҳамда катта маблағ сарфлаши бежиз эмас. Чунки бу билан корхона савдо хажмини оширишдан ташқари сарф-харажатларини ҳам сезиларли равишда камайтиради. Эҳтиёт чора-

тадбирлар учун харажатларни тақсимлаш ҳисобидан камчиликларни аниқлаш ва тузатиш учун сарфланадиган харажат улуши, камчиликлар ҳамда номувофиқлик сабабли юзага келадиган ташқи ва ички йўқотишлар камайиши исботланган. Бунинг натижасида умумий сарфланадиган маблағ камаяди ва қўшимча даромад олиш имкони пайдо бўлади.

Халқаро стандартлар бўйича сифат менежменти тизимини ташкил этиш, жорий этиш ва сертификатлаш халқаро шартномалар тузишда муҳим аҳамиятга эга. У корхоналарнинг тендерлар, танловлар ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиши учун йўл очиб беради. Натижада бу корхоналар учун шартнома тузиш имконини бериши ва реклама сифатида хизмат қилиши мумкин. Сифат менежменти тизими йирик давлат буюртмалари, имтиёзли кредитлар ва суғурта турларига эга бўлиш имкониятини оширади.

Шу билан биргаликда бу борада қатор масалаларни ҳал этиш талаб этилади, жумладан:

- корхона рахбари ва ходимларнинг корхона сифат менежменти жорий қилинишидан мақсад ва афзалликларини кенг тушунтириш;
- СМТ нинг жорий қилинишида рахбарият томонидан қўллаб-қувватлашнинг масалаларини ҳал этиш;
- рахбарнинг кундалик бандлиги ва СМТни жорий қилинишига эътиборсизликларнинг олдини олиш;
- корхоналарни юқори малакали менежерлар билан таъминлаш, сифатни бошқариш ҳужжатларини соддалаштириш;
- корхонада бошқарувнинг жараёнли модели ривожланиш даражасини аниқлашда ўз-ўзини баҳолаш механизмини шакллантириш кабилар.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш учун корхоналарда СМТ бўйича ўқишлар ўтказиш, СМТ хужжатлари талабларини тушунтириш ва самарали мотивация тизимларини киритиш керак бўлади.

Шу билан бирга, корхона бошқарув тизимига ўзгартишлар киритиш яъни барча даражадаги рахбарлар томонидан СМТни жорий қилиш босқичларининг натижалари ва уларни амалга оширилишига доимий эътибор бериш, маъмурий бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш ходимларни қўллаб-қувватлаш ва уларни қизиқтириш сифат тизими натижаларига мос бўлган мотивацияни амалда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидланганидек, маҳсулотнинг сифати унинг хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ. Шуни қайд қилиш лозимки, бозорларда олиб борилган тадқиқот натижаларига қараганда сотилаётган маҳсулотларининг 2/3 қисми стандарт талабларига жавоб бермайди, бундай ҳолат ўз навбатида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди. Аммо шунга эътибор бериш керакки, иқтисодиётни кўтаришнинг асосини айнан маҳсулот сифатини юқори бўлиши ташкил қилади. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган маҳсулотни стандартлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг сифат кўрсаткичи ва рақобатбардошлигининг паст бўлиши бир қатор омиллар билан боғлиқ: техника-технологиядаги орқада қолиш, соҳанинг вертикали бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги, шу жумладан стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан боғлиқ бўлган кадрларнинг ҳам етишмаслиги, марказда ва ҳудудларда маҳсулот сифатини оширишга қаратилган мақсадли дастурларнинг

йўқлиги ва ниҳоят кредит ресурсларининг етишмаслиги ва маҳсулот сифатини кўтаришни давлат томонидан етарлича қўллаб-қуватланмаслиги.

Шундай қилиб, халқаро ва ички стандартларни жорий қилиш маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Маҳсулот маҳсулот ишлаб чиқаришда технология билан боғлиқ бўлган стандартларни жорий қилиниши бир томондан маҳсулот ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни тартибга солиш ва назорат қилиш имкониятини берса, иккинчи томондан стандарт талабларига мос келадиган маҳсулот маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади, учинчидан эса стандарт сифатли маҳсулот юқори нархларда сотилиши орқали истеъмолчилар даромади ошади.

Шундай қилиб, халқаро ва ички стандартларни жорий қилиш маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришда технология билан боғлиқ бўлган стандартларни жорий қилиниши бир томондан ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни тартибга солиш ва назорат қилиш имкониятини берса, иккинчи томондан стандарт талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади, учинчидан эса стандарт сифатли маҳсулот юқори нархларда сотилиши орқали корхоналар даромади ошади.

Бу борада Япония тажрибасидан (сифат назоратини такомиллаштиришга асос бўлувчи тўгараклар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўгараклари, маҳсулот сифатини яхшилаш тўгараклари, сифатга бўлган харажатларни камайтириш тўгараклари ташкил қилиш, тўгараклар сони 50 мингданг кўпроқ) фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, республикада маҳсулотларини сертификациялаш ва стандартлаш бўйича қонунчилик ва меъёрий хужжатлар босқичма босқич такомиллаштирилиб борилаётган бўлса ҳам, стандартларни халқаро стандартларга (ISO) мослаштириш жуда секинлик билан бормоқда шунинг учун ишлаб чиқаришда ва маҳсулот сотишда бу самарадорлик, халқ хўжалиги самарадорлигини харакатга келтирувчи куч бўлиши керак.

БЕНЧМАРКИНГ – МИЛЛИЙ САНОАТИМИЗДА МАРКЕТИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мусаева Ш.А. – СамИСИ, доц
Файзиева И.И.- СамИСИ, асс

Аннотация: *Мазкур мақола саноат корхоналарида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларига бағишланган. Ҳусусан, бенчмаркинг мазмуни ва унинг технологиясига эътибор қаратилган.*

Аннотация: *Данная статья посвящена совершенствованию маркетинговой деятельности на промышленных предприятиях. В частности, обращено внимание на содержание и технологию бенчмаркинга.*

Abstract: *This article is devoted to improving marketing activities in industrial enterprises. In particular, attention is paid to the content and technology of benchmarking.*

Калит сўзлар: *маркетинг, бенчмаркинг, рақобатбардошлик, бенчмаркинг босқичлари.*

Ключевые слова: *маркетинг, бенчмаркинг, конкурентоспособность, этапы бенчмаркинга.*

Key words: *Marketing, benchmarking, competitiveness, stages of benchmarking.*

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишидаги мақсадлар миллий саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун эса маркетинг фаолиятини чуқур ўрганиш, жаҳондаги илғор тажрибалар билан яқиндан танишиш ҳамда маҳаллий шароитгга мослаштириш бўйича фаол ишларни олиб борилишини талаб қилади. Ушбу йўналишда маркетинг фанининг энг охирги ютуқларидан кенг фойдаланиш юқори самара беришини алохида таъкидлаш лозим. Айниқса, ташқи муҳитни мунтазам ўрганиш бўйича яратилган замонавий илмий усулларни қўллаш долзарб масалага айланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон бозори билан интеграциялашувининг янги босқичига кириб бормоқда. Муҳтарам Президентимиз ва ҳукумат томонидан хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида ички истеъмол бозоридаги кўплаб чекловлар олиб ташланмақда. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларимизни кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатишга ундаш демакдир. Табиийки, бу шароитда савол туғилади, Ўзбекистоннинг саноат корхоналари бундай янгиликларга қай даражада тайёр?

Бизнинг фикримизча, миллий ишлаб чиқарувчиларимиз, айниқса истеъмол бозорида ўз мавкеига эга бўлган йирик корхоналаримиз бу саволга жиддий қарашлари ва ички истеъмол бозордаги рақобат кучайишига зарур эътибор беришлари лозим. Бунга мисол қилиб Самарқанд шахридаги «Sino» ОАЖ, “Бофанда” МЧЖ, “СамАВТО” МЧЖ ва бошқа иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга корхоналарини келтириш мумкин. Ички ва ташқи бозорда кўплаб муваффақиятга эришган “Сам Антеп Гилам” корхонаси ҳам бугунги кунда рақобат билан тўқнашмоқда. Айниқса, маиший техника ҳамда мураккаб технологияга эга махсулотлар бозоридаги охирги йиллардаги рақобатнинг кучайиши корхоналар олдига маркетинг соҳасида кўплаб вазифаларни қўймоқда.

Бизнинг фикримизча, биринчи ўринда хорижий рақобатчиларнинг устунликларини ўрганиш зарур бўлади, чунки технологиялар жадал ривожланиши шароитида уларнинг бозордаги муваффақияти аввало олиб борилаётган маркетинг фаолияти билан боғлиқдир. Хақиқатдан ҳам, маркетинг фаолиятида “велосипед ихтиро қилиш” мақомидаги мураккаб ечимларни жорий этишдан олдин катта ютуқларга эришга компанияларнинг тажрибасини ўрганиш ҳам арзон, ҳам синалган усул ҳисобланади.

“Бенчмаркинг” номи билан кенг тарқалган ушбу йўналиш маркетинг назариясида ўз ўрнига эгадир. Хитой Халқ Республикаси ишлаб чиқарувчиларни мисол қилиб олсак, уларга нисбатан ҳамма нарсанинг нусхасини ишлаб чиқарувчилари деган тасаввур дунёда шаклланган. Аммо, ушбу тасаввурлар уларнинг махсулотларини барча давлатларда рақобатбардош бўлишига тўсқинлик қилгани йўқ. Бу мисол билан бизлар илғор тажрибалардан юз ўгирмаслик кераклигини уқтириб ўтмоқчимиз.

Маркетинг тадкикотларининг анъанавий моҳияти эндиликда асосий урғуни ташки омилларнинг энг муҳим элементлари – хамкорлар ва рақибларнинг энг самарали стратегиялари фирма фаолиятига канчалик таъсир килиш хамда ўзининг фалсафаси ва функцияси билан бойитилган. Япония, Америка ва Европанинг

ривожланган мамлакатларининг йирик корхоналарида ушбу функцияни ҳар томонлама асослаб қўлламоқдалар. Демак бенчмаркингни замонавий маркетинг тадкикотларининг янги функцияси сифатида ҳам кўришимиз мумкин. Умуман олганда ҳозирга бенчмаркинг кенг маънога эга бўлиб маркетинг фаолиятининг кўп қирраларини қамраб олади.

Бенчмаркинг - тадбиркорлик фаолиятининг узоқ муддатли стратегик истиқболини энг зўр хамкорлар ва рақобатчиларнинг соҳадаги, сохалараро, миллий хамда жахон миқёсидаги таджрибаларини тадқиқ этиш, улардан энг кучлисини топиб олиш ва стратегиясини ўзига жорий этиш жараени деб хам каралмокда. Яъни корхонанинг стратегик мақсадларига энг кучли рақобатчиларнинг устунликларини аниқлаш ва уларни жорий қилиш ҳам киритилмоқда. Шуниси эътиборлики, рақобатчиларни нафақат бевосита ўраб турган маркетинг муҳитида, балки бошқа соҳаларда ҳам ўрганилиши кўзда тутилади. Бундай холларда маркетинг тадқиқотлари мақсади бошқача таъриф этилади. Агар анъанавий маркетинг тадқиқотларди ташқи муҳит омиллари корхона стратегиясига мослаштириш мақсадида амалга оширилган бўлса, бенчмаркинг тадқиқотни стратегияни танлаш мақсадига бўйсундиради.

Тарихга юзланадиган бўлсак, “бенчмаркинг” атамаси биринчи маротаба АҚШдаги стратегик тадқиқотлар институтида фойдаланиди ва юқори фойда олиш учун энг ривожланган фирмалар тажрибасини қўллаш заруратини акс этирди. Кейинги тадқиқотлар энг зўр фирмани ушбу соха корхоналаридан эмас, балки бошқа сохадаги фирмалардан ҳам излашни тадқиқот мақсадларига киритди. Хақиқатдан ҳам инсоният ресурсларини олдин яратилган билимлардан фойдаланмай яна бир бор кашф этиш учун сарфлаш самарасизлигини барча олимлар тан олади.

Замонавий маркетингда бенчмаркинг салмоқли ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки, бенчмаркинг ўзида иккита асосий харакатларни мужассамлаштиради – бозорни тадқиқот қилиш ва рақобатбардошликни тахлил қилиш. Маркетинг тадқиқотларини рақобатбардошлик мақсадлари билан бирлаштирилиши ўзига хос иқтисодий-ижтимоий тизимни вужудга келтиради.

Тадқиқотлар замирига қуйидаги савол қўйилади. Ким биздан яхшироқ натижага эришмоқда ва унга қандай эришмоқда? Ниманинг ҳисобидан ўрганилаётган фирма юқори устунликка эга?

Шундай килиб, маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ҳозирги замонда кенг маънога эга бўлиб, сотиш бозорини тадқиқоти, фирманинг ички мухит тадқиқоти, маркетинг воситаларининг самарали тадқиқоти, ишлаб чиқариш кучлари (ишчи кучи, хом аше ва материаллар, пул бозори, капитал бозори) бозори тадқиқотлари, ташқи муҳит тадқиқотлари, бенчмаркинг асосидаги тадқиқот ва маркетинг разведкасини ўтказишдан иборат.

Ўзбекистон корхналари учун бенчмаркингнинг муҳим жихати шундаки, унинг улубий ёндашувлари ва воситалари маркетинг назариясида батафсил ўрганилган ва илмий асослаб берилганидир, яъни корхона мутахассислари мазкур ёндашуларни ўрганиши ва қўллаши кифоя.

Бенчмаркинг маркетинг тадқиқотлари услубияти сифатида бир неча босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич тадқиқот мақсадларини аниқлаштиришдан иборатдир. Бунинг асосий мазмуни шундан иборатки, корхонада ҳар бир бўғин, бўлим ва бўлинмаларда, хаттоки хар бир иш ўрнида рақобатчилардан камчилик томонлари ўрганилади. Корхонанинг алохида гурухларида заиф томонлар аниқланади. Масалан, нима учун Ўзбекистонниг маиший тезника бозорида хорижий махсулотлар салмоқли ўрингa эга? Бунга нима сабаб бўлмоқда? Улар қандай устунликка эга? Бизларнинг бундай устунликка эришишимизга нима халақит бермоқда? Демак биринчи ўринда устунлик тахлили олиб борилиши лозим. Бунинг натижасида қуйидаги мақсадлар келиб чиқиши мумкин: рақобатчиларга нисбатан бозордаги ўрнини яхшилиш, харажатларни камайтириш, самарадорликни ошириш, истеъмолчиларнинг қониқишини ошириш, заиф жойларни аниқлаш ва хоказо.

Иккинчи босқичда тадқиқот объекти танланиши лозим. Тадқиқот объекти нафақат турдош корхоналар, балки бу соҳага умуман тааллуқли бўлмаган корхоналардан танланга бўлиши мумкин. Фақат тадқиқот объекти қўйилган мақсад доирасида юқори устунликка эга бўлиши лозим. Корхонанинг бозордаги стратегик мақсадига қараб бу йирик автомобил заводи ҳам, мевани қайта ишлайдиган кичик фирма ҳам бўлиши мумкин.

Учинчи босқич бевосита ахборот тўплашга бағишланади. Бунда ахборот манбаларини аниқлаш, ахборот турини ва хажмини белгилаш, ахборот тўплаш усулларини танлаш ва амалга ошириш киради. Ушбу босқични ўз навбатда учта кисмга ажратиш мумкин, яъни дастлабки ахборотлар тахлили, ахборотларни тартибга солиш ва объектни танлаган холда ахборотни ажратиш. Дастлабки ахборотлар тахлили кўплаб ўхшаш объектлардан зарурларини танлашга имкон беради, яъни тадқиқот доирасини торайтиришга имкон беради. Ахборотларни тартибга солиш бир вақтнинг ўзида аниқ объектни танлаш ва зарур ахборотлар мажмуасини аниқлаштириш вазифаларига хизмат қилади. Ахборотларни ажратиш харакатлари ушбу масалага оид ахборотларни танлашни кўзда тутади.

Тўртинчи босқич ахборотларни тахлил қилишни тақозо қилади. Бунда учта асосий усуллардан фойдаланиш тавсия этилади: устунликларнинг ички тахлили, устунликларнинг ташқи тахлили ва устунликларнинг функционал тахлили.

Бешинчи босқич олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ этишга бағишланади, яъни маркетинг тадқиқотлари натижасида тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат. Олтинчи босқич назорат ва натижалар тахлили билан боғликдир, яъни олинган янги билимларни жорий этиш самарасини аниқлаш ва тузатишлар киритишдан иборат.

Юқорида келтирилган ҳаракатлар кетма-кетлиги бенчмаркингнинг расмий, яъни барча учун тавсия қилинадиган кўринишидир. Аммо бенчмаркингнинг муваффақият калити сифатида тан олиниши унинг кўринишида эмас балки мазмунидадир. Миллий ишлаб чиқарувчиларимиз маркетинг муаммоларига аввало ижодий ва жиддий ёнлашишлари лозим деб ҳисоблаймиз. Рақобатли бозорда орттирилган тажрибани қўллашдан чўчимаслик ва ундан юз ўгирмаслик, ҳар қандай бозор иштирокчиси ҳаракатларига ҳурмат ва диққат билан қараш, изланишлардан тўхтамаслик ва бозони доимо тадқиқ қилиб боришгина бенчмаркингнинг ижобий натижаларини кўрсатиши мумкин.

IV ШЎЪБА. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

ТУРИСТСКАЯ КЛАСТЕРНАЯ ПОЛИТИКА И МЕХАНИЗМ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ

Асланова Д.Х -СамИЭС, доц
Саттарова З.И - СамИЭС, ст.пред

Аннотация: *Статья посвящена вопросам кластерной политики в туризме. Туристские кластеры рассматриваются как глобальное явление современности. Показана актуальность туристской политики в развитии туризма. Рассмотрены основные принципы реализации кластерной политики.*

Аннотация: *Мақола туризмда кластер сиёсати саволларига бағишланган. Туристик кластерлар замонамизнинг глобал ҳолати тарзда кўриб чиқилади. Туристик сиёсатида кластерни кўллаш долзарблиги кўрсатилган. Республика ва худудлар иқтисодиётида кластер сиёсатининг асосий принципларикўрсатилган.*

Summary*: The article is aimed to analysis of the issues concerning the cluster-formation in the tourism sphere. The tourists' clusters are considered as a global phenomenon in the modern world. The actuality of the cluster approach for the development of the recreation - travelling sphere is shown. The main principles of formation and functioning of the tourists' clusters are examined.*

Keywords*: cluster**, politics, cluster approach, tourism*

Ключевые *слова: кластер, политика, кластерный механизм, туризм*

Калит сўзлар: *кластер, сиёсат, кластер механизми, туризм*

Под туристской кластерной политикой понимается совокупность методологических подходов и практических форм кластеризации туристской отрасли, разработанных и принятых государством в виде соответствующих решений, а также совокупность различных мероприятий во исполнение принятых решений по кластеризации. Соответственно, объектом туристской кластерной политики является процесс кластеризации (создания и развития туристских кластеров), а субъектами кластеризации - ее участники. Исходя из вышесказанного, региональная туристско-кластерная политика - это преломление разрабатываемой и реализуемой государством кластерной политики в привязке к туристской отрасли конкретных регионов.[42] Цель и задачи туристской кластерной политики региона должна учитываться в ходе разработки концепций его долгосрочного социально-экономического развития в целом.

Целью реализации кластерной политики является обеспечение высоких темпов экономического роста и диверсификации туристской отрасли за счет повышения конкурентоспособности туристских предприятий, гостиниц, предприятий общественного питания, специализированных производственных и сервисных услуг, научно-исследовательских и образовательных организаций, образующих территориально-туристские кластеры.

Кроме того, определение регионального туристского кластера, позволяет сделать вывод о том, что туристско-кластерная политика - это политика,

[42] Ферова, И.С. Кластерный подход: от концепции к промышленной политике региона: Монография. - Красноярск: Красноярский государственный ун-т, 2005. - 106 с.

"основанная на идее "выбора победителей", поскольку в центре ее внимания - стимулирование крепких или потенциально сильных сторон развития регионального туризма"[43].

В мировой практике можно выделить две основные модели, в рамках которых реализуется кластерная политика - "либеральную" и "дирижисткую" модель. Либеральная модель характерна для стран с либеральной экономической политикой и является продолжением либеральной экономической политики со слабым вмешательством государства и выращиванием уже сформировавшихся кластеров. Такая политика реализуется в США, Великобритании, Австралии и Канаде. В Дирижисткой модели кластерной политики основу функцию ее реализации выполняет государство. Она предполагает выбор отраслевых и территориальных приоритетов и кластеров, нуждающихся в поддержке государства, целенаправленное развитие инфраструктуры кластеров и определение объемов финансирования, мощных форм административного и налогового регулирования развития выбранных кластеров. Эту модель используют во Франции, Сингапуре, Японии, Финляндии, Швеции, Словении.

Исходя из поставленных целей развития предпринимательства, разно-уровневые органы управления могут играть различную роль в проведении кластерной политики. В настоящее время, наиболее эффективным организационно-внедренческим механизмом кластеризации в развивающихся странах признается механизм государственно- частного партнерства (ГЧП) - "юридически оформленные отношения органов власти и субъектов предпринимательства в отношении объектов, находящихся в юрисдикции государства, основанные на обязательном разделении рисков, учете интересов и координации усилий сторон, осуществляемые в целях наиболее эффективной реализации проектов, имеющих важное общественно- государственное значение"[44].

Формирование кластерной политики в Самаркандском регионе на основе государственно- частного партнерства может осуществляться в три этапа. Первый этап - инициирование. На данном этапе формируется команда (рабочая группа) инициаторов проекта развития кластера. Второй этап - диагностика. На данном этапе проводится анализ границ и структуры кластера, определяются его сильные и слабые стороны, потенциал развития и существующие барьеры, ключевые группы интересов. Третий этап - разработка стратегии развития и программа действий. На данном этапе для конкретного выявленного кластера, имеющего потенциал для развития заинтересованными участниками (бизнес-сообщество и органы власти) разрабатывается стратегия и программа, предусматривающая соответствующий комплекс мер по его развитию.

Таким образом, можно сделать вывод, что по своим целям, задачам и результатам, туристско-кластерная политика, реализуемая в Самаркандском регионе будет являться комплексом мероприятий, который должен способствовать решению главной задачи развития регионального туризма: повышение ее конкурентоспособности через повышение качества туристских продуктов и услуг,

[43] Куприянов, С.А. Кластер как форма организации экономики и современного развития промышленности (теория и методология): монография/ С.В. Куприянов, Е.А. Стрябкова. - Белгород: изд-во БГТУ, 2007. - 97 с.

[44] Слипенчук М.В. Формирование финансово-промышленных кластеров: региональный фактор глобализации. - М. Экономика, 2009. - 262 с Морозов Н.М., Конаков М.А. Агропромышленные кластеры малой формы //,стр 43-48

расширение туристских рынков, повышение инновационности, стимулирование предпринимательской инициативы, активизации взаимодействия между территориальными органами власти, предпринимательским и научным сообществом.

INNOVATSION IQTISODIYOTDA TURIZMNING O'RNI

Suyarov A. Sh – SamISI talabasi
Tuxliyev I. S – SamISI professori, i.f.d., ilmiy rahbar

Annotatsiya:*Maqola iqtisodiyotning rivojlanishidagi muhim omillardan biri – innovatsiyalarga bag'ishlangan bo'lib, aynan innovatsion qitisodiyotdagi turizmning o'rni haqida so'z boradi. Bundan tashqari, maqolada turizmni innovatsion rivojlantirish yuzasidan turlicha takliflar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *innovatsiya, iqtisodiyot, turizm, ekologiya, rekreatsiya.*

Аннотация:*Статья посвящена одному из наиболее важных факторов в развитии экономики - инновации, это является о роли туризма в инновационной экономике. Кроме того, о различных предложениях инновационное развитие туризма в статье.*

Ключевые слова: *инновации, экономика, туризм, экология, отдых.*

Annotation: *This article is dedicated to the main factor of economics which is innovation, on the point of the role of the tourism in innovation economics. Moreover, it is given several advices for developing tourism with innovations.*

Key words: *innovation, economics, tourism, ecology, recreation*.

Hozirgi kunda O'zbekiston iqtisodiy jihatdan har tomonlama o'sib bormoqda. Buni davriy iqtisodiy ko'rsatkichlarda ham ko'rishimiz mumkin. Mustaqillik yillarida yurtboshimiz tomonidan olib borilgan oqilona siyosat tufayli mamlakatimiz bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich va samarali tarzda o'tib bo'ldi. Aynan, iqtisodiyotning siyosatdan ustun qilib belgilanganligi mamlakatimiz iqtisodiy jihatdan mustaqil ekanligini kafolatlaydi. Bundan tashqari iqtisodiyotga *innovatsiya* tushunchasining kirib kelishi ham sohada yangi yo'nalish hisoblanadi. Hozirgi kunda jamiyat hayotida innovatsion sohaning jadal rivojlanishi, iqtisodiyotda intellektual mahsulot, axborot va ilmiy-texnik va innovatsion faoliyat ulushining o'sishi shunga olib keldiki, innovatsiyalar xuddi foydali qazilmalar, ishlab chiqarish quvvatlari va intellectual salohiyat kabi, mamlakatning boyligi hisoblana boshladi. Mamlakatimiz va uning har bir fuqarosi manfaatlari yo'lida innovatsion va ilmiy-texnik salohiyatdan

samarali foydalanishning mamlakatda kompleksli innovatsion siyosatni shakllantirish va uni amalga oshirish uchun qonunchilik asoslari yaratmasdan turib hech ham imkoni yo'q edi.

Bozor islohotlarining amalga oshirilishi, mamlakatning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvi, jahon iqtisodiy tizimining bilimlar va axborot rolining o'sishi tomon o'zgarishi, yangi texnologiyalar va kapital bozori o'rtasidagi aloqalar kuchayishi bilan mamlakatimiz iqtisodiyotining innovatsion rivojlanish yo'liga o'tishi dolzarb ahamiyat kasb etadi. Dunyoning yetakchi rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarida rivojlanish umumiy qonuniyatlari va tendensiyalarini bilish, shuningdek, boy tabiiy resurslar, ishlab chiqarish va ilmiy-texnik salohiyatga ega bo'lgan O'zbekistonning o'ziga xos sharoitlarini hisobga olgan holdagina O'zbekistonning innovatsion rivojlanish yo'liga

o’tish yo’llari va usullarini ishlab chiqish mumkin. Zamonaviy dunyoda intellektual mahsulotning tijoratlashuvi, fan va texnika rolining tubdan o’zgarishi sababli har bir davlat, shuningdek, alohida korxonalar darajasigacha bo’lgan quyi boshqaruv darajasidagi strukturalar bozor sharoitlarida ilmiy texnik va innovatsion faoliyatga resurslar ajratish, bu faoliyat natijalarini amalga oshirishga o’z munosabati xaqida tasavvurga ega bo’lishi, ya’ni mamlakat, mintaqa, tashkilot va alohida shaxsning belgilangan ijtimoiy iqtisodiy maqsadlariga samarali erishish imkonini beradigan o’z innovatsion siyosatini ishlab chiqishi lozim.

Turizm dunyo tamaddumining bosh gultoji bo`lib, hozirgi kunda sayohat insoniyat maqsadlarining asosini tashkil qilib kelmoqda. Ayniqsa, milliy turizmning rivojlantirish istiqbollari, O`zbekistonda turizm industriyasining jahon bozoridagi mavqeini oshirishga ko`maklashadi. Fikrimizning isboti sifatida bugungi kunda turizm sohasida katta yutuqlarga erishilayotganligi, tez sur’atlar bilan o`sib borayotganligi, yangidan – yangi mehmonxonalarning barpo etilayotganligi, ishchi o`rinlari sonining ko`payishi, malakali mutaxassislarning ortib borishi, turistlar oqimining yildan – yilga ko`payayotganligini ta’kidlab o`tishimiz joiz deb hisoblaymiz. Albatta, O`zbekistonning qulay iqlim sharoitlari va o`ziga xos landshaftini inobatga olganda sport va ekologik turizmning rivojlanishi uchun barcha asoslar mavjud. Farg'ona vodiysi va Toshkent viloyati ajoyib tog' tizimlari, gullagan vodiylar va ajoyib tog' daryolariga boy. Tog'ning toza havosi, yil davomida quyoshli kunlarning ko`pligi, ajoyib tog' manzaralari nafaqat O`zbekiston fuqarolarining, balki Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston kabi qo`shni mamlakatlarning aholisi ham tashrif buyuruvchi turizm obyektlariga aylanishiga imkon beradi. O`zbekiston hududida mineral suvlarning turli xil turlari keng tarqalgan, mamlakatdagi 300 dan ortiq shifobaxsh yer osti mineral suv manbalariga ko`plab odam tashrif buyuradi. Hozirgi kunda bu manbalardan 121 tasi faoliyat yuritmoqda. Chimyon va To`rtko`l kabi tog' - chang'i sportini rivojlantirish mumkin bo`lgan bir qancha tog' maskanlari mavjud. Baland qorli tog'lar, alpinizm, speleoturizm, daryo turizmi kabi turli tog' turizmi turlarini amalga oshirish imkonini beradi. Shifobaxsh giyohlarning ko`pligi turli xil ekologik turlar, turli giyohlar va o`simliklar yig'ish uchun turlarni tashkil etishga imkoniyat yaratadi. Bu esa ko`plab chet ellik turistlar orasida qiziqish uyg'otadi. Turizmning hozirgi holatini baholar ekanmiz, shuni qayd etish muhimki, O`zbekistonda infratuzilmaning rivojlanish darajasi chet ellik turistlarning ehtiyojlarini to`liq qondira olmayapti. Infratuzilmaning rivojlanmaganligiga raqobat va takomillashishni rag'batlantirish imkonini bermagan avvalgi ma'muriy-buyruqbozlik tizimi sababchi hisoblanadi. Infratuzilma yetarlicha rivojlanmagan taqdirda turistlar oqimini ko`paytirish va shunga mos ravishda valyuta tushumini ko`paytirish mumkin emas. Bundan kelib chiqqan holda infratuzilmaning ahvoli turizmning rivojlanishi va mamlakat imidjini shakllantirishga bevosita ta'sir ko`rsatadi. Avvalo, shuni alohida qayd etish lozimki, O`zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishmaguncha turizmga yetarlicha e'tibor qaratilmagan. Respublikaning turistik salohiyati to`g'risda obyektiv ma'lumotlar va reklama umuman bo`lmagan. Turizm, xizmat ko`rsatish va ko`ngilocharlik infratuzilmasi rivojlanmagan, turistlarga xizmat ko`rsatish darajasi past bo`lib, jahonning yetakchi turistik korxonalari bilan aloqalar bo’lmagan desa ham bo’ladi. Hozirda O`zbekiston hududida turizm infratuzilmasi bir tekisda taqsimlanmagan. Toshkent shahri va viloyatida respublika turizm salohiyatining 36 % qismi jamlangan. Yirik infratuzilma salohiyatiga

to`rt viloyat (Toshkent, Samarqand, Buxoro va Xorazm) va Toshkent shahri ega, Farg'ona vodiysi 19% turizm infratuzilmasiga ega.

Turizm jamiyat hayotida salmoqli sohalaridan biriga aylanmoqda. Oldingi asrning 90-chi yillarida Dunyo Yalpi milliy mahsulotining 6 foizi, Dunyo bo‘yicha qilingan investisiyalarning 7 foizi, barcha soliq tushumlarining 5 foizi turizmga to‘g‘ri kelishi bu sohaning qay darajada jiddiyligi to‘g‘risida o‘ylantirib qo‘yadi[45]. Butunjahon Turistik Tashkiloti ta'kidlashicha, har 30 turistning biror davlat(joy)ga borishi bitta bevosita va ikkita bilvosita ish o‘rinlari tashkil bo‘lishiga yordam beradi. Tabiiyki, har bir davlat turizmdan daromad va aholi bandligini ta'minlash manbai sifatida foydalanishga va xalqaro turizmni rivojlantirishga harakat qiladi.

Innovatsiya tushunchasiga turli xil ta’riflar berilgan. Yuqoridagilarni hisobga olgan holda turizmda innovatsiyaga quyidagicha ta’rif bersak bo’ladi:

“Innovatsiya – ishlab chiqarish mexanizmining boshlang’ich strukturasidagi o’zgarish, ya’ni uning ichki strukturasi yangicha holatga o’tishi; mahsulot, texnologiya, ishlab chiqarish vositalari, ishchi kuchining professional va malakaviy strukturasiga taalluqli; ham ijobiy, ham salbiy ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarga ega bo’lgan o’zgarishlar[46].”

Mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim sohalaridan biri bo’lmish turizmda quyidagicha yangiliklar kiritilsa maqsadga muvofiq bo’ladi:

1) Ekoturistik hududlarni rivojlantirish maqsadida yangi o’ziga xos, noodatiy turlarni tashkil qilish;

2) Hududlarda nafaqat xalqaro, balki mahalliy turizmni rivojlantirish uchun, xalqaimiz talab va istaklaridan kelib chiqqan holda mintaqaga xos bo’lgan turli bog’lar tashkil qilish (Tarixiy, tabiiy, ekzotik, ekstrimal va h.k.);

3) Har bir hududda infratuzilmani mukammallashtirish maqsadida, xorij tajribasidan foydalangan holda “Turistik axborot markazlari”ni tashkil qilish va ularda yoshlarning ishlashi va tajriba oshirishlarini ta’minlash;

4) Mutlaqo yangi ko’rinishdagi, noan’anaviy mehmonxonalar (masalan: daraxt, g’or, yurta, chodirsimon, tog’ tepasidagi) tashkil qilish va boshqalar.

Xulosa qiladigan bo’lsak, innovatsiya XXI asrning eng muhim omillaridan biri hisoblanadi. Iqtisodiyotning har bir sohasidagi kabi turizmda ham innovatsiyalatdan foydalanish mumkin va zarur. Zero, ushbu innovatsion g’oyalar turizmning har bir yo’nalishida (ovqatlantirish, joylashtirish, ekskursiya, transport va boshq.) qo’llanilishi mumkin. Shunisi aniqki, har bir yaratilgan yangilik iqtisodiyotning muhim sohalaridan biri bo’lgan turizmda faqatgina ijobiy ta’sir ko’rsata oladi. Sababi, turizm va sayyohlik o’zgarishlarni xush ko’radi. Agar, innovatsion g’oyalarni turizmda ham qo’llasak, aytaylik, turli noan’anaviy qo’shimcha xizmatlar yoki noodatiy mehmonxonalar, transport turlarini mamlakatimiz turizmida joriy qilsak, sayyohlik sanoati yurtimiz iqtisodiyotining muhim qismiga aylana oladi. Buning uchun esa soha mutaxassislaridan tinimsiz mehnat va izlanish talab qilinadi.

[45] Tuxliyev I., Safarov B. Turizm asoslari. T.:―Yanginashr‖. 2012. 34b.

[46] Валента Ф. Управление инновациями. М.:Прогресс, 1985

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Мухаммедов М.М- СамИЭС, д.э.н. проф.-
Ахророва К.- студентка 1 курса СамИИЯ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида ёшлар билан боғлиқ давлат сиёсатини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш,унинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари асосланган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:давлат, сиёсат, ҳуқуқ, устувор, ёшлар, социал-иқтисодий, самарадорлик, маънавий ва маърифий.

Аннотация: На этой статьи обосновано и анализировано цели, задачи и совершенствование правовых основ государственной молодёжный политики Республики Узбекистан.

Ключевые слова: государства, политика, право, приоритет, молодёж, социально-экономический, эффективность, культурно- духовный.

Узбекистан как суверенное независимое демократическое общество придаёт огромное значение проблемам развития молодёжи, а молодёжная политика является приоритетным направлением государственной деятельности на всех её уровнях. Главная цель проводимой в стране молодёжной политики – это создание социально-экономических, правовых, организационных условий и гарантий для социального становления и развития молодёжи, раскрытия её огромного трудового и творческого потенциала в интересах всего общества.

С первых лет независимости под руководством Первого Президента Узбекистана И.А.Каримова в стране создана правовая и институциональная база, сразу же после обретения Узбекистаном своей независимости в числе первых был принят закон “Об основах государственной молодёжной политике в республике Узбекистан” (20 ноября 1991г.) гарантирующая защиту прав молодежи. В результате принятия и реализации законов “Об образовании”, “О Национальной программе по подготовке кадров”, “О гарантиях прав ребенка”, “О физической культуре и спорте”, “О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних” и других законодательных актов создана целостная система воспитания гармоничной личности. Законы предоставили социально-экономические, правовые, психолого-педагогические условия для адаптации молодых людей к жизни в современном динамично изменяющемся обществе, обдуманного выбора и освоения образовательных и профессиональных программ, воспитания граждан, сознающих свою ответственность перед обществом, государством и семьей.

Государственная молодежная политика Узбекистана нацелена на воспитание гармонично развитого молодого поколения – физически здорового и духовно зрелого, интеллектуально богатого, обладающего не только разносторонними знаниями, но и умеющего самостоятельно мыслить, смело смотреть в будущее и способного взять на себя ответственность за судьбу нашей Родины. Логическим продолжением и важным шагом в деле совершенствования правовых основ молодёжной политики Республики Узбекистан явилась принятие 14 сентября 2016 года нового Закона Республики Узбекистан “О государственной молодежной политике”. Данный закон определил содержание и направленность, молодёжной

политики в нашей стране, выбирая в себе приоритетные направления реформирования и модернизации всех сфер жизни общества [47].

Государственная молодежная политика в новом законе «О государственной молодежной политике» определяется как система социально-экономических, организационных и правовых мер, осуществляемых государством и предусматривающих создание условий для социального становления и развития интеллектуального, творческого потенциала молодежи. Основными принципами этой политики установлены непосредственное участие молодежи в формировании и реализации, социально-экономической стратегии обновления и развития общества, правовая и социальная защита молодёжи, поддержка и стимулирование молодежных инициатив, приоритет духовных, нравственных и культурных ценностей, а также недопущение дискриминации молодежи.

Тщательное изучение содержания нового Закона показывает, что в отличие от прежнего он предусматривает ряд новых положений, имеющих важное значение для дальнейшего повышения социально-экономической активности молодёжи нашей стран, эти новые положения логично свести к следующему: Во-первых, он закрепил приоритетные направления с учетом современных требований: обеспечение социальных, экономических, политических и иных прав и интересов, доступного и качественного образования молодежи, содействие ее физическому, интеллектуальному и нравственному развитию, создание условий для трудоустройства и занятости, воспитание в духе уважения к законам, национальным и общечеловеческим ценностям, защита от действий, приводящих к подрыву нравственных устоев, радикализму, насилию и жестокости, поддержка талантливых ребят и молодых семей, формирование у них здорового образа жизни, развитие молодежного спорта и другие.

Также в законе предусмотрено, что для обеспечения реализации его положений могут приниматься государственные, региональные и иные программы для поддержки молодых людей.

Во-вторых, определены задачи и полномочия органов и учреждений, осуществляющих и участвующих в реализации государственной молодежной политики в центре и на местах, а также их ответственность в этой сфере. На эти органы возлагаются задачи обеспечения безусловного исполнения требований нормативно-правовых актов, направленных на обеспечение прав и законных интересов молодежи в сфере образования, здравоохранения, культуры, спорта, труда и других сферах, осуществление мер по повышению правовой грамотности, профилактике правонарушений среди молодежи, взаимодействие с общественными организациями и другие.

В-третьих, положения закона также направлены на усиление роли и места общественных, прежде всего молодежных организаций, органов самоуправления граждан и СМИ в реализации государственной молодежной политики. Определяются правовые механизмы обязательного участия институтов гражданского общества в разработке и исполнении государственных и иных программ, организации и проведении мероприятий по воспитанию здорового и гармонично развитого молодого поколения, повышении роли и активности молодежи в общественной жизни, осуществлении общественного контроля за

[47] Закон «О государственной молодежной политике», Ташкент., «Народное слово» 15 сентября 2016 г.

выполнением требований законодательства и государственных программ в этой сфере.

В-четвертых, закреплены эффективные меры защиты и поддержки молодежи: правовые и социальные гарантии – обеспечение прав и свобод, бесплатные медицинское обслуживание и общее образование, условия и гарантии получения высшего образования в пределах госграндов, занятости, предоставление льгот в сфере труда, выделение льготных кредитов на строительство и приобретение жилья, материальная поддержка малообеспеченных молодых семей, развитие системы досуга и отдыха и другие; господдержка талантливой молодежи – предоставление премий, стипендий, образовательных грантов, организация спортивных школ, конкурсов, соревнований, выставок, конференций, семинаров, обеспечение доступа одаренной молодежи к программам обучения, создание условий молодым ученым и специалистам и другие.

Принятие этого закона позволит на наш взгляд, определить основные принципы и направления государственной молодежной политики в Республике Узбекистан, которые в перспективе станут ориентиром и основой для ее реализации, принятия комплекса организационно-правовых и институциональных мер. Новый закон направлен на усовершенствование государственного управления в сфере молодежной политики, закрепляя полномочия каждого субъекта, принимающего участие в этом процессе. Вместе с тем принятый документ расширил и установил дополнительные государственные гарантии, которые несомненно будут стимулировать всестороннее развитие молодежи в Узбекистане, ее вовлечение в частное предпринимательство, ставшее решающим фактором экономического роста страны. Активное участие молодёжи в предпринимательской деятельности имеет весьма важное значение как с точки зрения повышение уровня науки самой молодёжи, так и всего населения страны.

ТУРИЗМГА ОИД ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАЪРИФЛАРИ ВА НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Т. Алимова - СамДУ, и.ф.д.

Аннотация*: Мақолада туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар асосида туризм тизимига оид иқтисодий категорияларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар*: туризм, ташриф буюрувчи, сафар, турист, экскурсант, тур, туристик маҳсулот.*

Аннотация: *В статье на основе международных рекомендаций по статистке туризма разработаны предложения по совершенствованию экономических категорий системы туризма.*

Ключевые слова*: туризм, посетитель, поездка, турист, экскурсант, тур, туристский продукт.*

Annotation*: In the article on the basis of international recommendations on the statistics of tourism, proposals of improving the economic categories of the tourism system are worked out.*

Keywords*: tourism, visitor, trip, tourist, excursionist, tour, tourist product.*

Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларга эга. Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда ушбу тармоқнинг ривожланиши ўзининг тўлиқ имкониятлари доирасидаги даражасига етгани йўқ. Бизнинг фикримизча, туризм тармоғининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи мавжуд муаммолар қаторида, туризм тармоғининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги реал ҳиссасини баҳолаб берувчи мукаммал туризм статистикасининг етишмаслиги ҳисобланади. Бу, авваламбор, ҳудудларда туризм статистикасини юритиш бўйича ягона методиканинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Айнан шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратган БТТ Бош котиби Талеб Рифаи, 2010 йилда Тошкентга ташриф буюрганда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Аминманки, туристик маҳсулотга талаб ва таклиф ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар ва аниқ маълумотларнинг йўқлиги самарали туристик стратегияни ишлаб чиқиш йўлидаги энг асосий тўсиқ ҳисобланади. Ушбу маълумотларни нафақат йиғиш, балки тўғри таҳлил қилишни таъминлаш ҳам юқори аҳамиятга моликдир» [1]. Ушбу фикрдан маълум бир ҳудудда туризм тармоғининг ривожланиш йўналишларини белгилаш, авваламбор, ушбу ҳудуд туризм бозори ривожланиш ҳолатини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш лозим деган хулосани қилиш мумкин. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, туризм статистикасига оид назарий асосни ва мазкур ёндашувлар негизида мамлакатимизда мавжуд туризм статистикасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш талабини келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда халқаро туризм статистикаси БТТ томонидан ишлаб чиқилган ва БМТнинг Статистика Комиссияси томонидан маъқулланган “Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар, 2008” нашрида келтирилган тавсия ва таклифлардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Туризм статистикаси бўйича ишлаб чиқилган Халқаро тавсияларнинг мақсади миллий туризм статистикаси тизимларининг халқаро миқёсда ўзаро таққосланадиган тузилмаларини яратиш ҳисобланиб, миллий туризм статистикаси тизимини такомиллаштиришда ҳамда ушбу тармоқнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги реал ҳиссасини баҳолашда методологик асос бўлиб хизмат қилади.Халқаро тавсияларга биноан [2; 11-15-б.]:

– саёҳатчи – бу турли жўғрофий жойлар орасида ҳар-хил мақсадларда, турли муддатларга кўчиб юрувчи бирон бир шахс;

– ташриф буюрувчи - бу одатдаги муҳитдан ташқарида жойлашган асосий тайинланган жойга, мамлакатда ёки ташриф жойида рўйхатга олинган ташкилотда ишга жойлашиш мақсадидан бошқа мақсадларда (касбга оид, дам олиш ёки бошқа шахсий мақсадлар), бир йилдан кам бўлган муддатга сафарни амалга оширган саёҳатчи;

– турист – бу тунайдиган ташриф буюрувчи;

– экскурсант – бу тунамайдиган ташриф буюрувчи;

– туризм – бу ташриф буюрувчиларнинг фаолиятига тегишли тушунча.

Халқаро тавсияларда туристлар ва экскурсантлар ташриф буюрувчилар категориясига бирлаштирилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида уларни бошқа саёҳатчилардан фарқлаш имкониятини берувчи учта асосий белгилар ажратиб кўрсатилган. Булар: саёҳатнинг асосий мақсади, одатий муҳит доирасидан чиқиш ва асосий тайинланган жойга ташриф давомийлигидир.

Бирон бир мамлакат ёки ҳудудга саёҳатнинг асосий мақсади туристик талабни аниқлашнинг биринчи белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз чегараларини кесиб ўтиш пайтида барча фуқаролар томонидан тегишли тарзда “Божхона декларацияси” тўлдирилади. Ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ташриф ёки жўнаб кетиш мақсадлари белгиланган бўлиб, мазкур саёҳатнинг бошқа мақсадлари қаторида «туристик мақсад» алоҳида қайд этилган. Туризм соҳасининг бир қатор мутахассислари “туристик оқим” сифатида айнан шу мақсад асосида мамлакатга кирган хорижий фуқаролар ёки чиққан маҳаллий фуқароларнинг миқдорини назарда тутадилар. Аммо, туризм статистикасига оид хорижий илмий қўлланмалар [3] ҳамда БТТнинг туризм статистикасини юритиш бўйича ишлаб чиққан услубий ёндашувларида [2] туристик сафарга чиқишга мотивлаштирувчи асосий мақсадлар доираси юқорида қайд этилган ёндашувларга нисбатан бирмунча кенгроқдир.

Халқаро тавсияларга биноан, туристик сафар ўзининг асосий мақсадларига қараб қуйидагича гуруҳланади: “1) шахсий мақсадлар: таътил, дам олиш ва хордиқ чиқариш; дўстлар ва қариндошларникига ташриф буюриш; таълим олиш ва касбий тайёргарлик; даволаниш ва соғломлаштириш; диний (зиёрат қилиш); тижорат; транзит ва бошқа мақсадлар; 2) касбга оид ва хизмат доирасидаги мақсадлар” [2; 30-б.]. БТТнинг йиллик ҳисоботига кўра, 2015 йилда жаҳон миқёсида халқаро туристик талабни шакллантирувчи асосий туристик мақсадлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлган (1-расм).



Манба: UNWTO Tourizm Highlights 2016 Edition

1-расм. 2015 йилда жаҳон миқёсида халқаро туристик талабнинг асосий туристик мақсадлар асосида тақсимланиши (%да)

Демак, келтирилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Божхона декларацияси” ҳужжатида саёҳатининг асосий мақсади сифатида: “касбга оид (хизмат доирасида)”, “ўқиш”, “туристик”, “қариндошларникига ташриф буюриш”, “даволаниш”, “тижорат” каби мақсадларни қайд этган кирувчи ёки чиқувчи саёҳатчи ташриф буюрувчи категориясига киритилиши керак.

Иккинчи белги, одатий муҳит ва унинг доирасини белгилаш меъзонлари ҳисобланади. БТТнинг Ҳалқаро тавсияларига биноан “одатдаги муҳит бу бирон бир шахс ўзининг ҳар кунлик яшаш фаолиятини олиб борувчи географик ҳудуддир (яхлит ҳудуд бўлиши шарт эмас). Одатий муҳит бирон бир шахснинг доимий яшаш, иш ва ўқиш жойи ёки шахснинг доимий яшаш жойидан узоқда, у доимий ва тез-тез қатнайдиган, бошқа аҳоли яшаш пунктида жойлашган жойлардан иборат” [2; 14-б.].

Ташриф буюрувчиларнинг статистик миқдорини аниқлашнинг учинчи белгиси – бу асосий тайинланган жойда ташриф давомийлиги ҳисобланади. Туризм соҳаси етакчи олимларидан бири А.Ю.Александрова бу борада ўзининг қуйидаги фикрини

билдирган: «Ташриф буюриш давомийлиги 12 ой билан чегараланиб, ундан кейин ташриф буюрувчи доимий яшовчи категориясига киритилади... Олдинги яшаш жойига қисқа муддатли ташриф билан (масалан, қариндошларни кўриб келиш мақсадида) кирган ушбу шахс мазкур ҳудуднинг ташриф буюрувчиси бўлиб қайд этилади» [3; 6-б.]. Демак, ушбу фикрдан хулоса қиладиган бўлсак, бирон бир хорижий мамлакатда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимизга қисқа муддатли ташрифлари давомида кирувчи ташриф буюрувчилар ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида, бир йилдан ортиқ муддат давомида яшаб келаётган ҳамда ўз одатий муҳитини (энди ушбу муҳит Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган) асосий туристик мақсадларда тарк этган хорижий мамлакат фуқароси ҳам Ўзбекистон Республикасининг ички ёки чиқувчи ташриф буюрувчиси категориясига киритилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган назарий таҳлил натижаларига асосланиб, туризм статистикасида оид иқтисодий категорияларнинг илмий таърифлари ва талқинини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саёҳатчи – бу турли географик жойлар орасида ҳар-хил мақсадларда, турли муддатларга кўчиб юрувчи бирон бир шахс.

Сафар – бу бирон бир шахснинг ўз доимий яшаш жойидан жўнаш пайтидан то ушбу жойга қайтиб келиш пайтигача бўлган саёҳатидир.

Ташриф буюрувчи – бу одатдаги муҳитдан ташқарида жойлашган асосий тайинланган жойга, узлуксиз 12 ойдан ошмайдиган муддатга, мамлакатда ёки ташриф жойида рўйхатга олинган ташкилотда ишга жойлашиш мақсадидан бошқа мақсадларда сафарни амалга оширувчи саёҳатчи.

Турист – бу коллектив, ихтисослаштирилган ёки индивидуал жойлаштириш муассасаларида камида бир тунаш амалга оширган ташриф буюрувчи (тунайдиган ташриф буюрувчи).

Экскурсант – бу ташриф жойида жойлаштириш хизматларидан фойдаланмаган ва (ёки) 24 соатдан ошмайдиган вақтга туристик сафарни амалга оширувчи ташриф буюрувчи (бир кунлик ташриф буюрувчи).

Туризм – бу жисмоний шахсларнинг одатдаги муҳитидан ташқарига узлуксиз 12 ойдан ошмайдиган муддатга, мамлакатда ёки вақтинчалик ташриф жойида рўйхатга олинган ташкилотда ишга жойлашиш мақсадидан бошқа, даволаниш ва соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва билишга оид, спорт ва ишбилармонликка оид, диний ва бошқа мақсадлардаги мустақил кўчишларини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг таркибий қисмидир.

Ички туризм мамлакат ҳудудида доимий равишда яшовчи ташриф буюрувчининг ички туристик сафари ёки чиқувчи туристик сафари доирасидаги фаолиятини қамраб олади.

Кирувчи туризм мамлакат ҳудудида яшамайдиган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакатга кириш сафари давомидаги фаолиятини қамраб олади.

Чиқувчи туризм мамлакат ҳудудида яшовчи ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат чегараларидан ташқаридаги туристик сафари давомидаги фаолиятини қамраб олади.

Одатдаги муҳит – бу бирон бир шахс ўзининг ҳар кунлик яшаш фаолиятини олиб борувчи географик райондир (яхлит ҳудуд бўлиши шарт эмас). Одатий муҳит

бирон бир шахснинг доимий яшаш, иш ва ўқиш жойи, ёки шахснинг доимий яшаш жойидан узоқда жойлашишига қарамай, у доимий ва тез-тез қатнайдиган (дала-ҳовлиларидан ташқари) бошқа аҳоли яшаш пунктида жойлашган жойлардан иборат.

Туристик мақсадлар: 1) шахсий мақсадлар: таътил, дам олиш ва хордиқ чиқариш; дўстлар ва қариндошларникига ташриф буюриш; таълим олиш ва касбий тайёргарлик; даволаниш ва соғломлаштириш; диний (зиёрат қилиш); тижорат; транзит ва бошқа мақсадлар; 2) касбга оид ва хизмат доирасидаги мақсадлар.

Туризм соҳаси субъектлари – туристик ресурслар ҳамда туристик объектлардан фойдаланган тарзда, алоҳида ёки комплекс туристик хизматлар кўрсатувчи, туристик хизматларга ҳамроҳ хизматларни амалга оширувчи ва туризмга ихтисослашган товарларни реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслардир.

Туризм индустрияси (туристик индустрия) – туристик сафар давомида ташриф буюрувчилар талабини имкон даражада тўлиқроқ таъминлашга керакли, шунингдек, айнан шу жараённи амалга ошириш учун етарли бўлган хизматлар ва товарлар мажмуини ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи ташкилотларнинг ўзаро боғланган, мураккаб мажмуидир.

Тур - аниқ мақсад билан шартланган, аниқ маршрут ва аниқ вақт оралиғида жисмоний шахслар томонидан мустақил тарзда амалга ошириладиган ёки туристик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган туристик саёҳат.

Ташкил этилган тур – аниқ муддат, аниқ маршрут йўналишида асосий мақсад асосида бирлаштирилган турли хил хизматлар (маиший, транспорт, жойлаштириш хизматлари ва ҳк.) мажмуи ҳисобланиб, туристик йўлланма ҳамда ваучер (туристнинг тур таркибига киритилган хизматларга нисбатан ҳуқуқини, тур давомида эса ушбу хизматларнинг кўрсатилганлигини ёзма равишда тасдиқловчи ҳужжат) шаклида расмийлаштирилади; туристик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган туристик саёҳат.

Мустақил тур – туристлар томонидан мустақил тарзда ташкил этиладиган туристик сафар (туроператорлар ва турагентлар қатнашмасдан).

Туристик маҳсулот – туристик сафар давомида ташриф буюрувчиларнинг талабини қондиришга мўлжалланган хизматларнинг ўзаро технологик боғлиқликдаги мажмуаси ёки алоҳида хизмат(товар)дир. Туристик маҳсулот қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) тур; 2) туристик ташкилот ва унга ҳамроҳ бўлган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган туристик-экскурсион ва бошқа хизматларнинг алоҳида кўринишлари; 3) туристик товарлар – ўзига хос махсус (буклет, открытка, карта, сувенирлар ва ҳ.к.) ва оддий (истеъмол маҳсулотлари ва ҳ.к.) кўринишдаги товарлар.

Бизнинг фикримизча, мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида юритиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, мамлакатимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги реал ҳиссасини баҳолаш жараёни учун назарий пойдевор сифатида хизмат қилади.

PROBLEMS AND POTENTIALS OF HUMAN RESOURCES IN THE TOURISM INDUSTRY OF KAZAKHSTAN

Zholzhanova N.T - Master of International Business, junior lecturer, Eurasian National University named after L.N.Gumilyov
Gumarov A.A. - Master of International Business, junior lecturer, Eurasian National University named after L.N.Gumilyov

Аннотация: *туризм саноати мамлакатларнинг муҳим иқтисодий тармоқларидан бири бўлиб, ҳозирда у жуда тез ўсиб бормоқда. Шундай бўлишидан қатъий назар ходимларнинг етишмаслиги долзарб масала ҳисобланади. Шуларнинг барчаси мақолада ёритиб берилган*

Калит сўзлар: *туризм саноати, тренинг, Қозоқстон, таълим, иқтисодий ривожланиш.*

Аннотация*:индустрия туризма является одним из основных сфер в экономике государств и развивается очень быстро. Несмотря на это основным делом является нехватка кадров в индустрии туризма. В данной статье все это рассмотрено.*

Ключевые слова: *индустрия туризма, тренинг, Казахстан, образование, экономическое развитие.*

Annotation

Tourism industry is one of the important fields of economic of countries and it grows very fast. However, the main issue is lack of human resources in tourism industry. In this article all of these will be considered.

Key words*: tourism industry, training, Kazakhstan, education, economic development*

The modern tourism industry is one of the largest highly profitable and dynamically developing segments of international trade in services. In modern conditions, tourism is extremely important for the development of the economy and social sphere of any country. The effect associated with the development of the tourism industry is not only that it gives some initial impetus in the form of cash inflows, in particular foreign exchange, but also in that it generates divergent waves of growth. World practice shows that the development of tourism has a high multiplier effect, stimulating the growth and development of such important sectors of the economy as transport, communications, construction, trade, agriculture, production of consumer goods, etc. The total cost of products and services created in the sectors related to tourism services is almost two and a half times higher than the cost of tourism services.

The marketing analysis of the development of tourism in the most developed countries shows that in recent years it has become not only the largest, but also the most dynamic branch of the world economy. From 1987 to the present, its annual growth averaged 14.8%, while in other sectors it was at the level of 8.8%. Over the past decades, tourism services have maintained a consistently high consumer demand, which is quite resistant to unfavorable changes in the general economic situation. According to the forecasted estimates, the high dynamism of tourism development will place it in the category of industries that will determine the world economic development in the future.

Specificity of training specialists in the field of tourism is as follows: the head of the firm should know the types and styles of management;

Have certain business and personal (psychophysical, moral and moral) qualities; to be able to use management functions (planning, selection, training, control, personnel management, etc.); Apply knowledge of the legal framework. The manager and marketer should perfectly orient themselves in the sphere of tourism, know the market, the order of passing the tourist product, be able to work with people, evaluate their own and other people's actions.

Thus, the requirements imposed on the modern specialist of the tourist industry, presuppose, above all, high professionalism and competence. Sometimes theorists and practitioners perceive these concepts differently. In one case it is a highly qualified specialist, in another case it is a good organizer. And always on the first place are put forward independence, initiative, enterprise, creative thinking, and readiness for reasonable risk. And in addition - in addition to the availability of professional qualities, the manager must have a demand for himself and others, a high level of general and managerial culture.

Dedicated requirements for tourism specialists show that there is no single management concept in tourism services. The essence of leadership lies in the dialectical relationship between two processes - one-man management and self-organization of group behavior. The distribution of functions among the members of the collective leads to the main thing: leadership is a special type of activity, the central link of which is the management of joint work of people.

The noted features of the organization of managerial work in the tourist industry impose certain requirements and the formation of specific personal characteristics of the leader, which include:

- Adaptive mobility - the propensity to creative forms of activity, the depth of knowledge, initiative, the desire for qualitative changes in the organization and content of their own activities, the desire for innovation, etc .;
- Contact ability - sociability, interest in people, the ability to have people with you, the ability to resolve a conflict situation;
- Stress resistance - intellectual and emotional security in problem situations;
- Dynamism - power, ambition, desire for leadership.

Qadimiy madaniyatlar beshigi bo‘lgan bu shaharlarda ilk va keyingi o‘rta asrlardayoq ilm-fan, ta’lim-tarbiya sohalari, hunarmandlik va savdo-sotiq keng rivojlangan, muhtasham saroylar, masjid va madrasalar barpo etilgan. Bunday go‘zal shaharlarni bunyod etish uchun nafaqat mohir usta va quruvchilar, balki matematika, astronomiya, fizika, arxitektura, geometriya, geodeziya, seysmologiya va kimyo kabi fundamental fanlarni chuqur biladigan olimlarning bilim va tajribasi ham kerak bo‘lgan.

Xalqaro turizmning paydo bo‘lish va shakllanish tarixini tahlil qilar ekanmiz,savdo munosabatlarini o‘rnatish, dam olish va sayohat bilan bir qatorda, dunyoxalqlarining tarixi, madaniyati, urf-odat va an’analarini o‘rganish, bilish va buning natijasida odamlar, el-u elatlar o‘rtasida hamjihatlik, bag‘rikenglik fazilatlarini mustahkamlash ham turizmning muhim tarkibiy qismi bo‘lganiga yana bir bor ishonch hosil qilamiz. Aynan ma’rifiy turizm bugungi kunda dunyoda tobora katta qiziqish uyg‘otmoqda va mening nazarimda, butun sayyohlik soha-sining eng muhim qadriyatlaridan biriga aylanmoqda.

Bugungi kunda dunyoda shiddat bilan o‘zgarib borayotgan vaziyat, globallashuv jarayonlarining jadallashuvi, tez-tez takrorlanayotgan jahon iqtisodiy va moliyaviy inqirozlari xalqaro turizm rivoji yo‘lida turli muammolar tug‘dirib,uning oldiga yangi-yangi talablar qo‘yayotganini, tabiiyki, biz o‘zimizga yaxshi tasavvur qilamiz. Ularning ayrimlariga qisqacha quyidagilar:

Birinchidan, marketing tadqiqotlarini amalgaoshiradigan kichik xususiy kompaniyalar bilan turistik agentlar o`rtasidagi o`zaro munosabatni qaror toptirish kerak. Turistik agentliklar yangi tashkil etilganligi bois ulardaxizmat ko`rsatuvchi personal miqdorining kamligi va bundan tashqari tajribali marketologlarning yetishmasligi tufayli ular turistlar uchun qanday turistik mahsulotlarga ehtiyoj borligini, shuningdek, bu turistik mahsulotlarni turistlarga reklama qilish borasida qiyinchiliklarni boshidan kechirishmoqda. Marketing tadqiqotlarini o`tkazuvchi agentliklar esa o`zlaridagi marketing xizmatlarini turistik agentliklarga taklif etishsa, bu muammo hal bo`lardi. Ular ham mahalliy, ham chet ellik turistlarning qanday turistik mahsulot turlariga ehtiyojlari borligini to`liq o`rganish imkoniyatiga egadirlar. Bundan tashqari, bu agentliklar mamlakatimizning xushmanzara hududlarini chet ellarga reklama qilishlari ham turistik agentliklarga qaragandaosondir. Buning sababi, marketing tadqiqoti o`tkazuvchi agentliklarda ham tadqiqot o`tkazish, ham reklama uyushtirish uchun yetarli darajadagi moddiy-texnik bazaning shakllanganligida o`z ifodasini topadi. Shuni alohida ta'kidlab o`tish joizki, agarda turistlarga mamlakatimizda mavjud turizm resurslari etarli darajada reklama qilinsa, u holda turistlarning mamlakatimizga bo`lgan qiziqishi yanadaortadi. Bu esa turizm sohasida faoliyat ko`rsatadigan kichik va o`rta biznes sub'ektlari salmog'ini oshishigaolib keladi.

Ikkinchidan, turistik agentlar bilan dam olish sanotoriyalari, mehmonxonalar va kempinglar bevositaaloqa o`rnatishi kerak. Masalan, Jizzax viloyatida Zomin tog' tizmasida Zomin dam olish sanatoriyasi joylashgan bo`lib, bu sanatoriyaning atrofida ko`plab dam olish pansionatlari faoliyat ko`rsatishadi. Biroq, achinarli tomoni shundaki, sanatoriyaga ham, pansionatga ham chet ellik turistlar deyarli tashrif buyurmaydi. Vaholanki, Zomin tog' tizmasi ikkinchi Shvetsariya deb yuritiladi. Turistlarning bu dam olish zonasiga kamdan-kam tashrif buyurishlarigaasosiy sabab quyidagilarda o`z ifodasini topgan.

-Zomin tog' tizmasi manzaralari yetarli darajada reklama qilinmaydi;

-Zomin tog' tizmasigaetib borish uchun avtotransport yo`llari jahon sifat andozalari talablariga javob bermaydi;

-Sanatoriya va pansionotlardagi shart-sharoitlar ham jahon sifat andozalariga mos kelmaydi.

Bu kabi muammolarni xal etish uchun sanatoriyalar va pansionotlar turistik agentlar bilan muntazam ravishda o`zaroaloqani o`rnatishlari kerak. Sanatoriyalar va pansionotlar ma'muriyati avtomobil transport yo`llarini jahon sifat andozalariga javob beradigan darajaga keltirish uchun tashabbus ko`rsatishlari, turistik agentlar bilan kelishgan holda o`z binolaridagi shart-sharoitlarni yaxshilashlari, shuningdek, dam olish zonasi bilan viloyat markazlari o`rtasidagi zamonaviy transport vositalari qatnovini to`g'ri yo`lga qo`yishda tashabbus ko`rsatishlari kerak vaxokazo

Hukumatimiz tomonidan turizm sohasida faoliyat ko'rsatadigan biznes subyektlari faoliyatini har tomonlama qo'llab - quvvatlash va raqbatlantirishni ta'minlovchi bir qator me'yoriy-huquqiy hujjatlar yaratilgan bo'lib, ulardan amaliyotda keng miqyosda foydalanish natijasida anchagina ijobiy natijalarga erishilmoqda. Biroq, bozor iqtisodiyotiga o'tishdek murakkab davrda mamlakatimizdagi boshqa barcha iqtisodiy tarmoqlarda bo'lgani kabi turizm infrastrukturasida ham bir qator qiyinchiliklarga duch kelinmoqda. Ayniqsa, xususiy turistik korxonalarning faoliyati samaradorligini oshirish

borasida ham talaygina muammolar mavjud bo’lib, ular quyidagilarda o’z ifodasini topgan:

- turizm infrastrukturasida faoliyat ko’rsatadigan yangi turdagi kichik va o’rta xususiy turistik firmalarni boshqara oladigan va ulardagi operatsiyalarni jahon andozalari darajasida bajara oladigan yetuk malakali kadrlarning yetishmasligi;
- xususiy turistik agentliklar tomonidan mamlakatimizda mavjud turizm imkoniyatlarini reklama qilish borasida sustkashliklarga yo’l qo’yilayotganligi;
- turizm soxasida faoliyat ko’rsatayotgan kichik va o’rta biznes subyektlari o’rtasida o’zaro munosabatlar tizimini rivojlantirish borasida kamchiliklar yuzaga kelmoqda;
- mamlakatimizning turistik shaharlari hisoblangan Buxoro, Samarqand va Xiva shaharlarida xususiy kichik mexmonxona va kempinglarning yetarli miqdorda emasligi, shuningdek, katta yo’l trassalari yoqasida bunday obyektlarning deyarli mavjud emasligi yoki mavjudlarida ham jahon sifat andozalari doirasidagi turistik xizmatlar ko`rsatish darajasining pastligi;
- turizm sohasida faoliyat ko’rsatayotgan turistik agentliklar va turizm operatorlari kabilar bilan mahalliy kichik va o’rta ishlab chiqarish korxonalari o’rtasida o’zaro munosabatning takomillashmaganligi oqibatida mamlakatimiz ichki bozorlarida turistlar extiyoj sezgan maxsulotlar hajmining kamligi yoki umuman mavjud emasligi va boshqalar.
- Sayohatni tashkil qilayotganda ichki mahalliy aholiga infratuzilmalardan foydalanish qimmatga tushayotganligi, masalan avia chiptalar narxi, viza olish muammolarining mavjudligi, mamlakatimizda chiqish turizmining rivojlanishiga katta to’siq bo’lyapti. Bu o’z-o’zidan milliy turizmni rivojlanishini orqaga tortadigan muammolardir.

Mamlakatimizga2016-yilda dunyoning 70 dan ortiq davlatidan sayyohlar tashrif buyurdi va ularning yillik soni 2 milliondan oshdi. O‘tgan ikki yil mobaynida bu ko‘rsatkich 43 foizga o‘sdi, joriy yilning birinchi yarmida esa 1 milliondan ortiq chet ellik sayyoh yurtimizga tashrif buyurdi. 2016-yilda sayyohlik xizmatlari eksporti hajmi 615 million dollardan ziyodni tashkil etdi. Bugungi kunda turizm sohasida 200 mingdan ortiq kishi mehnat qilmoqda, bu tarmoqning mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 2 foizdan oshdi. O‘zbekistonda 550 ta sayyohlik kompaniyasi – turoperatorlari faoliyat yuritmoqda, mamlakatimizdagi tarixiy obyektlar, arxitektura va shaharsozlik obidalarining aksariyatini qamrab olgan 110 ta xalqaro sayyohlik yo‘nalishi bo‘yicha xizmat ko‘rsatilmoqda. Bu yo‘nalishlarning 65 tasi tarixiy-madaniy meros obyektlari, 30 tasi tabiiy-rekreatsion, 15 tasi sog‘lomlashtirish turizmi elementlarini o‘z ichiga olgan ekologik yo‘nalishlardir. Hozirgi paytda yurtimizda 50 mingdan ziyod o‘ringa ega bo‘lgan 500 dan ortiq mehmonxona, motel va kempinglar sayyohlarga xalqaro standartlar bo‘yicha xizmat ko‘rsatmoqda.

Shuni alohida ta’kidlash kerakki, yuqori tezlikda harakatlanadigan «Afrosiyob» poyezdi qatnay boshlaganidan buyon yurtimizda chet ellik sayyohlar soni sezilarli darajada ko‘paydi. Samarqand va Buxoro shaharlarigacha yuqori tezlikda harakatlanish uchun mo‘ljallangan temir yo‘l tarmoqlarini elektrlashtirish va qurish bo‘yicha loyihalar amalga oshirilmoqda. Bu esa turizm rivoji uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Faqatgina joriy yilning o‘zida xalqaro turizmning asosiy tuzilmasini rivojlantirish uchun jami investitsiyalarning 580 million dollardan ortig‘i yo‘naltirildi va bu boradagi o‘sish o‘tgan

yilga nisbatan 19 foizdan ziyodni tashkil etdi.

O`zbekiston Respublikasida 2011-2016 yillarda xizmat ko`rsatish va turizm sohasidan tushadigan foydalarning ko`rsatkichlari (mln. so`m hisobida)

Mintaqalar	2011y	2012y	2013y	2014 y	2015 y	2016 y	Jami 2011-2016 y
O`zbekiston Respublikasida jami	566,4	1712	2000	2440	2976	3869	12997
SHundan:							
Qoraqolpog'iston Respublikasi	1,1	1,1	1,3	1,7	2,5	3,3	9,9
Viloyatlar:							
Andijon	3,5	3,5	4	4,9	6	7,8	26,2
Buxoro	190,8	170	190	231,8	282,8	367,7	1242,3
Jizzax	3	3,6	4,2	5	6,1	7,9	26,8
Qashqadaryo	18,1	18,1	21	25	31	40,3	135,4
Navoiy	6,4	2,4	2,8	3	4	5	17,2
Namangan	0,9	2,3	3	4	5	6,5	20,8
Samarqand	303,9	304	350	420	504	651	2229
Surxondaryo	71,6	82	90	95	102,5	126,3	495,8
Sirdaryo	0,2	0,5	0,6	0,8	1	2	4,9
Toshkent	10,7	14,1	16,2	19,8	24,5	31,8	106,4
Farg'ona	7,5	18	21	23	25	26,4	113,4
Xorazm	-51,3	39	45	55	68	88,5	295,5
Toshkent sh.	0	1053,4	1250,9	1551	1913,6	2504,5	8273,4

Manba: *«Turizmni rivojlantirish» Davlat Qo'mitasining 2011-2016 yillarda xizmat ko`rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish dasturi.*

Mamlakatimizdayuksaksifativaestetikjozibasi,qadimgisan'atan'analarinio'zidasaqlab kelayotganibilanajralibturadiganmilliyhunarmandlikniqaytatiklashvarivojlantirishnirag'batlantirishgakattae'tiborqaratilyapti. O'zbekistonda milliy hunarmandlik sohasi soliqlardan to'liq ozod etilganini alohida qayd etish kerak. Hunarmand ustalarimizning necha asrlik tajribasidan yurtimizdan tashqarida ham keng foydalanilmoqda.

Viloyatimiz investitsion salohiyati, iqtisodiy imkoniyatlari nihoyatda keng.. Jahonda o'z nufuziga ega bo'lgan "Samarqand" xalqaro aeroporti, qulay temir yo'l qatnovi ham bu borada imkoniyatlarimiz anchayin kengligidan darak beradi. Kelgusi yilda Toshkent-Samarqand yo'nalishida tez manzilga yetib keladigan zamonaviy tezyurar poezdlarining yo'lga qo'yilishini inobatga olsak, hududda yo'lovchi va yuk tashish ko'lami yanada oshdi.

Endilikda, xom ashyolarimizni jahon standartlari talablari asosida qayta ishlash va eksport qilish masalalarini hal etishni asosiy yo'nalish sifatida belgilaganmiz. Shu nuqtai nazardan ta'kidlab o'tilgan mazkur yo'nalishlarda xorijiy korxonalar va kompaniyalar bilan hamkorlik qilishga tayyordir.

O'zbekistonda turizm imkoniyatlari, sohada xalqaro hamkorlikni rivojlantirish, investitsiyalarni jalb qilish asosiy vazifalarimizda biri bo'lib qolmoqda. Birgina viloyatimiz miqyosida oladigan so'nggi besh yilda hududda sayyohlar oqimi 15-20 foizga oshdi. Ularning aksariyatini Ispaniya, Yaponiya, Malayziya, Indoneziya, Buyuk Britaniya

singari xorijiy mamlakatlar vakillari tashkil etadi. Viloyatimizga tashrif buyurgan sayyohlarga yetarli shart-sharoitlarni yaratish uchun turistik, ayni vaqtda ushbu mehmonxonalarda bir kunda 3 ming nafardan oshiq turistlarni qabul qilish imkoniyati mavjud.

Shu barobarida viloyatimizdagi mavjud imkoniyatlardan to'liq foydalanilganda ushbu raqamlar ko'lami yana bir necha barobarga ko'payadi.

Xususan, kelgusida ekoturizm, xalq tabobati, shashmaqom, folklor singari nomoddiy madaniy meroslarimizdan unumli foydalanish orqali viloyatda sayyohlarni keng jalb etish imkoniyatlari mavjud.

ТУРИЗМДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш.Ж.Маматкулова-СамИСИ, доцент

Аннотация: *Ушбу мақолада туристик корхона инновацион маркетингни қўллаб, муттасил равишда ўз тур хизматларини ва маркетинг услубларини яхшилаб бориш йўллари, стратегияси кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар*: туризм, бозор, инновация, стратегия, реклама .*

Аннотация: *В данной статье рассматривается использование инновационного маркетинга в сфере туризма и гостеприимства.*

Ключевые слова*: туризм, рынок, инновация, стратегия, реклама.*

Annotation; *This article is about supporting innovation marketing of touristic entertainment, the way of systematic innovation of its tour service and marketing strategy.*

Key words; tourism, market, innovation, strategy, advertisement.

Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисодиётни ривожлантиришда энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берди. Бу соҳани ривожлантириш давлат томонидан чуқур қўллаб – қувватланмоқда. Мамлакатамиз Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаданиш ҳамда мазкур тармоқнинг иқтисодиётдаги ролини оширишга хизмат қилишни янги босқичга кўтаради.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради .Мазкур Фармон мамлакатимизда ўтган йиллар давомида туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш,туристларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилган ишларни янада юқори босқичга олиб чиқади десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирувчи энг муҳим устувор йўналишлардан бири бу – хизматлар соҳаси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ушбу соҳа мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 54 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бугунги кунда Самарқандда юздан ортиқ меҳмонхона ва 84 сайёҳлик фирмаси фаолият

кўрсатмоқда. Йилдан-йилдан уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти кенгаймоқда.Вилоятда туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар бажарилди.Йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, миллий ва замонавий услубдаги ресторан ва чойхоналар, турли кўнгилочар масканлар қурилди.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини бозор муносабатларининг шаклланиши ва чуқурлашиб бориши билан янада ривожлантириш, унда рақобат муҳитини вужудга келтириш, ҳозирги мураккаб шароитда кун тартибига турли янги ва ўта муҳим масалаларни қўймоқда. Шунингдек, қайд этиб ўтилганлар қаторида туризм соҳасидаги меҳмонхона хўжалигини хизматларининг сифат самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Туризм соҳасининг тараққиёти иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган транспорт ва алоқа хизматларининг ўсишига, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига , шунингдек, ташқи савдо айланмасига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш стратегиялар замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларни йўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш , инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий инновацион маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифалар ётади.

Ўзбекистон республикасини модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ривожлантириш дастурларида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусан, туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор режалар амалга оширилиб келинмоқда.

Туризм бозори қанчалик кенгайса, бу бозорда туристик маҳсулотлар қанчалик кўпайса, ўша ҳолатда бу бозордан туризм маҳсулотларини олувчилар сони кўпаяди. Туристик бозорда туристик маҳсулотларнинг кўпайиши ўша бозор жойлашган мамлакатларда туризм соҳасининг ривожланганлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацион маркетинг фаолияти маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларнинг бир-бирига тўғри келиши учун эркин ва рақобатли алмашувдан иборат бўлади. Туризм муҳим хусусиятлари бўйича хўжалик фаолиятининг бошқа шаклларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Шунингдек замонавий маркетингнинг ҳамма мавжуд хусусиятлари туризмда ҳам тўлиқ қўлланилиши мумкин.

Туристик фирмалар самарадорлигини ошириш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу масаланинг ечимини таъминлашда инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосий ўринни эгаллайди. Туризм маркетингида янги бозор сегментларига кириб бориш, бозор сиғимини ошириш, туризм бозорида рақобатда устунлигини яратиш туристик маҳсулотни истеъмолчиларга янгича тақдим қилиш ва истеъмолчилар диққатини туристик маҳсулотга жалб қилиш асосий вазифалардан саналади.Туризмда фаолият натижасини туристик маҳсулот

касб этади. Туристик маҳсулот - туристларнинг у ёки бу талабини қондирадиган ва улар томонидан тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади. Туристик хизматга меҳмонхона, транспорт, экскурсия, таржима, маиший - воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Меҳмонхона хизматлари ишлаб чиқариш ва истеъмолида инновацион маркетинг масалалари жуда муҳим рол ўйнайди. Сифатли хизмат кўрсатмайдиган меҳмонхона корхонаси ўзининг асосий мақсадларига эриша олмайди. Турли меҳмонхона корпорациялари ривожланишининг тарихи фойда маркетингнинг маҳсули эканлигини кўрсатади. Меҳмонхона корхонаси олдида хизмат кўрсатиш маркетингини керакли даражада сақлаб туриш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижоз меҳмонхонага яна келиш ёки келмаслиги унга кўрсатилган хизматнинг яхши ёки ёмонлигига боғлиқ. Биринчи марта меҳмонни яхши реклама, бой жиҳозлар ёки кенг турдаги таомномалар билан жалб қилиш мумкин. Аммо иккинчи марта меҳмон ходимларнинг малакали ишлаши ва олдин унга кўрсатилган хизмат сифатининг юқорилиги учун келади. Агар хизмат кўрсатиш корхонасини уни ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқсак,инновацион маркетинг унинг ҳаётийлигига энг катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Истеъмолчига сифатли маҳсулотни муваффақиятли сотиш корхона фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланади. Меҳмонхона корхонаси хизматларининг маркетингига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1.Моддий – техника базасининг ҳолати, яъни :меҳмонхона биноларнинг қулай режалаштирилганлиги ва сифатли жиҳозланганлиги, жамоат ва яшаш хоналарининг қулай мебел ва ускуналар билан жиҳозланганлиги, тўлиқ комплектли юқори сифатли чойшаблар, замонавий ошхона жиҳозлари, қулай лифтлар ва ҳ.к.

2. Хизмат кўрсатишнинг илғор технологияси. Бунга: жамоат ва турар хоналарни тозалаш тартиби ва усуллари; мижозларни рўйхатга олиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш, ресторан ва барларда овқатлар ва ичимликларни тайёрлаш рецептлари , савдо залларида хизмат кўрсатиш шакллари ва бошқалар киради.

Мижозларнинг хизмат маркетингига бўлган талабларини доимий ўзгариши ва кўпайишини эътиборга олган ҳолда мижозларнинг барча эҳтиёжларини ва белгиланган стандартларга мос келувчи сифатли хизматлар кўрсатиш муҳим стратегия ҳисобланади.Туризм минтақалари ҳам, алоҳида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам истеъмолчи билан муносабатда бўлиш соддалаштирилган ҳолда, фақат хизмат кўрсатиш технологияси асосида амалга оширилмаслиги кераклигини тушуна бошладилар. Хизмат маркетинги ҳар доим ҳам истеъмолчилар, раҳбарлар ва катта хизматчиларнинг ўзини ҳам қониқтирмайди. Юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи омил маркетинг стратегиясини танлаш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш стратегиясини ташкил қилиш учун корхона раҳбари энг аввало танламоқчи бўлаётган бозор шароитининг моҳиятини англаб етиши ва бу шароитда корхона қандай ўрин тутишини англамоқи лозим. Яхши ишлаб чиқилган стратегия қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим, яъни биз мижозларни қандай эҳтиёжларини қондира оламиз?

Кимдан-дир яхшироқ хизмат кўрсатиш учун, биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми- йўқми?

Хизмат кўрсатиш стратегияси тадбиркорларга учта асосий элементни ёдда тутиш лозимлигини кўрсатади:

- мижозларнинг эҳтиёжлари ;
- бу эҳтиёжларнинг қондиришда корхонанинг қобилиятлари;
- корхонанинг узоқ муддат давомида фойдани ушлаб туриши.

Меҳмонхона стратегиясини асосий мақсади - етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Меҳмонхона хизматлари маркетингини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтириш, нархни пасайтириш, реклама тадбирларини кучайтириш лозим.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ф.А.Ахмеджанова - т.ф.н., доцент (СамИСИ)
Б.А.Қўзибоев - Магистратура бўлими услубчиси

***Аннотация**: Хизматлар сифатини таъминлаш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва уни бошқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Туристик хизматлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар стандартлар орқали белгиланади. Туристик хизматлар ўзига хос хусусиятига эга бўлиши билан бирга, бу хизмат турлари истеъмолчиларнинг талабларига қараб кун-сайин ўзгариб боради ва тўхтовсиз ривожланади. Шу сабабдан туристик хизматларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва жаҳон талабларига мослаштириш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** Туристик хизматлар, туристик хизматларни стандартлаштириш, туристик хизматларни сертификатлаштириш, туристик хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги, меъёрий – техник хужжатлар.*

***Аннотация:** Одним из приоритетных задач развития экономики страны является обеспечение качества туристических услуг и их конкурентноспособности на мировом рынке. Требования предъявляемые к качеству туристических услуг указываются в стандартах.Туристические услуги могут изменяться в зависимости от требования туристов. Поэтому стандартизация и сертификация туристических услуг и их соответствие требованиям международных стандартов является одним из сложных задач.*

***Ключевыеслова:**Туристические услуги, стандартизация туристических услуг, сертификация туристических услуг, качество и безопасность туристических услуг, нормативно-технические документы.*

***Annotation:**One of the main tasks of the country's economy development is to ensure the quality of tourism services and their competitiveness in the world market. The quality of tourist services requirements are indicated in the standards. Tourist service's changes depend on the requirements of tourists.Therefore, the standardization and certification of tourist services and their compliance with international standards is one of the most complex tasks.*

Key words: *tourism services, standardization of tourist services,certification of tourist services, quality of tourism services,documents technical-norm.*

Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш, уларни сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу мақсадга эришиш учун республикамизда амалга оширилаётган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишлари муҳим роль ўйнайди. Чунки туризм хизматларнинг сифати ва хивфсизлиги асосан уларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш орқали таъминланади, сифат кўрсаткичлари эса халқаро тажрибаларнинг талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Маълумки, хизматлар сифатини таъминлаш, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва уни бошқариш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хизматлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар стандартлар орқали белгиланади. Стандартда фан, техника ва халқаро тажрибанинг илғор ютуқлари шаклланади, чунки стандартларни тузишда хизматлар кўрсатиш сифатига, инсон ҳаёти, мол-мулки ва атроф муҳит учун қўйиладиган хавфсизлик талаблари белгиланади.

Ҳозирги кунда янги ишлаб чиқариладиган ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Туристик хизматлар ўзига хос хусусиятига эга бўлиши билан бирга, бу хизмат турлари истеъмолчиларнинг талабларига қараб кун-сайин ўзгариб боради ва тўхтовсиз ривожланади. Шу сабабдан туристик хизматларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва жаҳон талабларига мослаштириш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасишуни кўрсатадики, туристик хизматларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кўп ҳолларда мажбурий бўлмаган, яъни ихтиёрий шаклда олиб борилган, чунки бозор ва унда мавжуд бўлган жиддий рақобат ушбу хизматларни ўз-ўзидан бир қолипга солиб қўяди.

Рақобат кучли бўлганлиги сабабли стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этишга бўлган талаблар ҳам кун-сайин ўсиб бормоқда. Халқаро Туристик Алянс Халқаро Автомобил Федерацияси билан биргаликда меҳмонхоналарнинг таснифига бўлган талаблар мажмуи - янги стандартни ишлаб чиқиш учун ИСО Халқаро стандартлаштириш ташкилотига мурожаат қилган. Ҳозирда шунга ўхшаш Германия стандартлаштириш институти (ДИН), Австрия стандартлаштириш институти ҳамда Европа комитети (СЕН) туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматларни стандартлаштириш ва ривожлантириш бўйича ишларни олиб боришмоқда.

Ишлаб чиқиши мўлжалланган стандартларнинг асосий буюртмачилари - соҳа тадбиркорлари, (туроператорлар, агентлар, меҳмонхона раҳбарлари), хусусий

сектор ва истеъмолчилардир. Меъёрий ҳужжатларда истеъмолчилар хавфсизлигига даҳлдор бўлган кўрсаткичлар мажбурий ва сифат кўрсаткичларига мансуб бўлган талаблари ихтиёрийдир. Шунинг учун, кўп чет эл туроператорлари икки хил сертификат, яъни мажбурий, меъёрий ҳужжат талабларига мос келишини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатига ҳамда ташкил этилган сифат тизимининг халқаро ИСО 9000 серияли стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатга эгадирлар. Бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган давлатларда эса аксинча ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳукумат ўз зиммасига жавобгарликни олиб ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда туристик хизматлари стратегик қувватга эга бўлгани сабабли уларни тартибга солиб бошқариб туради. Бунда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш мажбурий тарзда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида хам ҳозирги кунда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бунга "Туризм тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мисол бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтга қадар давлат реестри рўйхатидан ўтган туристик ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш ишларини ООО "Олий сифат" ва ООО "Сифат менежмент" корхоналари амалга оширар эди. Сертификатлаштириш борасида турфирмалар олдида муаммо бўлган бир масала норматив ҳужжатлар талабларини ўзларининг ишларида тадбиқ қилиш эди. Ушбу муамони ҳал қилишда аккредитация қилинган сертификатлаштириш идоралари, Ўздавстандарт агентлиги ходимлари туроперторларга ва меҳмонхона раҳбарларига маслаҳатларини бериб келмоқдалар. Ушбу йўналишда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларни ташкил этиб, актуал мавзуга оид мақолалар эълон қилиб, туроператорлар ва сертификатлаштириш идоралари билан тез - тез семинар машғулотлари ўтказиб келмоқдалар.

Ўздавстандарт агентлигининг асосий вазифаларидан бири янги туристик хизматларни амалга ошириш учун стандартлар (меъёрлар) ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтга қадар ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, туристик ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тизими. Умумий қоидалар. Раҳбарий ҳужжат;

- Ўзбекистон Республикасида туристик ва экскурсия хизматларини кўрсатиш. Асосий қоидалари. Раҳбарий ҳужжат;

- Меҳмонхона классификацияси.Республика стандарти.(Ўз РСТ 918-98)

Автотранспорт воситасида туристларни ташиш. Асосий қоидалар. Республика стандарт (Ўз ДСТ 967-2000)лари каби меъёрий хужжатлар.

Ўздавстандарт агентлиги мутахассислари туризм соҳасида олиб бораётган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил қилишда ва уларни ҳаётга тадбиқ этишда асосан, икки техник сиёсатга суянадилар.

Бу сиёсатнинг асосий илдизи Ўзбекистоннинг миллий мафкуравий манфаатларига бориб тақалади. Булар ички ва ташқи техник сиёсат бўлиб уларни амалга оширишда туризм соҳасидаги мавжуд бўлган барча сертификатлаштириш

муаммоларини бартараф этиш ва республикадаги туризм потенциалидан унумли фойдаланиш мақсадида:

- Ақли расо, уддабурон, туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқаро стандарт талабига жавоб берадиган гидлар (экскурсия етакчилари)ни тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади;
- Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи – "Ўзстандарт" агентлиги билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туроператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишини таъминлаш, шу жумладан турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;
- сертификатланадиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини доимий амалга ошириш ва кучайтириш;
- туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш;
- туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Суюнов С.Х.- СамИСИ доценти
Суюнова К.Б- СамМИ ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мавзуда мустақилликнинг қулга киритилиши ёш авлодни миллий ғоя, мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш имконияти яратилганлиги шу билан бирга XXI аср глобаллашув асрида ёш авлодни ватанпарварлик, ўзликни англаш, яъни Ватан халқ олдидаги бурчини англаш, мамлакат , халқтақдири учун курашиш, ўтмиш авлодлар босиб утган машақатли ва шафкатли тарихини урганиш каби йуналишлар назарий ва фактлар асосида ёритиб берилган.*

Қайт этиш жоизки ўтмиш авлодлар тарихини билмасдан ёшларнинг юксак маънавиятли ёшлар бўлиб этишиб бўлмаслиги каби масалалар асосли далиллар асосида ёритилган.

Аннотация: *В данной статье раскрыто теоретическое значение национальных идей и патриотического воспитания молодого поколения и*

приведены исторические факты патриотизма и гражданского долга перед Родиной.

Annotation:*Theoretical importance and patriotic education and upbringing of young generation and historical facts of patriotism and of civil duty before motherland are given in this article.*

Инсоният олами XXI - глобаллашув асрга қадам қуйди. Бу аср жамият тарихига маьнавият муаммоларига устивор аҳамият берадиган давр булиб қолди. Маьнавият инсон, инсониятнинг бутун фаолияти тараққиётҳалқилувчи омилдир. Маьнавият муаммоларига эьтибор бермай инсоннинг маьнавиятини ҳам, жамият тараққиётининг даражаси, сабаблари ва истиқболиниҳам тасаввур этиб булмайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таькидлаб ўтганидек. “ Маьнавият инсоннинг иймони, ахлоқи, хаётнинг мохиятини қандай тушунишни ички дунёси иймони бўлади. Ватан ҳалк олдидаги бурчини англаш ҳам юксак маьнавият белгисидир. Маьнавият баркамол инсон ўзининг савобли ишлари билан кечирган хаётидан рози кетади”.

Ғоя ва мафкура инсонга ўз мохиятини, шахсий ва умумий манфаатлар нисбатини, муайян миллатга, ижтимоий-сиёсий гурухларга мансублигини аниқлаш, шу асосда ўз хаёти мулжалинти, фаолиятнинг мохияти ва максадларини белгилашга имкон беради. Ғоя ва мафкуралар инсонга шахсий, ижтимоий, миллий ўзликни ангалашга имкон берадиган маьнавий омиллардир.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ўз-ўзини англаш,энг аввало, инсоний мавжудликнинг мохиятини маьнавий воқелик, шаьн, қадр-қиммат, обрў, эътибор, ор,-номус орқали намоён бўлишини кўрсатади.

Демак хаётнинг маьно мазмунини тушуниб йетиш, ўзликни англашдан бошланади. Миллий Ғояда унинг негизлари мужассам бўлганлиги учун ҳамўзликни англашга хизмат қилади ва бир-бири билан ўзвий боглиқ.

“Ўзликни англаш деганда мен тариҳий ҳотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни тушунаман” дейди И.А Каримов.Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш давлат ва жамият ҳаётининг барча жавҳаларини янада демакратлаштириш, авваламбор, хар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам етган. Миллий Ғоя атрофида жипслаша олиши, ўзини ҳалқ, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб етишга ҳамбоғлиқ.

Шундай экан, ўз-ўзини англаш бу ҳалқинг, миллатнинг ўтмиши, тариҳий тараққиёт йўлини, ота боболар насл-насаби, авлоду аждодларнинг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маьнавияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир.

Миллий ўзликни англаш жамиятимиз хаётида руй бераётган маьнавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, ҳалкнинг маьнавий камолоти билан боглиқ. Инсоннинг камоллик даражаси унинг жамиятдаги ўзўрниниқанчалик хис етиши билан боғланади. Шундагина инсон ўзинг қадр-қиммати, ҳалкнинг, миллатнинг қадр-қиммати билан қанчалик боғлик эканлигини, жамиятда, юртида содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлигини англайди.

Миллий ўзликни англаш миллат яшаётган Ватаннинг порлоқистиқболини таьминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайикларга эга эканлигини чуқур англаб

етиш, улар билан чексиз фаҳрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч ғайратини ишга солиш демакдир. Миллат мавжуд булиши учун тил, худудва маьнавият асосий шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади.

Инсоннинг тарихий тараққиёти ўз-ўзини англаш, энг аввало инсоний мавжудликнинг моҳиятини маьнавий воқелик, шаьн, қадр-қиммат, обрў-эьтибор, ор-номус орқали номоён бўлишини кўрсатади. Хаётнинг маьно мазмунини, мақсадини тушуниб етиш ўзликни англашдан бошланади. Миллий Ғояда унинг илдизлари мужассам бўлганлиги учун ҳамўзликни англашга хизмат қилади ва бир-бири билан ўзвий боғлик бўлади.

Инсоният фалсафий тафаккури тариҳида ўзликни англаш масаласи турлича талқин қилинган. Инсон жамиятнинг уткинчилиги, руҳнинг эса абадийлиги масаласини зохирий талқин этганлар инсон ўзлигини дунёдан юз угириб, ёлгизликда ибодат билан кун ўтгазгандагина, оддий сўз билан айтганда тарки дунё қилганида топиш мумкин деган фикирга келганлар.

«Ўзликни англаш» бош мақсади булган тасаввуф аҳли ва тасаввуф Ғояларидан қувват олган улуғ мутаффакирларимиз инсонни инсонга, Ватанга, ҳалқига бўлган хар қандайғараздан холи, пок мехрини тарғиб қилганлар.

Хусусан, улуғ мутасаввуф аллома Бахоуддин Накишбанд инсон ўз-ўзини англаб етиш орқали хақни хақиқатни танийди. Аллоҳ васлига етишади, дейди. Аммо ҳаётнинг якуний мақсади бу эмас. Дилида Аллох жо бўлган киши ишга киришмоғи, эзгу ишларга қўл уруши лозим. У асло элдан, ҳалкдан ўзини айирмаслиги, аксинча ориф одам хакни дилда тутган холла ҳалк билан бирга булиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, Фаридиддин Аттор дунёни қайнаб турган қозонга киёслаб, инсонни анна шу «қозон» да қайнашга ундаган эди. Шундагина инсон пишиб етилади. Нажмиддин Кубро. Алишер Навоий. Бобур Мирзо ва юзлаб улуғ юрт қайғусида яшаган жадид зиёлилар, яна унлаб, юзлаб улуг аждодларимиз хаёти, ўз такдирини ҳалк, миллат, бутун инсоният такдири билан ўзвий боғлиқликда курганлар. Инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўзўрниниқанчалик билганлиги, ўзини жамиятнинг ажралмас қисмиэканлигини қанчалик хис етиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадрқимматини ҳалкнинг, миллатнинг қадр қиммати билан нечоглик боғлиқэканлигини, жамиятда, юртда содир булаётган воқеаларга дахлдорлигини англайди. Юртимиз мустамликачиликк асоратига тушган XX аср бошларида юрт қайғусида куйган Фитрат улканинг бошига ёғилган балоларга аввало ўзини айбдор деб хисоблагани бежиз эмас. Амир Темур рухига мурожат этиб у шундай ёзган эди ; « Юқорида айтилган ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим»

Сенинг Туронингни ўзим талатдим,
Сенинг Турклигингни ўзим ёздирдим,
Сенинг омонатларинга хиёнат ўзим қилдим,
Шу эмасми комилликнинг белгиси?

Миллий ўзликни англаган инсонгина Фитрат каби; « Туроним сендан айрилмоқ–менинг учун, сенинг учун улмоқ—менинг тириклигимдур » деб баралла

айта олади. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари жонини сақлаш эмас, ёв босган юртни химоя қилиб, жон таслим қилишни афзал куради.

Бу ўзликни англашнинг аниқ ифодаси, юрт, Ватан учун ўзини бағишлаган халқдир.

Ўзликни англаш ўз тарихини билишдан бошланади. Кишилик жамияти қарор топгандан буён одамзод авлод-аждодларини кимлигини, қандай хаёт кечирганлигини, насл насабини, ўзи туғилиб вояга етган заминни, Ватаннинг ўтмиш тарихини билишни истайди.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг « тарихий хотирасиз келажак йуқ » асарида « Тарихий хотираси бор инсон- иродали инсон, тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади » деб тақидлайди.

Демак, тарихни яхши билмасдан туриб юксак маьнавиятга эришиш мумкин экан. Собиқ Иттифок даврида миллатимиз онгида шундай Ғоя сингдирилгандики, у ўз юртида бошини баланд кутариб юриши такикланган эди. Ҳалкимизнинг шундай ахволга тушиб қолишига асосий сабаблардан бири – унинг тарихий хотирасидан жудо булиши эди. Миллий Ғояҳалкимизга нафакат ўз тарихини одилона, обьектив ва холсона ургаииш имкониятини яратди, балки миллат сифатида шаклланиш давридаги мураккаб шароитлардан келиб чикиш сабабларини курсатиб беради. Чунки миллий Ғояҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улуғ аллома аждодларимизнинг хикматлари ва хаётий угитларидан, бунёткор Ғояларидан, яшаш ибратидан озука олган.

Шунинг учун ҳам, тарихни буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаи дейишади. Доно ҳалқимизнинг « Етти пуштингни билгин » деган угитлари бекорга келиб чиқмаган. Шунинг учун ҳамқадимги Шарқ донишмандлари инсоннинг гавдаси олдинга, юзи эса ортга қараган холда тасвирланганлар. Яьни, уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, ўтмишни доимо ёдда саклаш шарт. Бу кухна хакикатни теран англаган Президент И.А.Каримов « Ўзбекистон XXI аср бусагасида; хавфсизликка тахтид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари » асарида истиқболдаги вазифаларни белгилаб берар экан; « Тари хотираси, ҳалқнинг жонажон улканинг, давлатимиз худудининг ҳалос ва қонуний тарихини тиклаш миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида Ғоя мухим ўрин тутади » деб таькидлайди.

Тарихий хотира миллатга куч-кудрат багишлайди, хаётнинг огир синовлврини муносиб енгиб утишга, ўзлигини саклаб колишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳамўзга ҳалкларни тобе этишга урганган боскинчилар ҳалкни анна шу кудрат манбаидан айиришга, шахар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларнинг маьнавий меросидан махрум етиш орқали тарихий хотирасини заифлаштиришга харакат қилганлар.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистонда 1936-йилдан 1953-йилгача юз минг енг саводли билимдон кишиларни репрессия қилгани, шуларнинг 13 мингини отиб йуққилгани фикримизнинг далилидир. Аллома ёзувчи Абдулла Қодирийларни ҳамқаерда отиб улдиргани хозиргача маьлум эмас.

Шу жумладан Имом Бухорий мажмуасини мисол келтиришимиз мумкин. 1970-йилларда мен 2 йил Имом Бухорий мажмуаси олдида пахтада булганман. Шу йиллари бир неча марта бориб куриб, ушбу бинонинг нихоятда хароб холатда

эканлигини гувохи булганман. Мен ушбу хонаконинг зиёратгох жой эканлигини, бирор киши келиб кетганини курган эмасман. Имом Бухорий хонакосининг бир қисми тушлик пайтида калхознинг подалари салқинлайдиган жой, иккинчи қисми пахтага ишлатиладиган дорихона сифатида фойдаланилар эди. Мустақиллик шарофати билан тикланган Имом Бухорий мадрасаси кеча кундўз зиёратчилар ўзилмайдиган, ҳаммани хайратга соладиган зиёратгох жойга айланганлиги фикримизнинг далилидир.

Бундан ташкари, кишлокдан чикиб дунёнинг учдан бир қисмини эгаллаган, буюк империя ташкил килган бобомиз Амир Темурни каллакесар жаллод деб онгу-шууриримизга сингдирмоқчи эди. Домламиз, Фанлар Академиясининг вице президенти Ибрагим Муминов академияга уч марта мурожат қилади. Уртоқлар,энди ўтмиш боболаримиз қадриятлари хақида ёзсак бўлади, деб мурожат қилади. Лекин, мустамлакачилик зулмидан, партия сиёсатидан курккан академиклар бу хакда ёзишмайди. Шунда И.Муминов 7 ой кабинетда ҳама керакли манбаларни олиб келтириб, « Амир Темурнинг тарихидаги ижобий ва салбий роли » деган асар ёзиб, 1973-йили нашр қилдиради. Ушбу асар нашр қилингандан кейин Москвада чиқадиган 3 та журналда, жумладан « История СССР », « Новая история » журналларида « Академик каллакесар жаллоднинг холига йиглаётир » деган танқидий мақолалар босилди ва академик И.Муминовга каьтий партия жазоси бериш учун Ш.Рашидовга кўрсатма берилди. Ушбу инқироздан кейин домламиз И.Муминов 3 ой ҳам яшолмади, қанд касалига чалиниб хаётдан кўз юмди. Ушбу асар хозирги кунгача бир қатор мамлакатларда, жумлаждан Масква шахрида ҳам бир неча марта нашр қилинди.

Демак , жамият хаётида бунёдкор Ғояларга таянсагина тараққиётга эришилади, маьнавий жихатдан юксалади.

Қайд этиш жоизки, инсон « бир парча гушт » булиб дунёга келади ва у дастлаб табиий инстинктлар билан яшайди. Аста-секин яшайдиган оила мухити, кейинроқ маҳала, таьлим олган билим даргохи, жамият таьсирида юксак дунёкараши шаклланади, шахсга айланиб боради. Жамиятдан ташқарида эса у хайвонот дунёсининг бошка вакилларидан унчалик фарққамқилмайдиган, ўзлигини англашга қодир бўлмаган оддий жонзодлигича қолади.

Жамиятдан ташқарида ўзинг инсоний сифатларидан сақлабқолган Робинзон Крўзо ёки Маугли каби адабий қахрамонлар фақат ҳаёлот махсулидир.

Машхур инглиз ёзувчиси Даниел Дефонинг Робинзон образини яратишга туртки берган реал шахс Александр Сельхирк тарихи бунга ёркин мисол булла олади. Ўзи билан зиддиятга борган бу матросни кема капитани кимсасиз оролга тушириб колдиради. У оролда 4 йилдан купроқ вақтини ёлгизликда ўтказади. Аммо қисқа вақт ичидаёқ у одамдек сўзлашни муомала қилишни унутади, бир сўз билан айтганда буткул инсоний қиёфасини йуқотади.

Яна бир мисол, Бобур Мирзо набираси Акбаршох Хиндистонда 30 йилга яқин давлатни бошқаради. Саройда дин ахллари билан мунозара қилади. Дин ахллари подшонинг боласи подшо, гадонинг боласи гадо бўлади, деб таькидлайдилар. Шунда уларнинг фикрига қарши Акбаршох инсонни мухит тарбиялашини, мухитсиз инсон ўз инсонийлик бурчига эга булолмаслигини ўқтиради. Шунда Акбаршох хар ҳил тоифадаги тугилган болалардан бир нечтасини карлар ва гунглар тарбиясига бериб, уларни 7-8 ёшгача ўзи кўзатиб алохида жойда саклайди. Шунда

Акбаршох дин ахлларини олиб келиб, болаларни куррсатади. Қани айтинглар, шу болаларнинг қайси подшохзода, қайсилари гадонинг болалари ? Болаларда тил тизими ривожланмайди, улар хаттоки ота-она деб гапириш имкониятига эга бўлмайди.

Демак, кишининг инсон мартабасига эришмоғи, ўзлигини топганида маьнавий-ижтимоий мухит ва жамиятда орттирилган тажрибаси, билимлари, тарбияси мухимдир.

Инсон тафаккурига оила, жамиятидаги тарихий шарт-шароит,маҳала, мактаб, жамиятдаги сиёсий иқтисодий ва мафкуравий холатлар ўз таьсирини кўрсатар экан, унинг ўзлигини миллий ўзликни англашда таьлим-тарбиянинг аҳамиятида яшаш, мустақил давлатимизнинг жахон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрули ўрин эгаллаши халқ фаровонлигининг ошиши хизмат тизимининг такомиллашишиучун фидоийлик билан курашиши лозим.

Шунинг учун ҳам, миллий Ғоя воқеликка айланиши, тараққиётга хизмат қилиши учун миллий маьнавий тикланиш замирида фукороларимиз онгу-тафаккўрини ўстириш ўзликни англаш руҳида тарбияниш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маматкулова Ш.Ж.- СамИСИ, доц
Наркулова Ш.Ш – СамИСИ**,** асс.
Ш.Б.Омонов- СамИСИ, ИК-415 гуруҳ талабаси

Аннотация: *Ушбу мақолада Узбекистон худудида, хусусан, Сурхандарё ҳудудида этнотуризмни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилган, миллий этнотуризм ривожлантириш истиқболлари ва муаммолар ёритилган.*

Калит сўзлар: *туризм, этнотуризм, инфратузилма, балнеологик*

Аннотация*: В данной статье предпринята попытка рассмотреть возможности развития этнотуризма на территории национальных регионов Узбекистана, в частности, Сурхандарьи. Описаны успешные примеры реализации этнокластеров в туризме в национальных регионах, выявлены проблемы и перспективы развития этнотуризма (на примере Сурхандарьи)*

Ключевые слова: туризм, этнотуризм, инфрасистема, балнеологик

Annotation: *This article considers the possibility of developing the potential of nations in the United States, in particular, Surkhandarya. The methodology for studying the cluster approach for tourism is presented. Successful examples of realization of ethnoclusters in tourism in the Russian regions are described, the revealed problems and prospects of development of ethnotourism (on an example of Surkhandaryi)*

Key words: tourism, ethnotourism, ground environment, balneologic

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили ўртача 1,2 млрд. нафар киши саёҳатга чиқади. Ваҳолонки, бундан 10 йил муқаддам рўйхатга олинган туристлар сони 576 млн. нафарни ташкил этган, холос. Мазкур соҳа жадал ривожланишининг кўплаб омиллари бор, албатта. Улар ичида энг асосийси — бу дунёни билиш, тарбия ва соғломлаштиришни ўзида мужассамлаштирганидир. Қолаверса, у бундай хизматларни ташкил этувчиларга

катта даромад олиш имконини беради. Ҳозирги вақтда дунё туризмининг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиз, хизматлар экспортида 30 фоиз, савдо ҳажмида 6 фоизга етгани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 8 фоизи шу жабҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Аввало, шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида туризмнинг бозор муносабатларига асосланган янги ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, туризмнинг жаҳон андозалари даражасидаги янги йўналишлари жорий қилинди. Мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар таъмирланиши баробарида, улар кенг кўламда тарғиб этилди. Бу каби тизимли чора-тадбирлар кутилган самарани бериб, юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти тобора ошмоқда. Бунга яқинда Буюк Британиянинг дунёда машҳур “Financial Times” газетасида чоп этилган мақола мисол бўла олади.

Гап шундаки, унда 2017 йилда жаҳон бўйлаб саёҳатга чиқиш истагидагилар учун энг қизиқарли йўналишлар рўйхати эълон қилинди. Газетада таъкидланган тўққизта давлат орасида Ўзбекистон жаҳондаги энг диққатга сазовор сайёҳлик йўналишлари рейтингида иккинчи ўринда қайд этилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, **Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи давлатлар сирасига киради.** Мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжудлиги, сўлим қўриқхоналар фаолият кўрсатаётгани, миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари асраб-авайлаб келинаётгани хорижликларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда. Бироқ мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилмаётганлиги туфайли соҳанинг хизмат кўрсатиш ва экспортдаги ҳиссаси, аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада орқада.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида бу ҳақда тўхталар экан, **туризмдек сердаромад соҳа ривожи эътибордан четда қолиб келаётгани, унинг Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.**

Давлат статистика қўмитаси маълумотларида келтирилишича, айни пайтда туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши жуда паст — атиги 2 фоиз атрофида. Туризм фаолиятини амалга оширган фирма ва ташкилотларнинг сони эса қарийб 400 та бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (73,4 фоиз), Самарқанд (13,1 фоиз), Бухоро (4,5 фоиз) ва Хоразм (1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги сайёҳлик хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган фирма ва ташкилотларнинг 92 фоизи, сайёҳларнинг 93,1 фоизи ушбу 4 та ҳудудга тўғри келади.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари**

Во - вторых, увеличение приема связано с дополнительными расходами и упирается в проблему их финансирования. Государство, которое и так несет огромные расходы на образование (порядка 12% ВВП), не в состоянии нести дополнительные расходы, связанные с увеличением приема в вузы. Проблему финансирования дополнительных расходов можно было бы решить за счет самых поступающих. Сейчас незначительная часть студентов обучается за счет государства – бюджетники, другая часть оплачивает част расходов – контрактники. К этим, уже существующим двум категориям можно было бы добавить третью категория студентов, которые будут учиться за свой счет или же за счет организации - спонсора, т.е. на коммерческой основе без какой-либо материальной поддержки со стороны государства. Если поступающий учился в школе или в колледже успешно (на «4», «5»), при сдаче тестовых экзаменов получил свыше 100 баллов, он вполне может «потянуть» учебные программы вуза, быть успевающим студентом и в процессе обучения получить качественное профессиональное образование. Если поступающий хочет и может учиться, а его родители в состоянии оплатить полную стоимость его обучения за свой счет без какого-либо ущерба государству, то зачем бы нам отказаться от такого разумного, как с точки зрения самого поступающего, так и обществе в целом, удовольствия? Если после окончания вуза он найдет себе применение даже в сфере самозанятости и будет заниматься предпринимательской деятельностью, знания, полученные в стенах высшего учебного заведения ему сильно пригодятся. Ведь образованный человек всегда на голову выше необразованного, может более рационально и разумно решать любые сложные вопросы хозяйственной практики и повседневной жизни.

В - третьих, за счет увеличения приема и формируемых дополнительных финансовых средств могли бы изрядно решить и другую, не менее важную проблему, проблему повышения оплаты труда и материального стимулирования профессорско - преподавательского состава вуза. Данный подход мог бы иметь решающее значение для постепенного искоренения и полной ликвидации в последующем таких изъянов в системе высшего образования, как взяточничество, вымогательство и другие негативные явления.

В - четвертых, в каждом регионе целесообразно создать специальные тестовые центры и установить онлайн-наблюдения за процессом приема вступительных экзаменов. Это обеспечить прозрачность тестового приёма в ВУЗы

страны. Причем вступитетельные экзамены в этих специально оборудованных тестовых центрах можно проводить на большом премужутке времени, скажем на протежении летних каникул, проходной балл по отдельным специальностям можно объявить заранее, еще до начало вступительных экзаменов. Это позволит абитуриентам правильно сориентироваться и выбрать вуз и специальность с учетом своих реальных вазможностей.

Дальнейшее повышение качества образования неразрывно связано с развитием рыночных отношений и прежде всего созданием и развитием здесь частного сектора. Преодоление государственной монополии на рынке образовательных услуг и создание сети негосударственных высших и средних специальных учебных заведений позволило бы усилить конкуренцию между различными субъектами, и повысить, тем самым, качество подготовки специалистов. Возникновение и развитие в стране, наряду со сложившейся государственной системой высшего и среднего специального образования, альтернативных форм образования, является насущной потребностью, необходимым условием создания столь нужной сейчас конкурентной среды на рынке образовательных услуг республики и решения, на этой основе, важной проблемы повышения качества подготовки и переподготовки кадров. Как иначе можно добиться высокого качества продукции, в данном случае образования, в условиях рыночной экономики, если в ней отсутствует самый нужный, самый важный механизм обеспечения качества - конкуренция. Нам представляется, что именно появление в республике альтернативных форм подготовки и переподготовки кадров, создание параллельных образовательных структур является наиболее важным условием подготовки не просто дипломированных, а по настоящему квалицированных кадров.

Важным направлением повышения качества кадрового потенциала на основе непрерывного образования представляется дальнейшее развитие и совершенствование последипломного образования. С этой целью необходимо разработать эффективный организационно-экономический механизм, побуждающий дипломированных специалистов к обновлению устаревших знаний.

Для поддержания необходимого квалификационного и образовательного уровня работников в стране нужна эффективная система экономических стимулов и ответственности за качество знаний. Причем подобный механизм стимулирования и ответственности должен иметь равное воздействие на все три участника процесса производства и реализации образовательной услуги. Эффективный организационно-экономический механизм должен побуждать учебное заведении к качественному выполнению возложенных на него образовательных функций, потенциального обучающегося к пополнению своих знаний, росту интеллектуального и профессионального уровня, а предприятия и организации, где работают обучаемые, к использованию квалифицированной рабочей силы.

ТУРИЗМ СОҲАСИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

И.С.Тухлиев – СамИСИ, И.ф.д., профессор
Ш.Каримова - СамИСИ магистрант

Аннотация:*Мазкур мақолада туризм ҳамда меҳмонхона йўналишидаги мутаҳассисларнинг таълим жараёнини кучайтириш, таҳсил жараёнида турли илғор хорижий таълим тизимларидан фойдаланиш орқали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар*: туризм, экскурсия, рақобатбардош, дуал тизим, техгология.*

Аннотация: *В данной статье привидены конкурентоспособности по подготовке кадров в сфере туризма и гостинечного хозяйство, с использованием иностранного опыта.*

Ключевые слова: *туризм, экскурсия, конкурентоспособность, дуальная система, технология.*

Annotation: *This article is about preparation of competitive staff in the field of tourism and hospitality implementing international experience.*

Key words: tourism, excursion, competitiveness, dual system, technology.

Мамлакатимиз азалдан ўзининг бой тарихий, меъморий обидалари, буюк алломалари билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари аҳолисини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг,туризм соҳаси юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Узбекистон туризми имконият ва салохияти жихатидан нафакат Марказий Осиёда, колаверса, жахонда узига хос уринга эга. 21–асрда Узбек туризми нихоятда ривожланиб, иктисодиётнинг асосий тармоклари катори ахамиятининг ошиши кузда тутилади.Чунки, кадимий ва бой тарихга эга булган улкада туризмнинг куплаб турларини юксалтиришнинг асослари яратилмокда.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаси жадал суръатларда ривожланиб, миллий маҳсулотдаги улуши бўйича иқтисодиётнинг бирламчи ва иккиламчи секторларидан анча ажралиб турибди. Бу борада туризм бозоридаги меҳмонхона хизматлари халқаро савдо-сотиқнинг кенг тарқалган объектларидан бири ҳисобланади.

Туризм бу кўп тармоқли бизнес бўлиб, дам олишни ташкил этиш бўйича хизматларнинг бутун мажмуасини қамраб олади.Туризмнинг замонавий саноати жаҳон иқтисодиётининг энг юқори даромадли ва жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳорижда дам олиш учун чиқишни ҳоҳлаганлар сони ҳар йили 20-22%га кўпаймоқда. Бундан ташқари бутун оламда бизнинг мамлакатимизга саёҳат қилмоқчи бўлган хорижий туристларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Самарқанд шаҳри 2014 йилда АҚШ нинг машҳур Интернет нашри -“The Huffington Post” томонидан эълон қилинган рейтингга мувофиқ сайёрамизнинг сайёҳлар бориб кўриши лозим бўлган 50 та энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Эътиборлиси, МДҲ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақат Самарқанд шаҳри киритилган.[52]

[52]Дунёда-элликтадан бири //XXI аср.2014 й., 24-июль., №29(557).

Республикамизда ҳозирги кунда мазкур соҳага эътибор кучайиб бормоқда ва айтиш жоизки шаҳарларимиз халқаро конференцияларга, кўргазма ва кўплаб нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисидаги" Фармонида ўрта муддатли истиқболда туризмсоҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб,туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш белгиланган.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда Республикамизда туризм ва меҳмонхона йўналишидаги мутахассисликлар таълим жараёнини янада кучайтириш, таълим жараёнида турли хорижий таълим тизимларидан, технологиялардан фойдаланиш ва албатта етук, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги21 апрел 2017 йилдаги қарорига[53] асосан Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмагани кўрсатиб ўтилган эди.

Хозирги кунда олий укув юртларида таълим сохасини тубдан ислох килиш,ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий талабларга жавоб берувчи юкори малакали,салохиятли кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш мухим вазифалардан хисобланади,хамда ушбу максадни руёбга чикаришда хорижий таълим тизимларидан бири хисобланмиш дуал тизими мухим ахамият касб этади.

Ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш ва Олий таълим муассасаларида таълим жараёнида ўқитишни янада такомиллаштириш мақсадида турли хорижий таълим тизимларидан жумладан "Дуал" тизимидан фойдаланиш ижобий самарани беради. Дуал таълим тизими бу таълим тизимининг шундай турики, фаннинг назарий қисми олийгоҳнинг ўзида, амалиёт қисми эса маълум корхоналарда олиб борилади. Бундай шаклдаги таълим тизими илк маротаба Германия[54] олий таълим муассасаларида қўлланила бошланган ва ҳозирги кунда ўзининг самарасини берган таълим тизимларидан ҳисобланади. Дуал таълим тизимини ҳозирда кўпгина ривожланган мамлакатлар Финландия, Швецария, Швеция, Дания[55] олийгоҳларида қўллаб келинмоқда.

Мазкур таълим тизимида талабалар дарсдан бўшамаган ҳолда ташкилотларда амалиётни ўтаб борадилар.Бунда олийгоҳ ва корхона ўртасида шартнома тузилади. Бу тизимнинг фарқли томони шундаки, одатда таълимнинг кўпроқ қисми

[53]uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайтидан олинди. 2017 й., 20 апрель.
[54]https//ru.wikipedia.org/wiki/dualnoe obrazovanie

ташкилотларда камроқ қисми эса олийгоҳларда ўтади(яъни икки куни олийгоҳда, тўрт куни ташкилотларда).

Мазкур таълим тизимидан туризм таълим йўналишларида фойдаланиш, туризм учун янада малакали,етук кадрларни етказиб беришда замин ҳисобланади. Зеро талабалар фақат институтда назарий билимлар билан чекланмай,олган билимларини амалда меҳмонхоналарда, туристик фирмаларда, туристик агентликларда ва бошқа туризмга доир турли ташкилотларда бир вақтнинг ўзида синаб, тажриба орттиришга муяссар бўладилар. Туризмда бу тизимда ўқитишни ташкил қилишнинг ижобий томонлари юқори малакали туризм мутахассисларини тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқариш шароитига мослашишини таъминлашдан иборат.Дуал тизимида ўқитиш бакалавриат таълим йўналишларининг учинчи курс талабалари учун фақат мутахассислик фанлари бўйича ўтказилади. Бу тизимда ўқитиш технологияси институт ўқитувчилари ҳамда тур корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари ҳамкорлигида бевосита корхоналарнинг бўлинмаларида фанларни ўқитишни назарда тутади. Ўқитиш тасдиқланган ҳамда тегишли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарияти билан келишилган дастурлар бўйича ўтказилади.

Туризм соҳасидаги талабалар корхонани бошқариш,ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш технологиялари, амалдаги стандартлар, ихтисослик бўйича услубий ва меъёрий материаллар, ички тартиб қоидалари тўғрисида билим оладилар ва олган билимларини корхона шароитида амалда қўллаш усуллари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Халкнинг бой интеллектуал мероси, замонавий маданият, иктисодиёт, фан техника ва технология, хориж укув тажрибаси ютуклари асосида олий таълим сифатини янада ошириш ва кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Узбекистон тараккиётининг мухим шартидир.

ТЕНДЕНЦИИ МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ДЛЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА

Сейтмуратов Р.А- СамГУ, д.э.н., профессор
Джалилов Ф. А, - ассистент каф. Экономики СамГУ

Аннотация*:Мақолада туристик соҳада ишлаш учун кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш жараёнидаги содир бўлаётган асосий ўзгаришлар ва тенденциялари таҳлил қилинган*

Статья посвящена анализу основных тенденций обновления и модернизации системы подготовки кадров в соответствии с современными условиями.

The article is devoted to general and main tendencies of modernization training system of personnel in touristic sphere.

Калитли сўзлар*:Модернизация, таълим, туризм, қонуният, янгиланиш, ислоҳот қилиш*

Ключевые слова*:Модернизация, образование, туризм, тенденции, обновление, реформирование*

Key *words*:*Modernization, education, tourism, tendency, renovation, reforming*

Образование, как известно, – это процесс и результат усвоения систематизированных знаний, умений и навыков, необходимое условие для подготовки человека к жизни и труду.

Перефразируя это определение в аспекте семинара, можно сказать, что подготовка кадров для сферы туризма – есть процесс усвоения специальных систематизированных знаний, умений и навыков, необходимых для эффективного труда в этой сфере.

Модернизация системы подготовки требует, хотим мы этого или нет, изменения роли и функции образования, что выражается в смещении от обслуживания интересов государства к удовлетворению потребностей личности, социальных групп и общества.

Почему так? В чём причина этой тенденции? Система образования – это сфера услуг. А сфера услуг ориентируется на потребителя, клиента. Неслучайно девиз сферы – «Клиент всегда прав!». Конечно же, полностью руководствоваться этим лозунгом нельзя, но в определённой мере учитывать следует.

Сохранение монополии государства в некоторых сферах при заметном сокращении его финансовых возможностей, вульгаризация рыночных отношений при недостаточной общественной и законодательной практике, определённый консерватизм самой высшей школы, отсутствие института благотворительности – вот неполный перечень условий, при которых воспроизводство национального интеллекта сталкивается с серьёзными трудностями в условиях рыночных отношений. Продолжается обучение по профессиям и специальностям, не пользующимся должным спросом на рынке труда.

Суть современного этапа реформирования образования состоит в создании условий, обеспечивающих непрерывную модернизацию, обновление системы образования в соответствии с переменами, происходящими в стране и мире. Реформа образования должна быть подчинена модернизации общества и экономическому развитию Республики Узбекистан.

Среди важнейших мировых тенденций развития системы подготовки кадров для сферы туризма является равноправное сосуществование наряду с государственным также и негосударственного сектора образовательных учреждений. В условиях модернизации структурная перестройка системы образования предполагает расширение многообразия образовательных учреждений, стимулирование новых видов образования и типов учебных заведений; развитие интеграции учреждений различных профилей и уровней в сельской местности; отнесение средних специальных учебных заведений к неуниверситетскому уровню высшего образования; проведение дифференциации учреждений профессионального образования по типам, видам и категориям; создание условий для формирования университетских комплексов как ведущих центров образования, науки и культуры и т.д.

Что касается экономических основ системы образования, то центральным направлением модернизации является реструктуризация финансовых потоков, системы финансирования, диверсификация источников финансирования.

В концептуально-методологическом смысле высшее учебное заведение превращается в учебно-научно-производственный и предпринимательский комплекс, осуществляющий взаимодействие как с государственными нерыночными, так и с предпринимательскими структурами.

Отчётливо прослеживается также тенденция интеграции национальных систем образования в мировой рынок образования. Специалисты считают, что политику

страны на рынке образования можно признать активной, если доля иностранных студентов в общей численности обучающихся составляет свыше 5 %. Международное признание учебных курсов и дипломов об образовании необходимо в связи с тенденцией увеличения спроса на специалистов уровня магистра и доктора философии. Именно им часто оказывается государственная финансовая поддержка.

В современных условиях выпускники ВУЗов должны быть подготовлены для предпринимательской и инновационной деятельности, что будет способствовать усилению адаптивности выпускников ВУЗов и экономии денежных средств, направляемых на переподготовку и повышение квалификации кадров. В этом смысле, необходимы организация специальных курсов и факультетов по обучению навыкам инновационной деятельности и основам инновационной экономики, разработка новых программ, учебно-методических рекомендаций, издание отечественной и переводной литературы по данной проблематике.

При прогнозировании приоритетных направлений инновационного развития образовательного учреждения следует учитывать следующее: 1)рынок труда, участие в котором осуществляется посредством предварительной, подготовки, обучения и переобучения, трудоустройства и занятости выпускников; 2) развитие региона; 3) модернизация предприятий путём внедрения новых технологий и управленческих систем; 4) содействие повышению эффективности производства и формированию в нём новых взаимоотношений; 5) эффективное использование субсидий, выделяемых на исследования и разработки.

Для успешного сотрудничества с предприятиями и организациями учебные заведения должны иметь сильные позиции, а именно: введение новых специальностей, новых методов обучения, мобильную и приближенную к проблемам рынка систему специализации, тематику научно-исследовательских работ.

В аспекте инновационного развития общества важнейшей задачей является переориентация от массового обучения к усилению индивидуального подхода, высококачественной индивидуальной подготовке специалистов. Одной из общемировых тенденций развития высшего образования является индивидуализация процесса обучения. Например, в Алабамском (США) земельно-механическом университете, где обучается чуть более 5 тыс. студентов, 337 факультетов, а в Аубенском государственном университете – 1181 факультет. Малочисленные группы студентов и высококвалифицированные преподаватели позволяют вести учебный процесс на высоком уровне и выпускать разнообразных специалистов.

Общемировой тенденцией является заметное снижение бюджетного финансирования образования при одновременном повышении роли частного капитала, который участвует на паритетных началах в подготовке специалистов с учётом требований рыночной экономики.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Ш.Ж.Маматкулова- СамДАҚИ Ф.ф.н.,доц.

Аннотация: *Ушбу мақолада таълим тизимида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш, инновацион педагогик фаолиятни ривожлантириш орқали талабаларнинг билим олиш имкониятлари кенгайиши ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар*: фан, техника, технология, ахборот, компьютер.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль и значение педагогической технологии. Актуальной задачей при обучении иностранных языков и других предметов роль педагогической технологии является основным.*

Ключевые слова*: информация, техника, технология, компьютер,предмет.*

Annotation: *This article is about technological innovation. It is available for use in language learning and teaching. Technology affords learners the opportunity to record themselves and present them to peers. The intensification and modernization of education requires the introduction of innovative technologies that aim to educate a person in the creative intellectual and emotional way.*

Key words*: information, technic, technology, computer, sudject.*

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мутахассис кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ахборот технологияларидан ўқув-тарбия ишларида унумли фойдаланиш учун ўқув юртларида таълимнинг замонавий дидактик воситалар комплекси билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари, автоматлаштирилган аудиториялар, заллар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Инсон фаолиятида техниканинг қўлланилиши, айниқса унинг ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ишлатилиши ўзига хос омилларга эгадир. Бу омиллар биринчидан, ўқитувчи ва ўқувчи фаолитятининг кескин ўзгаришига, иккинчидан, ўқувчига етказилиши керак бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг чуқурроқ ўрганилиши ва ўзлаштирилишига замин тайёрлашдан иборатдир. Маълумки, ҳозирги вақтда дарс – таълимнинг асосий шаклидир. Дарс жараёнида ўқитувчининг фаолияти асосий аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчига ўз предмети бўйича муайян маълумотларини етказиш билангина чекланиб қолмай, уларни идрок қилишга, мустақил ишлашга ўргатмоғи лозим. Ана шу муаммоларни ҳал қилишда ахборот технологиялари ва компьютер техникасининг роли каттадир. Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда. Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (комьютер, электрон алоқа, радио, телевидение) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш. Педагогларнинг ўз амалий

фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жихатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир. Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради – ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларни, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш; воқеа ва ходисаларни комплекс ўрганишни, аниқ, табиий-илмий, техникавий, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий тарзда ва динамик равишда янгилаш. Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитишнуқтаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларига олиб келиши мумкин. Бироқ ахборот технологиялари ишлов бериш, ўрганиладиган мавзуни ўқувчи-талабларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларини тушунамиз. Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар сохаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунтириш мумкин бўлмаган педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жихати – тарбия муаммосини ҳам қамраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўп қиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-касбий жихатлари, уларнинг келажакда ривожланиши қандай ҳисобга олиняпти, деган саволларнинг ечимга боғлиқ экан. Шу жиҳатдан олганда технология шахснинг ривожлангиш босқичларини лойихалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Маърифатли ва маданиятли дунёнинг таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, шахснинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, шунингдек, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида у мансуб бўлган мухит ҳамда унда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти катта бўлади. Зеро, шахс мансуб бўлган муҳитда унинг тафаккури, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мавжуд.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълимда юқори самарадорликка эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу орқали талабалар фикр алмашишлари, эркин фикрлаш ва ўз фикрини тўғри ва аниқ қобилиятига эга бўладилар.

XIZMAT KO’RSATISH SOHASI UCHUN RAQOBATBARDOSH KADRLAR TAYYORLASHDA TA’LIM MUASSASALARINING O’RNI

Shukurov I - .SamISI t.f.n.
Kodirov J.- SamISI magistranti

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Respublikamiziqtisodiyotida xizmat ko‘rsatish sohasining o’rni va uning jadallashtirish yo’llari ko’rsatib o’tilgan.Shuningdek soha*

rivojlanishida xizmat ko'rsatish turlarini ko'paytirishni qo'llab-quvvatlash, sohada kichik biznesni yanada rivojlantirish, axborot-telekommunikatsiya xizmatlari, transport, sog'liqni saqlash, moliya, turizm va boshqa xizmatlar va kadrlarni rivojlantirish masalalariga e'tibor qaratilgan.

Аннотация: *В данной статье приведены место сферы услуг в экономике Республики Узбекистан и их путей совершенствований.А также рассмотрено поддержки расширение видов сферы услуг , т.к. в отрасли развитие малого бизнеса, информационно – телекоммуникационные услуги,услуги транспорта, здравоохранения, финансовые услуги и услуги туризма и далее.*

Annotation: *The role of the economy in a public service sector that supports the provision of services in the areas of small business development, information and telecommunications, transport, health, financial services, tourism and personal services, as well as training will be provided through development. Branch staff have prepared special schools.*

Kalit so'zlar: *kadrlar, xizmat ko'rsatish, majburiy ta'lim, oliy ta'lim, ta'lim muassasalari, kichik biznes.*

O'zbekistonda xizmat ko'rsatish sohasi mutaxassislarini raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan yangicha yondashuvlarni ishlab chiqishga bo'lgan ehtiyoj dunyo tajribasini o'rganib chiqishni talab qilmoqda. Ushbu muammoga taalluqli ilmiy ishlarda xizmat ko'rsatish sohasi kadrlari raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha turli qarashlar mavjud. Ushbu to'plangan boy bilimlar asosida biz o'zimizga, milliy dunyoqarashimizga xos bilimlarni o'zlashtirmog'imiz va yurtimizda ushbu soha rivoji uchun zaruriy me'yorlarni ishlab chiqmog'imiz lozim.

Mamlakatimiz xizmat ko'rsatish sohasida xalqaro standartlarga mos, katta tajriba va salohiyatga ega bo'lgan kadrlar safi kengayib borayotgani quvonarli holat. 1999-yil 20-avgustda "Turizm to'g'risida"gi qonun, 1999-yil 30-iyunda "O'zbekistonda turizm sohasi uchun malakali kadrlar tayyorlash to'g'risida"gi farmon, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 10-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori turizmni yanada rivojlantirish, zamonaviy turizm xizmati turlarini joriy etishda muhim omil bo'lmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 2-dekabrdagi "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni esa sohaga oid qilinishi zarur qator ustuvor vazifalarni belgilab berdi.

Hozirgi kunda O'zbekistonda xizmat ko'rsatish sohasi uchun zarur turli mutaxassislar tayyorlovchi oliy va o'rta maxsus ta'lim muassasalari mavjud. Ularning barchasi zamon talablariga mos holatda jihozlangan, moddiy-texnik bazasi shakllantirilgan. Ta'lim oluvchilar uchun barcha zaruriy sharoitlar yaratilgan.

Hammamizga ma'lumki bugungi kunda yurtimizda o'n ikki yillik majburiy ta'lim belgilab qo'yilgan. Ana shu o'n ikki yillik ta'limning oxirgi uch yili yosh avlodni kasb-hunarga yo'naltiradi. Har bir yigit-qizlar o'zlari uchun qulay bo'lgan yo'nalish bo'yicha majburiy ta'limni davom ettiradi va natijada o'rta ma'lumotli kadr bo'lib yetishib chiqadi. Mutaxassisligini mukammal darajada egallash uchun oliy ta'lim dargohlarida o'qish imkoniyatlarini davlatimiz hukumati yaratib bergan.

Har bir yetuk mutaxassisni tayyorlash , albatta, juda mashaqqatli jarayon. Oliy ma'lumotli mutaxassis tayyorlash uchun esa o'z navbatida yanada ko'p vaqt va mablag'

talab qilinadi. Mamlakatimizda esa o'rta maxsus ta'lim muassasalari bepul, oliy ta'limda ham iqtidorli talabalar uchun davlat grantlari ajratilgan. Yurtimizda yetuk kasbiy malakali mutaxassis uchun ehtiyojlar mavjud bo'lib, ularni tayyorlash uchun juda katta kuch va mablag' sarflaydi. Ta'lim muassasalari yoshlarda tanlagan mutaxassisliklariga oid tushuncha, bilim va ko'nikmalar beradi, kasbiy mahoratini shakllantiradi, o'z kasbi bilan faxrlanish va uni ardoqlash hissiyotini uyg'otadi.

Hech birimizga sir emaski, yurtimiz kichik biznes sohasida faoliyat yuritayotganlarning aksariyat qismini mutaxassisligi boshqa bo'lgan kadrlar tashkil etadi. Ularning ko'pchiligi sohani mukammal bilmaganligi uchun qisqa fursatda o'z faoliyatini to'xtatadi. Mana shunday holatlarni oldini olish va kichik biznes bo'yicha fuqarolar ongida ijobiy xulosani shakllantirish uchun ham ta'lim muassasalari faoliyatini zamonga yarasha olib borish zarurdir. Ta'lim muassasalari deganda faqat o'n ikki yillik majburiy ta'lim va oliy ta'lim dargohlarinigina tushunmaslik zarur. Kasbga yo'naltiruvchi o'quv markazlari, biznes maktablari, nodavlat ta'lim muassasalari va shularga o'xshash ta'lim muassasalarining ahamiyati ham katta. Ular fuqarolarda qiziqqan sohasiga oid ma'lumotlar va ko'nikmalarni qisqa muddatlarda ma'lum haq evaziga olish imkonini beradi. Bunday ta'lim muassasalari asosan individual ta'lim olishni istovchilar uchun mo'ljallanadi.

O'zbekistonda oliy ta'lim muassasalariga qabul ikki shaklda: budjet va kontrakt to'lovi asosida amalga oshiriladi. Budjet hisobidan o'qish mobaynida talaba ta'lim xarajatlarning barchasi davlat budjetidanqoplanadi. Kontrakt shartnomasi asosida o'qishda esa talaba ta'lim xarajatlarining bir qismi talaba yoki buyurtmachi tomonidan, qolgani esa davlat tomomidan qoplanadi. Har ikkala shaklda ham davlat mablag'laridan foydalaniladi. Chet davlatlarda esa ta'lim xarajatlarining deyarli to'liq qismi talaba yoki buyurtmachi tomonidan qoplanadi. Mana shuning o'zi ham yurtimizda fuqarolarimiz ta'lim olishlari uchun juda katta qulayliklar yaratilganini anglatadi.

Xizmat ko'rsatish sohasi uchun yurtimizda kadrlar tayyorlovchi oliy ta'lim muassasalari to'grisida gap ketganda Samarqand shahrida joylashgan oliy ta'lim muassasalarining roli beqiyosdir. Turizm, mehmonxona, bank-moliya va sug'urta xizmatlarini ko'rsatuvchi kadrlar tayyorlash borasida yurtimizda yetakchi o'rinlarda turuvchi Samarqand iqtisodiyot va servis institutining roli beqiyos. Mazkur oliy ta'lim dargohida o'z mutaxassisliklarini mukammal egallagan kadrlar tayyorlanadi. Oliy ta'lim dargohining yana bir ahamiyatli tarafi "Xizmatlar sohasi" ta'lim yo'nalishi bo'yicha respublikada tayanch institut hisoblanadi. "Xizmatlar sohasi" ta'lim yo'nalishi asosan turizm va mehmonxona xizmatlari uchun "Restoran ishi" hamda "Sifat ekspertizasi" mutaxassis kadrlar tayyorlab beradi.

Xizmatlar ko'rsatish iqtisodiyotning barcha bo'g'iniga kirib bormoqda va YAIMdagi ulushi ham shunga mos holatda o'sib bormoqda. Bu sohaning aksariyat ulushini ovqatlanish, savdo, mehmonxona, texnik xizmat ko'rsatish va turizm xizmatlari tashkil etadi. Ushbu soha uchun kadrlar tayyorlash uchun oliy ta'lim muassasalari mavjud emas. Ammo, talablarga javob bera oladigan kadrlar tayyorlaydigan kasb-hunar kollejlari mavjud. Ular zarur bo'lgan kadrlar tayyorlab bera oladi.

Ayrim sohalarga zarur kichik mutaxassislar tayyorlovchi Samarqand shahridagi kasb-hunar kollejlari misolida ko'rib chiqsak. Turizm va mehmonxona xo'jaligi, oshpaz, qandolatchi, karving san'ati ustasi kichik mutaxassisligi bo'yicha Sartepo turizm va maishiy xizmat kasb-hunar kolleji va Samarqand oziq-ovqat kolleji, avtobillarga texnik

xizmat ko’rsatuvchi kichik mutaxassislari tayyorlovchi Samarqand avtomobilsozlik kasb-hunar kolleji, veterinariya kichik mutaxassislari tayyorlovchi Samarqand qishloq xo’jaligi kasb-hunar kolleji, tibbiyot xizmatlari ko’rsatish bo’yicha kichik mutaxassis tayyorlovchi bir qator tibbiyot kollejlari mavjudligi ushbu sohalarning malakali kadrlarga boyligiga yana bir karra urg’u beradi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning shu yil 7-fevraldagi farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida taraqqiyotimizning kelgusi besh yilga mo‘ljallangan ustuvor yo‘nalishlari qatori turizm industriyasini yanada ravnaq toptirishning aniq mexanizmlari belgilab berildi. O‘zbekistonga sayyohlarning kelib-ketishi, ma’lum muddat yashashi uchun zarur tashkiliy-huquqiy asoslar takomillashtirilmoqda. Mehmonxona va restoranlar faoliyati, transport va logistika tizimi jahon standartlariga moslashtirilayotir Mamlakatimizda sayyohlik sohasida bir ming ikki yuz ellikdan ortiq firma va kompaniya, mehmonxona faoliyat yuritmoqda. Ularda malakali kadrlar – turoperator, gid va turli yo‘nalishdagi boshqaruvchilarga talab katta.Sohada yetuk mutaxassislar tayyorlaydigan oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalari har tomonlama qo‘llab-quvvatlanmoqda. Ularning o‘quv xonalari, laboratoriyalari, axborot-resurs markazlari zamonaviy me’yorlar asosida jihozlanmoqda. O‘quv jarayoni davlat ta’lim standartlariga mos, yoshlarning qiziqish va intilishlariga uyg‘un tashkil etilmoqda.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Рахимов З.О.- СамИСИ, и.ф.н
Убайдуллаев Р. Қ – СамИСИ талаба

Аннотация: *Ушбу ишда таълимда илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилиши ҳамда илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилиши қараб чиқилган.*

Калит сўзлар: *инновация босқичлари, технология, ўқув лойиҳалари, аниқ мақсадлар, тест, гетероген, гомоген, интегратив, адаптив.*

Аннотация: *В данной статье описывается внедрение современных образовательных технологий в сфере образования с целью повышения качества образования и передовых образовательных технологий в системе высшего образования с целью повышения качества образования.*

Ключевые слова: *этапы инноваций, технология, учебние проекты, конкретных целей, тест, гетероген, гомоген, интегратив, адаптив.*

Annotation: *This article is about the use of innovation in pedagogic technology, its influence to raise the quality in higher education, solution to some problems faced in implementation.*

Key words: *innovation stages, technology, education projects, identified purposes, test, heterogeneous, homogeneous, integrative, adaptive.*

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб

ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда [2].

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин [1]:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, ақлий ҳужум, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Оддий бир мисол: профессор-ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар деярли ҳар бир машғулотида кластер методини қўллайди. Энг қизиғи, мазкур метод орқали ўқув мақсадига эришиш мумкин ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар ундан фойдаланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, уч-тўрт доирани чизиш орқали тармоқлар ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Мазкур метод талабаларнинг маълум бир нарса-ҳодиса, жараён ёки тушунчага оид фикрларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, кластер методидан ўтилган материални мустаҳкамлаш босқичидагина фойдаланиш мумкин. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади;

3) таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча машғулотларнинг технологик ишланмаларини яратиш жараёнида идентив ўқув мақсадларини вазифаларга айлантириш учун бир хил феъл туркумидаги сўзлар (маълумот бериш, очиб бериш, ёритиб бериш, изоҳлаш кабилар)дан фойдаланиш ўринли бўлмайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўқув

мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини муваффақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас;

4) олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Чунки барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурият йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида кутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндашув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабларига риоя қилиниши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим:

1) профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

2) олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интферфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

3) педагогика малака ошириш тармоқ марказида “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модулини ўқитишда асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштира олиш кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратиш лозим;

4) фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

5) олий таълим муассасаларида “Инновацион марказ” фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур марказ куч ва имкониятларидан профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш мақсадида фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд. Таълимга инновациялар кириб келиши

диалектик тавсифга эга бўлгани учун ҳам янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни муваффаққиятли ҳал этишга хизмат қилувчи инновацион марказ фаолиятини йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан самарали бўлади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ Т АКОМИЛЛАШТИРИШ

Қурбонов С.Қ- СамДУ тадқиқотчиси

Аннотация: *В настоящее время выявляется необходимость в повышение качества системы подготовки высококвалифицированных кадров. Совершенствование системы подготовки квалифицированных кадров в соответствии с проводимыми структурными преобразованиями является основной задачей экономических реформ.*

Ключевые слова:*сфера услуг, квалифицированные кадры, конкурентоспособность кадров, занятость, повышение качества рабочей силы, механизм управления квалифицированных кадров.*

Abstract: *the essenceof improving the quality of the training of highly qualified personnel is being revealed in this article. Improving the system of training qualified personnel in accordance with the ongoing structural reforms is the main task of current economic reforms.*

Keywords*: services, qualified personnel, competitiveness of personnel, employment, improving the quality of thelabour forces, mechanism of management qualified personnel.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бошлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнини эгаллай бошлади. Мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларининг жорий этилиши ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш юзага келди. Бу жараёнлар орасида хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашни шакллантириш ва ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Инновацион ривожланиш шароитида иқтисодиётга салбий таъсирининг олдини олиш учун, ўз касбини чуқурроқ биладиган, кенг, ҳар томонлама гуманитар тайёргарликка эга бўлган, ривожланган ижодий қобилиятли, муқобил тафаккурли, мустақил қарорлар қабул қила оладиганхизмат кўрсатиш соҳасида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди. Хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими тизимида ҳамда махсус ўқув курсларида ва бевосита ишлаб чиқаришда амалга оширилмоқда. Бунга “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим тизимининг ривожланиши ҳамда улар мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш тизимининг мустаҳкамланишига имкон бермоқда.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган малакали кадрларни талаб ва таклифига асосан меҳнат муассасалари иштироки ва назорати остида мунтазам равишда тақсимлашни ва қайта тақсимлашни тартибга солувчи тизимдир.Бу малакали ишчи кучига талаб ҳамда унинг таклифини ҳажми, тузилиши ва нисбатини шакллантиради. Чунки, бу даврда малакали ишчи кучининг “меҳнатга бўлган қобилияти”ни сотиш, сотиб олиш жараёни тўла амалга оширилмайди. Ушбу бозор малакали ишчи кучига бўлган

талаб ва унинг таклифини тартибга солишда бевосита иштирок этади ва аҳолининг малакавий иш билан бандлиги шаклланишига ҳамда ишсизликнинг камайишига бевосита таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш, умуман малакали кадрлар муаммосини эътибордан четда қолдириш ёки унга етарлича баҳо бермаслик шундай ҳолатларга олиб келадики, етарлича капитал қўйилмалари ҳамда моддий воситалар сарфланган моддий воситалар сарфланган тақдирда ҳам муайян бозор иқтисодиёти механизмлари тўлақонли равишда ишламаяпти. Бу ҳолат қишлоқ меҳнат бозорида, айниқса, қишлоқ хўжалигида яққол сезилади. Ишлаб чиқариш фаолиятида мунтазам сарфланган ресурслар орасида айниқса, шахс инсон омили ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларга ҳаракатсизликка ёки ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Уни онги ва дунёқарашини ўзлаштириш ҳамда қайтадан ишлаш, вақт қолаверса, анчагина инвестиция талаб этади.

Мамлакатимиз ривожланишининг асосий шарт-шароитларидан бири такомиллашган хизмат кўрсатиш соҳасидамалакали кадрлар тайёрлаш ва таълим тизими фаолият кўрсатишдан иборат. Ушбу тизим юқори даражада ривожланган жамиятда умумий ва касбий маданиятли, ижтимоий ва шахсий фаол бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарорлар қабул қила оладиган одамларнинг янги авлодини шакллантирилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳасидарақобатбардош малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини бошқариш механизми – тайёрланадиган кадрларнинг сифатига ва улардан самарали фойдаланиш даражасига таъсир этадиган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, услубий муносабатлар, шакл ва усуллар йиғиндисидир.

Ушбу механизмнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– малакали кадрлар тайёрлашнинг янада оқилона шакл ва муддатларини топиш;

– малакали кадрлар тайёрлаш буюртмаси – мақсадли дастурнинг мавжудлиги;

– касбий-малакавий силжиш тизими;

– малакали кадрлар тайёрлаш жараёни иқтисодий (шартномали) асосда бошқарилишини ташкилий жиҳатдан йўлга қўйиш, мос келадиган касб (ихтисослик) даги кадрларни тайёрлаш хусусида корхона билан ўқув юртлари ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномали алоқаларни ривожлантириш;

– аввал банд бўлган меҳнат фаолияти соҳасидан озод этилиши натижасида ишсизга айланган шахсларни касбга йўналтириш ва қайта тайёрлашда расмий тартиб-қоидаларга мос келадиган ҳолда фаолият юритиш лозим.

Шундай қилиб, иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ва уларнинг билим олиш даражасини такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ўз ичига узоқ давр ислоҳотларнинг стратегик йўналишларини аниқлашдан то уларни тугаллашгача бўлган даврни олади ва у бир қатор қонуниятларнинг намоён бўлиши билан содир бўладики, уларни билиш бу жараённи бошқариш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори қонунларининг ҳаракатланиши рақобатбардош ишчи кучи сифатини юқори даражага кўтариш имконини беради. Миллий иқтисодиётимиз дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш иқтисодий ислоҳотлар шароитининг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли олиб бориш кўрсаткичларидан бири аҳолини иш билан бандлиги ҳисобланади. Мустақил давлатимиз сиёсати, жамиятимизнинг ҳозирги ривожланиш даражаси, маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодиётига кириб бориши олий таълим олдида турган янги масалалар фақатгина сифат жиҳатидан янги мазмун ва технологиядаги ўқитишнигина эмас, балки бозор иқтисодиёти қонуниятларига тушунадиган мутахассис-кадрларга бўлган талабни ва уларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашга янгича ёндашувни ҳам талаб қилади.

Шундай келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёти энг ривожланган ва интеллектуал тараққий этган мамлакатларнингюқорида келтирилган стратегияси ва тажрибасига мувофиқхизмат кўрсатиш соҳасидакадрлар тайёрлаш сифатини, рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий таркибий қисми қуйидагилардир:

– малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқароларни шакллантириш;

– бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказлари томонидан “Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий Дастури”ни режалаштириш жараёнида келажакдаги потенциал ишчи кучи таклифи (ўқув юртларини битирувчилари, касб-ҳунар коллежлари, лицей, мактаб битирувчилари ва бошқалар) ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар асосида янги иш ўринларини яратиш лозим;

– давлат ва жамиятда малакали кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари юқори малакали рақобатбардош мутахассисларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатиши;

– фуқароларнинг билим олиши, касб танлаши, ўз малакасини ошириши ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

– малакали кадрлар тайёрлаш муассасаларини ўзбект тилидаги замонавий ўқув, илмий ва услубий адабиётлар билан, шунингдек, моддий-техник база билан таъминлаш;

– узлуксиз таълим фаолиятида ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларни илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун миллий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинувини амалга ошириш;

– замонавий илм-фан, техника ютуқлари, технологиялардан фойдаланиб халқаро меъёрлар асосида ишлаб чиқилган илгариловчи ва Комплекс таълим стандартларидан фойдаланиш;

– олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлашни амлга ошириш;

– малакали кадрлар тайёрлайдиган муассасаларнинг таркибий ва сифат бўйича ислоҳ қилинаётганини ҳисобга олиб ўқитувчиларни замонавий билимлар ва ютуқлар асосда қайта тайёрлаш;

– кадрлар тайёрлаш жараёнида энг янги педагогик, ахборот, комьпютер ва бошқа технологиялардан фойдаланишни ҳисобга олиб фанлар бўйича намунавий-режалар ва дастурларни такомиллаштириш;

– барча даражадаги малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатдан таъминлаш инфратузилмасини вужудга келтириш;

– таълимнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантириш ва ривожлантириш;

– юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий иқтидорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– шахсни касбга йўналтириш ва меҳнат бозори талаблари, имкониятлари ва ундаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, бандликнинг энг мақбул турини танлашда ёрдам берадиган, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг қобилиятларини қўллаб-қувватлайдиган касбга йўналтириш тизимини ривожлантириш;

– тармоқли ва минтақавий иқтисодиёт учун интеграцияланган таълим муассасалари доирасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятдаги интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро тажриба алмашинув жараёнини кучайтириш;

– ишлаб чиқаришнинг талаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши ва даражасини шакллантириш;

– ўрта махсус маълумотга эга кадрлар ичидан олий касбий маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг шакл ва усулларини кенгайтириш;

– таълим муассасаларини молиялаш механизмини такомиллаштириш ва уни иқтисодий ривожланган ҳамда интеллектуал ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш;

– турли даражадаги ишлайдиган кадрларни ва ишдан бўш мутхассисларни қайта тайёрлаш ҳисобига республиканинг рақобатбардош кадрлар салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш;

– барча даражадаги кадрларнинг малака тарифларини меҳнат бозори талаблари шаклланмасдан олдин ишлаб чиқиш;

– барча даражадаги кадрларни мақсадли тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Юқоридаги кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш ва бажаришни давом эттириш хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришларга мос кадрларни ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Гарчи кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими ёшларнинг меҳнат бозорига кириб келишларини нисбатан кечиктирсада, лекин уларнинг сифатли ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳолатда чиқишини таъминлайди. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ва ҳаётий муносабатларда сифат омили устувор аҳамиятига эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасидамалакали кадрлар тайёрлаш миллий модели мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир. Шу билан бирга, у ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

ROLE OF BUSINESS ENGLISH IN TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED SPECIALISTS FOR SERVICE SPHERE

Xusainova L.Yu - Samarkand Institute of Economics and Service
Department of Foreign Languages assistant professor.
Abduvaytov A- Student of 2 year master course**.**

Annotation: *This article deals with complex skills, that is presentation, meeting This is much larger than the ability to understand a foreign language and speak it fluently. All these aspects are included into the role of Business English in training of highly Qualified Specialists for Service Sphere.*

Key words: *Communication skills, presentation, negotiations, experience, reporting, service, success.*

Annotatsiya: *Ushbu maqola servis sohasida yuqori malakali kadrlarni tayyorlashda ingliz tilini o'qitishdagi keng qavrovli muammolar ko'rilmoqda. Bu mahorat taqdimotga uchrashuvga va muzokaralarga ta'sir etadi. Bularning hammasi ingliz tilini tushinishga va gapirishga katta ahamiyatni talab qiladi.*

Kalit so'zlar:*Aloqa ko'nikmalari, taqdimot, muzokaralar, tajribasi, hisobot, xizmat, muvaffaqiyat.*

Аннотация: *Это статья рассматривает комплексного мастерства в подготовке высококвалифицированных специалистов для сферы сервиса. Это мастерство затрагивает презентации, встречи, переговоры – все это требует особые подхода в понимании иностранного языка, а также в хорошем говоренным на нём.*

Ключевые слова:*Мастерство общения, презентация, переговоры, опыт, доклад, выживание, успех.*

Thousands of graduates currently applying for job in newly born companies in Uzbekistan only too soon find out that what they used to call good command of English is not at all sufficient for a successful career in business. Not only formulaic language, terminology and functions impinge upon effective telephoning or letter writing, one should knew certain of writing and speaking and be a good user of both. To say nothing of more complex skills: presentations, meetings, and negotiations, which are much larger than the ability to understand a foreign language and speak it fluently. Overall

performance, communication effectiveness is the main thing. Hence the disappointment, complexes, failure. Of course those in-workers in business, who have already fallen into trouble, might be helped out by an experienced Business English trainer. But wouldn't it be better if to-be workers in business have been provided with certain Business English training in their educational institute (schools, colleges and universities)? Like it or not, our world has definitely become that of business. And the earlier we start studying it, the easier will it be to find our own niche in it.

We have to admit, however, that three major categories of in-workers in business: managers, executives and clerical staff, having different responsibilities, can be expected to have different needs as Business English learners. Thus, clerical workers would hardly be highly motivated, if they are given a course on making presentations, while that of telephoning or socializing might be extremely attractive for them. On the other hand, senior managers would be bored, if instead of doing problem – solving activities in English, analyzing, discussing, reporting on, etc. various business situations, they are practicing telephoning or socializing on end. This implies certain differentiation in terms of course planning.

Planning a course basically means breaking it down into certain constituents. Thus, for example a communication skills course will presuppose a division into: macro-skills: e.g. using the phone, writing correspondence, dealing with customers, attending meetings, reading manuals, etc.: micro-skills: e.g. arranging appointments.

Have you ever asked yourself what Business English means? Is it just another English Speaking Person or "indisputable international language" as some think, or probably something else? What definition of Business English might be most appropriate for English as Foreign Language teacher, trying to find his way into it? Let's leave thinking of proper definitions to dictionary makers; they will certainly have their say some time. But what seems important to understand from the very start is that it is not just specialist vocabulary, which distinguishes Business English from other English's. It is vital to be aware that the whole of business world finds its reflection and realization in Business English – its major communication asset. So, Business English is certainly language: vocabulary, grammar, functions, but also content: marketing, management, finance, etc, besides, it is communication skills: telephoning, correspondence, meeting, presentations, etc. and cultural awareness of social and business behavior. A complete novice in Teaching Business English is at risk to conclude that this concern is just the language part. This is a drastic mistake. The four parts are inseparable and cutting down any of them is like murderous surgery. Instead one should try to enter this new world and make it his own. Because it is Business English with its communicative and thematic comprehensiveness, reflecting every sphere of human international business relations, which can stimulate a new spiral in the development of an English as Foreign Languages teacher of a new generation in this country. That is a teacher who would be able to respond and adapt to the needs of the learners, who could be less dependent on the published course books, while being more creative and flexible in course designing and course accomplishing.

Business English has undoubtedly established itself as a symbol of most innovative teaching methodologies and creativity everywhere else in the world except Uzbekistan. Our country seems to persist in remaining peculiar in a number of things. One of these – is a very specific state of Teaching English as Foreign Language in general and Teaching

Business English in particular. The problem in question is the mentality of both teachers and learners. Ask you're English as Foreign Language students if they would like to study you would like to deal with Business English. Will you definitely say, "Yes, I would!?" We doubt it. To answer the question positively one should be either a specialist in Teaching Business English or a "craftsman". And yet it is obvious that something should be done real fast to satisfy the demand for Business English. Some might think that it is somebody else's business.

We may be a bit biased, but we see service sphere as one of most important and most exciting of all the business functions. One reason for this perception was expressed by Peter Drucker more than four decades ago when he wrote that service is not really a separate function at all; it is the whole business seen from the point of view of its final result, that is, from the customer's viewpoint. More recently, Fred Webster – the executive director of the Marketing Science Institute – reinforced this broad view of the importance and scope of service by wondering "is there any difference between a good manager and a good marketer?" He went on to predict that service as a stand – alone function will become extremely rare in the typical organization of the future. Instead, service – in the sense of doing what is necessary to serve and satisfy customers – will become everybody's business, at least within those organizations that survive and prosper in an increasingly competitive climate.

Of course, even when the day-to-day responsibility for service activities is diffused across employees in every part of the organization, someone still has to plan, coordinate and control those activities. That "someone" might be a traditional product or marketing manager, a vice president of marketing, a general manager of a business unit, or even a team of managers drawn from a variety of functional areas. Regardless of who bears the responsibility, the process of service an organization's marketing efforts is the central focus of – and provides the underlying structure for – this book.

But it is also important to recognize that be service management process does not occur in a vacuum. Most organizations have corporate and business – level strategies that establish guidelines concerning objectives to be attained, directions for future growth, and how the organization will compete and seek to gain sustainable advantage in the marketplace. These guideline impose constraints on the range of marketing strategies and activities a service manager can pursue within the larger strategic context of his or her organization. But, on the other hand, marketing managers are also uniquely positioned to provide information and insights for the development of corporate and business strategies because they straddle the boundary between the external environment and the inner-workings of the firm. Thus as organizations seek to become more customer oriented, and face ever more hostile and rapidly changing competitive environments, the marketer's role in strategy formulation is likely to increase.

Similarly, while marketing managers play a crucial role in translating the firm's strategies into action programs designed to win customer acceptance and competitive advantage in specific markets, they do not implement those programs all by themselves. Effective execution requires cooperative and coordinated efforts across many other functional areas. Thus, the range of viable strategic service programs available to a manager is constrained by the resources and functional competencies available within his or her organization. And the successful implementation of a chosen program depends on

the marketer's ability to win the cooperation and support of people win other functional areas.

As the above discussion suggests, we see marketing as the epicenter of both the strategic and operational life of an organization. The marketing management process is intimately linked with strategic decisions made at higher organizational levels and with the operational decisions and actions taken in other functional departments. And it is these internal market and competitive environment - that make marketing such a challenging and exciting field.

Unfortunately, most of the existing marketing management textbooks tend to treat marketing management as a stand – alone business function. While they do a good job of describing the concepts, tools, and techniques involved in the marketing management process, they pay only scant attention to the web of internal strategic and operational relationships that surround that process. As a result, they fail to convey some of the true importance – and the intellectual excitement – of marketing in today's organizations.

ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

И.С.Тухлиев – СамИСИ и.ф.д, профессор,
С.А.Абдухамидов – СамИСИ катта ўқитувчи,
О.З.Хайдаров – СамИСИ, ўқитувчи

Аннотация: *Мақолада туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими, ўқув режаларнинг замон талабларига мос равишда ишлаб чиқилиши, бунда халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш каби масалалар ёритилган. Янги ўқув-услубий мажмуаларга қўйиладиган талаблар кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *кадр,кадрлар тайёрлаш,туризм, ўқув-услубий мажмуа, модернизация, хорижий тажриба.*

Аннотация: *В статье проведен анализ современного состояния системы профессионального образования в сфере туризма. Обобщен зарубежный и отечественный опыт и предлагаются возможные пути улучшения качества подготовки специалистов сфере туризма.*

Ключевые слова: *кадр, подготовка кадров, туризм, учебно-методический комплекс, модернизция, международный опыт.*

Annotation: The article analyzes the current state of the system of professional education in the field of tourism. The foreign and domestic experience is generalized and possible ways of improving the quality of training of specialists in the field of tourism are suggested.

Keywords: *staff, personnel training, tourism, educational and methodical complex, modernization, international experience.*

Хозирги пайтда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қабул қилган фармонида "...туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида

малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш...” масаласи ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Дархақиқат мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификаторидаги барча таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларини халқаро тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш лозим бўлмоқда.

Ўзбекистонда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч олий ўқув юрти сифатида 610 000 –Хизмат кўрсатиш соҳаси таълим йўналишлари, яъни 5610100 - Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича), 5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, 5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари туризм соҳаси ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини инобатга олган ҳолда таркибий ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 2015 йил 15 январдаги №12 сонли буйруғига асосан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”даги “Хизматлар соҳаси” таълим соҳаси бўйича таянч олий таълим муассасалари билан биргаликда асосий кадрлар буюртмачи ва истеъмолчиси бўлган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари, турдош олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда давлат таълим стандарти, тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларидаги фанлар сонининг ўзгариши[56]

№	Ўқув блокларининг номи	Ўқув режасидаги фанлар сони		
		2014 й.	2015 й.	2016 й.
5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши				
1	1-ўқув блоки	13	13	13
2	2-ўқув блоки	4	4	3
3	3-ўқув блоки	19	15	11

[56]Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари асосида танлов ҳамда қўшимча фанларни инобатга олмаган ҳолда ишлаб чиқилди.

4	4-ўқув блоки	3	2	2
Жами		**39**	**34**	**29**
5610300 – Туризм (халқаро ва ички туризм) таълим йўналиши				
1	1-ўқув блоки	13	13	13
2	2-ўқув блоки	4	4	3
3	3-ўқув блоки	18	14	12
4	4-ўқув блоки	4	2	2
Жами		**39**	**33**	**30**
5А610201 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш магистратура мутахассислиги				
1	1-ўқув блоки	7	5	5
2	2-ўқув блоки	4	4	4
Жами		**11**	**9**	**9**
5А610301-Туризм (халқаро ва ички туризм)				
1	1-ўқув блоки	7	5	5
2	2-ўқув блоки	4	4	4
Жами		**11**	**9**	**9**

Изоҳ: *таълим йўналишларида* 1-блок–*гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, 2-блок–математик ва табиий-илмий фанлар, 3-блок–умумкасбий фанлар, 4-блок–ихтисослик фанлари; магистратура мутахассисликларида 1-блок–умумметодологик фанлар, 2-блок–мутахассислик фанлари.*

Ушбу жадвал маълумотларида таълим йўналишлари ўқув режаларининг 2-4 блоклардаги фанлар сони 2016 йилда 2014 йилга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин. Аммо туризм соҳаси учун муҳим бўлган хорижий тиллар бўйича ўзлаштириш фанлари ва соатлари 1-3 ва қўшимча ҳамда танлов фанлар блокларида ақсинча ошиб бормоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари қайта кўрилди ва такомиллаштирилган ҳолда тайёрланди.

2016 йилдаги ўқув режаларни тайёрлаш жараёнида профессор-ўқитувчилар томонидан Сингапурнинг “Management Development Institute of Singapore (MDIS), Австралиянинг “Torrens university”, Буюк Британиянинг “Surrey Universiteti”, АҚШнинг “Cornell University”, Испаниянинг “Universidad Católica San Antonio de Murcia”, Германиянинг “International University of Applied Sciences Bad Honnef – Bonn”, Швецариянинг “Lucerne University of Applied Sciences and Art” каби олий ўқув юртларининг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг

ўқув режалари ўрганиб чиқилди ҳамда мазкур ўқув режаларни ишлаб чиқишда ушбу давлатларнинг тажрибаларидан фойданалилди.

Бугунги кунда туризм соҳасининг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларини халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Туризм соҳасиучун кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялашжараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг2017 йил 1 февралида тасдикланган "Ўқув режалар ва дастурлар, фанлармазмунини тубдан қайта кўриб чикиш, илғор хорижий тажрибани хисобгаолган холда 1-боскич бакалавриат йуналишларининг янги ўқув-методиккомплексларини яратиш ва уларни 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб таълимжараёнига жорий этиш ва янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишбуйича чора-тадбирлар комплекси" бўйруғи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Вазирликнинг 1 март 2017 йилдаги бўйруғига кўра қайта тайёрланадиган туризм соҳасиолий таълим ўқув дастурлари фанларининг **ўқув-услубий мажмуалари** қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-услубий манбалар, илғор хорижий тажрибаларни кенг ёритиш;
- мустакил билим олиш ва ўрганишни таъминлайдиган дидактик воситалар ва материаллар;
- электрон таълим ресурслари, модул асосида электрон дарслик;
- ўқитиштехнологияси, фанга оид жаҳондаги илм-фан ютуклари;
- ўз назоратини амалга оширишни таъминлайдиган баҳолаш методлари ва мезонлари.

ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН «ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ФАНИ СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Р.С.Амриддинова–“Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.
Ш.Я.Абдусаидова– “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация:*Туризм соҳасида экскурсия хизмати асосий хизматлардан бири ҳисобланади. Экскурсия хизмати ўзининг кўргазмалилиги, мазмундорлиги, ҳиссиётлилиги билан экскурсантларнинг маънавий дунёқараши шаклланишига, мамлакат ҳақида таассуротга эга бўлишга ёрдам беради. «Экскурсия хизматларини ташкил этиш»фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар ҳамда илмий дунёқарашини шакллантиради.*

Аннотация:*Экскурсионное обслуживание является одним из основных услуг сферы туризма. Экскурсионное обслуживание своей наглядностью, содержательностью, чувственностью помогает формированию культурного кругозора и впечетлений от страны у экскурсантов. Предмет “Организация экскурсионного обслуживания” формирует теоретические знания, практические навыки и научный кругозор студентов.*

Annotation:*Excursion is counted as one of the main parts in tourism sphere. It helps to members of excursion and tourists with its meaningful, useful and impressive sides. Subject «Organizing excursion services» forms theoretical knowledge, practical skills and experience as well as scientific outlook on students.*

Калит сўзлар *Экскурсия хизмати, бакалавриат йўналиши, ўқув режа, курс иши, маъруза дарси, семинар дарси, ноанъанавий дарс.*

Ключевые слова *Экскурсионное обслуживание, направление бакалавриата, учебный план, курсовая работа, лекционное занятие, семинарское занятие, нетрадиционное занятие.*

Keys words *Excursion service, bachelor's direction, academic plan, course work, lecture lesson, practical lesson, unconventional lesson.*

Мамлакатимизда ташриф буюрган ҳар бир турист энг аввало унинг тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаёти, табиий ресурслари билан танишишни, томоша қилишни хоҳлайди.Бой тарихий меросимиз, экологик ҳудудларимиз, ишлаб-чиқариш объектлари, зиёратгоҳларда сифатли ва хавфсиз экскурсия хизматларини ташкил этиш ҳамда улардан туризм мақсадида самарали фойдаланиш бугунги кунда соҳа мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабр, ПФ-4861-сонли фармонида "...мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ..."[57] кабилар таъкидлаб ўтилган.

Туризм соҳасида экскурсия хизмати асосий хизматлардан бири ҳисобланади. Экскурсия хизмати ўзининг кўргазмалилиги, мазмундорлиги, ҳиссиётлилиги билан экскурсантларнинг маънавий дунёқараши шаклланишига, мамлакат ҳақида таассуротга эга бўлишга ёрдам беради. «Экскурсия хизматларини ташкил этиш» фани умумкасбий фан сифатида талабаларнинг назарий билимлар, амалий кўникмалар ҳамда илмий дунёқарашини бойитади, шакллантиради.

Ушбу фан "5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш", "5610300 -Туризм(халқаро ва ички туризм)" бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасининг умумкасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, 2015 йилда тасдиқланган ўқув режага мувофиқ 2 курсларда ва 2014 йилда тасдиқланган ўқув режага мувофиқ 3-курсларда ўқитилади.

Ўқув режада ушбу фанга ажратилган соатлар тақсимоти қуйидагича:

[57]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон Фармони. 2016 йил 2 декабр.

2 курсларда	3 курсларда
Маъруза соатлари -50 соат	Маъруза соатлари -38 соат
Семинар соатлари – 94 соат	Семинар соатлари – 38 соат
Мустақил таълим – 106 соат	Мустақил таълим – 60 соат
Курс иши - режалаштирилмаган	Курс иши - режалаштирилган

Фаннинг асосий назарий қисмида «Экскурсия хизматларини ташкил этиш» фанининг мақсади ва вазифалари, экскурсия хизматининг функциялари, хусусиятлари ва таснифи, экскурсия раҳбари-гидга қўйилган талаблар, экскурсия хизматини тайёрлаш технологияси, экскурсия объектларини танлаш ва баҳолаш, экскурсия маршрутини тузиш ва синов экскурсиясини ўтказиш тартиби, экскурсияда объектларни кўрсатиш усуллари ва ҳикоя қилиш усуллари, ташкилий масалалари, Ўзбекистоннинг тарихий-архитектура ёдгорликларига, экологик ҳудудларига, туризмнинг махсус турларига экскурсия хизматларини ташкил этиш, маршрутда туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш қоидаси каби мавзулар ёритилади.

«Экскурсия хизматларини ташкил этиш» фанидан талаба курс иши ёзишда бирор бир вилоят, шаҳар, туманларда жойлашган туристик ресурсларни ўрганиб экскурсия дастурини тайёрлайди. Экскурсия хизмати дастурида экскурсия номи, мақсади ва вазифалари, экскурсия объекти тўғрисида маълумотлар, объект карточкаси, экскурсиянинг технологик харитаси, маршрут схемаси, “гид портфели” материалларини тайёрлайди. Курс иши мавзуси танланиб, тасдиқлангандан сўнг, талаба ушбу мавзу бўйича махсус адабиётлар, илмий мақолалар ва интернет маълумотларини ўрганишга киришади. Тўплаган маълумотлари асосида ишнинг тўлиқ режасини тузади. Курс иши режаси кириш, асосий қисм, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Курс иши ёзишда ёки мустақил таълим учун қуйидагича мавзулар тавсия этиш мумкин:

- Мовий гумбаз остидаги шаҳар.
- Шарқ таронаси-қалб дурдонаси.
- Кўпкари - алп йигитлар ўйини.
- Орол кўз ёши.
- Самарқанд -билимлар маскани.
- Ўзбегим миллий ананалари.
- Миллий ҳунармандчилигимиз- фахру ифтихоримиз.
- Хушбўй нонимиз-хушрўй нонимиз.
- Мустақиллик бинолари.
- Навқирон Тошкентим кеча ва бугуни.
- Амир Темур изидан.
- Бухорои шарифга саёҳат.
- Хоразми азимнинг минг йиллик тарихи.
- Ўзбек дурадгорчилик сирлари.
- Сурхон теппаликлари.
- Зарафшон қўриқхонаси жавоҳирлари.
- Ислом динининг қўш устунлари.
- Самарканд- индустриал шаҳар.

- Қишлоғимнинг тарихи.
- Ургут чорчинорлари.
- Навоий гавҳарлари.
- Музейларда қолган тарихлар.
- Мирзо Улуғбек юлдузлари ва шу кабилар.

«Экскурсия хизматларини ташкил этиш» фанидан семинар дарсларини ноанъанавий тарзда ташкил этишда бугунги кунда баъзи бир муаммолар юзага келмоқда. Ушбу фаннинг маъруза дарсларидан олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида семинар дарсларида объектларга экскурсия ташкил этилса, мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

- фан ўқитувчиси томонидан кафедрада муҳокама қилиниб тасдиқланган, мавзуга мос келадиган экскурсия дастурларини ўқув бўлимига олдиндан тақдим этиш;
- фан ўқитувчиси томонидан экскурсия объектлари бўйлаб ҳаракатланадиган маршрут схемасини пухта ва хавфсиз ишлаб чиқиш;
- институт ўқув бўлими томонидан фаннинг семинар соатларини бир кунда 6 соатдан(3 жуфтлик) дарс жадвалига қўйиб бериш;
- транспорт воситаларида ҳаракатланишни талаб қиладиган экскурсия маршрутларини институт қошидаги туристик фирма билан келишиш;
- янги мавзуда экскурсия дастурларини ишлаб чиқиш учун талабаларнинг ўзларини жалб қилиш ва энг яхши дастурларни амалиётда ташкил этилишини таъминлаш;

ВИДЕОЗАПИСИ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

С.А. Адилова - доцент кафедры иностранныхязыков СИЭС

Annotation. *In this article speech is going about using videotapes in process of lessons and the advantages rather than facilities of other technics.*

Key words. *Education, trendency of worthiness, didactics, connection, printing, productive.*

Аннотация. *В статье идет речь об использовании видеозаписей в учебном процессе. Об их преимуществах от остальных видов технических средств обучения.*

Ключевые слова. *Обучение, принцип наглядности, дидактика, видеотека, коммуникативность, репродуктивный, продуктивный.*

Annotatsiya. *Мақолада дарс жараёнида видеоёзувлардан фойдаланиш, бошқа техник воситалардан афзаллиги ҳақида сўз юритилади.*

***Kalit so`zlar.*** *Ta`lim, yaroqlilik tamoyili, didaktika, videoto`plam, muloqotlilik, bosma usulga oid, hosildorlik.*

Как известно XXI век, информационной технологии. Применение информационной технологии в учебном процессе – это требование времени. Но какова не била велика рол информационной технологии т.е технических средств обучения, они считаются не главными, а вспомогательными средствами обучения.

Однако значение этого вспомогательного средства в настоящее время чрезвычайно велико, что обусловлено достижениями современной науки – методики и современной техники.

Проблем оптимизации, индивидуализации, проблемности обучения часто связывают именно с применением компьютера и других ТСО, поскольку основополагающая идея современной методики – практическая направленность обучения, овладение языком как средством общения – предполагает для своей реализации опору на разные виды наглядности на всех этапах обучения, во всех его звеньях: от презентации до активации учебного материала. Вспомним в этой связи известное высказывание Б.В.Беляева: «Принцип наглядности необходимо рассматривать не в качестве вспомогательного, а в качестве одного из основных методических принципов обучения иностранному языку, когда это обучение преследует практические цели».

Для всех нас очевидна и значимость достижений современной информационной областях жизни, в этом числе в совершенствовании образования и обучения. Как никогда прежде возросли возможности сегодняшней техники, осваиваемые дидактикой. Среди современных технических достижений, представляющих несомненный интерес для лингвометодики, находятся видеозаписи экранных средств массовой коммуникации: теле- и кинофильмов разных жанров.

Что же делает видеозаписи, видеокассеты, видеотеки особенно привлекательными в глазах методики преподавания русского языка как иностранного?

Известно, что планируя использование любого технического средства в обучении, преподаватель-методист стремится выявить его специфику, его особенности и возможности в свете требований современной коммуникативной методики с тем, чтобы определит его рол и место в учебном процессе, обозначит обучающие задачи, решаемые с его помощью наиболее эффективно. Рассмотрение с этих позиций видеозаписей помогает выделит следующие их особенности: во-первых, видеозапись вобрала в себя важнейшее, с позиций лингвометодики, свойство кино – тематическую универсальность, благодаря которой в практике преподавания решается проблема текста на тему, предусмотренную программой обучения. Как и с помощью кино, почти любая тема практического занятие по развитую речи может бит представлена образным содержательным видеотекстом, который благодаря своей аутентичности способен стать частью работы по реализации лингвострановедческого аспекта занятий по русскому языку как иностранному.

Технические свойства видеозаписи. Известно, слабим местом кино- и телефильмов, используемых в обучении языкам, признаётся отсутствие обратной связи, что снижает возможность адекватного понимания передаваемой информации. В отличие от них, видеозапись способна реагировать на индивидуальные особенности восприятия и запоминания с помощью стоп-кадра и повтора определённого фрагмента видеоленты. Это делает работу с ней при изучении языка похожей на чтение: всё, что недостаточно понято, может бит остановлено, повторено, ещё раз осмыслено.

В результате достигается индивидуализированный подход к процессу осознания языковых фактов и тренировка их употребления в речи. Стоп-кадр даёт возможность преподавателю осуществлять управление усвоением учебного материала: в ходе демонстрации видеофильма объяснит и прокомментировать слово, изображение; обратит внимание аудитории на обусловленность речи представленной на экране ситуацией; внушит ассоциации между видеорядом и звучащим текстом. На основе такой подачи аудиовизуального материала создаются условия для выполнения тренировочных и творческих упражнений, репродуктивных и продуктивных. Повтор речевых образцов, вопроси-ответы по содержанию стоп-кадра, отработка информации по частям обучают максимально точному воспроизведению речи носителей языка. Тот же приём стоп-паузи открывает возможность поставит и проблемные задачи: определит значение данного кадра для развития действия в фильме, наметит продолжение сюжетной линии и т.д.

Где, когда, с какой целю методически выгоднее использовать особенности видеозаписи зависит от нашего видения учебного процесса в целом, а также вычленение тех конкретных задач обучения, решения которых наиболее эффективно осуществляется именно данным техническим средством. Как бы мы не были полны веры в новое техническое средство, ми должны помнит о его вспомогательном характере, о его связи с другими средствами, об обусловленности его применения всем комплексом задач, которые определены этапом и формой обучения. Разные условия, этапы и цели обучения требуют дифференцированного подхода не только к отбору языкового и текстового материала, но и к ТСО. То или другое техническое средство необходимо и огранично в решении не всех, а лишь определённых задач учебного процесса. Следовательно, привязанность к программе, целям и условиям конкретного учебного процесса необходима на любом уровне включения ТСО в обучение, в том числе и при отборе материала средств массовой коммуникации в видеозаписи. Поэтому тематическая универсальность и образность языка, о которых говорилось выше, есть благо для методики в случае их соотнесенности с потребностями данного учебного процесса.

При отборе видеоматериалов и подготовке методического приложения к ним необходимо учитывать соответствие аудиовизуального содержания основной задаче учебного процесса. В результате могли бы бит намечены определённые пути методической интерпретации видеозаписей.

Главным критерием отбора видеоматериалов в этом случае будут интерес конкретной аудитории к данной теме, проблеме и эстетическое удовольствие, которое способен вызвать фильм.

В зависимости от принадлежности к той или другой форме строятся адекватные аудиовизуальной презентации учебного материала, задания, упражнения. Они могут бит направлеы на:

–установление ассоциативных связей между звучащим текстом и изображением;

–обеспечение имитации речи носителей языка с учётом её темпа, интонации, выразительности, паралингвистических компонентов;

–осуществление переноса представленных на экране ситуаций в условия урока, а затем и в реальную коммуникацию;

–стимулирование активности учащихся в процессе восприятия и обсуждения информации, передаваемой видеотекстом.

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
М.У.Болтабаев – СамИСИ талабаси

Аннотация: *в статье рассмотрены основные направления укрепления макроэкономической стабильности и сохранения высоких темпов экономического роста в стране. освещен анализ организационно экономических факторов и механизмов необходимых для обеспечения стабильности и развития передовых сфер экономики.*

ключевые слова: *экономическая стабильность, экономический рост, частная собственность, малый бизнес, частное предпринимательство, модернизация, диверсификация, инновация, экономика, конкурентоспособность, приоритетная задача*

Abstract: *the article considers the main directions of strengthening macroeconomic stability and maintaining high rates of economic growth in the country. The analysis of organizational and economic factors and mechanisms necessary for ensuring stability and development of the advanced spheres of the economy.*

Keywords: *economic stability, economic growth, private property, small business, private enterprise, modernization, diversification, innovation, economy, competitiveness, priority task*

Ҳаракатлар стратегиясида Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешта соҳага хос устувор йўналишлари белгиланган. Бу йўналишларда:

1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласи.

2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар.

3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга эришиш.

4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш.

5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари кўзда тутилган.

Мазкур масала, мамлакатиқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларининг биринчи йўналиши сифатида белгиланган. Ушбу устувор

йўналиш мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш масаласига бағишланган бўлиб, унда ҳам еттита кичик йўналишлар кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ночор иқтисодиётни барқарор тараққий этадиган ҳолатдаги иқтисодиёт даражасига кўтаришга муваффақ бўлдик. Охирги ўн йилда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсиши таъминланиб, ўртача 8 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Эндиги вазифа – "макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш"[58]га қаратилган. Ушбу ўсиш сурьатини сақлаб қолиш унчалик осон иш эмас, чунки 2008 йилдаги бир фоиз ўсиш суръатининг салмоғига нисбатан 2007 йилдаги ЯИМнинг бир фоиз ўсиш сурьатининг салмоғи жуда катта. Шу туфайли ушбу вазифани бажариш учун катта ташкилий-иқтисодий механизмларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига модернизация ва диверсификация қилишни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ижтимоийлаштирилган иқтисодиётни шакллантириш ва шу йўналишда тараққиётимизни таъминлашга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга эди. Шу туфайли Давлат бюджетининг ўрта ҳисобда 60 фоизи ушбу мақсадларга сарфланиб келинмоқда. Келгуси истиқблога мўлжалланган ҳаракатлар дастурида ҳам "харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш"[59] масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Янги даврдаги ушбу соҳадаги муҳим ўзгариш ва катта эътибор қаратилиш лозим бўлган соҳа – маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан характерлидир. Чунки иқтисодиётимизнинг ривожланиши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, уларнинг ҳамма жойда бир хилда эмаслигига гувоҳ бўлинади. Айрим туманлар ўзини-ўзи бемалол қоплаб фойда билан ишлаётган бир паллада, айримлари ҳамон датация шароитида фаолият кўрсатмоқда. Шу туфайли Президентимиз 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида "Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар **кун ва тундек бир-биридан фарқ қилади**"[60], деб таъкидлаган эди. Бу эса, ҳар бир жойнинг ўзининг бюджетини тиклаш билан бирга, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласига ҳам диққатни қаратишга даъват қилади. Эндиги

[58]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси" Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[59]Ўша жойда.

[60]Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: 2017, – 49 бет.

йўналиш, ҳар бир ҳудуд ўз аҳолисини шу жойда иш билан таъминлаши, ўзининг маҳаллий бюджетини ўзи датацияларсиз шакллантиришга эришиши лозмлигини тақозо қилади. Бунга эса ҳудудларни мутаносиб равишда барқарор ривожлантириш орқали эришилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири "солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш"[61] билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида солиқ юкини қисқатириш бўйча жуда катта ишлар қилинди. Биргина мисол, кичик бизнес субъектлари тўлайдиган солиқ ставкаси бир йилга 25,0 %дан атиги 5 %гача камайганлиги ҳам кўп нарсадан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, "солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш"ни[62] тақозо қилади. Мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекитларининг ривожланишини таъминлайди, чунки солиқдан тежалган маблағлар бевосита шу субъектларнинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга, фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялашга сарфланади.

Мамлакатимизда пул-кредит тизимини такомиллаштириш ҳаётий зарурият, чунки унинг ҳолати бевосита иқтисодиётнинг ўсиш даражасига ва шунга мос равишда, аҳолининг дармадларига боғлиқ. Бу борада анча камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг яққол мисли валбта бозоридаги номувофиқликда ҳам номоён бўлиб турибди. Буни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида "илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш"[63] масаласини устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу вазифани бажарилиши бевосита "валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш" орқали амалга оширилади. Бу анча мураккаб жараён. Шу туфайли мазкур соҳани такомиллаштириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белиганган ва бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, банк тизимини ислоҳ қилишни бошлаган эдик. Бу борада жуда катта натижаларга эришилда. Банклар ўртасида рақобат муҳити шаклланди, уларнинг турли мулк шаклидаги субъектлари шаклланди ва шу асосда жадал ривожланиш имкониятлари ҳам яратилди. Шунга қарамасдан, мазкур масала ҳаракатлар стротгиясида: "банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш"га[64] қаратилган устувор вазифалар ҳам белгиланган. Бугунги кунда банклар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун барча чораларни кўрмоқда, улар тараққиётимизнинг инвесторларига айланмоқда.

---

[61]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[62]Ўша жойда.

[63]Ўша жойда.

[64]Ўша жойда.

Иқтисодиётнинг ривожланишида молия институтларидан “суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш”[65] масаласи қўйилган. Шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш, масалси ҳам устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ҳозирги кунда аҳоли бўш маблағларини банк тизимига жойлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқда. Чунки, аҳоли ўз маблағларини нақд пул шаклида топшириб, керак паллада ололмаган ҳоллари кўп учради. Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банкларга топширилган пулларнинг қадрсизланиш даражаси минг маротабага камайиб кетиши ҳам аҳолини банклар билан анча эҳтиётгор ҳолда муносабат қилишга мажбур қилди. Шу туфайли, ушбу соҳа ўз фаолиятини аҳолининг ишончини қозонишга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш масаласига ҳам қаратмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг таъминланишида “халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”[66] масаласи ҳам иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари сирасига киради. Бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа билан олдинлари айрим мутасадди вазирликларгина шуғулланган бўлса, ҳозирги пайтда барча вазирлик идораларга ўзининг соҳаси бўйича тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, хорижий компаниялар билан бевосита шартномалар асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш, хорижда жойлашган дипломатик ваколатхоналаримиз ҳам бу борада тегишли тарзда ўз ҳиссаларини қўшиш масаласи устуворликни ташкил қилмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун асосий эътибор пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришга ва турли манбалардан инвестицияларни киритиш масалаларига қаратилган. Чугки иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги барча тадбирларни амалга ошириш учун, энг аввало, маблағ ва турли шакллардаги инвестицияларни жалб қилиш лозимдир.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КАЧЕСТВА ЭКСПЛУАТАЦИИ МАГИСТРАЛЬНЫХТРУБОПРОВОДОВ

Мухаммадиев У.А. - СамГАСИ, к.т.н. доц.
Худойкулов У.Ч. - СамГАСИ, ст. пр.

Аннотация. *Ушбу мақолада республикамиз иқтисодиётининг вазифаларини ҳал қилишда магистрал қувурўтказгичларнинг роли ва магистрал қувурўтказгичлардан фойдаланишда унинг сифатини таъминлаш тўғрисида гап боради. Магистрал қувурўтказгичлардан фойдаланиш жараёнида унинг сифатини самарали баҳолаш имкониятини берадиган сифатнинг бирлик кўрсаткичлари*

[65]Ўша жойда.
[66]Ўша жойда.

муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган. Нуқсонларнинг пайдо бўлиш частотаси сув таъминоти ва газ таъминоти тармоқлари бўйича аниқланган.

Калит сўзлар: *магистрал қувурўтказгич, сифатни баҳолаш, бирлик кўрсаткичлар, диспечерлик хизмати.*

Аннотация. *В данной статье речь ведется о роли качества магистральных трубопроводов в решении задач народного хозяйства и существующих проблемах обеспечения качества при их эксплуатации. Авторами разработан перечень единичных показателей качества, которая дает возможность эффективной оценки качества магистральных трубопроводов при их эксплуатации. Выявлены частоты возникновения дефектов по сетям водоснабжения и газоснабжения по показателям качества.*

Ключевые слова: *магистральные трубопроводы, оценка качества, единичные показатели качества, диспечерская служба.*

Annotation. *The article presents the role of the quality of trunk - pipes in solving the problems of national economy and existing problems when ensuring quality during their exploitation indices. The list of single quantitative indices was worked out by the authors which gives the possibility of effective evaluation of trunk pipes quality when explotated the frequency of defects appearance in water and gas supply net works of quantitative indices was exposed.*

Keywords: *main pipelines pipelines, estimation of quality, single indexes of quality, controller's service.*

Среди важнейших социально-экономических задач народного хозяйства Республики Узбекистан снабжение населения топливно-энергетическими, водными и другими ресурсами занимает особое место. Бесперебойная доставка природного газа и питьевой воды является важным фактором социальной стабильности и повышения благосостояния населения. Основным способом доставки потребителям этих ресурсов являются трубопроводы. Стержнем социальной политики государства является создание достойных условий проживания для всех слоев населения, одним из направлений которой является обеспечение населённых пунктов питьевой водой и природным газом. На сегодняшний день обеспеченность населений питьевой водой достигло 84%, а природным газом – 81,5%. В ближайшие годы намечено обеспечить все населённые пункты качественной питьевой водой и до 90% населенных пунктов – природным газом. Данная программа требует значительного увеличения газопроводных и водопроводных сетей. В связи с этим возникает проблема обеспечения качества трубопроводов, как решающего фактора эффективности доставки вышеуказанных ресурсов. В процессе решения этой актуальной проблемы следует выделить две взаимосвязанные задачи:качество магистральных сетей и качество распределения и использования ресурсов в местах потребления (внутренних сетей). Несмотря на взаимосвязь указанных задач методы их решения в корне отличаются друг от друга.

В первую очередь различия наблюдаются, в функциональных целях магистральных и внутренних инженерных сетей. Если целью внутренних сетей является доведение необходимого ресурса до конечной точки потребления, то для магистральных сетей основной целью является обеспечение доставки необходимого объема ресурса без существенных потерь до пункта назначения. Исходя из различия целей, возникают разнообразные подходы к определению

качества магистральных и внутренних трубопроводных сетей. Один из подходов заключается в том,что удовлетворение нужд потребителей осуществляется в основном за счет качества внутренних инженерных сетей. В исследованиях, проведенных за последние годы в Республике Узбекистан, уделено много внимания качеству внутренних инженерных сетей. Действительно, качество потребления жилищно-коммунальных ресурсов проявляется через внутренние инженерные сети и распределительные приборы. Большинство жалоб населения в товарищества собственников жилья и местные обслуживающие коммунальные службы связано именно с неисправностями во внутренних инженерных сетях и приборах. Вместе с тем, совершенствование внутренних сетей не является гарантией бесперебойного снабжения населения газом и водой, потому что необходимое давление создаётся в магистральных трубопроводах. Мы считаем,что основой удовлетворения спроса на ресурсы является качество магистральных сетей, поэтому и выбрали его в качестве объекта исследования.

Проведенные нами теоретические исследования были направлены на уточнение данного подхода к показателям качества наружных сетей. Выводы показали, что основными требованиями к функциональным характеристикам наружных сетей являются обеспечение нормативного давления (напора) и отсутствие потерь (утечек) в процессе транспортировки. В качестве основных документов, определяющих требования к качеству наружных сетей служат строительные нормы и правила Республики Узбекистан. Кроме того, были проанализированы ведомственные нормативные документы, отражающие эксплуатационные требования к магистральным трубопроводам. Исходя из этих требований, нами был разработан перечень единичных показателей качества (ЕПК) магистральных инженерных сетей, которой затем был использован для классификации дефектов и управления частотой их появления в процессе эксплуатации трубопроводов.

В процессе исследований было выявлено, что основу качества трубопроводов составляют единичные показатели качества (ЕПК), отражающие наиболее существенные для эксплуатации их свойства.

В результате проведённых теоретических и практических исследований к единичным показателям качества мы отнесли следующие:

1. Давление в трубопроводе. Сюда мы включили требования нормативных документов по обеспечению необходимого давления ресурса на выходе в распределительную сеть.

2. Надёжность (безотказность) работы трубопровода. Данный показатель качества включает требования бесперебойной доставки ресурса в распределительную сеть в течение определенного периода времени (обычно за период между профилактическими осмотрами).

3. Долговечность. Как показатель качества, долговечность характеризует возможность отвечать требованиям функциональности и надежности в течение всего срока эксплуатации. Для трубопроводов долговечность обычно связана с сопротивлением коррозии и механическим воздействиям, поэтому мы отнесли его к единичным, а не групповым показателям качества.

4. Экономичность, то есть предотвращение потерь ресурса в процессе транспортировки. Данный показатель качества устанавливает требования к

минимизации затрат по транспортировке ресурса в сети через обеспечение герметичности трубопровода и обслуживающего хозяйства.

5. Экологичность. Данный показатель качества предусматривает защиту земельной, водной и воздушной среды от воздействия транспортируемого ресурса. Для условий Узбекистана данный показатель качества является одним из важных в связи с напряженной экологической ситуацией в регионе.

Наиболее распространенными видами магистральных инженерных сетей являются сети водоснабжения и газоснабжения населения. Их качество во многом определяет производственно-хозяйственную деятельность предприятий и организаций области. Исследование формирования и проявления показателей качества инженерных сетей позволит в значительной мере увеличить объем доставляемых ресурсов без существенного увеличения затрат.

Несмотря на различия в функциональных характеристиках сетей газоснабжения и водоснабжения формирование показателей качества происходит одинаково: нормативный уровень качества устанавливается в проекте, достигается в процессе строительства и проявляется в процессе эксплуатации. Предметом нашего исследования является проявление эксплуатационных качеств магистральных трубопроводов.Для этого мы проанализировали состояние сетей газоснабжения в Самарканде. Результаты исследования показали, что показатели качества в полной мере характеризуют дефекты и отказы в системе газоснабжения, причём перечень отказов вполне соизмерим с количеством ЕПК:слабое давление, сильное давление, отсутствие газа,утечка газа, внеочередная проверка газораспределительного пункта,проверка задвижек, пожар на газораспределительном пункте, внеочередная проверка газораспределительной станции и т.д.

Наиболее частые нарушения наблюдаются по первому из перечисленных показателей качества. Недостаточное или избыточное давление в сети газопроводов приводит к неудовлетворительному поступлению газа в распределительную сеть. Дефекты и отказы связанные с этим ЕПК составляют 38-42% от всех зарегистрированных отказов. На втором месте стоят дефекты четвертого показателя качества. Утечки газа в магистральных трубопроводах являются причиной серьёзных разногласий организаций "Трансгаз" и областных управлений газового хозяйства. Кроме этого, проведенные нами практические исследования показывают, что традиционно принятая система регистрации дефектов недостаточно эффективна. В настоящее время схема регистрации и устранения отказов выглядит следующим образом:

отказ $\longrightarrow$ вызов $\longrightarrow$ регистрация $\longrightarrow$ причина $\longrightarrow$ устранение

Как видно из этой последовательности выявление ликвидация причины отказов замыкают цепочку в системе обеспечения качества магистральных трубопроводов. Однако, мировая практика управления качеством регламентирует не устранять отказы, а предупреждать их, в связи с этим необходимо разработать механизм, который позволил бы сократить количество вызовов населения до оптимального уровня.

Профилактика магистральных сетей и сооружений по нормативам проводится только 1-2 раза в год, что явно недостаточно. Поэтому во избежание крупных аварий организации неоправданно занижают давление в газопроводах высокого и

среднего давления. Для научно обоснованного решения данной проблемы необходимо на наш взгляд изменить систему регистрации и устранения отказов, то есть перейти от регистрации отказов к выявлению причин до наступления отказа.



Рис.1. Схема действий диспетчерских и ремонтных служб по управлению качеством магистральных газопроводов.

В первую очередь необходима реструктуризация структуры управления предприятий по поставкам природного газа населению, которая коснётся целей организации, распределения полномочий, движения управленческой информации. Для этого мы предлагаем пересмотреть систему сбора информации о качестве эксплуатации и внести изменения в функции диспетчерских служб.

В основе данных предложений лежит сбор и обработка информации о качестве за предыдущие периоды и закономерности возникновения дефектов в зависимости от действий различных факторов. Разработанные нами методические разработки позволяют точно определить предполагаемый тип и место проявления дефектов, что может быть использовано для выявления причин и предотвращения возникновения дефекта.

ИҚТИСОДИЁТНИНГЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Н.Б.Тагирова – СамИСИ ўқитувчиси
М.О.Мамаюнусова – СамИСИ талабаси

Аннотация: *в статье рассмотрены пути повышения конкурентоспособности ключевых отраслей экономики посредством модернизации и диверсификации. В ней уделено внимание факторам модернизации экономики и путям повышения конкурентоспособности предприятий.*

Ключевые слова: *модернизация, диверсификация, инновация, экономика, конкурентоспособность, приоритетные задачи.*

Abstract: *in the following article the ways of increasing the competitiveness of main spheres of economy throw modernization and diversification are studied. It focuses on*

factors of economic modernization and ways to increase the competitiveness of enterprises.

Key words: *modernization, diversification, innovation, economy, competitiveness, priority tasks.*

Иқтисодиётни ривожлантириш бўйичаиккиинчи устувор йўналиш – таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Чунки, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминламасдан туриб, интеграцион жараёнларда ўз мавқеимиз ва ўрнимизни топишимиз бироз мураккаб бўлиб қолади.

Ушбу устувор йўналишлардан бири бевосита “миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш”[67] масаласига қаратилган.

Инвестициянинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки иқтисодиётнинг ҳамма томонларини модернизация қилмасдан туриб, ҳозирги тез ривожланаётган иқтисодий жараёнлардан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда “ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати”[68] олиб борилмоқда. Ушбу сиёсат бевосита иқтисодиётни модернизация қилиш сиёсати билан бевосита боғлиқлиги туфайли, бир-бирини тўлдириб боради.

Иқтисодиётни модернизация қилишнинг яна бир йўналиши “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган”[69]. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодиёти дастлабки йилларда пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган иқтисодиёт бўлиши билан бирга асосий экспортимиз хом ашйдан иборат бўлган. Мустақиллик йилларида ушбу ҳолат ўнгланиб келинмоқда. Бугунги кунда маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга иқтисодиётимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Бу эса ўз навбатида, таъкидланганидек, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида тадбиркорлик, инвестициявий муҳит билан бирга рақобатбардошлик муҳитини ҳам шакллантириш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий механизмлари яратилди. Келажакда ҳам иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни

[67]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[68]Ўша жойда.

[69]Ўша жойда.

шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга ҳар бир маҳсулотнинг ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш лозим. Чунки, халқаро бозорда ҳар бир маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш лозим бўлади. Шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларимизнинг рақобатбардошлиги таъминланади. Рақобатбардошликни таъминлаш ҳам ўта мураккаб жараён. Бунинг учун ҳар бир товар сифат жиҳатидан юқори, нарх жиҳатидан оптимал, энг муҳими истеъмолчиларнинг талабларига мос бўлишлиги лозимдир. Бунга эришиш учун тежамкор технология, малакали кадрлар, юқори технологияни таъминлайдиган моддий-техника базасини шакллантириш лозим бўлади.

Маҳсулотларнинг сифатини ошириб, уларнинг экспортини кўпайтириш сингари тадбирларга тенглаштириладиган ишрлардан бири, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Бунинг учун ҳаракатдар стратегиясида “ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш”[70] вазифаси ҳам белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири, “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”га[71] қаратилган. Мавжуд технологиялар иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтиришни тақозо қилмоқда. Чунки, маҳсулотлар таннархижа энергия ва ресурслар улуши анча қисмини ташкил қилади. Уларни камайтирмасдан туриб, товарлар нархини пасайтириб бўлмайди, юқори нарх билан товарларнинг рақобатбардошлигини ҳам таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли ушбу вазифа ҳам муҳим ва катта эътиборни талаб қилади. Энергия тежамкорлигига эришишнинг йўлларидан бири, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришдан иборатдир. Шу туфайли, мазкур масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратишни тақозо қилади. Иқтисодиётнинг юксалишида, унинг барча тармоқларини малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш масаласи ҳам келгуси иқтисодиётимиздаги муҳим масалалардан биридир.

Замонавий иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини хорижий тадбиркорлар иштирокчилари билан бирга жадал ривожлантиришга қаратилгандир. Бунинг учун фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этишни тақозо қилади. Ушбу масалани амалга ошириш борасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-2017 йилларда қатор фармон ва

[70]Ўша жойда.
[71]Ўша жойда.

қарорлар қабул қилинди ва уларни амалга ошириш борасида тегишли дастурлар тузилиб, бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”[72] масаласига алоҳида аҳамият берилган. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантирмасдан туриб, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришдага ўрни ва улушини ошириб бўлмайди. Ҳизматлар соҳасининг ЯИМдаги улушининг ошиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг ошганлигидан далолат беради. Чунки одамларнинг қорни тўймасдан, хизматларга эҳтиёжи кам бўлади ва зарур хизматларни ўзлари бажариб қўя қолади. Хизматларнинг кўпайтишининг биринчи белгиси аҳолининг фаровонлигининг ошаётганлигидан далолат беради. Ҳозирги шароитда кўрсатилаётган хизматлар таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунга мос равишда хизматларнинг замонавий юқори технологик турларини жорий қилиш ҳисобига тубдан ўзгартириш масаласи ҳам стратегияда белгиланган устувор вазифвалар сирасига киради.

Эндиги аҳамият бериладиган муҳим масалалардан бири “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”[73]дан иборатдир. Чунки, жуда катта туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улушининг атиги 2,0 %ни ташкил қилиши, ушбу соҳадаги мавжуд имкониятларимизнинг ҳали ишга солинмаганлигидан далолат бериб турибди. Бу борада мазкур рисоланинг 1.8 бобида батафсил ёритилган.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири, товар ва хизматлар экспортини ривожлантиришдан иборатдир. Шу туфайли Ҳаракатлар стротегиясида “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш”[74] масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Энди мазкур вазифанинг бажарилиши экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилишни тақозо қилади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масаласи турибди. Бу борада мувофиқликни таъминлаш масалси устуворликни ташкил қилиши лозим. Акс ҳолда, бир тармоқ ёки ҳудуд ривожланиб, иккинчиси, давлат бюджетидан субсидия эвазига яшашга кўникиб қолади. Бундай бўлмаслик учун ҳар бир ҳудудда тегишли имкониятлар мавжуд. Фақт уларни ишга солиш чораларини кўриш ва ҳудуднинг барча имкониятларини сафарбар қилиш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида муҳим натижаларга эришиш билан айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас эди. Чунки, миллий трассамизнинг эгаси бошқа киши, шаҳарлараро йўналишдагиларнинг эгаси яна бошқа киши, шаҳар ва қишлоқлар ичдаги йўлларнинг эгаси ҳам бошқалар эди. Бунга барҳам бериш мақсадида йўл эгалик бўлди ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш масаласи бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Муҳим

[72]Ўша жойда.
[73]Ўша жойда.
[74]Ўша жойда.

масалалардан бири бўлган иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи ҳам ҳаракатлар стротегиясида алоҳида қайд этилган.

Хуллас, иқтисодиётни ривожлантиришда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат иқтисодиётни ривожлантиришга, балки аҳолининг фаровонлигининг ошишига, ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалишига хизмат қилади.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

З.Д.Ниёзов- Сам ИСИ доцент в.б.
Ж.Қ.Мирзакобилов - Сам ИСИ магистранти

Аннотация: *Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни ва уни ривожлантириш усуллари тўғрисида баён этилган.*

Калит сўзлар*: бозор иқтисодиёти, хорижий инвесторлар, лизинг.*

Annotation: *In this article, we are talking about "Priority ways of development of small business and private entrepreneurship in the national economy".*

Key words: *Market economy, foreign investors, leasing.*

Аннотация: *В этой статье, речь идёт о "Приоритетных путях развития малого бизнеса и частного предпринимательства в национальной экономике".*

Ключевые слова: *рыночная экономика, иностранные инвесторы, лизинг.*

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик –
жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз,
фаровонҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт”.
Ўзбекистон Республикасининг биринчи
Президенти И.А. Каримов

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга эканлигига барчамиз гувох бўлиб турибмиз. Кичик бизнес – ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Бунга истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар мисолида амин бўлдик. Чунки бу соҳа бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини тез ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида кўплаб иш ўринлари очиш имкониятига эга.

Бозор иқтисодиёти бизнес ва тадбиркорликка асосланган иқтисодиётдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилиши туфайли мулкчиликнинг турли шаклига асосланган фирмалар, корхоналар сони ортиб бормоқда. Йирик хорижий инвесторлар билан тенг шерикчилик асосида иш бошлаган қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ижтимоий-

сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчи, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Юртимиз иқтисодиёти, жумладан, мулкчилик масалаларида, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш борасида муҳим норматив – ҳуқуқий база яратилган. Бу борада "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори[75] яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Призиденти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг бешта устувор тамойилига таянувчи изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсати амалга оширилаётганлиги, инқирозга қарши қабул қилинган бир қанча чора-тадбирлар жаҳоннинг аксарият мамлакатларида кузатилаётган пул қадрсизланишининг кучайиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиши, инвестициявий фаоллик пасайиши, аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашуви каби салбий омиллар юзага келишининг олди олинди ҳамда давлат иқтисодиёти барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлади. Бунга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам муҳим омил хисобланади. Бу дегани – республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кенг кўламли ва кенг миқёсли Дастур ишлаб чиқилиб, барча куч-имкониятлар ана шу дастур ижросига қаратилади, натижада тадбиркорлик соҳаси тобора юксалиб, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни янада мустаҳкамланишига пойдевор яратади. Бу борада тижорат банклари томонидан узига хос йўналиш ишлаб чикилди, хусусан тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекларини қуллаб қувватлаш мақсадида, кам миқдордаги кредитлар учун таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг кафиллигини қабул қилиш амалиёти мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Призиденти И.А. Каримов ташаббуслари билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдиришни таъминлашдаги ролини, бозор коньюктурасининг ўзгаришига тез мослашувчанлиги янги иш жойларини яратишдаги аҳамиятини шунингдек, унинг фан-техника ютуқларини тез ўзлаштиришини ҳисобга олган ҳолда, мулкчиликнинг турли шаклларидаги кичик корхоналарда бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш зарурлиги талаб этилмоқда. 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди, 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинди.[76]Ана шу йуналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички

[75]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон

[76]2017 йил 14 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун

махсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,9 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошгани бежиз эмас. Иш билан банд жами оҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармокда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани аввало мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи хисобланади.

Кичик бизнесни юритишда асосий омиллардан бири, бу инвестицияни жалб этиш ва кредитлар олиш ҳамда лизинг ёки ускуналарни кредитга олиш ҳисобланади. Уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар натижасида бугунги кунга келиб банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайган. Ўтган йили якуни бўйича ички манбаалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги янги улуши 85,1 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди. Бу курсаткичларни АИТБ Ипак Йўли "Умар" МФ маълумотлари мисолида куриб чиқадиган бўлсак, филиалда 2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 21.23 миллиард сўм миқдоридаги микрокредитлар ажратилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 23.53 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади. Мазкур фармон Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган. Бундан кўриниб турибдики бу соҳага давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш шакллари ниҳоятда хилма-хилдир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- давлат-ҳуқуқий ёрдами;
- ташкилий ва бошқарув ёрдами;
- моддий-техникавий ёрдам;
- ижтимоий-психологик ёрдам.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланиши бежиз эмас. Ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ. Қолаверса, аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Призиденти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Нисбатан барқарор ва бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда”.

иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисидан

Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг иқтисодий ўсиши бизнеснинг ушбу шаклига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилаётганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги самараси эканини кузатиш мумкин. Дейлик, ҳозир Германия Нидерландия, Финландия, Норвегия, Швеция каби "кўҳна қитъа"нинг аксарият давлатларида мавжуд иш ўринларининг қарийиб 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес хиссасига тўғри келади. Унинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнес етакчи ўринга кўтарилган. Биргина Хитойда экспорт ҳажмининг қарийиб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари хиссасига тўғри келаётгани соҳанинг мавқеини яққол кўрсатиб беради. Хитой давлати ҳукуматининг тахминига кўра, иқтисодиётнинг тўлиқ модернизацияси 2030 йилга келиб тугайди, бунда асосий ўринни кичик бизнес ташкил қилади. "CNN Time Worner Group" томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Сингапур давлати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди. Мазкур мамлакатда кичик тадбиркорлик субъектлари мавжуд корхона умумий соҳанинг 90 фоизини ташкил этади ва ҳар йили улар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ўсиш 5-6 фоиз кўтарилиб бормоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, балки юз бериши мумкин бўлган турли инқирозлардан чиқиб кетишда ҳам катта аҳамиятга эга ва энг асосийси, барқарор шу билан бирга, мослашувчан соҳа ҳисобланади.

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ МАВЖУД САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
М.Ў.Рахимов – СамИСИ талабаси

Аннотация: *мақолада мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишйўлларива устувор йўналишлари қараб чиқилган. Унда ҳар бир ҳудуд аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун янги иш ўринларини яратиш, бунинг учун қишлоқларга мини технологияларга асосланган саноатни олиб кириш эвазига амалга ошириш масалалари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар*: ҳудуд, ҳудуд иқтисодиёти, иқтисодий барқарорлик, хусусий тадбиркорлик, самарадорлик, модернизация, диверсификация, инновация, иқтисодиёт, рақобатбардошлик, устувор вазифа.*

Аннотация: *статья рассмотрены основные направления и ОК комплексного Развития Регионов в нашей стране и эффективные использование существующего потенциала. в ней рассмотрены такие проблемы как создание новых рабочих мест для повышения уровня и качества жизни в каждом регионе, внедрение в регионах промышленности на основе мини технологий*

Ключевые слова: *регион, региональная экономика, экономическая стабильность, частное предпринимательство, эффективность, модернизация, диверсификация, инновации, экономика, конкурентоспособность, приоритетные задачи.*

Abstract: *the article examines the main directions and OK of the Integrated Development of the Regions in our country and the effective use of the existing potential. It addresses such problems as the creation of new jobs to improve the level and quality of life in each region, the introduction of industries in the regions based on mini-technologies*

Keywords: *region, regional economy, economic stability, private entrepreneurship, efficiency, modernization, diversification, innovation, economy, competitiveness, priority tasks.*

Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш йўлларини амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг бешинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун, уларнинг мавжуд салоҳиятидан ва ички имкониятларидан самарали ва оптимал фойдаланишйўллари белгиланган.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги янги босқичида ҳар бир ҳудуд иқтисодиётини ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки ҳудудлар ўртасидаги тофовут анчагина катта. Айрим туманлар ҳамон датация шароитидан чиқа олган эмас. Натижада халқнинг турмуш даражаси ва даромадлари ҳам шунга яраша. Шунинг учун аҳолининг ва ҳудудларнинг даромадларини ошириш учун ҳар бирининг “табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”[77] масаласи устуворлик ташкил қилмоқда. Чунки жуда кўп ҳуддуларимиздаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аён. Масалан, Жиззах вилоятининг Бахмал туманини олайлик. Ундаги табиий ресурсларнинг ўзи экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият, аммо мазкур соҳадан деярли фойдаланилмасдан келинмоқда. Мана шу жойнинг ўзида ички туризмни ривожлантиришнинг ўзи ҳам етарли. Худди шу жойда агротуризмни, рекреацион туризмларни ҳам ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Худди шундай ҳолатни Самарқанд вилоятининг Ургут ва Самарқанд туманлари бўйича ҳам айтиш мумкин.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ҳаракатлар стратегиясида “ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш”[78] масаласини устувор қилиб белгиланган. Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туманлардаги бор имкониятларни ишга солиш учун, у ерга мос соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманида сув танқислиги сезилганлиги туфайли у ерда хоҳлаган ишни қилиб бўлмайди. Кенг далани яйлов сифатида фойдаланиш, у ердаги адрларда сувни кам талаб қиладиган янғоқ дарахтини экиш, агар ер ости

[77]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[78]Ўша жойда.

сувини чиқариш имконияти бўлган жойларда интенсив боғларни кўпайтириш мумкин. Мазкур туман этнографик туризмни ривожлантириш учун ҳам жуда қулай ҳудуд. У ерда этнографик миллий анъаналарни ўзида ифода этадиган ансамблларни ташкил қилиш, унда миллий кийимларимиз билан бирга миллий қўшиқларимиз, турли миллий ўйинларимизни ҳам намойиш қилишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси туман иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлади.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун "янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш"[79] масаласи ҳам устувор вазифалар сифатида ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Ривожланишинг ҳозирги босқичида маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни барпо этиш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш мумкин. Ҳозирги кузатувларимиз кўрсатмоқдаки, узоқ қишлоқларимиз аҳолисида ҳам автомашиналар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аммо жойларда уларга хизмат қиладиган сервис марказларининг йўқлиги туфайли, катта масофани босиб ва вақтни йўқотиб, шаҳарларга ёки туман марказларига келишга мажбур бўлмоқда. Албатта иқтисодиёти ва деҳқончилиги ривожланмаган ҳудудлар қишлоқ аҳолисининг иқтисодий аҳволи жойларда тегишли корхоналарни қуриш имкониятига эга эмас. Шу туфайли у ерларга ҳам йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Ҳаракатлар стратегиясиа ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган энг муҳим устувор йўналишлардан бири "саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш"га[80] қаратилган. Ҳудудларжа саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш биринчидан, аҳолини иш билан бандлигини таъминласа, иккинчиан ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш эвазига маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш имкониятини ҳам яратади. Бундай тадбирлар ўз навбатида, субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтиришга олиб келади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакатимизни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация

[79]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[80]Ўша жойда.

қилиш[81] масаласи ҳам устувор вазифалар қаторидан ўрин олган. Зеро, ҳудудларда саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам унчалик осон иш эмас. Чунки саноат корхоналари учун тегишли инфратузилма етарли даражада ривожланган бўлиши лозим. Қишлоқ жойларда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш, саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, тизимли равишда модернизация қилиб бориш эвазига технологияларни такомиллаштиришга эришиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бу тадбирлар шунчаки одамларнинг ҳоҳиши билан амалга ошиб қолмайди. Бунга эришиш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий механизмларни ишга солиш лозим бўлади.

Буларнинг барчаси пировардида аҳолининг фаровонлигини, яшаш даражаси ва сифатини ошириш имконини ҳам беради. Бу эса, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсадига мосдир.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИКРОКРЕДИТНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муҳаммедов М.М – СамИСИ, проф.
Жалилов Ш - СамИСИ КТБ-115 гурух талабаси

Аннотация: *Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминлаш муаммоларининг долзарблиги ва ушбу муаммони ҳал этишда микрокредитнинг алоҳида аҳамияти фактлар билан асослаб берилган. Микрокредитларнинг янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини ошириш бўйича таклифлар тавсия этилган.*

Аннотация:*В статье обосновывается важное значение микро кредита в рыночной экономике и рассматрены актуальные проблемы трудоустройства населения . Также дано предложения и рекомендации по созданию новых рабочих мест и обеспечению занятостинаселенияспомощьюмикрокредита.*

Annotation:*The article working-age population in employment in a market economy and the priority of the scale of this problem to the solution of the micro based on the particular facts. The microcredits to create new jobs and provide employment for the role of the suggestions and recommendations.*

Калит сўзлар:*Бозор, иқтисодиёт, аҳоли, микрокредит, бандлик, ижтимоий, бойлик, ривожланиш, қишлоқ хўжалиги, барқарорлик.*

Ключевые слова:*Рынок, экономика, населения, микрокредит, занятость, социал, богатство, развитие, сельское хозяйтво, стабилностью.*

Key words: *Market, economics, population,microcredit, being busy, sociopoliti-cal, wealth, development, agriculture, steadiness.*

Бозор иқтисодиёти шаро итида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Чунки аҳолини меҳнатда бандлик даражаси ҳар қандай

[81]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан биридир.

Аҳолини ижтимоий фойдали иш билан таъминлаш ва аҳоли бандлигини ошириш муаммоларини хал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият эга. Бинобарин, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2016 йил якунлари бўйича 56,9 фоизни ташкил этди.[82]

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики ушбу секторни ривожлантиришда кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиши ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробарга ортиб, 3,3трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.[83]

Жумладан, 2017-йил дастурига асосан 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилди. Ва бу ишларни амалга оширишда кўплаб лойҳалар ҳам ишлаб чиқилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида 10 058 та лойиҳада 55,8 мингта, бунда асосан кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни мақбуллаштириш орқали чорвачиликда 2 992 та лойиҳада 18 550 та, паррандачиликда 792 та лойиҳада 4 756 та, боғдорчилик, янги турдаги кўчатчиликда 1 126 та лойиҳада 7 174 та, балиқчиликда 821 та лойиҳада 3 079 та, узумчиликда 891 та лойиҳада 4 366 та, интенсив боғлар, иссиқхоналар, музлатгичларни ташкил этиш бўйича 1 249 та лойиҳа ҳисобига 7 480 та иш ўрнини ташкил этилади.[84] Бу соҳаларни ривожлантириш учун эса кредит берувчи банкларга мурожат қилишга тўғри келади.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбикорлигини ривожлариш учун 1647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди [85].

Шу билан бирга “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиялаш хизматлар кўрсатилди. Эндиликда эса дастур доирасида 2017-йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 15,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш белгиланган. Бу эса 2016 йилга нисбатан 25 фоизга кўп.Хусусан, ажратиладиган кредитларнинг салмоқли қисми Миллий банк (2 385,4 млрд.сўм), Асакабанк (1 546,8 млрд сўм), Дастур Агробанк (1 312,9 млрд сўм), Халқ

[82]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасиг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2017 й, 24декабр

[83]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасиг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2017 й, 24декабр

84 Маҳнат вазирлиги Ахборот хизмати 2017-йил дастури

[85] Ф.Муллажонов. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит. Жунали 29-бет

банки (1 250,8 млрд сўм), Ипотекабанк (1 144,4 млрд сўм), Микрокредитбанк (1 131,5 млрд сўм), Ўзсаноатқурилишбанки (1 121,6 млрд сўм) ҳиссасига тўғри келади.[86] Албатта бу 2017-йилга режалаштирилган кредит суммалари орқали аҳолини ижтимоийиқтисодий ҳимоя қилиш,унинг бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигида микрокредитлар жорий қилиниб, хусусий мулкчиликка ва кичик бизнесга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча даромад манбасини ва жорий даромадларини ошириш учун "Аҳолини тадбиркор қилиш" мақсадида микрокредитлар ажратиш кўлами кенгаймоқда.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, микрокредитлар муҳим соҳа ва йўналишларни рағбатлантиришни кўзда тутади. Микрокредитлар қуйидаги йўналишларга ажратилади:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик ташкил этиш;
– иссиқхоналар барпо этиш;
– паррандачилик ва қуёнчиликни йўлга қўйиш;
– кичик ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириш;
– ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш;
– савдо фаолиятини ташкил этиш;
– маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш, тикувчиликни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор йўналишларни молиялаштириш учун йўналтирилган. Шу соҳалардан бири учун кредит олиш яхши, аммо кредит қишлоқ хўжалиги субектлари учун берилаётган бўлса, бу ҳолда микрокредит ҳисобидан олинаётган қора мол, парранда ва иш материаллари сотувдаги нархидан бир неча баробар кўп маблағ эвазига берилаётганлиги аҳоли даромадига салбий таъсир кўрсатиб, кредит олувчилар сонини камайтирмоқда. Бу эса микрокредит беришдаги камчилик ёки салбий оқибатлардан биридир. Бу масаланинг яна бир муаммоли жиҳати шундаки ҳозирги кунда баъзи бир юртдошларимизнинг бизнес соҳасида "саводсизлиги" очиқроқ қилиб айтганда олинган микрокредитлардан қандай мақсадларда ва қай юсинда фойдаланишни билмаслиги микрокредитдан зарар кўришга олиб келмоқда. Шунинг учун жойларда шу соҳанинг мутахасислари қайси соҳада бизнесни амалга ошириш керак ва қандай ишларни амалга ошириш керак эканлиги ҳақида маслаҳатлар бериши ва намуна сифатида бизнес режалар тузишга кўмак бериш йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агарда микрокредитлар самарали натижасини ижобий равишда кўрсата олса, шахсий ва деҳқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик йўналишларида иш билан банд бўлмаган аҳолининг 309 минг нафари иш билан таъминланиши кўзда тутилган.[87] Биз ишонамизки бу кўрсаткич амалда ортиғи билан ўз натижасини кўрсатади.

[86] Меҳнат вазирлиги Ахборот хизмати 2017-йил дастури

[87] 2016-yil ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари. http://sputniknews-uz.com/society/20170117/4608235.html

Бизнинг фикримизча бу муаммоларни ҳал этиш учун учун қуйидагича ишларнни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, микрокредитларни беришни самарадорлигини ошириш учун аҳолини мониторинг қилиш ва жойларда кўпроқ аҳоли билан суҳбатлар ўтказиш керак.

Иккинчидан, микрокредит берувчи банклар томонидан кредит беришни яна ҳам қулайроқ йўлларини жорий лозим.

Учинчидан, микрокредитларни кредит олувчиларга иложи борича пул ҳисобида тўғридан-тўғри бериш ёки ҳисоб рақамлар орқали пластик карталарга ўтказиб беришни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, микрокредит берилгач уни қай мақсадларда ишлатилаётганлигини кучли назорат қилиш, лозим.

Бешинчидан, микрокредит хизматларини онлайн тарзда амалга оширишни йўлга қўйиш,чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Албатта аҳолини иш билан таъминлашда давлатнинг роли жуда катта, лекин ҳар бир ишга давогар фуқаро биринчи навбатда ўзи интилиши ва ишни узоқдан эмас, балки ўзи яшаб турган жойдан бошлаши керак. Микрокредит эса аҳолини боқимандалик ҳиссидан озод қилишга, нафақат ўзини балки оила аъзолари,қариндошлари ҳаттоки қўни-қўшниларини ҳам иш билан таминлашга кўмак бўла олади.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

У.А. Мухаммадиев – СамДАҚИ, доцент
М.З.Юзбаева – СамДАҚИ, ассистент

Аннотация. *Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш учун газ таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини яратиш қараб чиқилган. Магистрал ва ички газ таъминоти тизимида рўй берадиган нуқсонларни таснифлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Аҳолини табиий газ билан таъминлашда жиҳозларнинг жиҳозларнинг жисмоний ва маънавий эскириши, уларни такомиллаштириш йўллари таклиф қилинган.*

Калит сўзлар: *энергия таъминоти, қувурўтказгичлар, сифатнинг бирлик кўрсаткичлари, профилактика, газ истеъмолини мовсумий кўпайиши, нўқсонларни қайта пайдо бўлиши.*

Аннотация. *В статье рассматривается проблемы территориальных предприятий газоснабжения, предлагается пути совершенствования системы. Обоснованы необходимость комплексного подхода к качеству снабжения потребителей газом. Проведены анализ потери природного газа в магистральных и внутренних оборудованиях газоснабжения. Рассмотрены моральные и физическое устарение этих оборудований и предложены пути их устранения.*

Ключевые слова: *энергообеспечение, газопроводы, единижые показатели качества, профилактика, сезонное увилечение потребление газа, повторное полвление отказов.*

Annotation. *the present paper examines problems of perfection of activity of territorial gas supply enterprises. the necessity of a complex approach to the quality supply of consumers with natural gas is well- groumded.*

the authors propose marketing approach to settle the problem based on the research of requirements and adaptation to them the opportunities of gas supply enterprites.

the paper sets forward principles of creating systems of perfection of consumers gas supply its basic elements and ways of introducing this system at gas supply enterprises.

Keywords:*main gas pipelines, internal gas pipelines, refuses,investments, gas distributing devices, efficiency.*

Маълумки, 2017 йил 14 январ куни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устивор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойларни қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинган янги мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича муҳим вазифа ва чоралар белгиланди.

Жамиятда ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга алоҳида эътиборни қаратишни талаб қилади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг шахсий эҳтиёжлардан асосий фарқи истеъмолчиларни аниқлашдан иборат. Ижтимоий эҳтиёж бу аҳолининг катта гурухлари бўлиб, у алоҳида шахснинг эмас, балки жамият манфаатларини ўзида мужассамлаштиради. Шундай эҳтиёжларга аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ҳам киради. Айниқса, табиий газнинг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришдаги аҳамияти салмоқлидир.

Замонавий иқтисодиёт ёқилги-энергия ресурсларига бўлган талабнинг кескин ошиб бориши билан ажралиб туради. Турмушимизнинг савияси кўп жиҳатдан энергияни сарфлаш билан боғлиқ. Шу сабабли ёқилги-энергия маҳсулотларини бир маромда етказиб бериш энг долзарб муаммоларга айланиб бормоқда. Ушбу муаммонинг бир томони табиий газ конларида фаолиятни такомиллаштиришга боғлиқ бўлса, иккинчи томони газни етказиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Бу ўринда табиий газ билан аҳоли ва корхоналарни етарли ҳажмда таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Умуман олганда барча газ таъминоти тизимини иккита асосий гурухга ажратиш мумкин:

а) магистрал газ тармоқлари;

б) ички газ тармоқлари.

Магистрал газ тармоқларининг асосий мақсади табиий газни конлардан истеъмолчиларгача йўқотишларсиз, белгиланган ҳажмда етказиб беришдир. Одатда буларга юқори ва ўрта босимли газ қувурлари ва газ тақсимлаш қутилари киради. Ички газ тармоқлари табиий газни тақсимлаш ва истеъмол қилиш жойигача олиб бориш вазифасини бажарадилар ва уларга паст босимли газ қувурлари ва хонадонлардаги газ ускуналари киритилади.

Самарқанд шаҳрида олиб борилган таҳлиллар натижасида газ таъминоти сифатининг кўрсаткичларини аниқлашга эришдик ва ушбу кўрсаткичлар билан

боғлиқ нуқсонларни ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, газ таъминоти сифати асосан магистрал газ тармоқлари сифати билан боғлиқ экан. Уларнинг асосий бирламчи сифат кўрсаткичларига бизлар қувурларнинг яхлитлиги, ишончлиги, чидамлиги ва иқтисодий самарадорлигини киритдик. Бундан ташқари тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нуқсонлар пайдо бўлишининг асосий бўғини - бу газ тақсимлаш қутисидир. Масалан, кузатилган нуқсонларнинг 30 фоизи бевосита магистрал газ қувурлари билан ва 70 фоиз газ тақсимлаш қутилари билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Нуқсонларнинг учраши ҳам бир текис бўлмаганлиги кузатилди. Энг салмоқли ўринни газ ҳидининг чиқиши (30%), ундан сўнг газ тақсимлаш қутисини текшириш (28.3%) ва газ таъминотининг тўхташ холлари (14.5%) эгаллаган.

Бунда газ таъминоти сифатининг пасайишининг бир қанча сабаблари мавжуд. Объектив сабабларга вақт ўтиши билан қувурлар ва мосламаларнинг эскириши ва катта босимга бардош беролмаслигини киритиш мумкин. Мазкур сабабни бартараф қилиш учун узоқ муддатли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва катта ҳажмда инвестициялар жалб қилиш зарур.

Субъектив сабаблардан режали-профилактик тадбирларнинг тўла ҳажмда ўтказилмаганлиги ва газ тақсимлаш қутиларига бегона шахсларнинг кўп аралашувини алоҳида қайд қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Авваламбор, қишга тайёргарлик кўриш ва баҳорги кўрикдан ўтказиш даврларида барча мосламаларни истеъмолчилар талабларига мослаштириш ҳамда иш вақтини ўтаб бўлган қисмларни алмаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бундай текширувлар вақтида йўл қўйилган хатолар кейинчалик газ таъминотининг ёмонлашишига олиб келади. Айниқса, нуқсонларни тузатишнинг сифатлилигини таъминлаш, уларни келажакда учрамаслигининг асосий омили ҳисобланади, чунки нуқсонларнинг такрорий учраш ҳолатлари текширувлар жараёнида кўп кузатилмоқда.

Иккинчи томондан, қиш мавсумида газ таъминотининг ёмонлашиши мутахассислар ва номутахассислар томонидан ўзича кранларни очиш ва "газни тўғрилаш" ҳолатлари тизимнинг мувозанатдан чиқишига олиб келади. Ушбу вазиятда шаҳарнинг бутун бир туманида газ таъминоти кескин ёмонлашади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун газ тақсимлаш қутиларига шахсларнинг аралашиш имконини камайтириш чораларини кўриш лозим. Масалан, газ тақсимлаш қутиси меъёрлаштирилгандан сўнг муҳрланиши ва маҳалла қўмитаси раисига топширилиши ва муҳр бузилган тақдирда масъул шахс жавобгарлиги белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари газ таъминотини яхшилаш учун ташкилотларда нуқсонларнинг рўйхатга олиш тартибини ҳам такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисоблар шуни кўрсатадики, субъектив сабабларнинг бартараф қилиниши газ таъминоти сифатини 40%гача оширишга имкон беради.

ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Т.О.Мамаюнусов – СамИСИ талабаси

Аннотация*: мақолада иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкнинг эркинлигини таъминлаш йўлларикараб чиқилган.Унда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ёритилган.*

Калит сўзлар*: хусусий мулк, кичик бихнес, хусусий тадбиркорлик, модернизация, диверсификация, инновация, иқтисодиёт, рақобатбардошлик, устувор вазифа.*

Аннотация: *в статье рассмотрены пути сокращение участия государства в экономике, развития малого бизнеса и частного предпринимательства, обеспечение Свободы частной собственности. в ней освещены организационно-экономические механизмы развития малого бизнеса и частного предпринимательства, которые являются основным направлением в экономике*

Ключевые слова: *частная собственность, малый бизнес, частное предпринимательство, модернизация, диверсификация, инновации, экономика, конкурентоспособность, приоритетные задачи*

Abstract: *the article examines ways to reduce state participation in the economy, develop small business and private entrepreneurship, ensure the freedom of private property. It outlines the organizational and economic mechanisms for the development of small business and private entrepreneurship, which are the main direction in the economy*

Keywords: *private property, small business, private entrepreneurship, modernization, diversification, innovation, economy, competitiveness, priority tasks*

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласитўртинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Унда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш учун аниқ чора-тадбирлар, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалалари аниқ кўрсатиб берилган.

Мазкур стратегияда асосий эътибор хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилмоқда. Бунинг учун хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш ва унга тўлиқ эркинлик беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бунда ўз моҳияти жиҳатидан ўзимизга хос бўлган «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш борасида ҳам таъсирчан чоралар кўрилиши кўзда тутилган. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг барча соҳа, тармоқлари ва ҳудудлари бўйича аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда.

Мазкур соҳадаги белгиланган вазифалар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Ҳар қандай киши ҳам тадбиркор бўлиб кетавермайди. Шунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир ишлар ҳам иқтисодиётни либераллаштиришнинг таркибий қисмидан ўрин эгаллаган. Бунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш чоралари ҳам белгиланган ва булар қаттиқ назорат остида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда “Халқ қабулхона”ларига келиб тушган аризалар таркибида тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган фактлар ҳам йўқ эмас. Аммо улар ўз вақтида ва ўз жойида ҳал қилинмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири, давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш билан боғлиқдир. Шу туфайли ушбу масала ҳам стратегиямизнинг йўналишларидан бири сифатида қайд этилган. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтиришга ҳам етарли даражада эътибор берилмоқда. Айниқса, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга бекор турган объектларни “ноль” қийматда сотишдан тортиб, имтиёзли кредитлар беришгача бўлган тадбирлардан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумки мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция муҳитини такомиллаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масаласи бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш дастури тузилди. Ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича янгидан ташкил қилинган Инвестиция вазирлиги билан бирга деярли барча вазирлик ва идоралар, ташки ишла вазирлиги, дипломатик корпус вакиллари, бизнинг хориждаги ваколотхоналаримиз ходимлари, ҳокимлар, тадбиркорлар шуғулланмоқдалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида корпоратив бошқарув бўйича маълум тажриб тўпланган. Унинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш борасида ҳам белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш масаласи ҳам ҳар бир соҳа, ҳудуд ва тармоқлар бўйича аниқ қилиб белгиланган.

Ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш масаласи ҳам иқтисодий тараққиётимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан белгиланган чора-тадбирлар ҳам тегишли назорат остига олинганки, ушбу омил ҳам иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлмасин.

Маълумки, давлатимиз бош ислоҳотчи сифатида тегишли йўналишларни белгилаб беради ва бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтиришни ҳам кўзда тутади. Бунда давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ишларига деярли аралашмайди. Бунинг учун давлат бошқаруви тизимини

марказлаштиришдан чиқариш лозимлиги ҳам стратегияда белгиланган. Ушбу тадбир бевосита иқтисодиётни демократлаштиришни таъминлайди. Бунда асосий вазифа давлат хусусий шерикликни кенгайтириш билан бирга, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш бўйича ишларни янада кучайтириб боради. Ушбу тадбирлар иқтисодиётни эркинлаштириш борасида яна бир қутлуғ қадам бўлиб хизмат қилади. Эркинлик бор жойда юксалиш бўлади. Аммо эркинликни ўзбошимчалик деб тушунмаслик керак ва тартиб тамойиллардан тоймасдан фаолият кўрсатишни таъминлаш лозим бўлади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИГА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Г.Ж.Жумаева – Қарши мухандислик- иқтисодиёт институти “Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, доцент

Аннотация:*Ушбу мақолада фермер хўжаликларида сотилган маҳсулот ҳажмига асосий воситалар билан боғлиқ омиллар таҳлили келтирилган. Мақолада сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига асосий воситалар билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланиш тавсия қилган ва уни аниқлаш тартиблари келтирилган.*

Калит сўзлар*: фермер хўжалиги, иқтисодий таҳлил, молиявий натижа, сотилган маҳсулот, асосий воситалар, омилли таҳлил, динамик ўзгаришлар, ўсиш тенденциялари, қайта баҳолаш, иқтисодий самарадорлик.*

Аннотация: *В статье приведён анализ факторов, связанных с объёмом проданной продукции фермерских хозяйств и основными средствами. Для определение воздействия факторов, связанных с основными средствами изменения объёма проданной продукции в статье предлагается использование метода перерасчёта и порядок его определения.*

Ключевые слова: *фермерское хозяйство, экономический анализ, финансовый результат, товарная продукция, основных средства, динамические изменения, переоценка, экономическая эффективность*

Annotation:*In article the analysis of the factors connected with volume of sold production of farms and the basic means is resulted. For definition of influence of the factors connected with the basic means of change of volume of sold production in article use of a method of recalculation and an order of its definition is offered.*

Keywords: *farming, economic analysis, financial results, sold goods, main facilities, factor analyzing, dynamic changes, growth tendencies, re-evaluation, economic efficiency.*

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фермер хўжаликларининг молиявий натижаларининг асосий бош кўрсаткичи бўлган сотилган маҳсулот ҳажмини таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, қишлоқ хўжалигининг келажакдаги истиқболи фермер хўжаликларининг молиявий натижаларини яхшилаш ва уларнинг молиявий имкониятларининг оширилишига боғлиқ. Бундай муҳим кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштириш бугунги кунда иқтисодий ишларнинг устувор вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари нафақат қишлоқларда шаклланаётган мулкдорлар синфини ташкил этади, балки ўз ҳудудларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг фаол иштирокчилари сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу туфайли фермер хўжаликларида молиявий натижаларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг шаклланиши ва таркибий тузилишини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш объектив зарурият ҳисобланади. Маълумки, фермер хўжаликлари фаолиятида молиявий натижалар таркибининг асосини сотишдан кўрилган натижа ташкил этади. Шу нуқтаи назардан хам сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлилида асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичларни омилли тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Чунки, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, модернизация қилиш ва изчил янгилаш жараёнида фермер хўжаликларининг фаолиятида молиявий натижаларнинг, айниқса сотилган маҳсулот ҳажмининг ижобий бўлишини таъминлаш айнан уларнинг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Шу сабабдан ҳам тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сотилган маҳсулот ҳажмига асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида уларни омилли таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Зеро, фермер хўжаликлари ер майдонларининг оптималлаштирилиши, унда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятлари-нинг ошаётганлиги мазкур таҳлилни амалга оширишда муайян услубий асосларни такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига асосий воситалар билан боғлиқ омиллар таъсири таҳлилга оид иқтисодий адабиётларда[88] етарлича ёритилган. Аммо бунда асосан ишлаб чиқариш тармоқлари ва уларнинг умумметодологик усуллари ёритилган. Биз мазкур мақолада ушбу таҳлил усулини фермер хўжаликлари мисолида кўриб чиқамиз, чунки таҳлил жараёнида ушбу хўжаликларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, сотилган маҳсулот ҳажми бошқа соҳаларда, асосан ишлаб чиқариш соҳасида ҳар чоракда ҳам алоҳида ҳисоблаб йил бўйича умумий хулоса чиқариш, йил давомида мавжуд имкониятларни босқичма-босқич аниқлаб кетиш мумкин. Фермер хўжаликларида ушбу кўрсаткичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, буни ҳар бир чорак бўйича олиб бўлмайди, чунки етиштириладиган маҳсулотимиз мавсумий бўлганлиги туфайли, ушбу кўрсаткични фақат йил якуни бўйича олиш мумкин. Худди шундай ҳолатни асосий воситалар бўйича ҳам айтиш мумкин, чунки уларнинг айримларини мавсум давомида ижарага олиб ҳам ишлатиш мумкин. Бу унинг йиллик ҳисоботида ўз ифодасини топмаслиги тайин. Шу туфайли мазкур омилли таҳлилда шу жараёнларни инобатга олмаслик мумкин эмас.

Тадқиқотларимиз кўрсатадики, фермер хўжалигида қўшимча даромад келтирмайдиган ёки самарали фойдаланилмаётган асосий воситалар молиявий натижаларнинг ёмонлашишига, молиявий нобарқарорликнинг келиб чиқишига ва банкротлик аломатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда сотилган маҳсулот ҳажмининг ошишига асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражасининг таъсирини таҳлил қилиш мақсадга

[88] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд. Зарафшон, 2001.

мувофиқдир. Бунинг учун иқтисодий таҳлилда қўлланилиб келинаётган анъанавий формуладан[89] фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Q = Av * Avs \qquad (1)$$

Бунда: Q-сотилган маҳсулот ҳажми;

Av-асосий воситалар қиймати;

Avs- асосий воситалар самарадорлиги.

Биз таҳлил ўтказаётган фермер хўжалигида молиявий натижаларнинг асосий воситалар билан боғлиқ бўлган жиҳатларида омилли таҳлил ўтказиш учун аввало фермер хўжаликларида асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, юқоридаги формуладан фойдаланиб асосий воситалар самарадорлигини ҳисоблаб топиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Avs = Q / Av \quad \textbf{(2)}$$

Ушбу формулалар ёрдамида қуйидаги жадвални тузиш ва ҳисоблаш мумкин (1-жадвал).

Ғузор туманидаги "Отабек " фермер хўжалигида сотилган маҳсулот ҳажмини асосий воситалар қиймати ва самарадорлиги билан боғлиқлигининг 5 йиллик динамикаси таҳлили[90]

Йиллар	Сотилган маҳсулот млн.сўм.		Асосий воситалар қиймати		Асосий воситалар самарадорлиги	
	Млн.сўм	Ўзгариш суръати, %	Млн.сўм	Ўзгариш суръати, %	Минг сўм	Ўзгариш суръати, %
1-йил	38,4		23,4		1,6	
2-йил	43,5	113,3	26,1	111,3	1,7	106,2
3-йил	57,1	131,3	28,9	110,7	2,0	117,6
4-йил	41,5	72,7	33,7	116,6	1,2	60,0
5-йил	65,9	158,7	37,2	110,4	1,8	150,0

Жадвал маълумотларидан кўринадики, хўжаликда сотилган маҳсулот ҳажми 4-йилдан ташқари ўрганилаётган барча йилларда ўсиб борган. Бу ижобий натижа ҳисобланади. Шунингдек, жадвал маълумотларидан кўринадики, асосий воситалар қиймати ҳам ошиб борган. Бироқ бундай ўсиш сотилган маҳсулот ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, асосий воситаларга мулк солиғининг ҳисобланиши ва фойдадан амортизация ажратмасининг ажратилишини инобатга оладиган бўлсак, сотилган маҳсулот ҳажмига асосий воситалар қиймати экстенсив омил сифатида ўз таъсирини кўрсатади. Натижада асосий воситалар қиймати ўртасидаги ўсиш диманикаси пасайган даврда асосий воситалар самарадорлиги юқори бўлган. Хусусан, 3-йилда асосий воситалар қиймати 2-йилга нисбатан 0,6 фоизга (110,7-11,3) камайган бўлса, асосий воситалар самарадорлиги шу даврда 11,4 фоизга (117,6-106,2) юқори бўлган.

Бундай ўзгаришларнинг сотилган маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқлаш таҳлилнинг такомиллашган усулини тақазо этади.

[89] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Тошкент. Меҳнат, 2004.

[90] Манба: Мазкур жадвал маълумотлари юқорида номи зикр этилган фермер хўжаликлари ҳисоботлари асосида ҳисоб-китоб қилиниши йўли билан шакллантирилди.

Бунда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига асосий воситалар билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Ушбу усулни амалга оширишда юқорида келтирилган формулалардан фойдаланган ҳолда уч хил кўрсаткич талаб этилади: асосий воситаларнинг қиймати; асосий воситалар самарадорлиги; сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ва қайта ҳисобланган ҳажми. Сотилган маҳсулотнинг қайта ҳисобланган ҳажмини аниқлаш учун асос сифатида танланган йилдан кейинги йилдаги асосий воситалар қиймати асос йилдаги асосий воситалар самарадорлигига кўпайтирилади. Сотилган маҳсулотнинг қайта ҳисобланган суммасини асос йилдаги сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмидан чегирилганда фермер хўжалигида аосий воситалар ҳисобига сотилган тушган маҳсулотнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш мумкин бўлади. Шунингдек, ҳақиқатда сотилган маҳсулот ҳажмидан шу даврдаги сотилган маҳсулотнинг қайта ҳисобланган ҳажмини айирганимизда асосий воситалар самарасининг сотилган маҳсулотга таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Шу тариқа иккала омилнинг ҳам таъсирини аниқлаб оламиз. Буни формулалар шаклида ҳам ифода этиш мумкин.

$$Qqh = Av.a.y.k.y * Av.s.a.y. \quad (3)$$

$$\Delta Qav = Qqh - Qa.y \quad (4)$$

$$\Delta Qav.s. = Qh - Qqh \quad (5)$$

Бунда: Qqh-қайта ҳисобланган сотилган маҳсулот ҳажми;
Av.a.y.k.y- асос йилдан кейинги йилдаги асосий воситалар қиймати;
Av.s.a.y- асос йилдаги асосий воситалар самарадорлиги;
▲Qav-асосий воситалар таъсири ҳисобига;
Qa.y-асос йилда сотилган маҳсулот ҳажми;
▲Qav.s-асосий воситалар самарадорлиги таъсири ҳисобига;
Qh-ҳақиқатда сотилган маҳсулот ҳажми.

Фермер хўжаликларининг барча кўрсаткичларини таҳлил қилганда албатта омилли таҳлил усулларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари фаолиятини динамикада таҳлил қилиш маълум мураккабликларга эга. Чунки уларнинг ихтисослиги ва ер майдонлари тез ўзгараётган тажриба даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бундай шароитда кўрсаткичларни солиштириш масаласи назарий жиҳатдан унчалик тўғри чиқмайди. Буни юқорида келтирилган ҳисоблар натижасида ҳам кўриш мумкин. Мазкур фермер хўжалигида асосий воситалар самарадорлиги ўрганилаётган даврларда бир хил ўсиш тенденциясига эга эмас. Чунки, фермер хўжалигининг ер майдони ўзгармаган бўлсада (жами қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдони 75 гектар) сотилган маҳсулот ҳажми ва унинг таркиби йиллар давомида ўзгариб турган. Бу ҳолат ҳам таҳлилни юзаки эмас, балки алоҳида йўналишлар бўйича чуқур ўрганишни тақозо қилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

Н.Мардиев - Тошкент давлат аграр университети, доц.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан мева-сабзавот, полиз экинлари етиштиришда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари қаралган.

Калит сўзлар: *озиқ-овқат сиёсати, тадбиркорлик, ислоҳотлар, солиқ, ва божхона тўловлари, хусусий мулк, кичик бизнес*

Мамлакатимиз иқтисодиётида модернизация жараёни чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда республикамиз озиқ-овқат сиёсатини ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга катта моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун сарфланаётган молиявий ресурлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг натижасида 2016 йил якунида 21,1 млн тонна (ўтган йилга нисбатан 11,1 фоизга) шундан, 11,3 млн тонна (11,3 фозига) сабзавот, 2,1 млн.тонна (10,4 фоизга) полиз, 3,0 млн тонна (9,7 фоизга) картошка, 3,0 млн тонна (10,8 фоизга) мева ва 1,7 млн тонна (9,9 фоизга) узум маҳсулотлари етиштирилган.

Шу мақсадларда, қишлоқ хўжалигига 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳаражатлари - 343,4 млрд. сўм, Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси - 161,4 млрд. сўм, инвестиция дастури орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилтган маблағлар 2016 йилда: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларни мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси ҳисобан марказлашган инвестициялар - 211,0 млрд. сўм, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан марказлашган инвестициялар - 514,1 млрд. сўмни ташкил қилган

Маълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги пахта ва ғалланинг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Деҳқон хўжаликлари эса устун равишда сут, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари, картошка ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Узум, мева ва резаворлар, полиз экинлари ҳам фермер, ҳам деҳқон хўжаликлари томонидан деярли бир хил салмоқда етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа шаклларининг маҳсулот етиштириш ҳажмидаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда.

Ўтган даврда амалга оширилган бу каби ўзгартириш ва ислоҳотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин яратилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Барча кўрилган чора-тадбирлар республикамизда қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга хизмат қилди. Жаҳон банки ҳисоботида келтирилишича, Ўзбекистон охирги йилда тадбиркорлик фаолияти учун кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида жаҳонда юқори на- тижаларга эришган давлатлар ўнталигига киради.

Яратилаётган барча қулайликлар фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва сиёсий таянчи бўлган ва ижтимоий сиёсатида ўз ўрнига эга бўлишига ўрта мулкдорлар синфи мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодий ривожидаги ўрнини белгилайди.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар "Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини, ЯИМдаги улушини изчил ошириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш"[1] га қаратилган. Шу боис, республикада самарали тарзда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт равнақидаги улуши барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Бу жараённи янада такомиллаштириш учун қуйидаги ҳолатларга эътиборни янада кучайтириш лозим:

- хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий қонунчилик механизмларини такомиллаштириш;

- тадбиркорларни лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-тамойиллар янада соддалаштириш;

- хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш муҳити яхшилаш ва ҳ.

М У Н Д А Р И Ж А

I ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Пардаев М.Қ.,Раҳимов Ҳ.А. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАН-ТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ, УНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ..... 3

Курбонов Ж.М.,Курбонова М.Ж.,Мусинова М. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОДЕЛИ……..... 6

Сейтмуратов Р.А.,Джалилов Ф. А. СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВ-НОСТЬ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ…… 8

Файзиев Ж.С.,Мамарасулов З.Э. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ АҲАМИЯТИ……. 11

Каримов М.,Каримова Ш.М., Саидов Н. СФЕРА УСЛУГ КАК ОБЪЕКТ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТ……..……. 16

Ниёзов З. Д., Даминов Ф. И. РАСШИРЕНИЕ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН……..... 19

Индиаминов С.И.,Суюнов С.Х. ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТЕМУРИЙЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ……. 22

Абдуллаев Ф. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНТИ-РИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ……..… 26

Мухаммедов М.М.,Таирова Д.А. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ…… 29

Қурбонов Ж.М.,Курбанова Р.Ж.,Қурбонов Ш.Ж. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ-НИНГ МОДЕЛИ……... 33

Суюнов С.Х.,Суюнова К.Б. ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ АҲОЛИ ФАРОВОН-ЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИДИР……..…… 36

Буранов О.Б.,Мусурмонов Р.М.,Жуманов Ш.Н. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМАХ……. 39

Халикова Л.Н. МАМЛАКАТ ОБОДЛИГИ, РАИЯТ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА ..… 43

Файзиев Ж.С.,Файзиев Ш.Ж.,Валиева Ф.Х. ХИЗМАТЛАРНИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ……...…… 47

Каримова Ш.,Каримов М. ФОРМИРОВАНИЕ БЛАГОПРИЯТНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В СФЕРЕ СЕРВИСА…… 50

Мирзаахмадов Д.,Ахмеджанова Ф.А. МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ…… 54
Мусаева Ш.А. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АХОЛИГА САВДО ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛ-ЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ…….. 58
Саламов И.С.,Назарова М.Ш. ЭКОЛОГИК ТОЗА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТ-ЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА “БУЮРТМА СТОЛ” ЛАРИ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИШ-НИНГ ИННОВАЦИОН ИМКОНИЯТЛАРИ..... 61

II ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Зайналов Ж.Р.,Латипова Ш.М.,Эргашев У. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ…… 66
Уразов К.Б.,Худайбердиев Н.У.,Бахромов А. ХОДИМЛАР БИЛАН УЛАРГА БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР АУДИТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ…….. 70
Зайналов Ж.Р.,Алиева С.С.,Очилов М. КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШДА РИСКЛАР ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ…….. 76
Сейтмуратов Р.,Облокулов Н. ЭКСПОРТГА МАХСУЛОТ ЧИҚАРАДИГАН КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ……. 80
Зайналов Ж.Р.,Қурбонова С.Б. КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ: ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ…….. 83
Зайналов Ж.Р.НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ СТРАТЕГИИ И ТАКТИКИ В ОБЛАСТИ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ……. 86
Зайналов Ж.Р.,Рузибаева Н.Х.,Қараев А. КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ……. 91
Уразов К.Б.,Ташназаров С.Н.,Худайбердиев С. БОЗОРЛАР ДАРОМАДЛАРИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИЙ АСОСЛАРИ…….. 95
Файзиева Ш.Ш.,Худайназаров Т.А. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ЭТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……... 101
Рофеев Д.Р.УЧЕТ И АУДИТ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕН НА ТОВАРЫ…..……... 105

Умирзоқов Д. Ф.,Мусаев Р.М. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ…….. 111
Ниёзов З.Д ., Мўминов О.,Мардонов М. АТБ “АГРОБАНК” САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСИҚБОЛЛАРИ……...……. 115
ТашназаровС.Н. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДАГИ МУТОНОСИБЛИКЛАР..... 119
Ниёзов З.Д .,Мўминов О.,Мардонов М. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.. 124
Шакаров А.Б.,Хонкелдиева Г.Ш.,Ахунова О., Холбоев У.Х. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ…….. 127
Эгамбердиева С.Р. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШУВИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ…. 129

III ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ, МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ

Янгибоев Б.,Қурбонов А.Б. ЯНГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ……... 134
Мухаммадиев Ў.А.,Худойқулов У.Ч. ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ…… 137
Бўранов О.Б.,Мусурмонов Р.М.,Жуманов Ш.Н. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ……. 142
Шавқиев Э.,Нормуродов У.,Рахимов З.К. РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ МУНТАЗАМ КЎТАРИШ − САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОР-ЛИГИНИ ОШИРИШ-НИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ……... 145
Zaynalov N.R.,Amriddinova R.S.,Zaynalova S.N. ZAMONAVIY BRONLASHTIRISH USULLARI TAHLILI…… 149
Шавқиев Э.,Нормуродов У.,Рахимов З.К. САВДО ХИЗМАТИ СИФАТИНИ КЎТАРИШДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ − МУҲИМ ОМИЛ……... 152
Цой М.П., Умарова З.О. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИЙ В ТУРИСТИЧЕСКОЙ СФЕРЕ……... 155
Хусаинова Л. Ю.,Саидов Н. Х. ОРГАНИЗАЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ В СИСТЕМЕ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ…….. 158
Бўранов О.Б., Мусурмонов Р.М., Рахманова Ф.М. МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА СТАНДАРТЛАШ ВА

СЕРТИФИКАТ-ЛАШ - МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР……. 161
Мусаева Ш.А., Файзиева И.И. БЕНЧМАРКИНГ – МИЛЛИЙ САНОАТИМИЗДА МАРКЕТИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА……..… 165

IV ШЎЪБА. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Асланова Д.Х.,Саттарова З.И. ТУРИСТСКАЯ КЛАСТЕРНАЯ ПОЛИТИКА И МЕХАНИЗМ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ……..……. 169
Suyarov A. Sh.,Tuxliyev I. S. INNOVATSION IQTISODIYOTDA TURIZMNING O'RNI..... 171
Мухаммедов М.М., Ахорова К. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЁЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН…….. 174
Алимова М.Т. ТУРИЗМГА ОИД ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯЛАР-НИНГ ИЛМИЙ ТАЪРИФЛАРИ ВА НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИНИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИШ……. 176
Zholzhanova N.T., Gumilyov L.N.,Gumarov A.A. PROBLEMS AND POTENTIALS OF HUMAN RESOURCES IN THE TOURISM INDUSTRY OF KAZAKHSTAN……... 181
Лапшин Н.В.,Лапшин В.Ю. ИННОВАЦИОННЫЙ МЕХАНИЗМ УПРАВЛЕНИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА……... 184
Тухлиев И.С.,Қўзибоев Б.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАН-ТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ…… 188
Усманов И.А., Файзиева И.И. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ТУРИСТСКОЙ ОТРАСЛЬЮ РЕГИОНА…….. 191
Маматқулов Х.М. ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ……..…… 194
Mamatqulova Sh.J., Narkulova Sh.,Saydullayev T. MAMLAKATIMIZDA XALQARO TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNINGISTIQBOLLARI…… 198
Маматкулова Ш.Ж. ТУРИЗМДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ…….. 203
Ахмеджанова Ф.А.,Қўзибоев Б.А. ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ СТАНДАРТ-ЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ……... 206
Суюнов С.Х.,Суюнова К.Б. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ…… 209
Маматкулова Ш.Ж.,Наркулова Ш.Ш.,Омонов Ш.Б. СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

МАСАЛАЛАРИ……... 214

V ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Асланова. Д.Х. ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ КЛАСТЕР, КАК ИНСТРУМЕНТ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В ТУРИЗМЕ……. 220
Навруз-Зода Б.Н. ЎҚИТИШНИНГ КОМПЕТЕНТЛИК МОДЕЛИ ВА УНИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАШ……..… 225
Мухаммедов М. М. ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ……...… 230
Тухлиев. И.С., Каримова.Ш. ТУРИЗМ СОҲАСИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ……...…. 235
Сейтмуратов Р.А., Джалилов Ф. А. ТЕНДЕНЦИИ МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ДЛЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА…. 237
Маматкулова Ш.Ж. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШ САМАРАДОР-ЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНО-ЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ……. 240
Shukurov I.,Kodirov J. XIZMAT KO’RSATISH SOHASI UCHUN RAQOBATBARDOSH KADRLAR TAYYORLASHDA TA’LIM MUASSASA-LARINING O’RNI……..……. 241
Рахимов З.О., Убайдуллаев Р. Қ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯ-ЛАРНИНГ ЎРНИ…… 244
Қурбонов С.Қ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ……..……... 247
Xusainova L.Yu.,Abduvaytov A. ROLE OF BUSINESS ENGLISH IN TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED SPECIALISTS FOR SERVICE SPHERE.. 251
Тухлиев. И.С.,Абдухамидов С.А..,Хайдаров О.З. ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ШАКЛ-ЛАНТИРИШ……..……..... 254
Амриддинова. Р.С.,Абдусаидова Ш.Я. ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН «ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ФАНИ СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ…….. 257
Адилова С.А. ВИДЕОЗАПИСИ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ……. 260

VI ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Пардаев. М.Қ., Болтабаев М.У. МАМЛАКАТИМИЗДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ-ЛАРИ..... 263

Мухаммадиев У.А., Худойкулов У.Ч. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КАЧЕСТВА ЭКСПЛУА-ТАЦИИ МАГИСТРАЛЬНЫХ ТРУБОПРОВОДОВ… 266

Пардаев. М.Қ., Тагирова. Н.Б., Мамаюнусова. М.О. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... 270

Ниёзов. З.Д., Мирзакобилов. Ж.Қ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ……..…….... 274

Пардаев. М.Қ., Рахимов М.Ў. ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАН-ТИРИШ, УЛАРНИНГ МАВЖУД САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ..... 277

Муҳаммедов М.М., Жалилов Ш. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ-ДА МИКРОКРЕДИТНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... 280

Мухаммадиев У.А.,Юзбаева. М.З. САМАРҚАНД ШАҲРИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ…….. 283

Пардаев. М.Қ., Мамаюнусов Т.О. ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ КАМАЙТИРИШ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... 286

Жумаева Г.Ж. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИГА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ……..... 288

Мардиев Н. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ……..…….. 292

«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани

(2017 йил, 25-27 май)

2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табоқ 18.75
Буюртма № 51 Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А.Темур кўчаси, 9 уй.